


Кичик үзгаришлар,
кatta натижалар



Яхши одатларни ҳосил қилиш ҳамда
ёмонларидан халос бўлишнинг осон ва
синашта усули

Жеймс Клир

15
R-50

Жеймс Клир

АТОМ
ОДАТЛАР

АКМН

106683

ATOMIC HABITS

An Easy & Proven Way
to Build Good Habits &
Break Bad Ones

**Tiny Changes,
Remarkable
Results**

16
К-50

АТОМ ОДАТЛАР

Яхши одатларни ҳосил қилиш ҳамда
ёмонларидан халос бўлишнинг
осон ва синашта усули

106683 РУГ

Кичик ўзгаришлар,
катта натижалар

УЎК 159.923.2

КБК 88.37

К 50

КЛИР, Жеймс

Атом одатлар [Матн]: / Жеймс КЛИР; таржимон Сарвиноз Қосимова. – Тошкент : NIHOL, 2021. – 300 6.

ISBN 978-9943-23-194-8

Таржимон

Сарвиноз Қосимова

“Asaxiy Books” лойиҳаси доирасида таржисма ва чоп қилинди.

Етакчи экспертлардан бири Жеймс Клир “Атом одатлар” китоби орқали яхши одатларни касб қилиш, ёмонларидан халос бўлиш ва катта натижаларга олиб борувчи майда одатларни қандай эгаллашни ўргатади. Агар ўрганган феъл-авторингизни ўзгартириш қийин кечса, муаммо ўзингизда эмас. Ёмон одатлар уларни ўзгартиришини истамаганингиздан эмас, балки нотўғри ўзгаришларга амал қилаётганингиз учун ҳам йўқолмайди. Муаллиф ёмон одатлардан буткул халос бўлиб, фақат яхши одатлар билан қолишга ёрдам берадиган ушбу қўлланмани ёзишда биология, психология ва неврологиянинг энг охирги кашфиётларига таянган.

УЎК 159.923.2

КБК 88.37

ISBN 978-9943-23-194-8

© “Asaxiy Books” МЧЖ, 2021

© 2018 by James Clear

МУНДАРИЖА

КИРИШ. Менинг ҳикоям	9
АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР. Нега кичик ўзгаришлар катта натижаларга олиб келади?	21
Атом одатларнинг ҳайратланарли кучи	22
Одатлар шахсиятни қандай шакллантиради?	41
Яхши одатларни шакллантиришнинг тўрт оддий босқичи	57
БИРИНЧИ ҚОИДА. Одат яққол бўлиши керак	73
Кўриниши яхши бўлмаган одам	74
Янги одатни бошлишнинг энг яхши йўли	84
Мотивацияга ортиқча баҳо берилади. Мухитнинг аҳамияти каттароқ	96
Интизом сири	108
ИККИНЧИ ҚОИДА. Одат жозибали бўлиши керак	115
Одатни қандай жозибали қилиш мумкин?	116
Одатлар шаклланишида яқин инсонлар ўрни	131
Ёмон одатлар сабабини аниқлаш ва уларни йўқотиш	144
УЧИНЧИ ҚОИДА. Одат осон бўлиши керак	157
Секин юрсангиз ҳам, чекинманг	158
Кучни тежаш қонуни	166
Икки дақиқа қоидаси	178
Яхши одатларни муқаррар, ёмонларини эса имконсиз қилиш	189
ТЎРТИНЧИ ҚОИДА. Одат қониқарли бўлиши керак	201
Хулқ-атвор ўзгаришининг бош қоидаси	202
Яхши одатларни қандай канда қилмаслик мумкин?	216

Одатни шакллантиришда дўстлар ёрдами	229
ИЛГОР УСУЛЛАР. Яхшидан чинакам буюкка қандай айланиш мумкин?	239
Истеъдод ҳақида ҳақиқат (ирсият қачон аҳамиятли бўлади?)	240
Олтин меъёр қоидаси: иш ва ҳаётда мотивацияни қандай сақлаш мумкин?	254
Яхши одатларнинг салбий жиҳати	265
ХОТИМА. Давомли натижалар сири	278
ИЛОВА	
Энди нимани ўқиш керак?	282
Тўрт қоиданинг кичик хуносалари	283
Бу ғояларни бизнесга қандай татбиқ қилиш мумкин?	291
Ушбу ғояларни фарзанд тарбиясига қандай татбиқ қилиш мумкин?	292
ТАШАККУРНОМА	293

а-том

• •

1. Ўта кичик миқдордаги модда; тизимнинг энг кичик, бўлинмайдиган қисми.
2. Улкан қувват манбаи.

о-дат

• •

1. Доимий равишда бажариладиган ҳаракат; маълум вазиятга нисбатан автоматик жавоб реакцияси.

КИРИШ

МЕНИНГ ҲИКОЯМ

МЕНИНГ ҲИКОЯМ

10-синфни битираётган кунимизда бейсбол таёқчаси юзимга кучли зарб билан урилган. Синфдошим тўпни уриш учун таёқчани қаттиқ силтагандা, таёқча унинг қўлидан сирғалиб чиқиб тўғри мен томонга учиб келди ва пешонамга урилди. Ўша зарб еган онимни ҳанузгача эслай олмайман.

Таёқча юзимга куч билан урилганидан у бурнимни мажақлаб ташлади. Зарба таъсирида миямдаги юмшоқ тўқималар бош суягимнинг ички деворига куч билан урилди. Натижада бошимда шишлар пайдо бўла бошлади. Бир сония ичида бурним синди, бош суягим бир неча жойдан дарз кетди, иккала кўз косам ҳам дабдала бўлганди.

Кўзимни очганимда одамлар менга хавотир билан қараб турар, баъзилар эса ёрдамга чақириб югуриб юрар эди. Уст-бошимга қараб кийимимдаги қизил доғларга кўзим тушди. Синфдошларимдан бири футболкасини ечиб, менга узатди. Мен у билан синган бурнимдан оқаётган қонни тўхтатмоқчи бўлдим. Зарбадан эсанкираб қолганим сабабли жароҳатим нақадар хавфли эканини англамас эдим.

Үқитувчим елкамдан ушлаб олди ва мени ҳамширанинг хонасига олиб кетди. Биз үзок йўл юриб спорт майдончасидан ўтдик, сўнг тепаликдан пастга тушдик ва мактаб биносига бордик. Нотаниш қўллар у ер-бу еримдан тутиб, тик туриб юришимга ёрдам берарди. Шошилмасдан, секин юрардик. Ҳар бир сония ғанимат экани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади.

Ниҳоят, ҳамширанинг хонасига етиб бордик ва у мени текшириш учун қатор саволлар берди.

- Ҳозир нечанчи йил?
- 1998, – дея жавоб бердим. Аслида, ўшандада 2002 йил эди.
- АҚШ президенти ким?
- Билл Клинтон, – дедим мен. Тўғри жавоб Жорж Буш эди.
- Онангизнинг исми нима?
- Ҳалиги... – дея ўйланиб қолдим. Орадан 10 сония ўтди.

Кейин эса ўз онамнинг исмини эслаш учун 10 сония кетганига парво қилмагандек, “Патти” деб жавоб қайтардим.

Бу эсимда қолган охирги савол бўлди. Миямдаги шишлар тез кўпаяётганди. Мен үнга ортиқ бардош бера олмадим ва тез ёрдам машинаси етиб келгунча ҳушдан кетиб қолдим. Тез орада мени яқин атрофдаги шифохонага олиб боришиди.

10 | Шифохонага қабул қилишганидан сўнг танам ишлашдан тўхташни бошлади. Нафас олиш ва ютиниш ҳам қийинлашди. Ҳаётимда биринчи марта тутқаноқ тутди. Сўнг умуман нафас ололмай қолдим. Шифокорлар мени кислород билан таъминлашга уринаётган пайтда мени бу шифохонада даволаш учун етарли ускуналар йўқлигига кўзи етди. Улар мени Цинциннатидаги каттароқ шифохонага жўннатиш учун вертолёт чақириди.

Мени тез ёрдам хонасидан ташқариға, кейин эса йўлнинг нариги бетида турган вертолётга олиб боришиди.

Бир ҳамшира аравачани ўнқир-чўнқир йўлдан итарар, бошқаси эса қўлидаги қопча билан менга сунъий нафас берарди. Шифохонага эндингина етиб келган онам вертолётга тирмашиб чиқиб, ёнимга ўтириб олди. Парвоз пайтида у қўлимни ушлаб кетарди. Мен эса ҳушсиз ва мустақил нафас ололмай ётардим. Худди шу пайтда отам укам ва синглимга қараб туриш ва уларни бўлган воқеадан боҳабар қилиш учун уйга шошарди. У саккизинчи синфда ўқийдиган синглимнинг битирув маросимига қатнаша олмаслигини тушуниришига ҳаракат қилас экан, кўз ёшларини тўхтата олмасди. Укаларимни қариндошларимиз қўлига топширгач, онамнинг ёнида бўлиш учун у ҳам Цинциннатига йўл олди.

Шифохона томига қўнганимиздан сўнг йигирмага яқин шифокор ва ҳамшира қўниш майдончасига югуриб келди ва мени травматология бўлимига олиб кетди. Бу вақтга келиб миямдаги шиш шу қадар кучайиб кетгандики, талvasалар тўхтамасдан бир-бирига уланиб кетарди. Синган сүякларимни дарҳол тиклаш керак эди, аммо мен операцияга ярамасдим. Учинчи куни ҳамон давом этган навбатдаги талvasадан кейин мени дори билан сунъий комага туширишди ва сунъий нафас аппаратига улаб қўйишиди. Шифохона ота-онамга бегона эмас эди. Ўн йилча аввал уч ёшли синглимда оққон касаллиги аниқланганда ҳам улар шу эшиклардан кирганди. Ўшанда мен беш ёшда, укам эса атиги олти ойлик чақалоқ эди. Синглим икки ярим йил давомида ўсмага қарши кимётерапия олди, унинг орқа мия суюқлиги ҳамда сүяк кўмигидан кўп марта намуналар олинди. Ниҳоят, ўтказилган даво чораларидан кейин синглим хурсанд, ўзини яхши ҳис қилган ҳолда ва энг муҳими касалликдан бутунлай фориғ бўлиб, шифохонадан ўз оёқлари билан юриб чиқиб кетди. Энди эса орадан ўн йил ўтар-ўтмас, ота-онам бу ерга бошқа фарзандининг ортидан яна келди.

Комага тушган пайтим шифохона маъмурияти отонамга тасалли бериш учун руҳоний ва ижтимоий ходим жўнатди. Руҳоний ўн йил аввал синглимда оқон касаллиги аниқланганда уларга юпанч берган одам бўлиб чиқди.

Кун тунга алмашар экан, бир гуруҳ қурилмаларгина мени тирик ҳолда сақлаб турарди. Ота-онам тунни шифохонанинг ноқулай ўриндиқларида ўтказди. Ҳолдан тойиб бир муддат мудраб қолса, тез орада хавотирдан яна үйғониб кетар эди. Кейинроқ онам менга бу унинг умридаги энг ёмон кечада бўлганини айтган.

СОГЛИГИМНИНГ ТИКЛANIШI

Минг шукурки, эртаси куни эрталаб нафас олишим бирмунча тикланди ва шифокорлар мени комадан чиқаришга қарор қилди. Ўзимга келганимда умуман ҳид сезмаётганимни билдим. Буни тасдиқлаш учун ҳамшира мендан бурнимни қоқиш ва олма шарбатини ҳидлаб кўришни сўради. Ҳид сезгим дарҳол тикланди. Аммо бурнимни қоқиш пайтида ҳаво сүякнинг синган жойларидан ўтиб, кўз косамга кириб борганди. Натижада, ҳаммани қўрқитиб, чап кўзим бўртиб чиқиб қолди. Кўзим косасидан чиқиб кетай деб турар, фақатгина мия билан туташтирувчи кўз нерви ва қовоғим уни базўр ушлаб турар эди.

Шифокор ҳаво чиқиб кетгандан кейин кўз яна ўрнига тушишини, бироқ бунга қанча вақт кетиши аниқ эмаслигини айтди. Суякларни тиклаш бўйича операция бир ҳафта кейинга қолдирилди. Бу эса ўзимни тиклаб олишим учун қўшимча вақт эди. Мен ҳудди боксда роса калтак еган одамга ўхшаб кўринардим. Шунга қарамай шифокорлар уйга кетишимга рухсат берди. Мен уйга бурним синган, бош сүягимнинг бир неча жойидан дарз кетган ва чап кўзим бўртиб чиқиб турган ҳолда қайтдим.

Кейинги ойлар жуда оғир кечди. Соғайишдан ҳеч қандай дарак йўқ эди гўё. Бир неча ҳафта нарсаларни

иккита кўриб юрдим. Том маънода бурнимнинг тагидаги нарсаларни кўра олмасдим. Бир ойдан сўнгина кўзимнинг соққаси ўз ўрнига қайтди. Тутқаноқлар ва кўриш билан боғлиқ муаммолар туфайли фақат саккиз ойдан кейингина яна машина ҳайдай олдим. Соғломлаштириш даврини тўғри чизиқ бўйлаб юриш сингари энг оддий ҳаракатлар қилишдан бошладим. Жароҳатни енгиб ўтишга қаттиқ аҳд қилган эдим, аммо баъзан тушкунликка тушиб, ўзимга бўлган ишончим йўқолиб қоларди. Орадан бир йил ўтгач, бейсбол майдончасига қайтганимда ҳали тўлиқ ўзимга келишдан анча узоқ эканимни ҳис қилиб умидсизликка тушиб қолдим. Бейсбол ҳаётимда алоҳида ўрин тутарди. Отам “Сент-Луис Кардиналс” жамоасида кичик лигада ўйнаган. Менинг ҳам профессионал ўйинчи бўлиш ниятим бор эди. Ойлаб даволанишдан кейин биттаю битта орзум ўйин майдонига қайтиш эди.

Бироқ орзумга етишиш осон бўлмади. Янги мавсумда биргина мени катта бейсбол жамоасига қабул қилишмади. Бунинг ўрнига ўзимдан кичик ўйинчилардан иборат кичик жамоага ўtkазиб қўйишиди. Мен бейсбол билан тўрт ёшимдан бери шуғулланиб келаман. Спортга шунча вақтини ва ғайратини бағишилаган одам учун бу ниҳоятда ташқири ҳадиси. Ўша кунни худди кечагидек эслайман. Мен машинада ўтириб олиб йиғлардим ва кўнглимни кўтарадиган бирон-бир қўшиқ қидириб, радио каналларини ўзгартирадим.

Бир йил ич-этимни кемириб юрдим. Ниҳоят мени катта жамоага қабул қилишди. Аммо ўйинларга кам тушар эдим. Мавсум давомида атиги ўн битта иннингда иштирок этдим. Бу битта тўлиқ ўйиндан сал ошар эди.

Юқори синфдаги мақтовга арзимас каръерамга қарамай, мен ҳали ҳам буюк бейсболчи бўлишимга ишонардим. Бундан ташқари, аҳволимни яхшилаш фақат ўзимнинггина қўлимдан келишини яхши тушунар эдим. Жароҳат олганимдан икки йил ўтгач, Денисон

университетига ўқишига кирдим ва шундан сўнг ҳаётимда кутилмаган ўзгариш рўй берди. Айнан шу ерда ҳамма нарса янгидан бошланди ва айнан шу ерда кичик одатларнинг ҳайратли кучини илк бора кашф қилдим.

ОДАТЛАРНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНГАНИМ ҲАҚИДА

Денисон университетини танлаганим ҳаётимдаги энг яхши қарорларимдан бири бўлди. Мен университет бейсбол жамоасидан ўрин олишига муваффақ бўлдим. Гарчи биринчи босқич талабаси сифатида рўйхатнинг энг охирида бўлсан ҳам бошим осмонда эди. Юқори мактабдаги алғов-далғов ҳаётимга қарамасдан, университетда тузуккина спортчига айлана олдим.

Бейсбол ўйинларида ҳали-бери қатнашмаслигим аниқ эди. Шу сабабли бошқа ишларимни тартибга солишга қарор қилдим. Тенгдошларим кечаси билан ухламай, видео ўйинлар ўйнаб чиққан пайтда мен соғлом кун тартибини яратиш учун барвақт ўйқуга кетишни одат қилдим. Университетнинг бетартиб ётоқхонасида ўз хонамни озода ва саранжом сақлашга қаттиқ киришдим. Гарчи бу ўзгаришлар кичик бўлса-да, ҳаётимни ўзим назорат қилаётганимни ҳис қилардим. Ўзимга бўлган ишонч яна пайдо бўла бошлади. Биринчи босқични мен фақат “аъло” баҳолар билан тамомладим.

Одат – ҳар куни бажариладиган иш ёки кўп ҳолларда автоматик тарзда бажариладиган хатти-ҳаракатdir. Ҳар янги семестрда кичик, аммо үзлуксиз бажариладиган одатларни шакллантириб бордим. Улар охир-оқибатда аввалига ҳаёлимга ҳам келмаган натижаларга олиб келди. Мисол учун, ҳаётимда биринчи марта ҳафтасига бир неча марта тош кўтаришни бошладим. Кейинчалик 193 см бўйим билан дастлаб камтаргина 77 килограммлик тошни, кейин эса мақтанишга арзигулик 90 килограммдан ортиқ оғирликни кўтардим.

Иккинчи курснинг бошида ўйинни бошлаб берувчи питчер даражасигача кўтарилдим. Учинчи курсда мени

жамоа сардори этиб сайлашди. Мавсум охирида эса энг сара ўйинчилар жамоасига ўтдим. Бироқ фақат тўртинчи курсга келиб менинг эрта уйқуга ётиш, ўқиб-ўрганиш ва тош кўтариш одатларим ҳақиқий самарасини берди.

Бейсбол таёқчаси бошимга үрилиб олган жароҳатимдан шифохонада комага тушганимдан олти йил ўтгач, мен Денисон университетининг энг яхши эркак спортчиси деб топилдим ва бутун мамлакат бўйлаб фақат 33 нафар ўйинчига насиб қиласидиган ESPN академик умумамерика жамоасига қабул қилиндим. Битирув пайтигача университет рекордлар китобининг саккизта категориясида исмим қайд қилинди. Ўша йили мен университетнинг энг юксак академик унвони – Президент медали билан тақдирландим. Агар юқорида ёзганларим мақтанчоқликка ўхшаб кетган бўлса, минг бор узр сўрайман. Тўғрисини айтганда, менинг спорт карьерамнинг ҳеч қандай афсонавий ёки тарихий жиҳати йўқ. Мен барибир профессионал ўйинчи бўла олмадим. Бироқ ўша пайларга назар соганимда ноёб ишни амалга оширганимни, яъни ўз имкониятимни тўлиғича намоён қила олганимни кўраман. Чин дилдан үмид қиласманки, ушбу китобда келтирилган ғоялар сизга ҳам имкониятингизни намоён қилишга ёрдам беради.

Барчамиз ҳаётда турли қийинчиликларга дуч кела-
миз. Менинг қийинчилигим эса олган жароҳатим бўл-
ди. Бошимдан ўтказгандарим муҳим бир нарсани ўр-
гатди: кичик ва аҳамиятсиз кўринган ўзгаришлар ҳам,
агар доимий равишда такрорланса, йиллар давомида
ҳайратли натижаларга олиб келади. Ҳаммамиизда ҳам
ишимиз юришмаган пайлар бўлади.¹ Бироқ турмушимиз
сифати одатларимизнинг сифати билан боғлиқ. Аввалги

¹ “Омад-чи?” деб ўйлаётгандирсиз. Омад ҳам катта аҳамиятга эга, албатта. Одатлар муваффақиятнинг ягона гарови эмас, аммо у биз назорат қила оладиган омиллар ичига энг муҳимири. Айнан бизга боғлиқ омиллар устида ишлашгина ўзини оқлайди.

одатларингиз билан аввалгидек натижаларга эришасиз. Аммо уларни яхшироқ одатга айлантирсангиз, имконсиз нарсанинг ўзи қолмайди.

Эҳтимол, бир кечанинг ўзида улкан натижаларга эриша оладиган инсонлар ҳам бордир. Аммо мен бундай одамларнинг бирортасини танимайман. Ўзим ҳам, табиийки, бу тоифага кирмайман. Жароҳат олган кунимдан то юксак мукофотларга эришгунимгача ҳеч қандай кескин ўзгариш бўлмаган. Бу аста-секин кечган эврилишлар, кичик ютуқлар ва майда муввафқиятлар занжири эди. Ривожланишнинг мен танлаган ва танлаш иммокин бўлган ягона йўли бу кичик ўзгаришлар бўлди. Бир неча йилдан сўнг ўз бизнесимга асос солиб, қўлингиздаги китобни ёзишни бошлаганимда ҳам худди шу тамойилга амал қилдим.

КИТОБ НИМА УЧУН ВА ҚАНДАЙ ЁЗИЛДИ?

2012 йилнинг ноябрь ойида мен “jamesclear.com” сайти учун мақолалар ёза бошладим. Йиллар давомида мен одатлар ҳақидаги ўй-фикрларимни ёзиб борар эдим. Ниҳоят уларни кенг омма билан ўртоқлашиш вақти келганини ҳис қилдим. Ҳар душанба ва пайшанба янги мақола ёзардим. Бир неча ой ичида бу арзимас одат туфайли минглаб обуначилар пайдо бўлди. 2013 йил охирида уларнинг сони 30 мингдан ошди.

2014 йилда эса улар юзмингдан ошди. Натижада “jamesclear.com” интернетдаги энг оммалашаётган сайтлардан бирига айланди. Икки йил аввал илк мақолаларимни ёза бошлаганимда ўзимни худди чала билган нарсаларим ҳақида ёзаётгандек ҳис қилган бўлсам, эндиликда одатлар бўйича мутахассис сифатида ном чиқара бошладим. Бу бир томондан кайфиятимни кўтарди, бошқа томондан эса ўзимни ноқулай ҳис қилдим. Ўзимни ҳеч қаҷон бу соҳанинг мутахассиси деб санамаганман. Аксинча, муштариylарим билан биргалиқда турли тажрибалар ўтказяпман, деб ҳисоблардим.

2015 йилга келиб, обуначиларим сони икки юз мингга етди ва мен “Penguin Random House” нашриёти билан қўлингиздаги китобни ёзиш бўйича шартнома имзоладим. Обуначиларим кўпайиб борган сари бизнес имкониятларим ҳам кенгайиб борди. Тобора кўпроқ компаниялар мендан одатларни шакллантириш, хулқ-атворни ўзгартириш ва ўз устида доимий ишлаш бўйича маъруза қилишга таклиф этарди. Тез орада АҚШ ва Европадаги анжуманларда асосий маърузачи сифатида қатнаша бошладим.

2016 йилдан бошлаб мақолаларим “Time”, “Entrepreneur” ва “Forbes” сингари йирик газета ва журналларда мунтазам чоп этила бошлади. Ўша йили мақолаларимни саккиз миллион киши ўқиганини ақлимга сиғира олмасдим. NFL (Миллий футбол лигаси), NBA (Миллий баскетбол ассоциацияси) ва MLB (Асосий бейсбол лигаси)даги мураббийлар ёзганларимни ўқиб, уларни ўз жамоалари билан ўртоқлашди.

2017 йил бошида иш ва шахсий ҳаётда яхшироқ одатларни шакллантиришни истаган инсонлар ва ташкилотларга хизмат кўрсатувчи илфор платформалардан бирига айланган “Habits Academy”га асос солдим. “Fortune-500” рўйхатига кирган нуфузли компаниялардан тортиб ёш стартапларгача раҳбар ва ходимларини ўқишига юбора бошлади. Жами ўн мингдан ортиқ раҳбарлар, лидерлар, менежерлар, мураббий ва ўқитувчилар “Habits Academy”ни муваффақиятли тамомлади. Улар билан | 17 ишлаш давомида реал ҳаётда одатларни йўлга қўйиш учун нималар зарур бўлиши ҳақида қимматли билимлар олдим.

2018 йилда китоб деярли тайёр бўлиб қолганда “jamesclear.com”ни миллионлаб обуначилар ўқир, электрон почтамдаги ахборот бюллетенига эса қарийб беш юз минг киши обуна бўлган эди. Бу рақамлар фаолиятимни бошлаган пайтдаги кутувимга нисбатан шунчалар кўпки, буни қандай изоҳлашни ҳам билмайман.

Бу китоб сизга қандай наф келтиради?

Тадбиркор ва инвестор Навал Равикант айтганидек, “Яхши китоб ёзиш учун муаллиф бутун борлиғи билан шу китобга айланиши керак”. Китобда келтирилган ғояларни ўзимнинг бошимдан кечириш орқали ўргандим. Жароҳатдан сўнг ўзимни ўнглаб олиш, спорт залида кучимни ошириш, ўйин майдонида яхши натижаларга эришиш, ёзувчи бўлиш, муваффақиятли бизнесни йўлга қўйиш ва масъулиятли етук инсон бўлиш учун кичик одатларга таянишга мажбур бўлганман. Улар менга ўз потенциалимни намоён қилишга кўмаклашган. Ушбу китобни қўлингизда тутиб турар экансиз, сиз ҳам ўз потенциалингизни тўлалигича намоён қилишни истайсиз, дея тахмин қила оламан.

Китобнинг кейинги қисмларида мен яхшироқ одатларни шакллантиришнинг қадам-бақадам режаси билан ўртоқлашаман. Бу одатлар бир неча кун, ҳафта ёки ой эмас, балки бутун умр сиз билан қолади. Гарчи китобда келтирилган ғояларнинг барчаси илмий жиҳатдан исботланган бўлса ҳам, китоб илмий иш эмас, балки амалий қўлланмадир. Одатларни ўзгартириш ва янгиларини яратиш санъатини тушуниш ва амалда татбиқ қилишни қулай тарзда ёритар эканман, сиз ҳар бир саҳифада ёрқин мисоллар, фойдали маслаҳатлар ва амалий тавсияларга дуч келасиз.

Китобни ёзиш пайтида асос бўлган биология, нейрология, фалсафа, психология ва бошқалар аввалдан мавжуд. Мен таклиф қилаётганим донишманд кишилар аллақачон тушуниб етган ғоялар ва сўнгги йилларда олимлар томонидан қилинган энг ҳаяжонли кашфиётлар қоришмасидир. Вазифам ушбу ғоялар ичидан энг муҳимларини танлаш ва уларни осонлик билан амалиётга боғлашдан иборат деб умид қиласман. Китобни мутолаа қилиш давомида учратган барча доно фикрлар менгача бўлган закий кишиларга тегишли. Бирорта аҳмоқона гап ўтган бўлса, у менинг хатом бўлади.

Китоб тўрт босқичли одат модели (сигнал, истак, жавоб ва мукофот) ҳамда ушбу босқичлардан келиб чиқадиган хулқ-автор ўзгаришларининг тўрт қоидасини ёритиб беради. Психологиядан хабардор инсонлар учун оперант шартлиликтан оид айрим атама ва тушунчалар таниш бўлса ажаб эмас. Оперант шартлилик тушунчасини илк бор Б.Ф.Скиннер 1930 йилда “стимул (қизиқтирувчи омил), жавоб ва мукофот” кўринишида фанга киритган. Кейинроқ эса Чарльз Даҳигтнинг “Одатлар кучи” китобида “сигнал, аниқ белгиланган тартиб (рутина) ва мукофот” тарзида оммалаштирилган.

Скиннер сингари бихевиорист олимлар тўғри жазо ёки мукофот ёрдамида инсон хулқ-авторини маълум йўналишга ўзгаририш мумкинлигини таъкидлайди. Гарчи Скиннернинг модели ташқи таъсиrlар одатларга қандай таъсиr қилишини жуда яхши тушунтириб берса ҳам, у ўйларимиз, туйғуларимиз ва эътиқодимиз хулқ-авторимизга таъсиr ўтказиши ҳақида мақбул бир изоҳ бермайди. Инсоннинг ички ҳолати, яъни кайфияти ва ҳислари ҳам катта аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда олимлар фикрларимиз, туйғуларимиз ҳамда хулқ-авторимиз ўртасидаги боғлиқликни аниқлай бошлади. Мазкур тадқиқотлар ҳам қўлингиздаги китобда ёритилган.

Умумий қилиб айтганда, мен таклиф қилаётган ёндашув – когнитив ва бихевиористик фанларнинг үйғунлашган моделидир. Мен ушбу модельни инсон хулқ-авторига ҳам ташқи, ҳам ички омилларнинг таъсирини ҳисобга оладиган биринчи модел деб ҳисоблайман. Айрим таниш ғоя ва тушунчалардан фойдаланилганига қарамасдан, ишонаманки, китобда келтирилган майдадеталлар ҳамда хулқ-автор ўзгаришининг тўрт қоидаси одатларни тушунтиришда янгича ёндашувни тақдим этади.

Инсон хулқ-автори доимий равишда, ҳар дақиқада, бир вазиятдан бошқасига ўтганда ўзгариб туради. Ушбу

АТОМ ОДАТЛАР

китоб эса инсон табиатининг ўзгармайдиган жиҳатларига, хулқ-авторнинг асосларига бағишиланган. Унда келтирилган тамойиллардан йиллар ўтса ҳам фойдаланиш мумкин. Ундаги ғояларга асосланган ҳолда бизнесга асос солиш, оилани юритиш ва ҳатто бутун умрни ҳам режалаштириш мумкин.

Яхшироқ одатларни шакллантиришда яккаю ягона түғри йўл йўқ, аммо мен китобда ўзим биладиган энг яхши йўлни келтирганман. Ўзгаришларни қаердан бошлашингиз ёки нимани ўзгартирмоқчилигингииздан қатъи назар, ундаги тавсиялардан фойдаланиш самара беради. Китобда келтирилган ғоялар моддий аҳволини ўнглаш, иш самарадорлигини ошириш, инсоний муносабатларни яхшилаш ёки юқоридагиларнинг барчасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган инсон учун қизиқарли бўлади. Инсон хулқ-автори тўғрисидаги китоб ҳамма учун қимматли қўлланмадир.

АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР

НЕГА КИЧИК
ҮЗГАРИШЛАР КАТТА
НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ
КЕЛАДИ?

1

АТОМ ОДАТЛАРНИНГ ҲАЙРАТЛАНАРЛИ КУЧИ

Британия велосипедчилари федерациясининг тақдири 2003 йилнинг бир кунидаёқ бутунлай ўзгарди. Британия профессионал велопойгачилари бош ташкилоти Дэйв Брэйлсфордни натижалар бўйича янги директор сифатида ёллади. Деярли бир асрдан бери Буюк Британия велоспортчилари ўртасида ўртамиёналик ҳукмронлик қиласарди. Улар 1908 йилдан бери Олимпиада ўйинларида атиги бир мартағина олтин медалга сазовор бўлган. Велоспорт бўйича энг нуфузли мусобақа “Тур де Франс”-даги натижалар эса бундан-да аянчли аҳволда эди. Сўнгги 110 йил ичидаги бирорта ҳам британиялик спортчи бу мусобақада ғолиб бўлмаганди.

Британия велоспортчиларининг нуфузи шу қадар тушиб кетган эдикни, энг йирик велосипед ишлаб чиқарувчилар уларга ўз маҳсулотларини сотишдан бош тортарди. Чунки британиялик велопойгачилар уларнинг велосипедларидан фойдаланаётганини кўрган бошқа спортчилар харидни тўхтатишидан қўрқарди.

Брэйлсфорд Британия велоспортчилари федерациясининг аҳволини ўнглаш ва уни янги даражага олиб чиқиш учун ишга олинганди. Унинг бошқа мураббийлардан фарқ қилиб турувчи асосий жиҳати “майда устунликларни жамлаш” стратегиясига содик қолишида эди. Ушбу

стратегиянинг бош мақсади ҳар бир бажарилаётган ишда такомиллаштириш мүмкун бўлган митти имкониятларни қидиришдан иборат. Брейлсфорднинг ўзи бу борада қўйидагиларни айтган: “Агар велосипед ҳайдаш билан боғлиқ барча жараёнлар таркибий қисмларга бўлиб чиқилса ва улар ҳеч бўлмагандан бир фоиздан яхшиланса, йиғинди сезиларли натижаларга олиб келади. Менинг иш услубим шу тамойилларга асосланади”.

Брейлсфорд ва унинг қўл остидаги мураббийлар профессионал велосипедчилар билан боғлиқ жараёнларга кичик ўзгартиришлар кирита бошлади. Велосипед ўриндиқлари янги, қулайроқлари билан алмаштирилди. Филдираклар ерга яхшироқ тирмашиши учун уларга спирт суртилди. Спортчиларга машғулотлар давомида мушаклар самарали ишлашини таъминлаш учун электр билан иситиладиган устки кийимлар тарқатилди. Ҳар бир спортчи машқларни қандай бажараётганини назорат қилиш учун биоҳисбот берувчи сенсорлардан фойдаланилди. Жамоа шамол туннелида турли материаллардан тикилган кийимларни синаб кўрди. Натижада енгиллиги ва ҳаво қаршилигини яхшироқ енгигб ўтгани сабабли очиқ ҳавода кийиладиган кийимлар ёпиқ залда кийишга мўлжалланган кийимга алмаштирилди.

Жамоа юқоридагилар билан қаноатланиб қолмади. Брейлсфорд ва унинг мураббийлари бир фоизлик яхшилаш имкониятларини аввал кўздан қочирилган ва кутилмаган жойлардан топишда давом этди. Улар турли хилдаги массаж гелларидан фойдаланиб, қайсилари мускулни энг тез вақтда тиклашини ўрганди. Улар ёллаган жарроқ спортчиларга қўлни тўғри ювишда бажариладиган ҳаракатларни ўргатди. Бу эса тумов юқтириб олиш эҳтимолини камайтирди. Шунингдек, тунда яхшироқ ухлашга ёрдам берадиган янги ёстиқ ва тўшаклар ҳам танланди. Улар ҳатто жамоанинг юк машинаси ички қисмини оқ рангга бўяб чиқди. Натижада

пойга велосипедларининг нозик механизмлариға шикаст етказиши мүмкун бўлган, аммо одатда эътибордан четда қолиб кетадиган чангни аниқлаш енгиллаши.

Шу ва шунга ўхшаш юзлаб майдага ўзгаришларнинг таъсири жамланиб борар экан, натижалар ҳеч ким кутмаган тезлиқда кўзга ташлана бошлади.

Брейлсфорд бошқарувга келганига беш йил ўтар-ўтмас Британия велосипедчилар жамоаси 2008 йилда Пекинда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида барча турдаги велосипед пойгаларида устунликни намоён қилди.¹ Улар мавжуд олтин медалларнинг олтмиш фоизини қўлга киритди. Тўрт йилдан кейин Лондонда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида эса тўқизта Олимпиада рекорди ва еттига жаҳон рекорди янгиланиб, янада юқорироқ марраларга эришилди.

Шу йилнинг ўзида Брэдли Уиггинс “Тур де Франс”да ғолиб бўлган биринчи британиялик велопойгачига айланди. Кейинги йили унинг жамоадоши Крис Фрум ғалаба қозонди. Фрум 2015, 2016 ва 2017 йилларни ҳам муваффақиятли якунлади. Хуллас, Британия жамоаси олти йил ичида беш марта “Тур де Франс” ғолибига айланди.

2007 йилдан 2017 йилгача бўлган 10 йил оралиғида британияликлар Жаҳон чемпионатида 178 марта, “Тур де Франс” мусобақаларида беш марта ғолиб бўлди. Олимпия ёки Паралимпия ўйинларида олтмиш олтига олтин медал қўлга киритилди. Бу велоспорт тарихида энг муваффақиятли давр сифатида кўпчилик томонидан тан олинди.

Хўш, бундай натижаларга қандай эришилди? Ўртамиёна спортчилар жамоаси катта натижаларга олиб келмайдигандек кўринадиган митти ўзгаришлар билан

¹ Техник жиҳатдан Британия велоспорчилари 2008 йилдаги Олимпия ўйинларида йўл ва трек велопойгалирдаги медалларнинг эллик етти фоизини қўлга киритган. Улар ўн тўртта медалдан саккизтасига сазовор бўлган.

жағон шоҳсупаларига қандай күтарили? Нима сабабдан майда ўзгаришлар йиғиндиши шу қадар ҳайратланарлы натижаларга олиб келади ва ушбу ёндашувни ўз ҳаётимизга қандай татбиқ қилиш мүмкін?

НЕГА КИЧИК ЎЗГАРИШЛАР КАТТА НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

Маълум бир ҳал қилувчи дақиқага ортиқча баҳо бериб, ҳар куни оз-оздан ривожланиб боришга етарлича баҳо бера олмаслик мүмкін. Жұда күп ҳолларда үлкан натижаларга эришиш учун үлкан ишларни амалга ошириш керак дея ўзимизни ишонтирамиз. Ортиқча вазндан құтулиш, янги бизнесге асос солиш, китоб ёзиш, чемпионликка эришиш ёки бошқа мақсад бўлсин, ҳаммани лол қолдирадиган, тоғни толқон қилиб юборгудек үлкан ишларни қилишга ва эл оғзига тушишга ўзимизни мажбурлаймиз.


Бу орада эса бир фоизли яхшиланишларга үнчалик аҳамият берилмайды, баъзан улар ҳатто сезилмайды ҳам. Аслида эса айнан кичик ўзгаришлар кўпроқ фойда келтиради, айниқса, узоқ муддатли мақсадларда. Миттигина ўзгариш вақт ўтиши билан қандай натижаларга олиб келишига ақл бовар қилмайды. Бу фикрни математик тарзда қуйидагича ифодалаш мүмкін: агар сиз ҳар куни бир фоиздан яхшиланиб борсангиз, бир йилдан сўнг йил бошидагига нисбатан ўттиз етти баробар ўсиш кузатилади.² Аксинча, агар ҳар куни бир фоиздан ёмонлашиб борсангиз, йил охирида деярли нолга тушиб қоласиз. Кичик ғалаба ёки мағлубият билан бошланган жараён охир-оқибатда үлкан фарқقا сабаб бўлиши мүмкін.

² Тадбиркор ва ёзувчи Жейсон Шен китобни ёзаётган пайтим унга назар ташлаган эди. Ушбу бобни ўқиб чиққандан сўнг у: “Агар прогрессия чизиқли бўлганда 3,65 баробар ўсиш кузатилган бўлар эди. Аммо у геометрик бўлгани сабаб чинакам ўсиш ўн баробардан юқори бўлади”, дея ўз фикрини билдирган эди. 2018 йил, 3 апрель.

Ҳар куни 1 фоиз яхшиланиш

Бир йил давомида ҳар куни бир фоиздан ёмонлашганимизда: $0,99^{365} = 0,03$

Бир йил давомида ҳар куни бир фоиздан яхшиланганимизда: $1.01^{365} = 37,78$



1-расм. Кичик одатларнинг таъсири мураккаб фоиз сингари экспоненциал ўсиб боради. Агар биз кунига бир фоиздан яхшиланиб борсак, йил охирида 37 баробар ўсган бўламиз.

Одатлар бу ўз устида ишлаш жараёнида ортиб борувчи фоизлардир. Ҳудди омонатга қўйилган пул фоиз қўшилиши туфайли ўсиб борганидек, одатларнинг самараси ҳам ҳар бир такрорлашдан сўнг ортиб боради. Бир-икки кун ичидаги ҳеч қандай натижка кузатилмаслиги мумкин, аммо ойлар ва йиллар ўтгани сайнин уларнинг таъсири бағоят даражада ўсади. Яхши одатнинг нақадар қимматли ёки ёмон одатнинг нақадар зарарли экани икки, беш ёки ўн йил ўтиб ортга қараганимизда яққол кўринади.

Ушбу тамойилни кундалик ҳаётда етарлича қадрлаш қийин бўлади. Кичик ўзгаришларнинг бевосита таъсири

унчалик кўзга ташланмагани сабабли уларни четга суринб қўямиз. Агар ҳозир бироз пул тежайдиган бўлсак, миллионерга айланмаймиз. Уч кун кетма-кет спорт залга борсак, қоматимиизда ўзгариш сезилмайди. Агар бугун кечқурун хитой тилини бир соат машқ қилсак, тил биладиган бўлиб қолмаймиз. Бироз ўзгариш ясаймиз, аммо натижа дарҳол кўринавермагач, яна аввалги ҳолатимизга қайтиб оламиз.

Афсуски, ўзгаришларнинг натижаси секин юзага чиққани учун ёмон одатларни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўямиз. Агар бугун носоғлом овқатланадиган бўлсак, вазнимиз дарҳол ошиб кетмайди. Агар бугун ишда ярим кечгача қолиб, оиласиздан хабар олмасак, улар бизни кечиради. Агар лойиҳа устида бугунча ишламасдан, эртага қолдирсак, уни тутатиб қўйиш учун барибир етарлича вақтимиз бўлади. Битта қарорнинг оқибатини осонлик билан қадрсизлаш мумкин.

Аммо агар бир фоизли хатони ҳар куни такрорлайверсак, нотўғри қарорлар қайтарилаверса, майда мағлубиятлар йиғилиб борса ёки турли баҳоналар билан ўзимизни алдаб юрадиган бўлсак, улар хавфли оқибатларга сабаб бўлади. Муаммонинг асл сабаби ҳам шунда, майда нотўғри қадамлар, у ер-бу ерда бир фоизли йўқотишлар охир-оқибат салбий натижаларга етаклаб боради.

Одатларимизни ўзгартиришнинг натижасини самолёт йўналишини бир неча градус буришга қиёслаш мумкин. Тасаввур қилинг, сиз Лос-Анжелесдан Нью-Йоркка учяпсиз. Агар учувчи Лос-Анжелесдан ҳавога кўтарилигандан сўнг курсни 3,5 даражада жануброққа бурадиган бўлса, самолёт Нью-Йоркка эмас, Вашингтон шаҳрига бориб қўнади. Бундай кичик ўзгаришни парвознинг бошланишида сезиш қийин, бинобарин самолёт тумшуғи бир неча метрга бурилади, холос. Бироқ Қўшма Штатлар миқёсида бу бурилиш юзлаб километрга оғишига сабаб бўлади.¹

¹Мен келтирилган маълумотга ишонмасдан уни шахсан ҳисоблаб чиқдим. Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарлари орасидаги масофа 362 километри

Шу сингари кундалик одатларнинг бироз ўзгариши натижасида ҳаётимиз бутунлай бошқача бўлиб кетиши мумкин. Яхши ёки ёмон томонга бир фоиз оғиш дастлаб аҳамиятсиз бўлиб туюлади, аммо умр давомида бундай онлар жамланиб ким бўлишимиз мумкинлиги ва аслида қандай одам бўлганимиз ўртасида улкан фарқقا сабаб бўлади. Муваффақият ҳаётда бир марта бўладиган ҳодиса эмас, балки кундалик одатлар натижасидир.

Шундай экан ҳозирда қанчалик муваффақиятли ёки муваффақиятсиз эканингиз мухим эмас. Одатларнингиз муваффақият томон элтаётгани мухимроқдир. Ҳозирги ҳолатингиздан кўра қаерга қараб ҳаракатланётганингизга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқроқ бўлади. Агар миллионер бўла туриб, даромадингиздан кўра харажатингиз кўпроқ бўлса, демак, нотўғри йўлдасиз. Пул сарфлаш одатингизни ўзgartирмасангиз бунинг охири баҳайр бўлмайди. Аксинча, ҳозирда ишларнингиз үнчалик юришмаётган бўлса ҳам, ҳар ой оз-оздан пул жамғаривор борсангиз, демак, тўғри йўлдасиз. Гарчи орзунгиздагидан кўра секинроқ ҳаракат қилаётган бўлсангиз ҳам, охирокибат молиявий мустақилликка эришасиз.

Натижалар бу – одатларнинг қай даражада яхши эканини кўрсатувчи кечиккан мезондир. Шундай экан бойлиқ – бу молиявий одатларнинг, вазн – овқатланиш одатларининг, билим – ўқиб-ўрганиш одатларининг, хонангизнинг озода ёки тартибсиз экани эса саранжомлик одатингизнинг кечиккан тимсолидир. Нимани доимий такрорласангиз, шунга эришасиз.

Агар ҳаётимиз кейинчалик қандай бўлишини билишини истасак, шунчаки майда ютуқларимиз ва мағлубиётларимизга диққат билан назар ташлашнинг ўзи кифоя.

ташкил қиласди. Агар “Boeing 747” ёки “Airbus A380”да парвоз қиляпмиз деб тасаввур қиласак, Лос-Анжелесдан ҳавога кўтарилиш пайтида 3,5 даражага оғсанк бўлгани. Ушбу оғиш самолёт русумидан келиб чиқиб, атиги 2,1-2,2 метрни ташкил қиласди. Йўлга чиқиш пайтидаги миттигина бурилиш манзилнинг сезиларли ўзгаришига сабаб бўлади.

Кундалик ҳаётдаги қарорларингиз ўн ёки йигирма йилдан кейин қай тарзда жамланишига эътибор беринг. Ойлик даромадингиздан камроқ пул сарфлайсизми? Ҳар ҳафта спорт залига қатнайсизми? Ҳар куни оз бўлса ҳам ўқиб, бирор нарса ўрганасизми? Шу сингари кичик ҳаракатлар келажакда ҳаётингиз қандай бўлишини белгилаб беради.

Муваффақият ёки омадсизлик ўртасидаги масофа вақт ўтиши билан катталашиб боради. Одатларингиз уни ўн карра орттиради. Вақт яхши одатлар сабаб дўстингизга, ёмон одатлар сабаб душманингизга айланади.

Одатлар икки томони ўткир қиличга ўхшайди. Яхши одатлар инсонни юксак чўққиларга олиб чиқа олганидек, ёмон одатлар ҳам уни осонлик билан синдира олади. Шу сабабдан майда деталларга эътиборлироқ бўлиш жуда муҳим. Қурол ўзингизга зарар келтириб қўймаслиги учун одатлар қандай ишлашини тушуниб, уларни ўзингиз истаган кўринишга келтиришни ўрганиб олиш керак.

Одатлар сизнинг фойдангизга ёки сизга қарши жамланиши мумкин

ИЖОБИЙ ЖАМЛANIШ

Самараదорлик йиғилиб боради. Ҳар куни битта қўшимча иш қилиш кичик нарсадек кўринади, аммо бутун меҳнат фаолияти давомида бундай одатнинг қиймати жуда юқори бўлади. Эски кўникумаларни автоматлаштириш ва янгиларини эгаллашнинг самараси эса бундан-да каттароқ бўлиши мумкин. Қанчалик вазифани кўп ўйлаб ўтирамай, автоматик тарзда бажара олсангиз, миёда бошқа соҳаларга

САЛБИЙ ЖАМЛANIШ

Стресс йиғилиб боради. Йўлдаги тирбандликдан жиғибийрон бўлиш, ота-оналик масъулиятини доимо ҳис қилиб туриш, ойлиқдан ойликкача зўрға яшаш, бироз юқори қон босимидан хавотирга тушиш. Алоҳида олиб қараганда стресснинг шу сингари кенг тарқалган сабаблари билан муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бироқ улар йиллаб давом этаверса, саломатлик билан боғлиқ жиддий муам-

дикқат қаратышга шунча бүш
вақт бўлади.

Билим йиғилиб боради. Битта янги ғояни ўрганиб, инсон даҳо бўлиб қолмайди. Аммо доимий ўқиб-ўрганиш инсонни янгидан шакллантиради. Бундан ташқари, ўқилган ҳар бир китобдан нафақат янги нарсаларни ўрганамиз, балки эски ғояларимизга янгича қарай бошлаймиз. Уоррен Баффетт айтганидек, “Билим худди кўпайиб борадиган фоиз сингари ишлайди”.

Муносабатлар йиғилиб боради. Саломга яраша алик. Одамларга қанча ёрдам берсак, улар ҳам бизга шунча кўмаклашишни истайди. Одамлар билан муносабатда бироз одоблироқ бўлиш вақт ўтиши билан мустаҳкам алоқалар ҳосил бўлишига олиб келади.

моларга сабаб бўлади.

Салбий фикрлар йиғилиб боради. Ўзингизни ҳадеб арзимас, аҳмоқ ёки хунук деб ҳисоблайверсангиз, борлиқни ҳам тобора шу йўсинда қабул қиласиган бўласиз. Яъни ўйларингиз сиртмоғига тушиб қоласиз. Бу сўзлар ўзгалар ҳақида қандай ўйлашингизга ҳам тегишли. Одамларни сержакхл, адолатсиз ёки худбин деб ҳисоблашга одатлансангиз, бундай одамларга ҳар ерда дуч кела бошлайсиз.

Ғазаб йиғилиб боради. Қўзғолонлар, намойишлар ва оммавий ҳаракатлар камдан-кам ҳолларда ягона бир воқеа натижасида пайдо бўлади. Аксинча, қатор майда норозиликлар, жаҳул ва дилхираликлар аста-секин жамланиб, бир кун сабр косасини тўлдиради ва олов сингари атрофга тарқалади.

НЕГА КИЧИК ЎЗГАРИШЛАР КАТТА НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

ЧИНАКАМ ЎСИШ АСЛИДА ҚАНДАЙ БҮЛӘДИ?

Тасаввур қилинг, олдингизда бир бўлак муз турибди. Хона эса совуқ, нафас олганингизда ҳовур кўринади. Хонадаги ҳарорат 4 даража совуқ. Аста-секин хона ҳарорати кўтарила бошлайди.

Минус 3,5 даража.

Минус 3.

Минус 2,5.

Муз бўлаги ҳали ҳам ўзгармай турибди.

Минус 2 даража.

Минус 1,5.

Минус 1.

Ҳали ҳам ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

Сўнг нол даража ҳароратда муз бўлаги эрий бошлайди.

Ҳароратнинг аввалигига нисбатан сезиларсиз ўсиши улкан ўзгаришга сабаб бўлди.

Ҳал қилувчи воқеалар одатда ундан аввал қилинган кўплаб ҳаракатларнинг маҳсули бўлади. Улар катта воқеалар юз бериши учун пойдевор ясайди. Ушбу қонуниятга ҳар қадамда дуч келиш мумкин. Саратон пайдо бўлгандан кейин саксон фоиз вақт ўзини сездирмай туради. Кейин бир неча ой ичида бутун танага тарқайди. Бамбук ҳам ҳаётининг дастлабки беш йилида деярли бўй кўрсатмайди. Шу вақт ичида у илдизларини зўр бериб ривожлантираётган бўлади. Олтинчи йилда эса кўкка бўй чўзиб, олти ҳафта ичида ўттиз метргача ўсади.

Юқоридагилар сингари одатлар ҳам маълум бир бўсағадан ўтмагунча ҳеч қандай ўзгариш ясамагандек туюлади. Ҳар қандай саргузаштда бўлгани каби одатларга амал қилаётганингизда ҳам “умидсизлик водийсидан” ўтилади. Одатларни бошлаганда сиз чизиқли ўсишга умид қиласиз. Дастробки бир неча кун, ҳафта ва ҳатто ойлар ичида ҳам айтарли натижа ололмаганингиздан кейин умидсизликка тушиб қоласиз. Ўзингизни бир жойда қотиб қолгандек ҳис қиласиз. Бу геометрик прогрессияни бошқа

ҳар қандай жараёндан фарқлаб түрүвчи асосий белгидир. Энг яхши натижалар энг охирида кузатиласы.

Айнан шу ҳолат узоқ вақт давом этадиган одатларни ҳосил қилишдаги асосий қийинчиліктерден биридір. Одамлар у ёки бу одатига кичик үзгартырыш киритиб күради. Ҳадеганда натижә олавермагач, иштиёқи сүниб, саъй-харакатларини түхтатып қояды. “Бир ойдан бери юғуряпман, аммо нега танамда ҳеч қандай үзгариш кузатылмаяпты?” деб үйлайсиз. Бундай фикрлаш билан үстүнликка эришиб олғандан кейин яхши одатларни үз ҳолига ташлаб қоя бошлайсиз. Бирок одатлар айтишга арзигулик натижә бериши учун ularни узоқ вақт тақрорлашингиз керак. Бу давр мен “Яширин потенциал платоси” деб атайдиган босқычдан үтиш учун зарур.

Агар бирон-бир яхши ишга одатланиш ёки ёмон иллатдан қутулишда қийинчиліктерге дуч келаётган бүлсанғыз, бу ҳали үз үстингизде ишлеш қобилиятини йүқотганингизни англатмайды. У шунчаки сизнинг Яширин потенциал платосидан ҳали үтиб үлгурмаганингизни билдиради. Қаттық мәхнат қилишингизга қарамасдан муваффақиятта эришмаётганингиздан нолиш бу худди ҳароратнинг минус түрт даражадан минус бир даражагача үзгарғанда ҳам мұз әримаётганидан шикоят қилишга ўхшайды. Ҳавотирланманг, саъй-харакатларингиз зое кетмаяпты, ular жамланиб бормоқда. Барча үзгаришлар нол даражадан үтганингиздан сүңг бошланади.


Яширин потенциал платосидан үтиб олганингиздан сүңг одамларнинг күзиге бирдан муваффақиятта эришгандек күринасиз. Атрофдагиларга узоқ вақт қылған мәхнатингиз эмас, балки кескин үзгариш күриналади. Фақат үзингизгина бундан анча вақт олдин бошлаган ва ҳеч қандай үзгариш қымбатынгизда ҳам давом эттирған саъй-харакатларингиз буғунги муваффақияттингиз учун пойдевор бүлганини биласиз.

Буни геологик босимга қиёслаш мүмкін. Ер юзасидаги иккى тектоник плато миллионлаб йиллар давомида бир-

НЕГА КИЧИК ЎЗГАРИШЛАР КАТТА НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

бирига ишқаланиб туради. Улар ўртасидаги босим астасекин ортиб боради. Сўнг кунларнинг бирида худди аввалгисидек яна бир марта ишқаланиш юз беради. Аммо бу сафар босим ортиқча бўлиб кетди. Оқибатда зилзила юз беради. Ўзгаришлар бирдан содир бўлишидан аввал узоқ мuddатли тайёргарлик даврини талаб қиласди.

Муқаммалликка эришиш ҳам сабрни талаб қиласди. Миллий баскетбол ассоциациясининг (NBA) энг мұваффақиятли жамоаларидан бири – “San Antonio Spurs” жамоасининг кийиниш хонасида Якоб Рилснинг сўзлари ёпиширилган эди. Ушбу ижтимоий ислоҳотчи шундай деган эди: “Ўзимни чорасиз қолгандек ҳис қилганимда санттарош усталарни кўргани бораман. Уста тошга болға билан юз марта уради. Харсангда ақалли битта ёриқ пайдо бўлган бўлса ҳам майли эди. Аммо бир юз биринчи зарбадан кейин тош ўртасидан иккига бўлинади. Бироқ бу охирги зарбанинг таъсири эмас, балки ундан олдинги барча зарбаларнинг маҳсулидир”.



| 33

2-расм. Биз кўпинчча ўсиш чизиқли бўлади деб ўйлаймиз. Ҳеч бўлмаганда ўсиш тезда кўзга кўринишига умид қиласмиз. Амалда эса саъй-ҳаракатларимизнинг

натижаси кечикиб келади. Қилаёттан ишларимизни фақат бир неча ой ёки ҳатто йиллардан кейингина орта бурилиб қараганимизда тұлалигича қадрлаймиз. Ҳафталаб, ойлаб тер түкиб, айтарлы натика ололмаган пайтимизда ишимиздан күнглимин қолиб, "Умидсизлик водийси"га тушиб қолишимиз мүмкін. Бироқ машаққатларимиз зое кетмайды. Улар шунчаки түпланиб боради. Бажарылған ишнинг асл қымати фақат анча вакт үтгандан кейингина билинади.

Барча буюк ишлар кичик қадамлардан бошланади. Ҳар бир одат эса миттигина қарордан келиб чиқади. Аммо бу қарорлар тақрорланғани сайин одат илдиз отиб, кучайиб боради. Илдизлар қанчалик чүқур кириб боргани сари поя үсіб шохланади. Ёмон одатни йүқотиш худди илдизлари бақувват дараҳтни қўпоришга ўхшайди. Яхши одатни шакллантиришни эса аксинча, нозик гулни ҳар куни парваришлишга қиёслаш мүмкін.

Бирон-бир одатга содиқ қолиб, "Яширин потенциал платоси"дан ўта олишимиз ёки олмаслигимиз нимага боғлиқ? Нима сабабдан айрим одамлар яхши одатларнинг жамланишидан фойда кўради-ю, бошқалар ёмон одатлар ботқоғига ботганча қолиб кетаверади?

МАҚСАДДАН КЎРА ТИЗИМГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Кенг тарқалган қарашларга кўра, ҳаётда биз истаган нарсага эришишнинг энг яхши йўли бу – ўз олдига амалга ошириш мүмкін бўлган аниқ мақсадлар қўйишидир. Биз танамизни чиниқтириш, мұваффакиятли бизнесга асос солиш, кўпроқ дам олиш ва камроқ хавотирланиш, дўстлар ва оила даврасида кўпроқ вакт ўтказишни исташимиздан қатъи назар, олдимизга тўғри мақсад қўйсак бўлгани, уларнинг ҳаммасига эришамиз.

Узоқ йиллар давомида мен ҳам шундай фикрда бўлиб келганман. Мен учун ҳар бир одат – эришиш керак бўлган мақсад эди. Мактабда ўқиб юрган кезларимда оладиган баҳоларим, спорт залда кўтара оладиган

НЕГА КИЧИК ЎЗГАРИШЛАР КАТТА НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

тошимнинг вазни, бизнесдан топадиган даромадимнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида мақсад эди. Улардан фақат айримларига эриша олдим, холос. Кўпи эса армон бўлиб қолди. Кейинроқ етишган натижаларим ва олдимга қўйган мақсадларим ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқлигиги, аксинча улар иш услубим билан кўпроқ алоқадор эканини тушуна бошладим. Мақсад билан тизим ўртасидаги фарқ нимадан иборат? Бу саволга жавобни мен биринчи марта “Дилберт” комикслар муаллифи Скотт Адамсдан олганман. Унинг фикрига кўра, мақсад – эришишни истаган натижаларимиз, тизим эса шу натижаларга эришиш жараёнидир.

- Мураббийнинг мақсади – чемпионликка эришиш. Ўйинчиларни танлаш, ёрдамчи мураббийлар фаолиятини бошқариш, машғулотларни ташкил қилиш услуги унинг тизимиdir.
- Тадбиркорнинг мақсади – миллион долларлик бизнесни яратиш. Янги маҳсулотларни синаб кўриш, ишчиларни ёллаш, реклама кампанияларини ташкиллаштириш кабилар эса унинг тизимида киради.
- Мусиқачининг мақсади – янги асарни ижро этиш. Қай тарзда машқ қилиш, қийналган жойларига алоҳида эътибор бериш, устозининг танқидини қандай қабул қилиш, у аниқлаган камчиликларни қандай бартараф этиш – | 35 мусиқачининг тизимиdir.

Энди қизиқ бир савол: агар мақсадларингизни бутунлай четга суреб қўйсангиз ҳам мувваффақиятга эришишингиз мумкинми? Мисол учун, баскетбол жамоасининг мураббийи чемпион бўлишга эътибор қаратмай, фақат жамоаси ҳар куни қандай машғулотлар қилаётганига диққатини қаратса яхши натижаларга эришадими?

Менинг фикримча, ҳа.

Ҳар қандай спорт мұсабақасыда қатнашишдан мақсад ғолиб бўлиш, албатта. Аммо бутун йүйинни таблога қараб ўтказиш тентаклик бўлган бўлар эди. Амалда ғолиб бўлишнинг ягона йўли ҳар куни оз-оздан яхшиланиб боришидир. Уч карра Супер кубок совриндори Билл Уолшнинг сўзлари билан айтганда: “Ҳисоб ўз-ўзидан чиқаверади”. Ушбу фикр ҳаётнинг бошқа жабҳалари учун ҳам тегишли. Агар яхшироқ натижаларга эришишни истасангиз, олдингизга мақсад қўйишдан тийилинг. Бунинг ўрнига эътиборни тизимга қаратинг.

Бу билан нима демоқчиман? Мақсадлар үмуман бефойдами? Албатта, йўқ. Улар йўналишни белгилаб олиш учун зарур. Аммо чинакамига ўсишда тизимнинг аҳамияти каттароқ. Мақсад ҳақида кечаю кундуз бош қотириб, тизимни тартибга келтиришга етарлича эътибор бермаслик қатор муаммоларга сабаб бўлади.

1-муаммо. Ғолиб ва мағлубларнинг мақсадлари бир хил.

Олдимизга мақсад қўйиш ҳақида гапираётганимизда фақат омон қолганларни ҳисобга олиб нотўғри хулоса чиқарамиз. Яъни муваффақиятга эришган, кўчма маънода “омон қолган” одамларга қараб, улар юксак мақсадларга интилгани учунгина муваффақиятли, деган хато фикрга борамиз. Худди шундай мақсадни олдига қўйса ҳам муваффақиятга эришмаган жуда кўплаб одамлар эса эътиборимиздан четда қолиб кетади.

Ҳар бир Олимпиада иштирокчиси олтин медални қўлга киритишини, ҳар бир номзод ишга қабул қилишларини истайди. Агар муваффақиятли ва муваффақиятсиз кишилар ўз олдига бир хил мақсад қўйса, унда мақсад улар ўртасидаги фарқни тушунтириб бера олмайди. Британиялик спортчиларни “Тур де Франс”да ғолиб қилган нарса мақсад эмасди. Менимча, улар ҳар йили худди бошқа профессионал велопойгачилар сингари ғолиб бўлиш илинжида мусобақада қатнашган. Мақсад йиллар

давомида ўзгармай келган. Улар доимий равишда кичик ўзгаришлар киритиш тизимини йўлга қўйғандан кейингина яхши натижаларга эриша бошлаган.

2-муаммо. Мақсадга эришиш оний ҳодиса, холос.

Тасаввур қилинг, хонангиз ёйилиб ётибди ва сиз уни тартибга келтиришни мақсад қилдингиз. Агар ўзингизда етарлича ғайрат топа олсангиз, уни тартибга келтирасиз ва хона вақтингчалик саранжом бўлиб туради. Бироқ хонанинг бу ахволга келишига сабаб бўлган бетартиб одатларингиздан воз кечмасангиз, у яна аввалги ҳолатга қайтади ва янги ғайрат оқими келмагунча яна ўти-раверасиз. Тизим ўзгармагани туфайли бир мақсаднинг ортидан қайта ва қайта қувиб юраверамиз. Касалликнинг сабаби бир ёқда қолиб, фақат унинг белгилари билан курашаверамиз.

Мақсадга эришиш ҳаётимизни фақат қисқа муддаттагина ўзгартиради. Бу эса доимий яхшиланиб бориш тамойилига мос келмайди. Кўпчилик натижаларни ўзгартириш керак, деб ҳисоблайди. Аслида эса муаммоларнинг илдизи у ерда эмас. Ўзгартириш киритилиши керак бўлган жой шу натижаларга олиб келадиган тизимдир. Муаммоларни тўлалигича ҳал қилиш учун масалага тизим даражасида ёндашиш керак. Хом ашё яхшиланса, маҳсулот ўз-ўзидан яхшиланади.

3-муаммо. Мақсадлар баҳтимизни чегаралайди.

Ҳар қандай мақсаднинг тагида агар шу натижага | 37 эришсам, ўзимни баҳтли ҳис қиласман, деган фикр ётади. Бундай фикрлашнингсалбий жиҳати шундаки, баҳтингизни тобора ортга сурасиз. Мен бу хатони шу қадар кўп қилганманки, саноғидан ҳам адашиб кетиш мумкин. Узоқ йиллар давомида баҳт мен учун келаси замондаги нарса бўлиб келган. Ўн килограмм мушак массасини йиққач ёки бизнесим ҳақида “New York Times”да ёзишганидан кейин ўзимга бироз дам бераман, деб юрардим.

Бундан ташқари, олдингизга мақсад қўйганингиздан кейин ёки/ёки мұаммоси пайдо бўлади: ёки мақсадга эришиб муваффақият қозонасиз, ёки мағлуб бўлиб тушкунликка тушасиз. Сиз бу билан ўзингизни баҳтнинг жуда тор қутисига тиқиб қўясиз. Бу соғлом фикрлаш эмас. Ҳаётдаги йўлингиз ҳар доим ҳам ўйлаганингиздек бўлавермайди. Муваффақиятга эришишнинг кўплаб йўллари бўла туриб, баҳтингизни фақат уларнинг бири билан чеклаб қўйиш оқилона иш эмас.

Эътиборни биринчи ўринда тизимга қаратиш эса бунга акс таъсир қилади. Агар натижалар ўрнига жараёнга берилиб кетсангиз, баҳтни ҳис қилишни ортга суришга ҳожат қолмайди. Тизим ишлаётган ҳар қандай вақтда қониқишини ҳис қилишингиз мумкин. Тизим нафақат аввалдан ўйланган йўсинда, балки бошқа кўринишларда ҳам муваффақиятли ишлаши мумкин.

4-муаммо. Мақсадлар узоқ муддатли ўсиш билан мос келмайди.

Ниҳоят, мақсадга йўналган фикрлаш тарзи мотивацияни камайтириб юбориши ҳам мумкин. Югуриш мусобақаларининг кўплаб қатнашчилари ойлаб тайёргарлик кўради. Аммо марра чизиғидан ўтиши билан улар машғулотларни тўхтатиб қўяди. Уларни машқ қилишга ундан келган пойга энди йўқ. Агар барча саъи-ҳаракатларингиз мақсадга эришишга қаратилган бўлса, унга эришганингиздан сўнг ҳаракатларни давом эттиришга яна нима ундейди? Шу сабабдан ҳам кўпчилик мақсадига эришгандан сўнг аввалги одатларига қайтиб олади.

Мақсадни белгилашнинг асосий мазмуни ўйинда ғалаба қозонишдир. Тизимни қуришнинг асосий маъноси эса ўйинни давом эттиришдир. Чинакам узоқ муддатли фикрлаш мақсадга эга бўлмайди. У аниқ бир натижага ҳам қаратилмаган. У доимий сайқалланиш ва тўхтовсиз яхшиланишлардан иборат. Охир-оқибатда жа-

раёнга қанчалик содиқлигингиз қанчалик юксалишга эришишингизни белгилайди.

АТОМ ОДАТЛАР ТИЗИМИ

Агар одатларни ўзгартиришда қийинчиликка дуч келсангиз, муаммо одатда сизда эмас, балки тизимда яширган бўлади. Ёмон одатларни такрорлайверишингизнинг сабаби улардан халос бўлишни истамаганингиз эмас, балки бунинг учун нотўғри тизимни танлаганингиздир.

Сиз мақсадларингиз даражасига кўтарилимайсиз, балки тизимингиз даражасига тушасиз.¹ Сизни маълум бир мақсадга эмас, балки бутун бошли тизимга эътибор қаратишга ўргатиш ушбу китобдаги асосий масалалардан биридир. Айнан шунинг учун одатларга таъриф берётганда “атом” сўзидан фойдаланилди. Китобни шу жойигача ўқиб келган бўлсангиз атом одат тушунчаси митти ўзгариш, кичик ютуқ ёки бир фоизли яхшилашибни билдиришини тушуниб етган бўлсангиз керак. Бироқ атом одат атамаси каттаю кичик эски одатлар йиғиндисини англатмайди. Атом одатлар – бу каттароқ тизимнинг бир қисми бўлган майда одатлардир. Атомлар молекулаларнинг таркибий қисми бўлгани каби атом одатлар ҳам катта натижаларнинг таркибий қисмидир.

Одатларни ҳаётимиз атомлари деб тасаввур қилиш мүмкин. Уларнинг ҳар бири умумий натижаларга ўз ҳиссасини қўшадиган фундаментал бирликлардир. Бу митти ҳаракатлар аввалига аҳамиятсиздек туюлади. Аммо тез орада улар бир-бирини кучайтириб, дастлаб кири-тилган сармоядан анча кўпроқ фойда келтира бошлайди. Улар ҳам кичик, ҳам кучлидир. Атом одатларнинг асл маъноси ҳам ана шунда – улар нафақат қилиш осон бўлган иш ёки ҳаракат, балки чексиз қувват манбаи, геометрик ўсиш тизимининг асосий таркибий қисмидир.

¹ Ушбу фикрга Архилохнинг “Биз умидларимиз даражасигача кўтарилимаймиз, балки тайёргарлик даражамизгача тушамиз” деган ибораси турткни берган.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Одатлар – ўз устида ишлаш жараёнидаги кўпайиб борувчи фоизлардир. Ҳар куни бир фоиздан яхшиланиб бориш үзоқ муддатда катта аҳамият касб этади.
- Одатлар икки томони ўткир қуролдир. Улар сизнинг фойдангизга ёки зарарингизга ишлаши мумкин. Шу сабабли уларнинг механизмларини тушуниш жуда муҳим.
- Маълум бўсағадан ўтмагунча кичик ўзгаришлар айтарли натижка келтирмайди. Ҳар қандай геометрик прогрессияда энг катта ютуқлар энг охирида келади. Бу биздан сабр талаб этади.
- Атом одат – катта тизимнинг таркибий қисми бўлган кичик одатdir. Молекулалар атомлардан тузилгани каби катта натижалар ҳам атом одатлардан ташкил топади.
- Яхши натижаларга эришишни истасангиз, олдингизга мақсад қўйишдан ўзингизни тийинг. Унинг ўрнига эътиборни тизимга қаратинг.
- Сиз мақсадларингиз даражасигача кўтарилемайсиз, балки тизимингиз даражасига тушасиз.

2

ОДАТЛАР ШАХСИЯТНИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРАДИ? (ВА АКСИНЧА)

Нима сабабдан ёмон одатларни такрорлаш шунчалик осон ва аксинча, яхшиларини шакллантириш шу қадар қийин? Кундалик одатларингизни ўзгартириш ҳәтингизга ниҳоятда катта таъсир ўтказади. Шундай бўлса ҳам келаси иили ўз устингизда ишлаб, яхшиланиш ўрнига ҳозирги одатларингизни давом эттириш эҳтимоли катта.


Ҳатто чин дилдан истаб, унда-бунда мотивацияга тўлиб кетганингизда ҳам, яхши одатларни бир-икки кундан узокроқ давом эттириш қийин бўлади. Спорт билан шуғулланиш, медитация, кундалик тутиш, ўз қўли билан овқат пишириш каби одатлар дастлаб осондек кўринса ҳам тез орада оғир юмушдек туюла бошлайди.

Бироқ одатлар, айниқса ёмонлари, илдиз отиб ултургандан кейин доимий ҳамроҳингизга айланади. Барча уринишларингизга қарамасдан носоғлом овқатланиш, ортиқча телевизор томоша қилиш, ишларингизни ортга суриш ва чекиши сингари салбий одатлардан қутулишнинг иложи йўқдек гўё.

Одатларни ўзгартириш икки сабабга кўра қийин кечади: биринчидан, нотўғри нарсаларни ўзгартирмоқчи бўласиз, иккинчидан, одатларни нотўғри усулда ўзгартиришга уринасиз. Ушбу бобда биринчи хатолик ҳақида сўз боради. Иккинчисига эса кейинги бобларда жавоб бераман.

Шундай қилиб, бизнинг биринчи хатомиз нотұғри нарсаларни ўзгартырмоқчы бўлганимизда. Буни яхшироқ тушуниш учун хулқ-атворимиз уч қатламдан иборатлиги ва ўзгариш ушбу қатламларнинг бирида кузатилиши мумкинлигини билишимиз зарур. Ушбу қатламларни пиёзниң қаватларига ўхшатиш мүмкін.

Хулқ-атворнинг уч қатлами



З-расм. Хулқ-атвордаги ўзгаришнинг уч қатлами мавжуд. Натижаларни ўзгартыриш, жараённи ўзгартыриш ва шахсиятни ўзгартыриш.

Биринчи қатламни натижаларни ўзгартыриш ташкил қиласи. Бу даража натижангизни ўзгартыришига 42 | қаратилган, масалан, ортиқча вазндан халос бўлиш, китоб ёзиш ёки чемпион бўлиш. Сиз олдингизга қўядиган кўплаб мақсадлар айнан шу қатламга тегишли.


Иккинчи қатлам бу жараённи ўзгартыриш. Бу даражадар одатлар ва тизимни ўзгартыришига қаратилган. Масалан, спорт залидаги машғулотлар кетма-кетлигини жорий қилиш, маҳсулдорликни ошириш учун иш столини тартибга келтириш, медитация билан шуғулланиш. Сиз шакллантирадиган одатларнинг кўпи мазкур даражага тегишли.

Учинчи ва энг чуқур қатlam шахсиятдир. Бу даража қарашларингизни ўзгартириш билан боғлиқ. Масалан, дунёқарашингиз, ўзингизга берадиган баҳонгиз, ўзингиз ва ўзгалар ҳақидаги фикрингиз. Биз ишонган жуда күп нарсалар, тахминлар, эътиқод ва нохолис мойилликлар шу даражага тегишли.


Натижалар – хатти-ҳаракатларингиз маҳсули, жараён – ишни қандай ташкил қилганингиз, шахсият эса сизнинг қарашларингиздир. Бир фоизли яхшиланишлар сингари барқарор одатларни шакллантириш зарур бўлганда бир қатlam бошқасидан “яхшироқ” ёки “ёмонроқ” деб айтиш қийин. Уларнинг ҳар бири ўз ҳолича фойдали. Ҳақиқий масала ўзгаришлар қайси томонга йўналганлигидадир.

Кўпчилик одатларни эришмоқчи бўлган мақсадларига асосланган ҳолда ўзгартиради. Бу натижага йўналган одатларнинг шаклланишига олиб келади. Аксинча, шахсиятга йўналган одатларда эътибор қандай инсон бўлишни исташимизга қаратилган.

Натижага йўналган одатлар



Шахсиятга йўналган одатлар



4-расм. Натижага йўналган одатларда эътибор эришмоқчи бўлган мақсадларингизга, шахсиятга йўналган одатлар эса ким бўлмоқчилигингизга қаратилган.

Чекиши ташлашга ҳаракат қилаётган икки кишини тасаввур қилинг. Тамаки таклиф этилганда улардан бири: “Йўқ, раҳмат, мен чекиши ташламоқчи бўлиб юрибман”, деб жавоб беради. Жавоб мақтовга лойиқ, аммо бу одам гарчи одатларини ўзгартиришга уринаётган бўлса ҳам, ўзини ҳали ҳам кашандада деб ҳисоблади. У қарашларини ўзгартирмаган ҳолда хулқ-атворига ўзгартириш киритмоқчи.

44 |

Иккинчи одам эса юқоридаги таклифга: “Йўқ, раҳмат. Мен чекмайман”, деб жавоб қайтаради. Иккала жавоб ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас, аммо иккинчи инсоннинг гапида шахсият ўзгаргани билиниб туради. Тамаки чекиши қачонлардир ушбу одам шахсиятининг бир қисми бўлган, аммо ортиқ бундай эмас. Энди у ўзини кашандада деб ҳисобламайди.

Кўпчилик ўз одатларини яхшилашга уринаётган пайтда шахсиятини ўзгартириши кераклиги ҳақида ўйлаб ҳам

кўрмайди. Улар шунчаки “Озғин бўлишни истайман” (натижга) ёки “Шу парҳезга амал қилсам озаман” (жараён), деб ўйладиди. Улар мақсад ҳамда унга етиш йўлини аниқ белгилаб олади, аммо шу ҳаракатлар ортида турган қарашларни унтиб қўяди. Улар ўзлари ҳақидаги тасаввурларни ўзгартирамайди. Эски шахсияти янги режаларни барбод қилиши мумкинлигини тушунмайди.

Ҳар қандай хатти-ҳаракат ортида ғоялар тизими ётади. Демократия тизими шахс эркинлиги, кўпчиликнинг бошқаруви ва ижтимоий тенглик сингари ғояларга асосланган. Диктаторлик тизими эса бутунлай ўзгача, яъни абсолют ҳокимият ва тўлиқ бўйсуниш сингари ғоялар тизимига таянади. Демократик жамият одамларни сайловда қатнашишга жалб қилишда ишлатадиган усуллар диктаторлик тизимида иш бермайди. Чунки улар тизим ўзлигига мос келмайди. Ушбу ғоявий тизимда (диктаторлик) овоз беришга ўрин йўқ.

Алоҳида шахслар, ташкилотлар ёки жамоаларга яқиндан назар ташлаганимизда ҳам ушбу қонуниятга гувоҳ бўламиз. Ҳар қандай тизим ортида фикрлар, ғоялар ва қарашлар тўплами ётади. Ҳар бир одат ортида шахсият яширинган.

Шахсиятга мос келмайдиган хулқ-атвор узоқ вақт давом этмайди. Бадавлатроқ бўлишни исташингиз мумкин, аммо шахсиятингиз ишлаб чиқарувчидан кўра кўпроқ истеъмолчиникига ўхшаса, даромад қилишдан кўра кўпроқ пул сарфлашга мойилроқ бўласиз. Саломатлигингиз мустаҳкам бўлишини хоҳлаётган бўлсангиз ҳам юксак натижаларга нисбатан қулайликни устун кўрадиган бўлсак, машғулотларга қатнашдан кўра дам олиш томонга кўпроқ оғасиз. Эски одатларингизга сабаб бўлган қарашларни ўзгартирасдан туриб хулқ-атворингизни ўзгартириш қийин кечади. Янги мақсад ва янги режалар пайдо бўлаверади, аммо ким эканингиз ўзгармай қолади.

Боулдерлик (Колорадо штатидаги шаҳар) тадбиркор Брайан Кларк ҳақидағи ҳикоя бунга яққол мисол бўла олади. “Эсимни таниганимдан бери тирноқларимни тишлардим, — дейди Кларк. — Бу ёшлик пайтларимда асабийлашганимда такрорланадиган одат ўлароқ бошланиб, кейинроқ ўзимга оро беришдаги ёқимсиз маросимга айланиб қолди. Кунларнинг бирида тирноқларим бир қадар ўсмагунча ularни ўз ҳолига қўйишига қарор қилдим. Фақат иродамга таяниб, бу ишни амалга ошира олдим”.

Сўнг Кларк кутилмаган йўл тутди.

“Мен хотинимдан биринчи маротаба маникюрлаш хизматига навбатга ёздириб қўйишини сўрадим”, — дейди у. — Агар тирноқларимни яхши сақлаш учун пул сарфласам, ularни ортиқ тишламасман деб ўйладим. Фоя иш берди. Фақатгина молиявий сабабларга кўра эмас. Маникюрдан кейин тирноқларим умримда биринчи маротаба чиройли кўрина бошлади. Маникюрчининг сўзларига кўра тирноқларим соғлом ва чиройли эди. Уларни ғажиши одатимни ҳисобга олмаса, албатта. Бирдан ўз тирноқларимдан фахрлана бошладим. Гарчи бунга интилмаган бўлсан ҳам, айнан шу ҳолат ҳал қилувчи рол ўйнади. Ўшандан бери тирноғимни бирор марта ҳам ғажимадим. Бундай фикр ҳатто хаёлимдан ҳам ўтмади. Чунки ularга етарлича эътибор бераётганимдан фахрланардим”.

46 | Одат шахсиятнинг бир қисмига айланиши бу ички мотивациянинг энг олий шаклидир. Қандайдир тоифа инсонга айланишни хоҳлайдиган одам бўлиш қаёқда-ю, шундай тоифадаги одам бўлиш қаёқда.

Шахсиятингизнинг қайси бир жиҳатидан фахрлансангиз, шу жиҳат билан боғлиқ одатларни такрорлашга кўпроқ мотивацияга эга бўласиз. Агар сочингиздан ғурурлансангиз, уни парвариш қилиш билан боғлиқ турли-туман нарсаларга одатланасиз. Агар елка мушакларингизни кўз-кўз қилишни ёқтирангиз, тош кўтариш

машғұлолтларини ҳеч қачон қолдирмайсиз. Агар үз қўлларингиз билан тўқиган шарфларингиз ўзингизга манзур бўлса, соатлаб тўқиб ўтиришингиз мумкин. Фаҳр туйғуси аралашгандан кейин одатларингизни ҳимоя қилиш учун тиш-тирноғингиз билан қуролланасиз.

Хулқ-авторни ўзгартиришнинг асл усули ўзликни ўзгартиришдир. Бирор нарсадан мотивация олиб қандайдир одатни бошлишингиз мумкин, бироқ ушбу одат шахсиятингизнинг бир бўлагига айланганидагина уларга содик қоласиз. Ҳар қандай одам ўзини бир-икки марта спорт залига ташриф буюриш ёки соғлом овқатланишга мажбурлаши мумкин. Бироқ токи хулқ-автор ортидаги қарашлар ўзгармас экан, бошланган ишни узоқ вақт давом эттириш қийин кечади. Токи ўзлигингишга сингиб кетмас экан, барча ўзгаришлар вақтинчалик бўлади.

- Мақсад китоб ўқиш эмас, балки китобсеварга айланиш.
- Мақсад марафонда қатнашиш эмас, балки яхши югурадиган спортчига айланиш.
- Мақсад бирон-бир мусиқа асбобини ўрганиш эмас, балки мусиқачи бўлишдир.

Хулқ-авторингиз, одатда, ўзлигингишни акс эттиради. Нималар қилаётганингиз онгли ёки онгсиз равишда ўзингизни қандай инсон деб ҳисоблашингизнинг кўрсаткичидир.¹ Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўзлигининг бир қисмига қаттиқ ишонса, у катта эҳтимол билан шу қарашга мос равишда иш тутади. Масалан, ўзини “овоз берувчи” деб ҳисоблайдиган одамлар шунчаки “овоз

¹ Хўшсиз, онгсиз ёки онгости атамаларининг барчаси огоҳлик ёки фикрлаш йўқлигини англаради. Ҳатто илмий доираларда ҳам улардан бир-бирининг ўрнини боса оладиган тушунчалар сифатида фойдаланилади. Ҳам биз онгли бошқара олмайдиган жараёнларни, ҳам шунчаки атрофдаги воқеаларга эътибор бермаётганимизни англатгани учун мен кенг маънога эга онгсиз атамасини танлашга қарор қилдим. Ушбу атама ҳозирда онгли равишда фикрламаётган ҳар қандай ақлий жараённи билдиради.

беришим керак” дейдиганларга нисбатан сайловларда күпроқ қатнашади. Худди шунга ўхшаб, жисмоний машқлар қилиш онгига сингиб кетган инсон ўзини маш-тұлолтарға мажбурлаши шарт әмас. Тұғри йүл түтиш қийин әмас. Ахир одатлар ва шахсият бир-бирига тұлық мос келгандан кейин албатта, хұлқ-атворни ўзgartаришиша ортиқ уринмайсиз. Шунчаки ўзингизни қандай инсон сифатида күришингиздан келиб чиқиб ҳаракат қиласиз.

Одатларни шакллантиришнинг барча жиҳатлари сингари бу ҳам икки томони ўткир қиличдир. Сиз учун иш-лаётгандан шахсиятни ўзgartариш – ўз устида ишлашда әнг кучли воситага айланиши мүмкін. Сизга қарши иш-лаётгандан эса худди қарғышдек таъсир қиласы. Қандайдыр ўзликни қабул қылғанингиздан сүңг үндан осонликча ўзгаришларға мойиллигингизни оширишда фойдаланиш мүмкін. Күплаб одамлар умрори шахсияти билан боғлиқ нормаларға күр-күрона амал қилиб ғафлатда ўтказади.

- Йўналишни белгилашда қийналаман.
- Мен эрта турадиганлардан әмасман.
- Одамларнинг исмини эслаб қололмайман.
- Доим кеч қоламан.
- Янги технологияларни унчалик тушунмайман.
- Математикага иқтидорим йўқ.

... ва яна минглаб бошқа варианtlар.

Юқоридаги жумлаларни йиллар давомида ўзингизга ўзингиз тақрорлайверсангиз маълум бир фикрлаш қо-

48 | липига тушиб қоласиз ва уларни ҳақиқат сифатида қабул қила бошлайсиз. Вақт ўтгани сайин “Шахсиятимга тұғри келмайды”, деган баҳоналар билан у ёки бу ишни қилишга қаршилик күрсата бошлайсиз. Ҳар бир инсонда ўзи ҳақидаги тасаввурларни муайян тарзда сақлаш ва шунга мос тарзда ҳаракат қилишга ички талаб мавжуд. Ички дунёнгиз билан номутаносиблик юзага келмаслиги учун у қўлидан келган барча ишни қиласы.

Маълум фикр ёки ҳаракат шахсиятингиз билан қанчалик чамбарчас боғланған бўлса, уларни ўзgartариш

шунчалик қийин бўлади. Гарчи нотўғри эканини билиб турсангиз ҳам, маданиятингизга хос қарашларга (гуруҳ шахсияти) ёки ўзингиз ҳақингиздаги фикрларга (индивидуал шахсият) содиқ қолишга уринасиз. Якка шахс, жамоа ёки бутун бир жамият даражасида бўлсин, яхши одатни шакллантириш олдидаги энг катта тўсиқ бу шахсият билан номутаносиблиkdir. Яхши одатлар мантиқан тўғри бўлиши мумкин, бироқ шахсиятингизга мос келмаса, уларга амал қилишда муваффақиятсизликка дуч келасиз.

Бир кун жуда банд бўлганингиз, ҳаддан ортиқ чарчаганингиз ёки юзлаб бошқа сабабларга кўра одатларни бажаришга қийналишингиз мумкин. Аммо узоқ муддат давомида уларни қилиш-қилмаслигинги одатларнинг ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурларга мос келиш ёки келмаслигига бориб тақалади. Шу сабабдан шахсиятингизни сақлаб қолишга қаттиқ уриниш мақсадга мувофиқ эмас. Олдинга ҳаракатланиш учун ўзлигингиzinинг айrim жиҳатларидан воз кечишинги зарур. Ривожланишдан тўхтаб қолмаслик учун қарашларингизни вақти-вақти билан таҳлил қилиб туришингиз, шахсиятингизни кенгайтириб, янги даражаларга кўтарилишингиз зарур.

Шу тарзда фикрлашда давом этадиган бўлсангиз, олдингизда қатор саволлар пайдо бўлади: агар дунё-қарашингиз ва фикрларингиз хулқ-авторингизга шунчалик катта таъсир кўрсатадиган бўлса, уларнинг ўзи қандай пайдо бўлади? Шахсият қандай шаклланади? Шахсиятнинг ўсишига кўмаклашадиган жиҳатларини қандай кучайтириб, халақит берадиганларини аста-секин сўндириш мумкин?

ШАХСИЯТНИ ЎЗГАРИШЛНИНГ ИККИ БОСҚИЧИ

Шахсият одатларингиздан шаклланади. Сиз ҳозирги қарашларингиз билан туғилмагансиз. Ҳар бир фикр, шу

жумладан, ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурлар ҳаёт давомида шакланади ва ўзгаради.²

Янада аникроқ қилиб айтганда, сиз шахсиятингизни одатларингизорқали намоён қиласиз. Ҳаркуни ўрнингизни йиғиширганингизда тартибли инсон эканингизни, ҳар куни янги бир нарса ёзганингизда ижодкор инсон эканингизни, ҳар куни спорт билан шуғулланганингизда соғлиғига беэтибор бўлмаган одам эканингизни намоён қиласиз.

Бирон-бир одатни қанчалик кўп такрорласангиз, шахсиятингизнинг ушбу одат билан боғлиқ жиҳатини шунчалик кўп мустаҳкамлайсиз. Аслида, шахсият сўзи қадимги лотин тилида бўлиш маъносини билдирувчи “essentitas” ҳамда қайта-қайта маъносини берувчи “identitatem” сўзларидан келиб чиққан. Яъни сўзма-сўз таржима қилинганда ушбу атама “такрорланувчи ўзлик” деган маънони билдиради.

Ўзингизни ким деб ўйлашингиздан қатъи назар, бундай фикрлашга далиллар мавжудлиги учунгина шундай фикрлайсиз. Йигирма йил давомида ҳар якshanба черковга қатнаган бўлсангиз, диндор эканингизни исботловчи далилга эгасиз. Агар ҳар куни кечқурун бир соат вақтингизни биологияни ўрганишга сарфласангиз, тиришқоқ эканингизга далил бор. Об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар спорт билан шуғулланингиз – соғлом турмуш тарзига амал қилингизга далилdir. Шахсиятингизнинг бирон-бир жиҳатини исботловчи далиллар қанчалик кўп бўлса, ўзингиз ҳам унга шунчалик кўп ишонасиз.

Авваллари ўзимни ёзувчи деб ҳисобламас эдим. Агар мактаб ёки университетдаги ўқитувчиларимдан мен ҳақимда сўрасангиз, улар мени ўртамиёна ёзиш кўник-

² Табиийки, шахсиятимизнинг айrim жиҳатлари вақт давомида ўзгармайди. Масалан, ўзимизни баланд ёки паст бўйли деб ҳисоб ташимиз. Аммо шу сингари доимий белги ва сифатларни ижобий ёки салбий қабул қилишимиз ҳаётимиз давомида турли воқеалар таъсирида ўзгариб туради.

малариға эга талаба сифатида эслашларига гувоҳ бўла-сиз. Ёзувчилик фаолиятимнинг дастлабки йилларида фақат душанба ва пайшанба кунлари биттадан янги мақола ёзар эдим, холос. Аммо улар менинг ёзувчи эканимни исботловчи далилга айланди ва ижодкорлик шахсиятимнинг бир қисмига айлана бошлади. Дастлаб ёзувчи эмас эдим. Эндилиқда одатларим орқали ёзувчига айландим.

Шахсиятингизнинг шаклланиши фақатгина одатларга боғлиқ эмас, албатта. Аммо одатлар кўп такрорлангани туфайли энг муҳим омилга айланади. Бошингиздан ўтказган ҳар бир воқеа шахсиятингизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бироқ бир марта тўп тепиш билан ўзингизни футболчи ёки битта эскиз чизиб рассом деб ҳисобламайсиз. Бироқ юқоридаги ҳаракатлар такрорланиб, далиллар сони ортиб боргани сайин ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурлар ҳам ўзгара бошлайди. Вақт ўтган сайин бир марталик воқеанинг таъсири камаяди, одатларники эса ортиб боради. Бошқача қилиб айтганда одатлар сизнинг шахсиятингиз қандайлиги ҳақидаги энг кўп далил билан таъминлайди. Шу маънода янги одатларни яратиш жараёнини ўзлигингизни шакллантиришга тенглаштириш мумкин.

Бу узоқ вақт талаб қиласиган жараён. Янгича одам бўлишга қарор қилганимиздан сўнг бир зўмда ўзгариб қолмаймиз. Ўзгаришлар кундан-кунга, бир одат ортида бошқаси ўзгариши тарзида юз беради.³ Шахсиятимизда | 51 доимий равишда митти эврилишлар рўй беради.

³ Атом одатлар шу сабабга кўра ҳам ўзгаришларнинг самарали кўринишидир. Агар шахсиятимизни жуда тез ўзгаририб, қисқа вақт ичидаги бутунлай бошқа одамга айланадиган бўлсан, худди ўзлигимизни йўқотиб қўйгандек ҳис қиласиз. Аммо шахсиятимизни аста-секин янгилаб, кенгайтириб борсан, бир вақтнинг ўзида ҳам янги шахсият ҳосил қиласиз, ҳам аввалги ўзлигимизни сақлаб қоламиз. Аста-секин бир одат кетидан бошқасига, бир мисолдан кейингисига ўтганимиз сайин янги ўзлигимизга кўникиб борамиз. Атом одатлар ва кичик

заронадар ўзимни йўнисатасдан тириб, ни ўзготтиришнинг қалидидир

Ҳар бир одат “Балки, мен шундай одамдирман?” деган таклифни бераётганга ўшайди. Битта китобни ўқиб тутатган бўлсангиз, балки, китобсевар одамдирсиз? Спорт залига борсангиз, балки спорт билан шуғулланишни ёқтирадиган инсондирсиз? Гитара чалишни машқ қилсангиз, балки, мусиқани севадиган шахсдирсиз?

Ҳар бир ҳаракатингиз қандай инсон бўлишингизга берилган овоздир. Алоҳида воқеа ўз ҳолича қарашларингизни ўзгартира олмайди. Бироқ овозлар йиғилиб янги шахсиятингиз, ўзлигинизни тобора кўпроқ тасдиқлай бошлайди. Шу сабабдан сезиларли ўзгариш учун кескин бурилиш шарт эмас. Кичик одатлар ҳам шахсиятингизни сезиларли даражада ўзгартира олади. Ўзгариш сезиларли экан, демак, у катта ҳамдир. Айнан шу ҳодиса кичик ўзгаришлар парадоксидир.

Ўқоридагилардан хulosа қилиб айтиш мумкинки, одатлар шахсиятингизни ўзгартириш йўлидир. Ким эканингизни ўзгартиришнинг энг самарали усули нима қилаётганингизни ўзгартиришdir.

- Ҳар сафар парча ёзганингизда, ёзувчисиз;
- Ҳар сафар скрипка чалганингизда, чолғучисиз;
- Ҳар сафар спорт залда ишлашни бошлаганингизда, спортчисиз;
- Ҳар сафар қўл остингиздаги ишчиларни руҳлантирганингизда, етакчисиз.

Ҳар бир одат аниқ бир натижа келтиришдан ташқари яна бир муҳим нарса – ўзингизга бўлган ишончни ҳам ҳосил қиласди. Қилаётган ишингизни уddyалай олишингизга ишончингиз ортиб боради. Ижобий овозлар кўпайиб, далиллар бир-бирига уланади. Натижада ўзингиз ҳақингиздаги тасаввур ҳам ўзгара бошлайди.

Албатта, бунинг акси ҳам кузатилиши мумкин, ҳар сафар бирон-бир ёмон ишга қўл урганингизда ўзлигиниз ҳам ўша томонга битта овоз беради. Бахтингизга мукаммал бўлиш шарт эмас. Ҳар қандай сайловда иккала ном-

зодга ҳам овоз берилади. Голиб бўлиш учун эса бир овоздан сайланиш шарт эмас. Кўпроқ овозга эга бўлиш кифоя. Баъзан ёмон ёки самарасиз одатларга ҳам изн берсангиз бўлади. Фақат улар кўпайиб кетмаслигини назорат қилиб турсангиз бас.

Янги шахсият шаклланиши учун янги далиллар зарур. Агар аввал қилиб юрган ишларингизни қилишда давом этадиган бўлсангиз, эски натижаларни олаверасиз. Ҳеч нарсага ўзгартириш киритмасангиз, ҳеч нарса ўзгармайди ҳам.

Юқоридагиларга асосланиб содда, икки босқичли жараённи тасаввур қилиш мумкин:

- Қандай турдаги одам бўлишни исташингизни аниқлаб оласиз;
- Шундай одам эканингизни ўзингизга кичик ютуқлар билан исботлаб борасиз.

Дастлаб ким бўлишни белгилаб олинг. Бу ҳар қандай даражага: якка шахс, кичик жамоа, жамият ёки миллат даражасига ҳам тегишли. Ким сифатида гавдаланишини хоҳлайсиз? Тамойилларингиз ва қадриятларингиз нималардан иборат? Ким бўлишни истайсиз?

Булар қийин саволлар. Кўпчилик ишни нимадан бошлашни билмайди, аммо қандай натижка хоҳлаётганини билади. Мисол учун, чиройли пресс чиқариш, камроқ асабийлашиш ёки маошини икки баробар ошириш. Шу ҳам етарли. Ишни шу ердан бошлаб, тескарисига кўриб чиқамиз ва бу натижага эришиш учун қандай тоифадаги инсон бўлишингизни келтириб чиқарамиз. Мен истаган натижаларга қандай одамлар эришади, деган савонни олдингизга ташласак бас. Қандай инсон ортиқча 20 килограмм вазндан қутула олади? Янги тилни ўрганадиган одам қандай бўлади? Янги стартапни ким муваффақиятга элта олади?

Мисол учун, “Ким китоб ёза олади?” деган саволга қатъий ва ишончли одам деб жавоб бериш мумкин. Энди

эътиборни китоб ёзишдан (натижага йўналган) қатъий ва бошқалар ишонадиган инсон бўлишга (шахсиятга йўналган) қаратамиз.

Бу жараён қўйидаги каби қарашларга олиб келади:

- Мен талабаларига қўлидан келганча ёрдам берадиган ўқитувчиман;
- Мен ҳар бир bemорга етарлича вақт ажратиб, уларга ғамхўрлик қиладиган шифокорман;
- Мен ўз ходимларини ҳимоя қиладиган менежерман.

Қандай одам бўлишингизни аниқлаб олганингиздан кейин үшбу янги шахсиятни кучайтириш учун кичик қадамлар ташлашингиз керак бўлади. Бир яқин дўстим ўзига “Соғлом ҳаёт тарзига амал қиладиган одам нима қилган бўлар эди?” деган саволни бериб 50 килограмм ортиқча вазндан халос бўлишга эришган. Кун давомида у қарор қабул қилаётганда шу саволни ўзига берган. Соғлом турмуш тарзига амал қиладиган одам пиёда юрармиди ёки таксига чиқармиди, бургер буюртма қилармиди ёки салат? У ўзини узоқ вақт давомида соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган одамдек тутса, ўзи ҳам шундай бўлиб қолишини тушуниб етган. У ҳақ бўлиб чиқди.

Шахсиятга йўналган одатлар тушунчасидан китобнинг яна бир мухим мавзуси бўлган қайта алоқа ҳалқаси учун кириш қисм сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Одатлар шахсиятни шакллантиради, шахсият эса одатларни. Бу икки ёқлама жараёндир. Барча одатларнинг шаклланиши қайта алоқа ҳалқасидир (Бу тушунча ҳақида кейинги бобда батафсил суҳбатлашамиз). Аммо бу жараённи натижалар эмас, балки қадриятларингиз, тамойилларингиз, бир сўз билан айтганда, шахсиятингиз бошқарадиган бўлса мақсаддага мувофиқ бўлади. Эътибор доимо қандай натижаларга эришишга эмас, балки қандай инсон бўлишга қаратилмоғи лозим.

ОДАТЛАР МУҲИМ ЭКАНИНИНГ АСЛ САБАБИ

Шахсиятни ўзгариши – одатларни ўзгариши жараёнидаги йўлчи юлдуздир. Китобнинг кейинги қисмларида ўзингиз, оиласиз, жамоа ёки корхона, умуман олганда, исталган жойда яхши одатларни қандай яратиш бўйича босқичма-босқич кўрсатмалар берилган. Аммо асосий масала доимо ёдингизда туриши керак: “Сиз ўзингиз истаган инсонга айланиб боряпсизми?” Биринчи босқич нимани ёки қандай ўзгариши эмас, балки ким бўлиши керак. Ким бўлишни хоҳлаётганингизни билишингиз керак. Бу ўта муҳим, акс ҳолда ўзгаришга бўлган уринишларингиз рулсиз қайикда денгизга чиқишига ўхшаб қолади. Шу сабабдан ҳам китобни шу масаладан бошлашга қарор қилдим.

Ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурларни ўзгариши қўлингиздан келади. Шахсиятингиз тошга ўйиб ёзилмаган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам танлаш имконингиз бор. Исталган турдаги одам бўлишни танлаб, уни бугунданоқ янти одатлар билан мустаҳкамлашингиз мүмкин. Айнан шу масала китобнинг яширин мақсади ва одатлар нима сабабдан ўта муҳим эканлигини ёритиб беради.

Яхши одатларни ҳосил қилиш ҳаётингизни турли туман лайфҳаклар билан тўлдириб ташлаш дегани эмас. Ҳар оқшом биттадан тиш тозалаш, ҳар куни эрталаб совук душ қабул қилиш ёки ҳар куни бир хил кийим кийиш сингари тавсиялар ҳам эмас. У кўп пул топиш, ортиқча вазндан қутулиш ёки стрессни камайтириш сингари муваффақиятнинг ташқи белгилари ҳам эмас. Одатлар буларнинг ҳаммасига эришиш имконини беради, аммо уларни ҳосил қилишдан мақсад бирон нимага эришиш эмас, балки янгича инсонга айланишдир.

Одатларнинг аҳамияти ҳам шунда, улар сизни сиз истаган инсонга айланишингизга ёрдам беради. Улар ўзингиз ҳақингиздаги асл тасаввурларингизни шакллантириш воситасидир. Том маънода сиз ва одатларингиз бир бутунсиз.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Хулқ-атворнинг уч қатлами мавжуд: натижалар, жараёнлар ва шахсият.
- Одатларни ўзгартиришнинг энг самарали усули эътиборни эришмоқчи бўлган натижаларга эмас, балки ким бўлишни исташингизга қаратишdir.
- Шахсият одатларингиз асосида шаклланади. Ҳар бир қилган ҳаракатингиз қандай турдаги одам бўлишингизга берилган овоздир.
- Ўзингизнинг энг яхши “мен”ингизга айланиш учун қарашларингизни даврий равишда қайта кўриб чиқиш, шахсиятингизни кенгайтириш ва янгилаб туриш талаб этилади.
- Одатларни ҳосил қилишнинг асл моҳияти яхши натижаларга эришиш эмас (гарчи улар яхши натижаларга етишга ёрдам берса ҳам), балки ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурларингизни ўзгартиришdir.

3

ЯХШИ ОДАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТҮРТТА ОДДИЙ БОСҚИЧИ

1898 йилда Эдвард Ли Торндейк исмли руҳшунос одатлар қандай шаклланиши ва хулқ-авторимизни бошқарувчи қонуниятлар ҳақидаги ҳозирги тасаввурларимизга асос бўлган тажриба ўтказди. Торндейк ҳайвонларнинг хулқ-авторига қизиқарди, уларни ўрганишни мушуклар устида ишлашдан бошлади.

У ҳар бир мушукни жумбоқлар қутиси деб аталадиган қурилманинг ичига солди. Қути шундай қурилган эдики, мушук “ипни тортиш, ричагни босиш ёки платформага чиқишдек оддий ҳаракатлар билан” қути туйнугидан чиқиб кетиши мумкин эди. Мисол учун, қутида ричаг бор. У босилганда қутининг ён деворида туйнук очилади. Шундан сўнг мушук қути ичидан сакраб чиқиб, овқат тўлдирилган идиш томон югурди.

Кўлчилик мушуклар қутига солинган вақтдан бошлаб ундан чиқишига уринарди. Улар тумшуғини бурчак-бурчакларга суқиб кўтар, тирқишлигарга панжасини тиқар ва нарсаларни тирнар эди. Бир неча дақиқали тадқиқотлардан кейин улар ўша сеҳрли ричагни босиб қўйиши ҳам мумкин эди. Натижада туйнук очилиб, мушуклар қутидан қочиб чиқарди.

Торндейк ҳар бир мушукнинг хулқ-авторини кўплаб синовларда кузатиб борди. Дастлаб ҳайвонлар қути ичи-

да бетартиб равишда ҳаракатланди. Аммо ричаг босилиб, түйнук очилгач, ўрганиш жараёни бошланди. Аста-секин ҳар бир мушук ричагни босиш билан қутидан халос бўлиш ва овқатга эришиш сингари мукофот ўртасида боғланиш мавжудлигини тушуна бошлади.

Йигирма ёки ўттизта уринишдан сўнг бу хатти-ҳаракатлар шу қадар автоматлашиб, одат тусига кирдики, мушук бир неча сония ичида ҳам қутидан қочиб чиқишига муваффақ бўлди. Мисол учун, Торндейк кузатувларида “12-рақамли мушук вазифани бажариш учун қўйидагича вақт сарфлади: 160 сония, 30 сония, 90 сония, 60, 15, 28, 20, 30, 22, 11, 15, 20, 12, 10, 14, 10, 8, 8, 5, 10, 8, 6, 6, 7”, деб ёзади.

Дастлабки учта синовда мушук ўртача 1,5 дақиқада қочиб чиқди. Сўнгги уч синовда эса бу вақт ўртача 6,3 сонияни ташкил қилди. Ҳар бир машқдан сўнг мушуклар камроқ хатоларга йўл қўйиб, уларнинг ҳаракатлари тезроқ ва автоматик бўлиб борди. Мушуклар хатоларни доимий тақрорлаш ўрнига тўғридан-тўғри муаммонинг ечими сари борди.

Тажрибаларига асосланган ҳолда Торндейк ўрганиш жараёнини таърифлаш давомида “Ёқимли натижага олиб келадиган хатти-ҳаракатлар кўпроқ, ёқимсизларига сабаб бўладиган ҳаракатлар эса камроқ тақрорланиш эҳтимолига эга”, деб ёзган эди. Унинг тажрибаси одатлар бизнинг ҳаётимизда қандай пайдо бўлишини муҳокама қилиш учун ажойиб асос бўла олади. Шунингдек, одат аслида нима, миямиз уларни шакллантиришга нима сабабдан уринади сингари фундаментал саволларга жавоб беради.

МИЯ НИМА САБАБДАН ОДАТЛАРНИ ҲОСИЛ ҚИЛАДИ?

Одат – автоматик даражага етиш учун етарлича тақрорланган хулқ-атвордир. Одатлар шаклланиши уриниш ва хатолар билан бошланади. Ҳар сафар ҳаётда янги нарсага дуч келганингизда миянгиз қарор қабул қилиши зарур.

Бунга қандай жавоб қайтараман? Муаммо билан биринчи марта тўқнаш келганингизда уни қандай ҳал қилишни аниқ билмайсиз. Худди Торндейкнинг мушуклари сингари нималар иш бериши мумкинлигини билиш учун турли ечимларни синаб кўрамиз.

Ушбу даврда миянинг нейрологик фаоллиги жуда юқори бўлади. Вазиятни эҳтиёткорлик билан таҳлил қилиб, кейинги қадамларингиз борасида онгли равишда қарор қабул қиласиз. Катта микдорда янги ахборотни қабул қилар экансиз, уни тушунишга ҳаракат қиласиз. Мия энг самарали ечимни қидириш билан банд бўлади.

Баъзида худди мушук ричагни босиб қўйгани сингари муаммонинг ечимини топиб оласиз. Хавотирланаётганингизда югуришга чиқиш сизни тинчлантиришини сезиб қоласиз. Кун бўйи қаттиқ ақлий меҳнатдан сўнг видеоўйинлар ўйнаганингизда яйраб дам олишингизни пайқайсиз. Муаммонинг ечимини қидираверасиз, қидираверасиз ва кутилмаганда мукофотга дуч келасиз.

Бундай мукофотни бехосдан топиб олганингиздан сўнг кейинги сафар стратегиянгизни ўзгартирасиз. Миянгиз дарҳол мукофотга дуч келишингиздан аввал бўлиб ўтган воқеаларни саралай бошлайди. Тўхтанг-чи, жуда ажойиб нарса бўлдими? Ундан олдин нима қилдим ўзи?

Инсоннинг ҳар бир ҳаракати ортида қайта алоқа ҳалқаси ётади: уриниб кўриш, омадсизликка учраш, хулоса чиқариш ва янги усулни синаб кўриш. Тажриба ортиб борган сари кераксиз ҳаракатлар камайиб боради, фойдали ҳаракатлар эса кучайиб боради. Бунинг натижасида одат шаклланади.

Бир турдаги муаммога қайта-қайта дуч келавергандан кейин мия уни ҳал этиш жараёнини автоматлаштиришга уринади. Одатлар шунчаки кундалик ҳаётда тўқнаш келадиган муаммо ва қийинчилликларни енгиб ўтишга қаратилган автоматик ечимлар йиғиндисидир. Бихевиорист олим Жейсон Хреха ёзганидек, “Одатлар

шунчаки атрофимиизда тез-тез-такрорланиб туралдиган муммолярнинг ишончли ечимиидир".

Одат мустаҳкамланиб боргани сайин миянинг фоллашиш даражаси пасаяди. Муваффақиятни англатувчи сигналларнигина қабул қилиб, бошқа ҳеч нарсага эътибор бермайдиган бўлиб қоласиз. Аввал бажарган ишларингизга яна тўқнаш келадиган бўлсангиз, бу сафар нималарга эътибор бериш керак эканини биласиз. Вазиятни ҳар тарафлама таҳлил қилишга ҳожат қолмайди. Миянгиз уриниб кўриш ва хато қилиш босқичини ташлаб кетади ва фойдаланишга қулай қоида ишлаб чиқади: "Агар бундай бўлса, унда мана бундай қилиш керак". Ушбу фикрий ёзувдан ўхшаш вазиятларда автоматик равишда фойдаланиш мумкин. Ўзингизни бироз асбийлашганингизни сезишингиз билан югуришга отласиз. Ишдан келибоқ видео ўйин дастагига қўл чўзасиз. Ушбу қарорларни қабул қилиш жараёни энди автоматик кечади. Одат шаклланди.

Одат – тажриба тўпланган сари миямизда ҳосил бўладиган қисқа йўллардир. Бошқача қилиб айтганда, у аввал бажарган ишлар кетма-кетлиги борасидаги хотирамиздир. Маълум вазият аввал гиларига мос келди дегунча ушбу хотирага суюниб муммони автоматик тарзда ечиш мумкин. Мия келажакда иш бериши мумкин бўлган усууларни эслаб қолади.

Одат шаклланиши жуда фойдали жараёндир. Чунки миямизнинг онгли равишида фикрлаш қуввати чегараланган. У бир вақтда фақат битта муммога диққат қаратиши мумкин. Натижада миянгиз уни фақат ўта мухим вазифаларга асрраб қўяди. Имкон пайдо бўлиши биланоқ у вазифаларни автоматик бажариш учун миянинг онгости қисмларига ўtkазишга ҳаракат қиласиди. Одат шаклланганда эса айнан шундай ҳодиса кузатилади. Одатлар миянинг онгли қисмига тушадиган юкни камайтиради, натижада мия бошқа мухимроқ вазифаларни бажариш учун зарур бўлган қувватни тежайди.


Одатлар жуда самарали бўлишига қарамасдан одамлар уларнинг қанчалик фойдали эканига ҳали ҳам шубҳа билан қарайди. Инсонлар орасида қўйидаги қарши фикрлар тарқалган: “Одатлар туфайли ҳаётим зерикарли бўлиб қолмайдими?”, “Мен ўзим истамаган ҳаёт тарзида қотиб қолишни истамайман”, “Ҳаётимизни олдиндан айтиб бериш мумкин бўладиган бўлса, унинг жозибаси йўқолиб кетмайдими?” каби. Ҳавотирланишга ўрин йўқ, менимча. Бундай саволлар олдингизда фақат иккита йўл бор деган сохта тасаввур уйғотади. Яъни маълум бир одатни шакллантириш ёки эркин яшашдан фақатгина биттасини танлаш мумкин деб ўйлашга мажбур қилади. Аслида эса уларнинг иккаласи бир-бирини тўлдиради.

Одатлар эркинликни чекламайди, аксинча унинг учун шароит яратади. Ўз одатларини назорат қила олмайдиган инсон энг кам эркинликка эга бўлади. Яхши молиявий одатларсиз бир маошдан бошқасигача етиб олиш қийин кечади. Соғлом турмуш тарзисиз ўзингизни доимо кам-қувват ҳис қиласиз. Ўқиб-ўрганишингизни тартибга келтира олмасангиз, билим борасида бошқалардан ортда қолиб кетаётгандек туюласиз. Агар ҳар сафар оддий вазифаларни бажариш учун қарор қилишга мажбур бўлсангиз — “Спорт билан қачон шуғулланишим керак?” “Қачон китоб ёзишим керак?” ёки “Солиқларни қачон тўлашим керак?” каби — ўзингизни эркин ҳис қилишга вақт кам қолади. Ҳаёт тарзингизнинг базавий жиҳатлари таъминлангандахина онгингизда эркин фикрлаш ва ижод учун жой қолади.

Одатларни бир тизимга солиб, кундалик ҳаётингиз таъминлангандан кейин янги мавзуулар билан танишиш, янгича муаммоларни ҳал қилиш учун миянгиз озод бўлади. Ҳозирда одатларни шакллантиришга куч сарфлаш келажақда ўзингиз ёқтирган иш билан кўпроқ шуғулланиш имконини беради.

ОДАТЛАР ҚАЙ ТАРЗДА ИШЛАШИННИГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Одатни шакллантириш жараёнини түрт босқичга бүлиш мүмкін: сигнал, истак, жавоб ва мұкофот. Уни бундай фундаментал қисмларга бүлиш бизга одат аслида нима экани, у қандай механизмларга зәға экани ва уни қандай қилиб яхшилаш мүмкінлегини түшунишга ёрдам беради.



5-расм. Барча одатлар түрт босқичдан бир хил кетма-кетлиқда үтады: сигнал, истак, жавоб ва мұкофот.

Мазкур түрттә босқич ҳар қандай одатнинг асосидир. Мия ҳам ҳар сафар ушбу босқичлардан үтади.

Әңг аввало, сигнал қабул қилинади. У маълум бир ҳаракатни бошлашынгиз учун мияга турткы беради. Мұкофот яқын атрофда эканини билдиради. Қадимда аждодларимиз емиш, сув ёки жинсий алоқа сингари бирламчи мұкофотларни күрсатувчи сигналларга ажамият берган. Биз эса ҳозирги кунда вақтимизнинг асосий қисмини пул, шон-шұхрат, ҳокимият, мартаба, мақтов ёки тан олиниш, севги ёки дүстлик, үзидан қониқиши ҳисси сингари иккиламчи мұкофотларни күрсатувчи сигналларни қидиришга сарфлаймиз (Албатта, юқоридагиларнинг барчаси хүлқ-атворимизнинг асоси бүлгап тирик қолиш ва зурриёт қолдириш истагининг амалга ошиш әхтимолини оширади).

Миянгиз түхтөвсиз равища ички ва ташқи мұхитдан мұкофотларга ишора қылувчи сигналларни таҳлил қиласади. Сигнал мұкофот яқынлегини англатгани учун ҳам сизде истак үйғонади.

Истак – одат шаклланишининг иккінчи босқичи. У ҳар қандай хүлқ-атвор ортидаги ҳаракатлантирувчи күчdir. Мана шу күчсиз ёки хоҳиши-истаксиз – үзгариш истагисиз

– ҳаракат қилишдан ҳеч қандай маъно йўқ. Биз истаётган нарса одатнинг ўзи эмас, балки ундан кейин келадиган ўзгаришдир. Тамаки хумори тутганда сигаретани чекиш жараёнининг ўзини эмас, балки ундан кейин келадиган енгиллик ҳиссини истайсиз. Тишларингизни шунчаки то-залаш учун эмас, балки ундан кейин пайдо бўладиган софлик ҳисси учун ювасиз. Телевизорни кўришни эмас, балки вақтингизни чоғ ўtkазиши хоҳлайсиз. Ҳар бир истак ортида ички ҳолатингизни ўзгартиришга бўлган хоҳиш ётади. Ушбу муҳим жиҳатни кейинроқ батафсил кўриб чиқамиз.

Ҳар бир инсоннинг хоҳиш-истаклари бошқаларникидан фарқ қиласи. Назарий жиҳатдан олиб қараганда ҳар қандай маълумот истак пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Амалда эса бир инсонда истак ўйғотган сигнал иккинчи бир инсонга таъсир қилмаслиги мумкин. Қиморбоз учун ўйин машиналарининг овози енгиб бўлмас даражада кучли истакни пайдо қиласи. Бундай ўйинларни кам ўйнайдиган одам учун казинодаги ҳамма товушлар оддий шовқиндек туюлади, холос. Сигналлар талқин қилинмагунча ҳеч қандай маънога эга эмас. Қабул қилувчининг ўй-фикрлари ва ҳиссиётлари сигнални истакка айлантиради.

Учинчи босқич бу жавоб ҳаракатидир. Жавоб сиз амалга оширадиган одат бўлиб, у фикр ёки ҳаракат кўринишида бўлиши мумкин. Жавобнинг юзага келиш ёки келмаслиги мотивациянгиз даражаси ва ҳаракатни амалга ошириш олдида қандай тўсиқлар борлигига боғлиқ. Агар бирон-бир ҳаракат сиз ўйлагандан кўра кўпроқ жисмоний ёки ақлий қувват талаб қиласидиган бўлса уни бажармай қўя қоласиз. Жавоб, бундан ташқари, сизнинг қобилиятларингизга ҳам боғлиқ. Табиийки, одатни фақат қўлингиздан келгандагина амалга ошира оласиз. Агар баскетбол тўпини саватчага туширишни истасангиз-у, бўйингиз паст бўлса, демак, омадингиз үнчалик чопмабди.

Ва ниҳоят, жавоб сизни мукофотга олиб келади. У ҳар қандай одатнинг сўнгти мақсадидир. Сигнал мукофот ҳақида маълумот беради, истак – мукофотга эришишни хоҳлаш, жавоб эса мукофотларни қўлга киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар. Биз иккита сабабга кўра мукофотнинг ортидан қувамиз. Биринчиси, улар бизни қониктиради, иккинчиси эса улар бизга сабоқ беради.


Мукофотнинг биринчи вазифаси истакларингизни қондиришдир. Мукофотлар ўз ҳолиҷа ҳам фойдали, албатта. Егулик омон қолишингиз учун зарур қувватни беради, лавозим кўтарилиши даромад ва обрўйингизни оширади, бақувват ва чиройли танага эга бўлиш соғлиғингизни мустаҳкамлайди ва ўзга жинс вакиллари кўзига яхшироқ кўрсатади. Аммо биринчи навбатда мукофот овқатланиш, юқори мартаба ёки мақтовга бўлган талабни қондиради. Вақтинчалик бўлса ҳам мамнунлик ҳиссини пайдо қиласди ва истакдан фориғ қиласди.

Иккинчидан, мукофотлар қандай хатти-ҳаракатларни ёдда сақлаш кераклигини ўргатади. Мия мукофотларни аниқловчи қурилмадир. Кундалик ҳаётда миянгиз қайси хатти-ҳаракатлар талаб ва истакларингизни қондира олишини доимий равишда кузатиб боради. Қувонч ва кўнгилсизлик қайта алоқа механизмининг бир қисми бўлиб, фойдали ҳаракатларни бефойдаларидан ажратиб олишга хизмат қиласди. Мукофотлар қайта алоқа ҳалқасини охирига етказади ва одат циклини якунлайди.

64 |

Агар хулқ-атворнинг юқорида санаб ўтилган босқичларидан бирортаси етарли даражада бўлмаса, у одатга айланба олмайди. Сигнал бўлмаса одат бошланмайди, истак кам бўлса ҳаракат қилиш учун мотивация етарли бўлмайди, ҳаракатнинг ўзи мураккаб бўлса уни бажариш қўлингиздан келмайди, агар мукофот бўлмаса, ҳаракатни келажақда такрорлашдан маъно йўқ. Дастребки уч босқич бажарилмаса, хатти-ҳаракат юзага келмайди. Тўртовори амалга ошмаса, ҳаракат такрорланмайди.

Одат ҳалқаси



6-расм. Одатнинг тўрт босқичини қайта алоқа ҳалқаси деб тасвирлаш мумкин. То тирик экансиз, у доимий равишда тақрорланиб туради. Ушбу “одат ҳалқаси” атроф-муҳитни тўхтовсиз кузатади, нималар содир бўлишини аввалдан кўра олишга ҳаракат қиласиди, турли ўсулларни синааб кўриб, уларнинг натижаларидан ўрганади.

Хулоса қилиб айтганда сигнал истакни үйғотади, истак бизни жавоб қайтаришга ундайди, жавоб эса мукофотга элтади. Мукофот истакни қондириб, охир-оқибат сигнал билан боғлиқлик ҳосил қиласиди. Биргаликда ушбу тўртала босқич нейрологик қайта алоқа ҳалқасини ҳосил қиласиди | 65 – сигнал, истак, жавоб, мукофот; сигнал, истак, жавоб, мукофот – бу алалоқибат автоматик одат шаклланишига имкон беради. Бу цикл одат ҳалқаси номи билан маълум.

Ушбу тўрт босқич баъзи-баъзида содир бўладиган жараён эмас, балки ҳаётингизнинг ҳар бир сониясида фаол ишлаб турадиган чексиз қайта алоқа ҳалқасидир. Мия атроф-муҳитни тўхтовсиз кузатади, нималар содир бўлишини аввалдан кўришга ҳаракат қиласиди, турли

АТОМ ОДАТЛАР

үсулларни синааб кўриб, уларнинг натижаларидан ўрганиди. Бутун бошли жараён кўз юмиб очгунча содир бўлади. Ўзингиз англамаган тарзда ундан қайта ва қайта фойдаланаверасиз.

Тўрт босқични икки фазага ажратиш мумкин: муаммо фазаси ва ечим фазаси. Муаммо фазаси сигнал ва истакни ўз ичига олиб, бунда нимадир ўзгариши зарурлигини ҳис қиласиз. Ечим фазаси таркибига жавоб ва мұкофот киради ва бунда фаол ҳаракат қилиб, ўзингиз истаган ўзгаришга эришасиз.

Мұаммо фазаси		Ечим фазаси	
1. Сигнал	2. Истак	3. Жавоб	4. Мұкофот

Барча ҳаракатлар ортида мұаммоми ҳал қилишга бўлган талаб ётади. Баъзан мұаммо қандайдир яхши нарса эътиборингизга тушгани ва уни қўлга киритиш истаги бўлади. Баъзан эса мұаммо бу – қандайдир оғриқ ҳис қилишингиз ва ундан халос бўлишни хоҳлашингиздир. Ҳар икки ҳолда ҳам одатнинг асл мақсади бу сиз дуч келадиган мұаммоларга ечим топишдир.

Қўйида бир нечта ҳаётий мисоллар келтирилган.

Тасаввур қилинг, қоронғи хонага кириб, чироқни ёқдингиз. Бу ишни шу қадар кўп бажарганингиз учун уни ҳозир ўйламасдан қиласиз. Кўз очиб юмгунча тўртала босқичдан ўтиб улгурасиз. Чироқни ёқиши кераклигини ўйлаб ўтирумай амалга оширасиз.

Вояга етганимизда ҳаётимиизни бошқараётган одатларни камдан-кам ҳолларда пайқаймиз. Ҳар куни пойабзални бир оёқдан кия бошлашимиз, тостерни ишлатгач, уни электрдан узиб қўйишимиз, ишдан келгач уй кийимларимизни кийиб олишимиз ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Йиллаб давом этган онгли ҳаракатлардан сўнг биз ушбу фикрлаш ва ҳаракат тарзини автоматик бажарамиз.

НЕГА КИЧИК ЎЗГАРИШЛАР КАТТА НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

Муаммо фазаси		Ечим фазаси	
1. Сигнал	2. Истак	3. Жавоб	4. Мукофот
Телефонингизга янги хабар келгани ҳақида сигнал чалинади.	Хабарда нима ёзилганини билгингиз келади.	Телефонни олиб, хабарни ўқийсиз.	Хабарни ўқишига бўлган истагингиз қондирилади. Телефонни қўлга олиш сигнал чалиниши билан боғланиш ҳосил қиласди.
Электрон хатларга жавоб беряпсиз.	Иш кўплигидан стрессга тушасиз. Назоратни ўз қўлингизга олишни истайсиз.	Тирноқла-рингизни тишлайсиз.	Стрессни камайтиришга бўлган талаб қондирилади. Тирноқ тишлиш ва электрон хатга жавоб бериш ўртасида боғланиш юзага келади.
Уйғондингиз.	Ўзингизни тетик ҳис қилишни истайсиз.	Бир чашка қаҳва ичасиз.	Тетик бўлиш хоҳишингиз қондирилади. Қаҳва ичиш ва эрталаб уйғониш ўзаро боғланди.

АТОМ ОДАТЛАР

<p>Күчада кетаётганингизда ишхонангиз ёнидаги дүкондан ширин кулча хиди димоғингизга урилади.</p>	<p>Кулчани егингиз келади.</p>	<p>Кулчани сотиб олиб, уни пақкос туширасиз.</p>	<p>Ширин кулчага бўлган истагингиз қондирилади. Ишхонангиз ёнидаги күчадан ўтиш билан кулча сотиб олиш ўзаро боғланади.</p>
<p>Ишдаги лойиҳани бажариш чоғида қийинчиликка дуч келдингиз.</p>	<p>Ўзингизни боши берк кўчага кириб қолгандек ҳис қиласиз ва бундан халос бўлишни истайсиз.</p>	<p>Телефонингизни қўлингизга олиб, ижтимоий тармоқларга кирасиз.</p>	<p>Бироз бўлса ҳам чалғиш истагингиз қондирилади. Ишдаги тұхталишлар ва ижтимоий тармоққа кириш ўртасида алоқадорлик шаклланади.</p>
<p>Қоронғи хонага кирасиз.</p>	<p>Хонадаги нарсаларни кўришни хоҳлайсиз.</p>	<p>Чироқни ёқасиз.</p>	<p>Кўриш истагингиз қондирилади. Қоронғи хона ва чироқни ёқиши ўртасида боғланиш пайдо бўлади.</p>

ХУЛҚ-АТВОР ЎЗГАРИШИННИГ ТҮРТ ҚОИДАСИ

Китобнинг кейинги қисмларида сигнал, истак, жавоб ва мукофот ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида мавжуд эканига қайта ва қайта гувоҳ бўламиз. Бироқ бундан аввал ушбу босқичларни яхши одатларни яратадиган ва ёмонларидан халос бўлишга ёрдам берадиган амалий намуна кўринишига келтириб олишимиз зарур.

Мен бу намунани хулқ-атвор ўзгаришининг түрт қоидаси деб атайман. Улар бизни яхши одатларни ҳосил қилиш ва ёмонларидан қутулиш бўйича оддий кўрсатмалар билан таъминлайди. Агар иш тўғри йўлга қўйилган бўлса, одатларни ўзгартериш хамирдан қил суғургандек осон, агар нотўғри ёндашилса деярли имконсиз ишга айланади.

Яхши одатларни қандай ҳосил қилиш мумкин

- 1-қоида (синал): Одат кўзга осон ташланадиган бўлиши керак;
- 2-қоида (истак): Одат жозибали бўлиши керак;
- 3-қоида (жавоб): Одат осон бўлиши керак;
- 4-қоида (мукофот): Одат қониқарли бўлиши керак.

Худди шу қоидаларни тескарисига ўзгартриб, ёмон одатлар билан курашишда фойдаланиш мумкин.

Ёмон одатлардан қандай халос бўлиш мумкин

- 1-қоиданинг акси (синал): Одат кўз илғамас бўлиши керак;
- 2-қоиданинг акси (истак): Одат жозибасиз бўлиши керак;
- 3-қоиданинг акси (жавоб): Одат қийин бўлиши керак;
- 4-қоиданинг акси (мукофот): Одат қониқарсиз бўлиши керак.

Ушбу тўрт қоида ҳар қандай хулқ-атворни ўзгартира олади деб айтсан, балки, муболаға бўлар, аммо унчалик ҳам муболағали эмас. Хулқ-атвор ўзгаришларининг тўрт қоидасини спортдан тортиб, сиёsat, санъат, тиббиёт, сўз санъати ёки менежментгача деярли ҳар қандай соҳада қўллаш мумкинлигига тез орада гувоҳ бўласиз. Ушбу қоидалар олдингизда юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга ёрдам беради. Ҳар бир янги одат учун янгича ёндашув излашга ҳожат йўқ.

Ҳар қандай хулқ-атворни ўзгартаришни истаганимизда ўзимизга қўйидаги саволларни берсак бўлгани:

- Нима қилсан, у қўзга осонроқ ташланади?
- Қандай қилиб үнинг жозибадорлигини ошириш мумкин?
- Қандай қилиб уни осонлаштириш мумкин?
- У қониқарли бўлиши учун нималар зарур?

Режалаштирган ишларимизни ҳар доим ҳам амалга ошира олмаслигимиз, ортиқча вазн ёки чекишдан халос бўла олмаётганимиз, нафақа жамғармасига пул тўпламаётганимиз, қўшимча бизнесни йўлга қўёлмаётганимиз, муҳим нарсаларга вақт ажратса олмаётганимизнинг сабаби нима экани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ушбу муаммоларнинг сабаби тўрт қоидадан бирида яширинган бўлади. Янги одатларни шакллантириш ёки ёмонларидан халос бўлишнинг энг муҳим шарти ушбу фундаментал қоидаларни тушуниш ва уларни ўз шароитимизга мослаштира олишдир. Инсон табиатига ёт бўлган ҳеч бир режа амалга ошмайди.

Одатлар ҳаётимиздаги тизимлар таъсирида шаклланади. Кейинги бобларда ҳар бир қоидани бирма-бир кўриб чиқиб, улардан яхши одатлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб, ёмонлари эса аста-секин сўниб борадиган тизимни яратишда қандай фойдаланиш мумкинлигини билиб оламиз.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Одат автоматик даражага етгунча тақрорланган хатти-ҳаракатдир;
- Одатларнинг асл сабаби муаммоларни имкони борича камроқ қувват ва үриниш сарфлаб ҳал қилишга интилишдир.
- Ҳар қандай одатни тўрт босқичли қайта алоқа ҳалқаси – сигнал, истак, жавоб ва мукофотга ажратиб чиқиш мүмкин.
- Ҳулқ-атвор ўзгаришининг тўрт қоидаси яхши одатларни ҳосил қилишда фойдаланиладиган оддий йўриқномалар йиғиндисидир. Ушбу тўрт қоидага кўра яхши одатлар (1) кўзга яққол ташланадиган, (2) жозибали, (3) оддий ва (4) қониқарли бўлиши керак.

БИРИНЧИ ҚОИДА
ОДАТ ЯҚҚОЛ БҮЛИШИ
КЕРАК

4

КҮРИНИШИ ЯХШИ БҮЛМАГАН ОДАМ

Психолог Гэри Кляйн бир куни оилавий зиёфатда қатнашган аёл ҳақида ажойиб бир воқеа айтиб берди. Ушбу аёл йиллар давомида тез ёрдам ҳамшираси бўлиб ишлаган. Зиёфат пайтида у қайнотасининг юзига қараши билан хавотирлана бошлади.

— Менга күринишингиз ёқмаяпти, — дейди у қайнотасига. Ўзини соғлом ҳис қилаётган қайнота эса ҳазиллашиб:

— Менга ҳам сизнинг күринишингиз ёқмаяпти, — деб қулиб қўяди.

— Мени нотўғри тушундингиз, — дея давом этади келин. — Сиз ҳозироқ шифохонага боришингиз керак!

Шифохонада қайнотанинг йирик қон томири тўсилиб, юрак хуружи хавфи жуда юқори экани аниқланади. Орадан бир соат ўтар-ўтмас, у тўсиқни бартараф этишлари учун операция столига ётади. Келинининг ички сезгиси бўлмаганда у вафот этиши мумкин эди.

Қайси жихат ҳамширанинг эътиборини тортган? Қайси белги юрак хуружи хавфидан далолат берган?

Катта қон томирлар тўсилганда тана қонни тери юзасидаги майда қон томирлардан олиб, уни ҳаётий мұхим аъзоларга етказиб беришга ҳаракат қиласди. Натижада юзга келаётган қон оқими ўзгаради. Юраги касал bemорлар

билин күп маротаба түқнаш келгән ҳамшира үчүн үшбу күриниш таниш бўлиб кетган. Гарчи буни аниқ тушунтира олмаса ҳам, қайнотасининг юзига қараганданда унда ноxуш туйғу пайдо бўлган.

Шунга ўхаша ҳолатлар бошқа соҳа вакилларида ҳам бўлиб туради. Мисол үчун, ҳарбий таҳлилчиларда. Улар бир хил тезликда, бир хил баландликда учаётган радардаги икки нуқтанинг қайси бири ўзларининг самолёти, қайси бири душман ракетаси эканлигини ажратса олади. Форс кўрфазидаги уруш пайтида командир лейтенант Майкл Райли шу йўсинда бутун бошли ҳарбий кемани сақлаб қолган. У радардаги нуқта худди ўзларининг самолётига ўхшаб турса ҳам уни үриб туширишга буйруқ берган. Унинг қарори тўғри бўлиб чиқди. Аммо бу ишни Райли қандай үддалай олганини ҳатто унинг бошлиқлари ҳам тушунтириб бера олмасди.

Музей ходимлари ҳам ҳақиқий санъат асарларини маҳорат билан тайёрланган нусхасидан фарқлай олади.¹ Бироқ уларни айнан нимага асосланиб фарқлай олганликларини кўпинча аниқ тушунтириб бера олишмайди. Тажрибали рентгенологлар мия рентгенига қараб оддий одам ҳам кўра оладиган ўзгаришлар пайдо бўлгунча инсульт ўчоғи қаерда вужудга келишини олдиндан айтиб бера олади. Ҳаттоки мижозларининг сочини ушлаб кўриб, уларнинг ҳомиладор эканини айта оладиган сартарош аёллар ҳақида ҳам эшитганман.

Инсон мияси – башоратловчи машина. У тўхтовсиз ра-вишда атроф-муҳитни кузатиб, олган маълумотларини таҳлил қилиб боради. Юрак хуружи бўлган беморларни кузатган ҳамшира, радар экранидаги ракетани ажратса

¹ Малкольм Гладуэллининг “Нигоҳ” китобида келтирилган Гетти Курос ҳақидаги ҳикоя бунга яққол мисол бўла олади. Дастлаб Қадимги Юнонистонга тегишли деб тахмин қилинган ҳайкал ўн миллион долларга харид қилинган эди. Ҳайкал борасидаги мунозаралар кейинроқ, экспертлардан бири уни бир қаращаёқ соxта эканини айтгандан кейин бошланди.

оладиган ҳарбий сингари бирор воқеани қайта ва қайта бошдан үтказаверсангиз миянгиз мұхим деталларни ақамиятсизларидан ажратиб оладиган бўлиб қолади. У мос келувчи сигналларни алоҳида белгилаб, үларни келажакда фойдаланиш учун каталоггайди.

Етарлича тажрибадан сўнг маълум натижалар ҳақида олдиндан хабар берадиган сигналларни онгли равишида фикрламасдан қабул қила бошлайсиз. Миянгиз гувоҳ бўлган воқеалардан ўрганғанларингизни автоматик тарзда ёзиб олади. Аммо буни ҳар доим ҳам аниқ сезавермайсиз. Шунга қарамасдан ўрганиш жараёни ҳар қадамда содир бўлади. Алоҳида сигналларни сеза олишингиз ҳар қандай одат шаклланишида ўта мұхим ўрин эгаллади.

Миямиз танамиздаги қанчадан-қанча жараёнларни ўйламасдан бошқараётганини кўпинча етарли даражада ҳис қиласиз. Сиз сочингиз ўсиши, юрагингиз уриши, нафас олишингиз ёки овқат ҳазм қилиш учун алоҳида қарор қабул қилишингиз шарт эмас. Танангиз бу ва бошқа кўплаб жараёнларни автопилот тарзда бошқаради. Сиз онгли равишида ҳис қиласиган ўзлигингиздан ортиқроқсиз.

Очлик ҳиссини таҳлил қиласил. Қорнингиз очганини қандай биласиз? Овқатланиш вақти бўлганини сезиш учун токчадаги печенъега кўзингиз тушиши шарт эмас. Иштача ва очлик онгсиз бошқарилади. Ташқи ва ички мұхитда кечаетган жараёнларни, шу жумладан, очлик ва иштаҳани кузатиб борувчи кўплаб қайта алоқа ҳалқалари мавжуд. Қонингизда айланиб юрган гормонлар ва бошқа моддалар таъсирида иштача пайдо бўлади. Айнан нима туртки берганини билмасангиз ҳам бирдан очликни сезасиз.

Одатларнинг энг қизиқ жиҳатларидан бири бу – уни бошлаш учун туртки бўлувчи сигнални онгли равишида қабул қилишингиз шарт эмас. Атайлаб эътибор бермасангиз ҳам, имкониятни сезиб, унга монанд жавоб қайтара оласиз. Одатларнинг фойдали жиҳати ҳам ана шунда.

Одатларнинг хавфли томони ҳам шу жиҳат ортига яширинган. Одатлар шаклланиб боргани сари автоматлашади ва миянгизнинг онгости қисмлари назоратига ўтади. Ўзингиз сезмаган ҳолда эски одатларингизга қайтиб қоласиз. Кимдир айтмагунча, кулаётганингизда оғзингизни қўлингиз билан ёпиб олишингиз, савол беришдан олдин узр сўрашингиз ёки бошқа одамлар гапини тугатиб қўйишингизга ўзингиз аҳамият бермаслигингиз мумкин. Одатларни қанчалик кўп такрорлаганингиз сари уларни нима сабабдан қилишингизга танқидий назар ташлаш эҳтимоли шунчалик камайиб боради.

Бир чакана сотувчи ҳақида эшитганман. Унга ишлатиб бўлинган совға карталарини мижозлардан олиб қирқиб ташлаш айтилган эди. Унинг олдига кейинги мижоз келганда у одатдагидек қўлига қайчини олиб, ҳеч ҳам ўйламасдан картани олади-да, шартта ўртасидан қирқади. Ваҳоланки, бу совға картаси эмас, балки савдо картаси эди. Сотувчи ҳайратдан қотиб қолган мижознинг юзига қарагандагина ўзи нима қилиб қўйганини тушуниб етади.

Тадқиқотим давомида йирик корпорацияга ишга киришдан аввал болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаган аёлни учратгандим. Гарчи энди у вояга етган одамлар билан ишласа ҳам, эски одатлари сақланиб қолган. У ҳожатга бориб келган ҳамкасларидан қўлларини ювдими-йўқми, сўрашда давом этарди. Яна бир киши узоқ йиллар тансоқчи бўлиб ишлаган. Баъзан у югураётган болаларни кўриб қолганда эски одатлар сабаб “Секинроқ юр!” деб бақириб юборарди.

Вақт ўтгани сайин одатларимизга туртки берувчи сигналлар одатий ҳол бўлиб, кўз ҳам илғамай қола бошлайди. Ошхона токчасидаги ширинликлар, дивандаги телевизор пульти ва чўнтағимиздаги телефон бунга мисол бўла олади. Бу сигналлар билан жавобимиз шу қадар қаттиқ боғланганки, енгиб бўлмас истак худди ўз-ўзидан пайдо бўлгандек туюлади. Шу сабабдан хулқ-атворни ўзгартиришни огоҳликни оширишдан бошлаш зарур.

Янги одатларни самарали яратишдан олдин эскиларини тизгинлаб олишимиз зарур. Бу вазифа бир қарашда осон күринади. Аслида эса, илдиз отган одатлар онгсиз ва автоматик ҳаракатларга айланишга улгурган. Уни онгли равишда сезмасдан туриб, одатларни яхшилаш имконсиздир. Психолог Карл Юнг айтганидек, “Онгости жараёнларни онглига ұтказмагунимизча улар ҳәётимизни идора қиласы да би兹 бұзатның тақдир деб атаймиз”.²

ОДАТЛАР ТАБЕЛИ

Япониянинг темир йўл тизими дунёдаги энг яхшиларидан бири саналади. Агар йўлингиз тушиб, Токиодаги поездлардан бирига чиқиб қолсангиз, темир йўл кондукторларининг антиқа одатига гувоҳ бўласиз.

Ҳар бир оператор поездни бошқарап экан, турли хил обьектларни қўли билан кўрсатиб, буйруқларни баланд овозда айтади. Поезд сигнал чироғига яқинлашаётганда оператор уни қўли билан кўрсатади ва “Сигнал яшил” деб айтади. Поезд ҳар сафар станцияга кириш ёки чиқиши пайтида оператор спидометрни қўли билан кўрсатади ва аниқ тезликни овоз чиқариб айтади. Йўлга чиқиши вақти бўлганда у жадвални кўрсатиб вақтни айтади. Платформада бошқа ходимлар ҳам шунга ўхшаш вазифаларни бажаради. Поезд йўлга отланишидан аввал улар платформа чети бўйлаб қўлларини узатиб, “Ҳаммаси жойида!” дейишади. Ҳар бир деталь қўл билан кўрсатилилади ва овоз чиқариб айтилади.³

² Гарчи Юнгнинг ушбу ибораси машҳур бўлса ҳам, унинг манбасини топишда қийналдим. Менимча, у қўйидаги парчанинг ўзгартирилган шакли бўлса керак: “Психология қоидаларига кўра ички жараён онгли қабул қилинмаса, у ташқарида намоён бўлиб, тақдир сифатида қабул қилинади. Яъни агар индивид бир бутунлигича қолиб, ички душманидан огоҳ бўлмаса, буни атрофдаги олам бажаришга мажбур бўлиб, икки қарама-қарши паллаларга парчаланиб кетиши керак бўлади”. Қўшимча маълумот учун қаранг: C.G. Jung, Aion: Researches into the Phenomenology of the Self (Princeton, NJ: Princeton University Press, 1959), 71.

³ Японияга борганимда бу үсул бир аёлнинг ҳәётини сақлаб қолганига

“Кұрсатиш ва айтиш” деб номланувчи ушбу жараён хатоликларни камайтиришга мүлжалланған хавфсизлик тизимиدير. У ғалати туюлиши мүмкін, бироқ жуда са-марали ишлайди. “Кұрсатиш ва айтиш” тизими хатоларни 85 фойзга, аварияларни эса 30 фойзга камайтиради. Нью-Йорк метрополитени ушбу тизимнің үзгартырған вариантини жорий қылған. Вариант “Фақат кұрсатиш” деб атала迪. У ишга тушгандан бери метродаги хатолик 57 фойзга камайған.

“Кұрсатиш ва айтиш” тизими самарадорлигининг сабаби шундаки, у огоҳликни онгости даражадаги одатдан онгли жараёнгача оширади. Операторлар күзи, құли, оғзи ва қулоғини ишлатишга мажбур бұлғани сабабли носозлиklärарни анча әртароқ илғай олади.

Менинг рафиқам ҳам шунға үхашаш үсульдан фойдаланади. Ҳар сафар күчага сайд қылғани чиқиб кетаётганимизда у барча керакли нарсаларини овоз чиқарып айтиб чиқади: “Хұш, калитни олдим, ҳамёнимни олдим, күзойнагимни олдим, әримни олдим”.

Хатти-харакатларимиз автоматлашиб боргани сари үлар ҳақида тобора камроқ онгли үйлаймиз. Маълум бир ишни бир минг биринчи маротаба қилаётганимизда уннинг икир-чикирларини күздан қочира бошлаймиз. Қилаётган ишимизга шүнчалик күникиб қоламизки, кейинги сафар ҳам ҳудди олдингидек бұлади, деб ҳисоблаймиз ва уни қанчалик шароитта мувофиқ бажарғанимиз ҳақида үйлаб

гүвоҳ бұлғанман. Уннинг үғли әшиклар эндигина ёпилаётгандан поездга чиқиб олди. Бу соатига 300 километрдан зиёдроқ тезлиқда ҳаракатланадиган Япониянинг машұр Шинкансен поездларидан бири эди. Аёл платформада туриб, үғлини ушлаб олишга үринган пайтада темир үйіл хизматчиларидан бири платформа бүйлаб “кұрсатиш ва айтиш” үсулида хавфсизлик текширувini үтказди. Беш сония ичіда у аёлни құриб, поездни үйлігі чиқищдан тұхтатишга мұваффақ бўлди. Эшик очилди, күзларида ёш тұла аёл үғли томонға югурди, поезд эса бир дақиқадан кейин хавфсиз үйлігі чиқди.

ўтирмаймиз. Юқори натижаларга эришмаслигимиз ҳам кўп жиҳатдан огоҳлик камлиги билан боғлиқ.

Одатларни ўзгартириш пайтидаги энг қийин вазифа бу – қилаётган ишимизни доимий равишда англаб туришдир. Ёмон одатларнинг салбий оқибатлари орқамиздан билдирмай етиб олишининг сабаби ҳам шунда. Шу сабабдан биз ҳам “Кўрсатиш ва айтиш” тизимини ўз ҳаётимизга татбиқ қилишимиз керак. Одатларимиз ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун одатлар табели деб аталаған оддий бир машҳни қилиб кўриш мумкин. Кундалик одатларимизнинг табелини тузиш учун, аввало, уларнинг рўйхати тузилади.

Бўлиши мумкин бўлган рўйхатлардан бири қўйида келтирилган:

- үйғониш;
- үйғоткич соатни ўчириш;
- телефонни текшириш;
- ювиниш хонасига бориш;
- тарозида тортилиш;
- душ қабул қилиш;
- тишларни тозалаш;
- дезодорант сепиш;
- сочиқни қуриши учун илиб қўйиш;
- кийиниши;
- чой дамлаш ва ҳоказо.

Тўлиқ рўйхатни тузиб бўлганингиздан кейин ҳар бир одатга баҳо бериб чиқасиз. Яхши одатлар олдига “+”, ёмонлари олдига “-”, яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмаган нейтрал одатлар олдига эса “=” белгисини қўясиз. Ушбу босқични бажариб бўлганингиздан кейин рўйхат қўйидағи шаклга келади:

- үйғониш; =
- үйғоткич соатни ўчириш; =
- телефонни текшириш; -
- ювиниш хонасига бориш; =

- тарозида тортилиш; +
- дүш қабул қилиш; +
- тишларни тозалаш; +
- дезодорант сепиш; +
- сочиқнұ қуриши учун илиб қўйиш; =
- кийиниш; =
- чой дамлаш ва ҳоказо. +

Ҳар бир одатга ҳолатингиз ва мақсадларингиздан келиб чиқиб баҳо берасиз. Ортиқча вазндан халос бўлишни истаётган одам учун нонуштага сарёғ билан нон ейиш ёмон одат саналади. Тош кўтариб, мушакларини чиқаришни истаган инсон учун эса бу яхши одат. Ҳаммаси қайси мақсад томон ҳаракатланаётганингизга боғлиқ.

Одатларга баҳо бериш яна бир сабабга кўра ҳам мураккаб вазифадир. “Ёмон” ва “яхши” одат тушунчасини қўллаш бироз нотўғри, чунки яхши ва ёмон одатлар бўлмайди. Фақат бирор муаммони ҳал қилишда самарали ёки самарасиз одатлар мавжуд. Ҳатто “ёмон” одатлар ҳам маълум бир эҳтиёжларингизни қондиради. Шу сабабдан ҳам сиз уларни такрорлашда давом этасиз. Бу муаммони ҳал қилиш учун яна бир машқ бажарамиз. Яъни одатларни узоқ муддатда қанчалик фойдали ёки зарарли эканига қараб яна бир бор баҳолаб чиқамиз. Умуман олганда яхши одатлар узоқ муддат ичидан одатда ижобий натижаларга, ёмон одатлар эса кўпинча салбий натижаларга олиб келади. Тамаки чекиш стрессни камайтириб, вақтинчалик фойда келтиради. Одамлар сигарет чекишининг сабаби ҳам шу. Бироқ бу одат узоқ муддатда саломатликка зиён келтиради.

Агар одатга баҳо беришда барибир қийинчиликка дуч келаётган бўлсангиз, қўйидаги саволларни бериб қўришингиз мүмкун: бу одат мен истаган инсонга айланышимга ёрдам берадими ёки халақит қиладими? У мен истаган шахсият томондами ёки унга қаршими? Сиз хоҳлаган шахсиятни кучайтирадиган одатларга яхши, уни

сусайтирадиган одатларга эса ёмон баҳо беришингиз мүмкин.

Одатлар табелини тузиб бўлгандан кейин дарҳол бирор нарсани ўзгариши шартэмас. Фикр ва ҳаракатларингизга танқидий назар солмасдан, уларни шунчаки кузатинг. Хатолар учун ўзингизни койиманг. Муваффакиятларингиз учун ўзингизни мақтаб ҳам юборманг.

Агар ҳар куни эрталаб шоколад ейишга одатланган бўлсангиз, буни шунчаки тан олинг ва буни худди бошқаларда аниқлагандек кузатишида давом этинг. “Жуда ҳам қизиқ, нега улар бундай қиласди?” деган савол пайдо бўлсин. Агар кўп овқат еб қўядиган одатингиз бўлса, шунчаки керагидан ортиқ калориялар қабул қилаётганингизга эътибор беринг. Интернетда бекорга вақт ўтказсангиз, умрингизни бошқа нарсаларга ҳам сарфлаш мүмкин эканини билиб қўйсангиз бўлгани.

Ёмон одатлардан халос бўлишда биринчи қадам уларнинг мавжудлигидан огоҳ бўлишдир. Қўшимча ёрдам керак бўлса “Кўрсатиш ва айтиш” усулидан фойдаланиш мүмкин. Қилмоқчи бўлганингиз ва унинг оқибатларини овоз чиқариб ўзингизга айтинг. Агар соғлом овқатланиш тарзига амал қилмоқчи бўлсангиз-у, яна ширинликларга қўл чўзаётганингизни сезиб қолсангиз, ўзингизга: “Мен ҳозир шу ширинликни ейман, аммо у менга керак эмас. Ортиқча еган овқатим танам вазнини оширади ва соғлиғимга путур етказади”, деб такрорланг.

Ёмон одатларингизнинг натижаларини эшитишингиз уларни тасаввур қилишни осонлаштиради. Шунчаки эски одатларга қайтиш ўрнига муаммонинг қанчалик оғир эканини ҳис қиласиз. Ушбу усул қилиниши керак бўлган ишларни ёдда сақлашда ҳам қўл келади. “Эртага тушлиқдан кейин почтага учраб ўтишим керак”, деб айтишнинг ўзи ушбу ишни ҳақиқатан ҳам қилиш эҳтимолини оширади. Бу йўл билан сиз маълум бир вазифани бажариш кераклигини тан оласиз. Баъзан шунинг ўзи ҳаракат қилишингиз учун етарли бўлади.

Хулқ-атворни ўзгартириш огоҳликни оширишдан бошланади. “Кұрсатиш ва айтиш” ҳамда одатлар табели сингари усуллар одатларни тушуниш, үларга тұртқи берадиган сигналларни аниклашға ёрдам беради. Бу эса сигналларға ўзингиз хоҳлаган йүсінде жавоб беріш имконини беради.

Бобнинг қисқача мазмұны

- Етарли даражада тақрорлашдан сұнг миянгиз маълум бир натижадан далолат берувчи сигналларни онгсиз равишида ҳам аниклай оладиган бўлиб қолади.
- Одатлар автоматик бўлиб қолгандан кейин қилаётган ишимизга бераётган эътибор сусайди.
- Хулқ-атворни ўзгартириш жараёни доимо огоҳликни ошириш билан бошланади. Одатларни ўзгартиришдан олдин үларнинг мавжуд эканидан боҳабар бўлишингиз керак.
- “Кұрсатиш ва айтиш” тизими нутқ ёрдамида одатларни онгости ҳаракатидан онглироқ дараҗагача кўтариши мумкин.
- Одатлар табели хатти-ҳаракатларимизни аниқроқ кўриш имконини берадиган содда воситадир.

5

ЯНГИ ОДАТНИ БОШЛАШНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЙҮЛИ

2001 йилда британиялик тадқиқотчилар икки ҳафта ичида жисмоний машғулотларга қатнаш одатини яхшилаш устидаги иш бошлади. Тадқиқотга 248 нафар күнгилли қамраб олинди. Улар уч гурӯҳга ажратилди.

Биринчи гурӯҳ назорат гурӯҳи бўлиб, улар шунчаки неча марта спорт машғулотларига қатнаганларини ёзиг бориши керак эди.

Иккинчи гурӯҳдан “Мотивация” гурӯҳи ташкил этилди. Улар нафақат бажарган спорт машқларини ёзиг бориши, балки жисмоний машқларнинг организм учун фойдаси ҳақида китоблар ва мақолалар ўқиши керак эди. Бундан ташқари, тадқиқотчилар уларга жисмоний машқлар юрак-қон томир касалликларининг олдини олиши ва саломатликни мустаҳкамлашини тушунириб берди.

Тадқиқотнинг қолган иштирокчилари учинчи гурӯҳга жамланди. Уларнинг мотивациясини иккинчи гурӯҳ билан тенглаштириш учун тадқиқотчилар уларга ҳам тушунириш ишлари олиб боришли. Бироқ учинчи гурӯҳдан қўшимча равишда келгуси ҳафта қаерда ва қачон спорт билан шуғулланиш режасини тузиш ҳам сўралди. Аниқроқ қилиб айтганда, учинчи гурӯҳ аъзолари қўйидаги җумлани тўлдиришлари зарур эди: “Келаси ҳафта мен [КУН]

күнлари, соат [ВАҚТ]да [ЖОЙ]да камида 20 дақиқалик интенсив машқларда қатнашаман".

Тадқиқот давомида биринчи ва иккинчи гурухдаги иштирокчиларнинг фақат 35 ва 38 фоизигина ҳафтасига ҳеч бўлмаганда бир марта спорт машғулотларида қатнашган. Қизиқ томони шундаки, иккинчи гурухни мотивациялаш мақсадида қилинган маъруза уларнинг хулқ-атворига айтарли таъсир қилмаган. Учинчи гурухдагиларнинг эса 91 фоизи машғулотларда қатнашган. Бу қолган гурухларга нисбатан икки мартадан ҳам кўпроқдир.

Иштирокчилар тўлдирган жумлани тадқиқотчилар "татбиқ этиш нияти" деб аташади. У қаерда ва қачон ҳракат қилиш бўйича олдиндан тузилган режадир. Шу йўсинда биз маълум одатни амалда татбиқ қилишни ният қиласиз.

Одатга туртки бўладиган сигналлар турли шаклда бўлиши мумкин. Мисол учун, чўнгагимиздаги телефон қўнғироғи овози, шоколадли пишириқлар ҳиди ёки тез ёрдам машинасининг сирена овози. Аммо энг кўп учрайдиган сигналлар бу вақт ва жойдир. Татбиқ этиш нияти уларнинг иккаласидан ҳам фойдаланади.

Умумий қилиб айтганда, татбиқ этиш ниятини ҳосил қилиш учун қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

"Агар X ҳодиса рўй берса, мен Y йўсинида жавоб қайтараман".

Юзлаб тадқиқотлар татбиқ этиш ниятининг мақсадга содик қолишида нақадар самарали эканини кўрсатади. Хоҳ эмланиш бўлсин, хоҳ бошқа тиббий текширув, аниқ кун ва вақтини белгилаб қўйиш яхши натижа беради. Ушбу усул одамларга чиқиндиларни қайта ишлаш, ўқиш, эрта уйқуга кетиш, чекишни ташлаш сингари мақсадларда оғишмай боришга кўмак беради.

Тадқиқотчилар ҳатто татбиқ этиш ниятидан фойдаланиб, сайловчиларнинг сайловдаги иштирокини ошириш мумкинлигини ҳам аниқлашган. "Сайлов участкасига

қайси йўлдан бормоқчисиз? Қайси вақтда келмоқчисиз? Қайси йўналишдаги автобусга чиқасиз?” сингари саволлар уларнинг сайловда фаолроқ қатнашишини таъминлайди. Ҳукумат томонидан солиқларни вақтида тўлашнинг аниқ режасини тузиш, кечиккан жарималарни тўлаш тартибини тушунтириш сингари бошқа муваффакиятли лойиҳалар ҳам мавжуд.

Хулоса шуки, янги одатларни қачон ва қаерда бажаришнинг аниқ режасини тузган одамларнинг одатларни давом эттириш эҳтимоли юқорироқ. Кўпчилик нима қилишини аниқ билмасдан туриб хулқ-атворини ўзгартирмоқчи бўлади. Биз ўзимизга ўзимиз “Энди соғломроқ овқатланаман” ёки “Кўпроқ ёзаман”, деган ваъдалар берамиз. Бироқ янги одатларни қачон, қаерда амалга татбиқ қилиш тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирумаймиз. Уни тақдир қўлига ташлаб қўйиб, керакли вақтда эсимиизга келиб қолиши ёки ўзимизда етарлича мотивация топа олишимизга ишонамиз. Татбиқ этиш нияти “Спорт билан кўпроқ шуғулланаман”, “Маҳсулдорлигимни оширмоқчиман” ёки “Сайловда қатнашишим керак” сингари мавҳум мақсадлар ўрнига аниқ ҳаракатлар режасини яратади.

Кўпчилик ўзида мотивация кам деб ҳисоблайди. Аслида эса уларга аниқлик етишмайди. Улар одатни қаерда ва қачон қилишларини билмайди. Айримлар эса ўзгартиришлар киритиш учун энг қулай пайтни пойлаб бутун умрларини ўтказиб юборади.

Татбиқ этиш нияти шакллангандан сўнг илҳом келишини кутиш зарур бўлмай қолади. Бугун янги бобни ёзсаммикан ёки йўқ? Медитация билан эрталаб шуғулланганим яхшими ёки тушликдан кейинми? Ҳаракат қилиш вақти ва жойи аниқ бўлса, қарор қабул қилишга ҳожат қолмайди. Шунчаки аввал тузилган режага амал қилинса бўлгани.

Ушбу стратегияни амалга татбиқ қилиш учун қуйидаги жўмлани тўлдириш етарли бўлади:

Мен [ВАҚТ] ва [ЖОЙ]да [ИШ]ни бажараман.

- Медитация. Мен эрталаб соат еттида ошхонамда бир дақиқа медитация билан шүғулланаман.
- Үқиш-ұрганиш. Кечки соат олтида ётоқхонамда йигирма дақиқа испан тили билан шүғулланаман.
- Спорт. Кечки соат бешда үйим ёнидаги спорт залыда бир соат машқ қиламан.
- Оила. Эрталаб соат саккизда ошхонада түрмуш ўртоғим учун нонушта тайёрлаб бераман.

Агар янги одатни қачон бошлашни билмаётган бўлсангиз келаётган ҳафта, ой ёки йилнинг биринчи кунини танланг. Кўпчилик айнан шундай кунларда катта үмид билан иш бошлайди. Умидворлик саъй-ҳаракатларимизга маъно беради. Янги ишни бошлаш кишини доимо руҳлантиради.

Татбиқ этиш ниятининг яна бир ижобий жиҳати бор. Қайси ишни қачон, қаерда қилиш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлган инсон учун ўсишга халақит берадиган турли чалғишилар ва йўлдан оғдирувчи нарсаларга йўқ дейиш осонроқ кечади. Ўзингиз нима қилишингизни билмай турган пайтингизда ўзгаларнинг кичик илтимосларига осонгина розилик билдирасиз. Мақсадимиз аниқ бўлмагандა кунбўйи ўзимизни турли баҳоналар билан алдаб юрамиз ва муваффақият учун зарур бўлган ишларни бажармаймиз.

Одатларингиз давом этишини истасангиз уларни вақт ва жой билан таъминланг. Маълум ҳаракат аниқ бир жой ва вақтда етарлича такрорлангандан кейин улар одат бўлиб шаклланади. Шундай ишлашда давом этадиган бўлсак, мос келадиган вақт ва жойда ўзимиз билмаган ҳолда тўғри ҳаракатни бажаришга талаб пайдо бўлади. Ёзувчи Жейсон Цвейг айтганидек, “Албатта, онгли фикрламасдан туриб спорт билан шуғулланиб бўлмайди. Бироқ ҳудди қўнғироқ чалганда сўлаги ажralадиган кучук сингари

спорт билан шуғулланиш вақти бўлганда жойимизда ўтира олмайдиган даражада бўлишдан бошлармиз?”

Татбиқ қилиш ниятидан ўз ҳаётимиз ва иш фаолиятимизда турлича фойдаланишимиз мумкин. Айниқса, Стенфорд профессори Б.Ж. Фогг томонидан ишлаб чиқилган одатларни тахлаш усули менга ёқади.

ОДАТЛАРНИ ТАХЛАШ – УЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ОДДИЙ УСУЛИ

Француз файласуфи Дени Дидро деярли бутун умрини қашшоқликда ўтказган. Аммо 1765 йил унинг ҳаёти бутунлай ўзгариб кетди.

Ўша пайтда Дидро қизини турмушга бераётганди, аммо тўй харажатлари учун етарлича пули йўқ эди. Қашшоқлигига қарамасдан у ўз даврининг энг мукаммал билимлар жамланмаси – “Энциклопедия”нинг асосчиларидан бири сифатида ном қозонганди. Россия императрицаси Екатерина II Дидронинг оғир молиявий аҳволи ҳақида эшитгандан сўнг унга раҳми келади ва унинг шахсий кутубхонасини сотиб олишни таклиф этади. Екатеринанинг ўзи ҳам китобсевар бўлиб, “Энциклопедия” унга жуда ҳам манзур бўлганди. У Дидронинг кутубхонаси учун минг фунт стерлинг беришини айтган. Бу ҳозирги кунда 150 минг долларга тўғри келади. Дидро рози бўлади ва бирдан унинг қўлига ҳам пул тегади. У нафақат қизининг тўйини ўтказади, балки қизил барқутдан тикилган шоҳона ёпинчиқ ҳам сотиб олади.

Янги ёпинчиқ жуда чиройли бўлиб, Дидронинг бошқа буюмлари орасида яққол ажralиб турарди. Дидро ўзининг нафис ёпинчиғини бошқа нарсалари билан солишитирар экан, улар орасида “ҳеч қандай боғлиқлик, ўхшашлик ёки уйғунлик йўқ” деб айтган.

Дидрода қолган нарсаларини ҳам ўзгартириш талаби пайдо бўлди. Эски гиламини Дамашқдан олиб келинган янгиси билан алмаштирди. Уйини қимматбаҳо ҳайкаллар

билан безатди. Янги күзгү сотиб олиб, камин тепасига ўрнатди. Ошхона жиҳозларини ҳам янгилади. Сомондан тўқилган курсисини ташлаб юбориб, янги, чарм билан қопланган курси харид қилди. Худди домино доналарига ўхшаб ҳар бири бошқасига сабаб бўлди.

Дидронинг хулқ-атвори ноодатий ҳол эмас. Бир харид бошқасига сабаб бўлиш жараёни ҳозирда “Дидро эф-фекти” деб аталади. Унга кўра, янги нарсани сотиб олиш ўз ортидан қўшимча харидлар тўлқинини ҳосил қиласди.

Ушбу эфектни ҳар қадамда учратиш мумкин. Янги либос сотиб олингандан кейин унга мос келадиган оёқ кийим ва тақинчоқ ҳам харид қилинади. Янги диван со-тиб олганингиздан кейин хонадаги бошқа жиҳозлар шундайлигича қолавериши мумкинлигига шубҳа пайдо бўла-ди. Фарзандингизга ўйинчоқ олиб бергандан кейин унинг қолган аксессуарларини ҳам олишга тўғри келади. Бу ха-ридларнинг занжирли реакциясидир.

Инсоннинг бошқа хатти-ҳаракатлари ҳам шу йўсинда кечади. Кейинги қиладиган ишингизни одатда эндиғина тугатган ишингиздан келиб чиқиб белгилайсиз. Ювениш хонасига киргандан сўнг қўлларингизни ювиб қуритасиз. Шу пайт кир бўлиб қолган сочиқни ювишингиз кераклиги ёдингизга тушади. Шундан сўнг кир ювиш кукуни тугаб қолганини эслаб, уни харид қилиш керак бўлган буюмлар рўйхатига қўшиб қўясиз ва ҳоказо. Ҳеч бир хатти-ҳаракат ўз ҳолича содир бўлмайди. Ҳар бир ҳаракат кейингиси учун туртки бўлиб хизмат қиласди.

Бўнинг аҳамияти нимада?

Хатти-ҳаракатлар узвий боғланишидан янги одатни шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Буни бажариш-нинг энг осон йўли ҳозирда мавжуд бирор одатни танлаб устига янгисини қўшишдир. Бундай ёндашув “одатларни тахлаш” деб аталади.

Одатларни тахлаш – татбиқ этиш ниятининг алоҳи-да кўриниши бўлиб, бунда янги одатни маълум жой ва

вақтга бириктириш үрнига мавжұд бошқа одатға бириктириләди. Бу үсулни Б.Ж. Фогг үзининг митти одатлар парадигмасининг бир қисми сифатида ишлаб чиққан. Бу үсулдан исталған янги одатға тұртқи бұлувчи сигнал яратышда фойдаланиш мүмкін.


Одатларни тахлаш формуласи қўйидагича:

“[ХОЗИРГИ ОДАТ]ни бажарыб бұлғанимдан сұнг
[ЯНГИ ОДАТ]га үтаман”.

Мисол учун:

- Медитация. Қаҳвани бокалға құйиб қўйғандан кейин бир дақиқа медитация билан шуғулланаман.
- Спорт. Ишдан келиб, кийимларимни ечғандан сұнг дарҳол спорт кийимларини кийиб оламан.
- Шукроналик. Кечки овқатға үтирганимдан сұнг бүгүн бұлған бирорта воқеа үчүн шукроналик билдираман.
- Оила. Ухлашга ётганимда турмуш үртоғимни үпіб қўяман.
- Хавфсизлик. Югуриш үчүн кўчага чиқиб кетаётганимда дўстим ёки оила аъзоларимни хабардор қилиб, қачон қайтишимни айтіб қўяман.
- Энг асосийси – ҳосил қилмоқчи бұлған хатти-ҳаракатни аввалдан мавжұд бұлған одат билан боғлашдир. Ушбу базавий түзилмаларни үрганиб олғандан сұнг кичик одатларни үзаро жамлаб, каттароқ тахлам ҳосил қилиш мүмкін бўлади. Натижада ҳаракатларнинг табиий кетма-кетлиги, Дидро эффектининг ижобий кўриниши юзага келади.

Одатларни тахлаш



7-расм. Одатларни тахлаш янги одатни эскиси билан боғлаш йўли орқали унга амал қилиш эҳтимолини оширади. Ушбу жараённи истаганча тақрорлаб, одатлар занжирини ҳосил қилиш мумкин. Бунда ҳар бир одат кейингиси учун турткى бўлиб хизмат қиласди.

Эрталабки одатларни тахласак, у қўйидагича кўринишга келиши мумкин:

– Эрталабки қаҳвани бокалга қўйиб қўйганимдан сўнг | 91 бир дақиқа медитация билан шуғулланаман.

– Медитациядан сўнг кун давомида қилишим керак бўлган ишлар рўйхатини тузаман.

– Рўйхатни ёзиб тугатишим биланоқ ундаги биринчи ишга киришаман.

Кечқурунги одатлар тахлами эса қўйидагича бўлиши мумкин:

– Кечки овқатни еб бўлгандан сўнг идишларни дарҳол идиш ювиш машинасига жойлаштираман.

– Идишларни жойлаб бүлгач, стол устини артиб құяман.

– Столни артиб бүлгандан сүнг тонгда қаҳва ичишим учун керакли идишни тайёрлаб құяман.

Яңги одатларни ҳозирда мавжуд ҳаракатлар кетма-кетлигининг орасига ҳам құшиш мүмкін. Мисол учун, әрталабки қилинадиган ишлар кетма-кетлиги үйғониш>жойни йиғишириш>дүш қабул қилиш шаклида бүлиши мүмкін. Айтайлик, сиз кечқүрун күпроқ китоб үқиши одатини ҳосил қылмоқчисиз. Шу мақсадда әрталабки ҳаракатлар кетма-кетлигига қуйидагича үзgartыш кириласиз: үйғониш>жойни йиғишириш>ёстиқ устига китоб қўйиб қўйиш>дүш қабул қилиш. Энди ҳар сафар ёстиққа бош қўйганингизда китоб аллақачон сизни кутиб турган бўлади.

Қисқача қилиб айтганда одатларни тахлаш келажакдаги хулқ-атворингизни бошқарувчи содда қоидалар тизимини яратиш имконини беради. Бу худди үйиндан олдин қайси ҳаракат ортидан қайсинаси бажарилиши бўйича режага ўхшайди. Ушбу усулга кўнишиб қолганингиздан сүнг ундан умумий одатлар тахламини ҳосил қилишда фойдаланиш мүмкін. Бунда тўғри келадиган ҳар қандай шароитда улар бизга йўл-йўриқ кўрсатади:

- Спорт. Бинога кирғанимда зинага қўзим тушиб қолса, лифтнинг ўрнига ундан фойдаланаман.
- Ижтимоий кўниқмалар. Кечаларда қатнашганимда ўзим билмаган бирор янги одам билан танишаман.
- Молия. Агар юз доллардан қимматроқ нарсани сотиб олишни истасам, уни харид қилишдан олдин йигирма тўрт соат кутаман.
- Соғлом овқатланиш. Овқат солаётганимда идишга биринчи навбатда сабзавотларни жойлайман.

- Минимализм. Агар янги бир нарса сотиб олсам, битта эски нарсамни бошқаларга бериб юбораман. Бири келса, бошқаси кетади.
- Кайфият. Телефон құнғироғи чалинганды, жавоб беришдан олдин бир марта чуқур нафас олиб жилмаяман.
- Паришонхотирлик. Жамоат жойидан кетаётганимда үтирган жойимга қараб, бирор нарсам қолиб кетмаганини текшириб күраман.

Ушбу үсулдан қайси мақсадда фойдаланаётганингиздан қатын назар, үнинг муваффақиятли кечиши түғри сигнални танлай билишдадыр. Татбиқ қилиш ниятида вақт ва жой аниқ белгиланған бўлса, одатларни тахлаш үсулида улар яширин бўлади. Шу сабабдан янги одатни кундалик ҳаракатлар кетма-кетлигининг қайси қисмига киритиш мұхим аҳамиятга эга. Агар эрталабки күн тартибингизга медитацияни киритмоқчи бўлсангиз, аммо куннинг бу қисми үйингизда тинчлик бўлмай, болалар у ёқдан-бу ёққа югуриб юрса, яхшиси бошқа вақтни танлаган маъқул. Маълум ҳаракатни муваффақиятли бажариш мүмкин бўлган пайтни танланг. Шусиз ҳам банд бўлишингиз аниқ вақтга янги одатларни қўшаман деб ўзингизни қийнаманг.

Сигналлар частотаси ҳам сиз янги одатни қанчалик тез тақрорламоқчи бўлишингизга мос келиши керак. Агар янги одатни ҳар куни қилмоқчи бўлсангиз, уни ҳафтада бир марта қилинадиган ҳаракатлар кетма-кетлигига қўшиб қўйиш түғри иш бўлмайди. | 93

Одатлар тахлами учун мос келадиган сигнални топиш учун кундалик ҳаракатларингизнинг рўйхатидан фойдаланиш мүмкин. Бунинг учун одатлар табелини тузишда фойдаланган рўйхатингизни ишлатишингиз мүмкин ёки икки устунли янги рўйхат ҳам тузиш мүмкин.

Биринчи устунга ҳар куни қолдирмай қиладиган ишларни ёзасиз. Масалан:

- ўриндан туриш;
- душ қабул қилиш;
- тишлиарни ювиш;
- кийиниш;
- қаҳва дамлаш;
- нонушта қилиш;
- болаларни мактабга олиб бориш;
- ишни бошлаш;
- тушлик қилиш;
- ишни тугатиш;
- үйга келиб, кийимларни алмаштириш;
- кечки овқатга ўтириш;
- чироқларни ўчириш;
- ўринга ётиш.

Рўйхатни бунданда тўлиқроқ қилиш мумкин. Бироқ китобхон умумий ғояни тушунди, деб ўлайман. Иккинчи устунга эса ҳар куни содир бўладиган воқеаларни ёзамиз:

- қуёш чиқиши;
- SMS хабар келиши;
- тинглаётган қўшиғингизнинг тугаши;
- қуёш ботиши.

Ушбу икки устундан фойдаланган ҳолда янги одатларни ҳаёт тарзингизга киритиш учун энг қулай вақтни топиш осонроқ бўлади.

Сигналлар аниқ ҳамда дарҳол амалга ошириш мумкин бўлгандагина одатларни тахлаш усули энг юқори самарага эга бўлади. Кўпчилик унчалик аниқ бўлмаган сигналларни танлайди. Ўзим ҳам бу хатога кўп марта йўл қўйганман. Қўлларимга таянган ҳолда юзтубан ётиб туриш (отжимания) одатини шакллантирмоқчи бўлганимда “Тушликдаги танаффус пайтида шу машқни 10 марта қиласман”, деб ўзимга ваъда берганман. Бир қарашда ҳаммаси жойида, режада ҳеч қандай камчилик йўқдек гўё. Бироқ тез орада сигнал етарли даражада аниқ эмаслигини сезиб қолдим. Машқни тушлик қилишимдан олдин бажараманми ёки

үндан кейинми? Бұни айнан қаерда қиласын? Бир неча күн иккиләниб юргандан кейин одаттар тахламиның үзгартырдым. Энди ҳар сафар түшликка чиқишдан олдин компьютеримни үчирғанимдан сүнг иш столим ёнида үн марта құлларимга таянған ҳолда юзтубан ётиб туришга қарор қылдым. Ҳаракатларымдаги ноаниқлик йүқолди.

Күпроқ үқиши ёки соғлом овқатланиш каби мақсадлар үз ҳолица ҳам мақтога лойиқ. Аммо улар қағон ва қандай қилиб ҳаракатланиш борасыда аниқ маълумот бермайды. Аниқ ва лўнда бўлишга ҳаракат қилинг. “Эшикни ёпгач”, “тишимни ювгандан кейин”, “дастурхонга ўтиргач” сингари аниқ сигналларни танланг. Аниқлик жуда муҳим. Янги одат боғланган сигнал қанчалик аниқ бўлса, уни амалга ошириш эҳтимоли шунчалик ортади.

Хулқ-автор үзгаришининг биринчи қоидасига мувоғиқ, одатга турткы берадиган сигнал яққол бўлиши керак. “Татбиқ қилиш нияти” ва “одатларни тахлаш” сингари усуллар кўзга осон ташланадиган сигналларни танлашнинг энг самарали усулларидандир. Улар, шунингдек, ҳаракатни қағон ва қаерда амалга ошириш кераклиги борасыда ҳам аниқ кўрсатмалар беради.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Хулқ-автор үзгаришининг биринчи қоидаси – одат яққол бўлиши керак.
- Вақт ва жой энг кенг тарқалган сигналларга киради.
- “Татбиқ қилиш нияти” янги одатни аниқ вақт ва жой билан боғлаш имконини беради.
- “Татбиқ қилиш нияти”нинг формуласи: Мен [ВАҚТ] ва [ЖОЙ]да [ИШ]ни бажараман.
- “Одатларни тахлаш” бу янги одатни эскиси билан боғлаш усулидир.
- “Одатларни тахлаш” формуласи қўйидагича: “[ХОЗИРГИ ОДАТ]ни бажариб бўлганимдан сүнг [ЯНГИ ОДАТ]га ўтаман”.

6


МОТИВАЦИЯГА ОРТИҚЧА БАҲО БЕРИЛАДИ. МУҲИТНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТАРОҚ

Бостондаги Массачусетс Умумий шифохонасининг умумий амалиёт шифокори Анна Торндейкнинг ажаб ғояси бор эди. У шифохона ходимлари ва унга ташриф буюрувчи минглаб одамларга уларнинг мотивацияси ва иродасини кучайтирмай туриб, соғлом овқатланишни тарғиб қилмоқчи бўлди. У ҳатто одамлар билан гаплашмоқчи ҳам эмасди.

Торндейк ҳамкаслари билан шифохона ошхонасида овқат танлаш жараёнини ўзгартиришга асосланган олти ойлик тадқиқот режасини тузди. Улар ишни ичимликларнинг хонадаги жойларини ўзгартиришдан бошлади. Бундан аввал касса ёнидаги музлаткичларда фақат газли ичимликлар турарди. Тадқиқотчilar ҳар бир музлаткичга танлов сифатида минерал сувни ҳам қўшиб қўйди. Бундан ташқари, улар ҳар бир овқат тарқатиш жойи олдига минерал сув тўлдирилган пластик идишлар қўйиб қўйди. Газли ичимликлар ҳали ҳам барча музлаткичларда турар, бироқ минерал сув энди ҳамма жойда бор эди.

Кейинги уч ойда шифохонадаги газли ичимликлар савдоси 11,4 фоизга тушиб кетди. Минерал сув савдоси эса 25,8 фоизга ўсади. Улар ошхонадаги овқатларни ҳам шунга ўхшаш тарзда ўзгартирди ва ўхшаш натижалар олди. Ҳеч ким ҳеч кимга бир оғиз ҳам сўз гапирмади.

Аввал ва кейин



8-расм. Суратда шифохона ошхонаси атроф-мухит дизайнidan олдин (чапда) ва кейин (үнгда) қандай бұлғани схема шаклида көлтирилган. Минерал сув бор бұлған жойлар қулранг билан белгиланған. Мухитда минерал сув миқдори ошгани сабабли ҳеч қандай құшымча мотивациясиз ҳам одамлар хүлк-автори үзгарған.

Одамлар маҳсулотларни уларнинг нима эканига қараб әмас, балки қаердалигига қараб сотиб олади.¹ Агар ошхона токчасида түрган пишириқларга күзим түшса, қорним түқ бўлишига қарамай улардан бир ҳовуч олиб, ея бошлайман. Агар идорадаги дам олиш хонаси столи доим ширин қулчаларга тўлиб турса, улардан унда-бунда татиб кўрмасликнинг иложи йўқ. Хатти-ҳаракатларингиз қайси хонадалигингиш ва қандай сигналлар қабул қила-ётганингизга қараб үзгариб туради.

¹ Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатадики, овқатни кўриш физиологик очлик бўлмаганда ҳам очлик ҳиссини үйғота олади. Бир олимнинг фикрига кўра, “овқатланиш билан боғлиқ хулк-автор аксарият ҳолларда атрофдаги озукавий сигналларга автоматик жавоб реакцияси натижасидир”.

Мұхит – инсон хүлқ-атворини шакллантирувчи күзга күрінмас күчдір. Ҳар бир инсон тақрорланмас феъл-атворға эга бўлишига қарамасдан, атроф-муҳитнинг ўхшаш шароитларида ўхшаш ҳаракатлар қайта-қайта юзага келади. Черковда одамлар пичирлаб гаплашади. Қоронғу күчадан бироз эҳтиёткор бўлиб, иложи бўлса қўриқчи билан ўтасиз. Ушбу мисолларда ўзгаришнинг асосий сабаби ташқи муҳитдир. Атрофинингиздаги олам сизга таъсир ўтказмай қолмайди. Ҳар бир одат вазиятга боғлиқ.

1936 йилда психолог Курт Левин үшбу боғланишни ифодалайдиган оддий формула тузган. Хүлқ-атвор шахснинг муҳитдаги функциясидир. Ёки $X = f (S, M)$.

Левиннинг формуласини ҳаётда синааб қўриш учун узоқ вақт кутиш зарур бўлмади. 1952 йилда иқтисодчи Ҳокинс Штерн “Таклиф таъсирида сотиб олиш” деб номлаган ҳодисани тасвиirlаб берди. Ҳокинс бу ҳодисага: “Харидор маҳсулотни биринчи марта кўрганида унга бўлган эҳтиёжни кўз олдига келтиради”, дея таъриф берган. Бошқача қилиб айтганда, харидорлар баъзан буюмни истагани учун эмас, балки қандай таклиф этилганига асосан сотиб олади.

Мисол учун, одам кўзи баландлигидаги товарлар пастки қаторда жойлашганларига қараганда кўпроқ сотилади. Энг кўп фойда келтиргани учун қимматбаҳо бренд маҳсулотларини қўл етадиган жойдан топиш мумкин. Уларнинг ўрнини босиши мумкин бўлган арzonроқ маҳсулотларни эса қўл етмайдиган жойларга қўйиб қўйишиди. Қатор бошида алоҳида турадиган токчалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Улар чакана савдогарлар учун ҳақиқий “қайнар хумчадир”, чунки бу ердан ўтадиган одамлар сони энг кўп бўлади. “Coca-Cola” маҳсулотларининг 45 фоизи шундай токчаларда сотилади.

Маҳсулот ёки хизмат кўзга қанчалик осон ташланса, ундан одамлар шунчалик кўпроқ фойдаланади. Сдамлар ҳар бир бардан топиш мумкин бўлган пивони ва ҳар бур-

чакда шохобчаси бұлған “Starbucks” қаҳвасини ичади. Биз атрофдаги воқеаларни назорат қилишни хүш күрамиз. Агар газли ичимлик үрніга минерал сувни танласак, бұнга үзимиз қарор қилдик деб үйлаймиз. Аслида эса, кундалик ҳаётда амалга оширадиган танловларимизнинг күпи бирор мақсаднинг змас, балки маълум вариант бизга яқынроқ бўлишининг натижасидир.

Ҳар бир жонзот атроф-муҳитни сезиш ва тушуниш усулига эга. Бургутнинг узоқни кўра оладиган ўткир кўзлари бор. Илон ўта сезгир тилини ҳавога чиқариш орқали ҳид билади. Наҳанг яқин атрофда сузиб юрган балиқдан ҳосил бўлған кучсиз электр оқими ва тебранишни ҳис қиласиди. Ҳатто бактериялар ҳам атроф-муҳитдаги заҳарли моддаларни сезиш имконини берувчи хеморецепторларга эга.

Одамларда атроф-муҳитни сезиш нерв тизими орқали амалга ошади. Биз борлиқни кўриш, эшитиш, ҳид билиш, тери сезгиси ва таъм ёрдамида англаймиз. Бироқ стимулини қабул қилишнинг бошқа йўллари ҳам мавжуд. Уларнинг айримлари онг, кўпчилиги эса онгости даражасида. Мисол тариқасида, бўрондан олдин ҳарорат пасайишини, қоринда санчиқ турганда ичаклардаги оғриқни, нотекис жойда юрганда мувозанатни йўқотаётганимизни сезамиз. Танамиздаги рецепторлар қон таркибидаги туз миқдори ёки чанқоқ ҳисси сингари турли хил ички стимулларни сеза олади.

Одам танасидаги энг кучли сезги кўришдир. Танамизда 11 миллион атрофида рецепторлар бор. Уларнинг 10 миллиони кўзда жойлашган. Айрим экспертларнинг фикрича, миямизнинг ярми кўриш жараёни учун хизмат қиласиди. Кўриш ҳаёт учун нақадар муҳимлигини билганимиз ҳолда кўрув сигналлари хулқ-атворимизга таъсир кўрсатувчи энг кучли турткى эканлигига ҳайрон қолмасак ҳам бўлади. Шу сабабдан кўз олдимиздаги нарсаларни бироз ўзгартириш йўли билан хатти-ҳаракатларимизда

кatta ўзгаришлар чақира олади. Шундай экан, самарали сигналларга тұла ва самарасизларидан холи мұхитда яшаш ва ишлаш нақадар мұхимлигини түшуниб етган бұлсанғыз керак.

Яхши янгилик шундаки, биз атрофимиздаги мұхиттің күрбони әмасмиз. Уни ўз хоҳишимизга күра ўзgartира оламиз.

МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ УЧУН МУХИТ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИЛАДИ?

1970-йиллардаги энергия инқирози ва нефт әмбаргоси пайтида нидерландиялық тадқиқотчилар мамлакаттің энергия сарфини яқындан ўргана бошладилар. Амстердам шаҳридаги чекка даҳаларининг биридаги хона-донлар электр құвватини бошқа үйларга нисбатан үттіз фоиз камроқ сарфлаши аниқланди. Ваҳоланки, ушбу хонадонларнинг ҳажми ёки электр энергия нархи ва қолган барча күрсаткичлари бошқалар билан бир хил бұлған. Кам электр құввати сарфлайдиган хонадонларни бошқалардан ажратиб турадиган яккаю ягона фарқ электр ҳисоблагачтің жойлашуви әди. Айрим үйларда ҳисоблагич ертұлада бұлса, бошқа үйларда у иккінчи қаватдаги даҳлизга ўрнатылған әди. Электр ҳисоблагич даҳлизда жойлашған хонадонлар электр құвватини камроқ сарфлашини таҳмин қылған бұлсанғыз керак. Ишлатылған электр энергия миқдорини күриш ва назорат қилиш осон бұлғанда одамларнинг хулқ-атвори ўзгарған.

Хар бир одат юзага келишига сигнал тұрткы беради. Бошқаларидан ажралиб турадиган сигналны осонроқ қабул қиласыз. Афсуски, биз яшайдиган ва ишлайдиган мұхитда айрим ҳаракатларга тұрткы берадиган сигнал йүқтілген туфайли ўша ҳаракатларни бажармаслик осон бўлиб қолади. Агар гитара доим кўзимиздан узоқда, жавон ичидә тұрса, у билан машқ қилиш қийинлашади. Китоб жавони уйнинг бошқа тарафида бўлиши китоб ўқишига қизиқиши пасайтиради.

Витаминлар доим күриниб туралған жойға құйилмаса, ularни вақтида қабул қилишни үнүтиб құямыз. Одаттарға тұртқи берувчи сигналлар ноанық ёки яширин бұлғанда ular әътиборимиздан осонгина четда қолиб кетади.

Бундан фарқли ұлароқ, яққол ажралып түрүвчи визуал сигналлар биз бажаришни хоҳлаган одатни ёдимизга сола олади. 1990 йил бошларида Амстердамдаги Шипол аэропортида ҳар бир писсуар үрасига пашшага үхшайдың стикер ёпишириб қўйишиди. Ҳожатхонаға кирған эркаклар үzlари ҳашарот деб үйлаган стикерни мұлжалға ола бошладилар. Натижада ҳожатхонадаги “сачрашлар” камайды. Аэропорт эса ҳожатхоналарни то-залашга сарфланадың йиллик маблағни саккиз фоизга қисқартиришга муваффақ бўлди.

Кўзга осон ташланадың сигналлар қанчалик самарали эканига ҳаётим давомида кўп гувоҳ бўлганман. Авваллари дўкондан олма сотиб олганимда уни музлаткичнинг пастки қисмидаги тортмага солиб қўяр эдим. Кўпинча ularни эсдан чиқарар эдим. Олмалар борлиги эсимга тушиб, музлаткични очиб қараганимда одатда айниб қолган бўларди. Олмаларни кўриб турмаганим учун ularни емасдим.

Охир-оқибат ўз насиҳатларимга ўзим ҳам амал қилишга қарор қилдим ва мева соладың катта идиш сотиб олдим ва уни ошхонадаги столнинг ўртасига қўйдим. Келаси сафар яна олма сотиб олсан ularни шу идишга, доим кўзга ташланиб туралған жойға қўядың бўлдим. Худди сеҳрланғандек, кунига бир-иккита олма ея бошладим. Бу сеҳр эмасди албатта, шунчаки олмалар қаердадир эсдан чиқиб ётиш ўрнига доим кўз олдимда эди.

Қўйида атроф-муҳитни ўзгартыриб, ўзингиз истаган одатта тұртқи берувчи сигнални кўзга осонроқ қилишга бир қанча мисоллар келтирилган:

- Агар ҳар куни кечқурун дори ичишни үнүтиб қўйишни истамасангиз, улар ювиниш хонасида сув жўмраги олдида тургани маъқул.
- Агар гитара билан кўпроқ машқ қилишни истасангиз, уни хонангизнинг ўртасига қўйинг.
- Агар кўпроқ одамга миннатдорлик хатларини ёзмоқчи бўлсангиз, керакли қоғозлар доимо иш столингиз устида бўлсин.
- Агар кўпроқ сув ичишни истасангиз, сув тўлдирилган идишлар уйда вақтингизни кўп ўтказадиган жойда турсин.

Бирон-бир одат ҳаётингизнинг катта қисмига айланниши учун унга туртки берувчи сигналлар ҳам мұхитда катта ўринга эга бўлиши керак. Энг яшовчан одатлар кўп ҳолларда бир нечта туртки берувчи сигналларга эга. Масалан, кашанды учун чўнтағидан сигарета олишга туртки бўладиган омилларни кўриб чиқайлик: машина ҳайдаш, шеригининг чекаётганини кўриш, ишда стрессга тушиш ва ҳоказо.

Бу ҳолатдан яхши одатларни мустаҳкамлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Сигналларни атрофдаги мұхитнинг турли қисмларига жойлаш йўли билан одатлар кун бўйи ёдда туриш эҳтимолини ошириш мумкин. Энг тўғри танлов доимо энг осон танлов бўлишига ҳаракат қилинг. Яхши одатларга туртки берувчи сигналлар доимо кўз олдингизда турганда тўғри қарорларни қабул қилиш ҳам осон, ҳам табиий туюлади.

Ташки мұхит бизнинг борлиқ билан муносабатимизга жуда катта таъсир кўрсатса ҳам, бу ишга камдан-кам ҳолларда қўл урамиз. Кўпчилик ўзгалар томонидан яратилган оламда яшаб ўтади. Бироқ ижобий сигналлар билан кўпроқ, салбийлари билан камроқ тўқнаш келишимизни таъминлаш учун яшаш ва иш жойимизга ўз-

гартириш киритиб, үзимиз учун құлай мұхит яратишими兹 мүмкін. Мұхитни үзгартыриш үз тақдиримизни үзимиз бошқариш ва ҳаёт йүлиминг яратувчисига айланиш имконини беради. Ҳаётда пассив иштирокчи бўлиб ўтмасдан, дунёни үзгартыришда фаолроқ бўлайлик.

ВАЗИЯТ – СИГНАЛ

Одатларга туртки берувчи сигналлар дастлаб алоҳида, аниқ шаклда бўлади. Бироқ вақт ўтиши билан одат ягона сигнал таъсирида эмас, балки ушбу ҳаракат билан боғлиқ бутун вазият таъсирида вужудга кела бошлайди.

Мисол учун, кўпчилик турли ижтимоий вазиятларда одатдагидан анча кўп спиртли ичимлик истеъмол қиласди. Бунга алоҳида бир сигнал эмас, балки үмумий вазият: шериларнинг ичимлик буюртма қилиши, бардаги мусиқа, мижозлар қўлидаги пиво ва бошқалар сабаб бўлади.

Биз одатларимизни фикран улар содир бўладиган жойлар: уй, офис, спорт зали сингарилар билан боғлаймиз. Ҳар бир маскан маълум одатлар ва хатти-ҳаракатлар билан алоқа ҳосил қиласди. Иш жойидаги объектлар, ошхонадаги нарсалар ва ётоқхонадаги буюмларга нисбатан алоҳида муносабат шаклланади.

Хулқ-авторимиз атрофимиздаги буюмлар таъсирида эмас, балки уларга бўлган муносабатимиздан келиб чиқади. Бундай фикрлаш мұхитнинг хатти-ҳаракатларингизга қандай таъсир қилишини яхшироқ тушуниш имконини беради. Атрофингиздаги мұхит буюмлар билан эмас, балки муносабатлар билан тўла деб тасаввур қилишингиз керак. Атрофингиздаги ҳар бир объект билан қандай муносабатда эканингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Ким учундир диван – бу ҳар оқшом бир неча соат китоб ўқийдиган жой. Бошқа бирор учун эса у ишдан кейин телевизор томоша қилиб, музқаймоқ ейиладиган жойдир. Турли одамларда ўхшаш жойлар билан турлича хотиралар ва үз навбатида ўзгача одатлар боғланган.

Хўш, бунинг ижобий томони нимада? Биз ушбу қонуниятдан маълум бир одатни аниқ бир вазият билан боғлашда фойдаланишимиз мумкин.

Бир тадқиқотда олимлар уйқусизликдан азият чекаётган кишиларга ётоқхонага фақат чиндан ҳам чарчагандагина киришни тавсия қилган. Агар ухлай олишмаса улар ўрнидан туриб токи яна уйқу келгунча вақтини бошқа хонада ўтказиши керак эди. Вақт ўтиши билан тадқиқот иштирокчиларида ётоқхона ва уйқуга кетиш ўртасида боғлиқлик шаклланган ва улар ўринга ётиши билан уйқуга кетиши осонлашган. Иштирокчиларнинг мияси ётоқхонада телефон ўйнаш, телевизор томоша қилиш ёки соатга тикилиб ётиш эмас, балки фақат ухлаш мумкинлигига ўрганган.²

Агар вазиятнинг таъсири ҳақида янада чуқурроқ фикрлайдиган бўлсак, одатларни ўзгартириш янги мұхитда осонроқ кечишини тушуниш мумкин. Бу ҳозирги одатларимизга тұрткى бўлиб хизмат қилаётган кўз илғамас сигналлардан фориғ бўлиш имконини беради. Янги жой, масалан бошқа қаҳвахона, боғдаги бошқа ўриндиқ ёки йиңгизнинг бирор жойига боринг ва ўша ерда янги ҳаракатлар кетма-кетлигини яратинг.

Эски сигналлар билан рақобатлашгандан кўра янги одатни янги мұхитда яратиш осонроқ кечади. Ҳар куни ётоқхонада телевизор томоша қиласидиган бўлсангиз, вақтида уйқуга кетиш қийинроқ бўлади. Агар дарс қилиш

² Сигналларни назорат қилиш техникаси уйқусизликдан азият чекаётган одамларга самарали ёрдам берган. Қисқача қилиб айтганда, уйқуга кетишига қийналётган кишиларга фақат чинакамига чарчагандагина ётоқхонага кириб, ўрнига ётиши кераклиги айтилган. Агар ухлай олишмаса, ўрнидан туриб, бошқа хонага чиқиши керак эди. Тавсия ноодатий эди. Шунга қарамасдан, иштирокчилар жараённи такрорлаш туфайли охирокибатда тезда уйқуга кета олди. Тадқиқотчилар бу ҳолатни ётоқхонани турли-туман ҳаракатлар (китоб ўқиш, ҳеч нарса қилмай ётиш ва ҳоказо) билан эмас, балки фақат "ухлаш керак" деган ғоя билан боғланиш ҳосил қилгани билан изоҳлайди. Самарали тұрткى яратилгани туфайли уйқуга кетиш деярли автоматик бўлиб қолган.

хонасида доим видео ўйин ўйнайдиган бўлсангиз, эъти-
борингизни ўқишига жамлаш қийинлашади. Одатдаги му-
ҳитдан ташқарига чиққанингизда эса қотиб қолган хулқ-
авторингиздан халос бўласиз. Эски муҳитнинг сигналлари
 билан ортиқ курашмайсиз ва уларга чалғимаган ҳолда
 янги одатларни бемалол шакллантира оласиз.

Ижодийроқ фикрламоқчимисиз? Каттароқ хона, чор-
доқ ёки антиқа архитектурага эга жойга кўчиб ўтинг. Кун-
далик фаолият юритадиган жойлардан нарироқ бўлиб
 бироз танаффус қилинг. Чунки улар одатий фикрлаш тар-
зингиз билан боғланган.

Соғломроқ овқатланмоқчимисиз? Одатда маҳсулот-
лар харид қиласидиган дўконингизда уларни автопилот
 режимда танлайдиган бўлиб қолган бўлсангиз ажаб
 эмас. Бошқа дўконни синаб кўринг. Маҳсулотлар қаерда
 эканини ёддан билмаганингиз учун у ерда носоғлом
 овқатларни сотиб олмаслик ва улардан тийилиш осонроқ
 бўлади.

Агар бутунлай янги муҳитга ўтишнинг иложи бўлма-
са, у ҳолда ҳозирги муҳитни имкон даражасида ўзгарти-
риш мумкин. Ишлаш, ўқиш, спорт билан шуғулланиш ва
 овқатланиш учун алоҳида жой ажратинг. Мен ҳар доим
 “Ҳар бир ишга алоҳида жой” тамойилига амал қилиб
 келганман.

Тадбиркорлик фаолиятимни бошлаганимда ишимни
 диванда ёки ошхона столида ўтириб бажарап эдим. Тез
 орада кеч кирганда ҳам ишдан ажрала олмай қолдим. Иш
 ва ҳордиқ вақти ўртасида аниқ чегара йўқ эди. Ошхона
 столи менинг иш столимми ёки овқатланадиган жойми?
 Диванда дам оламанми ёки электрон хатлар ёзаманми?
 Ҳаммаси бир жойда содир бўлаётган эди.

Бир неча йилдан сўнг каттароқ уйга кўчиб, офис учун
 алоҳида жой ажратиш имкониятига эга бўлдим. Энди
 ишим шахсий ҳаётимдан ажралган ҳолда алоҳида хонада
 кечадиган бўлди. Натижада миямнинг профессионал қис-

мига дам бериш осонлашди. Ҳар бир хонанинг асосий вазифасини белгилаб қўйдим: ошхона – овқатланиш учун,офис ишлаш учун.

Бир одат билан боғлиқ вазиятни имкони борича бошқалари билан аралаштирмасликка ҳаракат қилинг. Вазиятлар чалкашиб кетганда одатлар ҳам чалкашиб кетади ва улар ичидан энг осони ютиб чиқади. Замонавий технологияларнинг кўп функциялиги уларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий тарафидир. Телефондан кўп мақсадларда фойдаланиш мумкин, шу сабабдан у биз учун қимматли. Бироқ бошқа томондан, уни аниқ бир одат билан боғлаш қийин бўлади. Барчамиз иш самарадорлигини оширишни истаймиз, аммо миямиз смартфонни қўлга олганда иш билан шуғулланишдан ташқари ижтимоий тармоқларга кириш, электрон хатларни текшириш ва видео ўйинлар ўйнашга ҳам кўнишиб қолган. Натижада миямиз бор эътиборни ишга қаратиш ўрнига телефондан бир-бирига қарама-қарши сигналлар қабул қиласди.

“Мен катта шаҳарда яшайман, ўйим чумчуқнинг инидан ҳам кичкина. Қандай қилиб алоҳида фаолият тури учун алоҳида хона топаман?” деб ўйлаётган бўлишингиз мумкин. Ҳолатингизни яхши тушунаман. Агар майдон чекланган бўлса, хонанинг ўзини турли ҳудудларга ажратинг: курси – китоб ўқиш учун, иш столи – ёзиш учун, ошхона столи – овқатланиш учун. Ушбу тамойилни электрон қурилмаларга ҳам татбиқ қилиш мумкин. Мен компьютердан фақат ёзиш, планшетдан фақат ўқиш, смартфондан эса ижтимоий тармоқларга кириш ва SMS хабарлар ёзиш учун фойдаланган бир ёзувчини биламан. Ҳар бир одатнинг ўз ўйи бўлиши керак.

Агар ушбу тамойилга оғмасдан амал қиласиган бўлсан, ҳар бир вазият маълум бир одат ва фикрлаш тарзи билан мустаҳкам боғлиқлик ҳосил қиласди. Натижада таниш вазият юзага келди дегунча, ўша одат гуллаб-яшнай бошлайди. Иш столига ўтиришимиз биланоқ ўз-ўзи-

дан эътиборимиз жамланади. Дам олиш учун атайлаб ажратилган жойда ҳордиқ чиқариш ҳам осон бўлади. Агар ётоқхонадан фақат ухлаш учун фойдаланилса, уйқуға кетиш ҳам енгиллашади. Доимий ва аниқ амалга ошадиган одатларни ҳосил қилиш учун худди шундай мұхит зарур. Ҳар бир буюм ўз ўрни ва вазифасига эга бўлган мүқим мұхитда одатлар ҳам осон шаклланади.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Мұхитдаги кичик ўзгаришлар хулқ-авторимизда катта ўзгаришларга сабаб бўлади.
- Ҳар бир одат сигнал таъсирида юзага келади. Бошқалардан яққол ажралиб турадиган сигналлар осонроқ қабул қилинади.
- Яхши одатларга тұрткы берувчи сигналлар мұхитда яққол ажралиб туриши керак.
- Аста-секин одат алоҳида сигнал билан эмас, балки үмумий вазият билан боғлиқлик ҳосил қиласади. Вазиятнинг ўзи сигналга айланади.
- Янги одатларни янги мұхитда ҳосил қилиш осонроқ кечади, чунки эски сигналларга қарши курашиш зарур бўлмайди.

7

ИНТИЗОМ СИРИ

1971 йил. Вьетнамдаги үруш ўн олтинчи йилга ҳам чўзилаётган эди. Коннектикутлик конгрессмен Роберт Стел ва Иллинойс штати вакили Морган Мерфи Америка аҳолисини даҳшатга солган ҳолатни аниқлади. Улар Вьетнамдаги аскарлар ахволидан хабар олиш учун боргандага АҚШ аскарларининг ўн беш фоизи героинга ружу қўйғанликлари маълум бўлди. Масалани чуқурроқ ўрганиш учун ташкил қилинган комиссия ҳолат дастлаб тахмин қилингандан ҳам оғирроқ эканини аниқлади. Унинг хulosасига кўра, Вьетнамда ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбийларнинг 35 фоизи героинни татиб кўрган, йигирма фоизга яқини эса унинг домига тушган эди.

Шундан сўнг Вашингтон шаҳрида ушбу вазиятни ўнглашга қаратилган қизғин ҳаракатлар бошланди. Шулардан бири президент Никсон қўл остида “Гиёҳвандликнинг олдини олиш маҳсус чоралари” идорасининг ташкил қилиниши бўлди. Ушбу ташкилотга гиёҳвандликнинг олдини олиш ва үнга қарам бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар ватанга қайтгандан сўнг уларни назорат қилиш вазифаси топширилди.

Ли Робинс ушбу ташкилотнинг бош тадқиқотчиларидан бири эди. У ўтказган текширувлар гиёҳвандлик ҳақидаги ўша вақтлардаги қарашларни бутунлай ўзгартириб

юборди. Робинс Вьетнамда гиёхванд моддаларга ружу қўйиб АҚШга қайтганларнинг фақат беш фоизи ушбу иллатни давом эттираётганини аниқлади. Уч йил ичида гиёхвандликка қайта чалингандар улуши ҳам ўн икки фоиздан ошмаган. Бошқача қилиб айтганда, Вьетнамда героин истеъмол қилган ўнта аскардан тўққизтасида гиёхвандлик ўз-ўзидан йўқолиб кетган эди.

Олинган натижалар гиёхвандлик – бу давомли ва даволаб бўлмайдиган касаллик, деган кенг тарқалган қарашларга зид бўлиб чиқди. Робин эса аксинча, мұхит кескин ўзгарганда гиёхвандлик ўз-ўзидан йўқолиб кетиши мумкинлигини аниқлади. Вьетнамдаги аскарлар кунбўйи героин истеъмол қилишга туртки берадиган сигналларга дуч келган. Героинни топиш осон, чор-атрофда уруш даҳшатлари, аскарлар эса она ватандан минглаб километр олисда, уларнинг шериклари ҳам героин қабул қиласи эди. Ҳарбий хизматчи АҚШга қайтгач эса мұхитда бу сигналлардан асар ҳам қолмаган. Вазият ўзгаргач, одатлар ҳам ўзгарди.

Ушбу ҳолатни одатдаги гиёхванд билан солишириб кўрайлик. У ўз уйида ёки дўстлари билан гиёхванд модда қабул қиласи. Даволаниш учун шифохонага ётади. У ерда зарарли иллатга туртки берувчи сигналлар бўлмагани учун бемор гиёхванд моддаларни қабул қилмайди. Даволашдан сўнг гиёхванд модда қабул қилишга сабаб бўлган мұхитга яна қайтиб келади. Вьетнамда кузатилган натижаларда бунинг акси бўлганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Одатда гиёхвандларнинг тўқсон фоизи шифохонадан уйига қайтгандан сўнг эски одатини яна бошлайди.

Вьетнам уруши давомидаги тадқиқотлар “Ёмон одатлар – бу ёмон тарбия ёки иродасизлик натижаси” каби кенг тарқалган қарашларнинг нотўғри эканини кўрсатди. Семиз, кашандада кишилар бутун умри давомида иродасиз ва ҳатто табиатан ёмон одам эканликлари борасида дакки

әшитиб келади. Интизом билан ҳаётимиздаги ҳар қандай мұаммони ҳал қилиш мүмкінлиги ҳақидаги фикр ич-ичимизга сингиб кетган. Сүнгги йиллардаги тадқиқотлар бунинг аксини күрсатди. Олимлар иродали инсонларнинг хулқ-атворини таҳлил қылғанда ушбу инсонлар бошқалардан үнчалик ҳам фарқ қымаслигини аниқлади. Аксинча, улар иродаси ва үз-үзини назорат қилишни талаб қылмайдиган ҳаёт тарзини тузишга мұваффақ бўлган.

Бошқача қилиб айтганда, улар жуда кам ҳолларда иродага сұянишни талаб қыладиган вазиятларга тушади. Инсон үз-үзини қанчалик яхши назорат қила олса, бунга эхтиёж шунчалик кам бўлади. Инсон мұайян ишларни бажармаса, бу ишда үзига тақиқ қўйишига ҳожат қолмайди. Албатта, тиришқоқлик, үз мақсадидан оғишмаслик ва ирова мұваффақиятга эришиш учун ўта мұхим сифатлар. Аммо уларни интизомлироқ бўлишга ҳаракатлар эмас, балки интизомли мұхитни яратиш йўли билан эришиш мүмкін.

Ҳозирда ноодатий кўринаётган ушбу ғоя одат тўлиқ шакллангандан сўнг, мияда юз берадиган жараёнлар ҳақида билиб олганимиздан сўнг тушунарлироқ бўлади. Мияда программалаштирилган одат қулай вазият пайдо бўлди дегунча юзага чиқишига интилади. Остинлик (Техас штати) шифокор Патти Олвелл дўстлари билан от минишга чиққан пайтларида чекишини бошлаган. Кейинроқ эса у чекишини ташлаб, узоқ йиллар тамаки истеъмол қилмай қўйган. Орадан анча вақт ўтиб, у яна эгарга ўтирганда ўзида тамаки чекишига иштиёқ пайдо бўлганини сезган. Сигналлар үз кучини йўқотмаган, фақат анчадан бери Патти улар билан тўқнаш келмаган эди, холос.

Одат шаклланиб бўлгандан кейин унга туртки берадиган сигнал кетидан одатни бажаришга бўлган талаб юзага келади. Шу сабабдан ҳам хулқ-атворни ўзгаришига қаратилган усуллар самарасиз бўлиши ёки ҳатто акс таъсир кўрсатиши мүмкін. Озиш дастурларини

тарғиб қилишда баъзан семиз одамларни уялтиришади. Натижада уларда стресс пайдо бўлади. Бу эса тўладан келган одамлар стрессга қарши севимли ҳимоя усули бўлмиш ортиқча овқат ейишга ўтиб олади. Кашандаларга тутундан қорайиб кетган ўпкаларнинг расмини кўрсатиш уларда хавотир уйғотади. Натижада улар беихтиёр қўлларини тамакига үзатишади. Агар сигналларга етарлича эътибор берилмаса, улар биз курашмоқчи бўлган одатга туртки бериши мумкин.

Ёмон одатлар ўз-ўзини кучайтириш хусусиятига эга. Улар қониқтириши зарур бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради. Мисол учун, айримлар тушкун кайфиятга тушиб қолганда носоғлом овқатлар ейди. Бироқ соғлом овқатланмагани учун уларнинг кайфияти яна бузилади. Телевизор томоша қилиш одамни дангаса қилиб қўяди, шунинг учун одам яна телевизор кўришда давом этади. Чунки бирор иш қилишга қуввати қолмайди. Соғлиғи ҳақида хавотирлангани сари одам безовта бўлади, безовталикни енгиш учун яна чекади, бу соғлиқни баттар ёмонлаштиради. Ёмон одатларни тубсиз чоҳ ёки тўхтатиб бўлмайдиган ёнғинга қиёс қилиш мумкин.

Олимлар бу ҳодисага “Сигнал таъсирида юзага келган истак” деб ном беришган. Бунда ташқи сигнал ёмон одатни бажаришга талаб пайдо қиласди. Бирор нарсанинг борлигини сезганимиздан кейин унга талаб пайдо бўлади. Бу ҳодиса ҳар доим содир бўлиб, буни кўпинча ўзимиз сезмай қоламиз. Гиёҳванд моддаларга ружу қўйган кишиларга кокаиннинг расмини ўттиз уч миллисекунд давомида кўрсатилганда уларнинг мияси қўзғалиб, кучли истак пайдо бўлган. Бу вақт суратни онгли равишда таҳлил қилиш учун етарли эмас. Текширилганларнинг кўпини нимани кўрганини ҳам тушунмай қолган. Шундай бўлса ҳам гиёҳванд модданинг хумори юзага чиқаверган.

Қисқача қилиб айтганда, одатларга қаршилик қилиш мумкин, аммо уларни хотирадан ўчириб ташлаб бўлмай-

ди. Одатлар илдиз отиб бүлгандан сүңг үларни бутунлай қўпориб ташлаш деярли имконсиз бўлиб қолади. Гарчи үлар узоқ вақт давомида бажарилмагандা ҳам ўз яшовчанилигини йўқотмайди. Шу сабабдан ўз нафсини тийиш ёмон одатлардан халос бўлиш учун етарли эмас. Чалғитишларга бой дунёда Дзен фалсафаси билан яшаб ўтиш қийин. Бу жуда кўп қувват талаб қиласиди. Қисқа муддат давомида ҳар қандай истакка қарши курашиш мумкин, бироқ узоқ муддатда ташқи мұхит барибир ғалаба қозонади ва у хулқ-атворимизга таъсир кўрсатмай қолмайди. Умрим давомида салбий сигналларга бой мұхитда яшаб, ижобий одатларни узоқ вақт сақлаб қола олган бирорта ҳам инсонга дуч келмаганман.

Ёмон одатларни биратўла илдизи билан қуритиш керак. Буни амалга оширишнинг энг самарали үсули — унга туртки бўладиган сигналларга камроқ тўқнаш келишдир.

- Агар ҳеч бир ишни охиригача етказа олмаётган бўлсангиз, телефонингизни бир неча соат бошқа хонада қолдиринг.
- Доимо бошқалардан ортда қолаётгандек ҳис қиласидиган бўлсангиз ҳасад ўйғотадиган ижтимоий тармоқлардан фойдаланманг.
- Вақтингизни телевизор кўриш билан ўтказиб юбораётган бўлсангиз, уни ётоқхонадан олиб чиқиб, бошқа хонага ўрнатинг.
- Агар электрон қурилмаларни ўта кўп сотиб ол япман деб ўйласангиз, янги технологик маҳсулотлар ҳақидаги эълонларни ўқиманг.
- Жуда кўп видео ўйинлар ўйнаётган бўлсангиз, ҳар бир ўйиндан кейин аппаратни симдан үзиб, жавонга солиб қўйинг.

Юқоридагиларнинг барчаси хулқ-атвор ўзгаришининг биринчи қоидасига тескари тавсиялардир. Яъни сигнални имкон даражасида қўзга чалинмайдиган ҳолатга келтириш. Бундай оддий ўзгаришлар нақадар самарали

бүлиши мүмкінлігінде күп маротаба гувоқ бұлғанман. Битта сигнални мұхитдан олиб ташласанғиз, бүтүн бошли одат йўқолиб кетиши мүмкін.

Интизом үзоқ муддатли эмас, балки қисқа муддатли стратегиядир. Нафсингизни бир ёки иккى марта тийишингиз мүмкін. Аммо хоҳиш-истакларингизга қаршилик қилиш учун доим ҳам үзингизда күч топа олмаслигингиз мүмкін. Тұғри ишни бажариш учун ҳар сафар ироданғизга таянғандан күра ғайратингизни атроф-мұхитни оптималлаشتаришга сарфлаш маъқулроқ бўлади. Үз-үзини назорат қилиш ва кучли ироданинг сири ҳам шунда. Яхши одатларга турткы берувчи сигналлар яққолроқ, ёмонлариники эса кўзга кам ташланадиган бўлиши зарур.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Хулқ-атвор үзгаришининг биринчи қоидасига қарама-қарши равишда ёмон одатнинг сигналлари кўзга камроқ ташланиши керак.
- Одат шаклланиб бўлғандан сўнг хотирадан ўчиб кетмайди.
- Үз-үзини назорат қила оладиган кишилар камдан-кам ҳоллардагина майл уйғотувчи вазиятларга кам вақт сарфлайди. Хоҳиш-истаклар билан курашиш ўрнига уларнинг олдини олиш осонроқ.
- Ёмон одатлардан қутулишнинг энг самарали үсули бу унга турткы бўладиган сигналлар билан камроқ тўқнаш келишдир.
- Үзини-ўзи назорат қилиш үзоқ муддатли стратегия эмас, у фақат қисқа муддатли тактикадир.

Яхши одатни қандай ҳосил қилиш мүмкін?

Биринчи қоида: Одат күринарлы бўлиши керак

- 1.1: Одатлар табелини тўлдиринг. Ҳозирги одатларингиздан огоҳ бўлиш учун уларнинг рўйхатини тузинг.
- 1.2: Татбиқ этиш ниятидан фойдаланинг: “Мен [ВАҚТ] ва [ЖОЙ]да [ИШ]ни бажараман”.
- 1.3: Одатларни таҳлаш ўсулидан фойдаланинг: “[ХОЗИРГИ ОДАТ]ни бажариб бўлганимдан сўнг [ЯНГИ ОДАТ]га ўтаман”.
- 1.4: Атрофингиздаги муҳитни ўзингиз яратинг. Яхши одатларга туртки берадиган сигналлар ёрқин ва кўзга осон ташланадиган бўлсин.

Иккинчи қоида: Одат жозибали бўлиши керак

Учинчи қоида: Одат осон бўлиши керак

Тўртинчи қоида: Одат қониқарли бўлиши керак

Ёмон одатлардан қандай халос бўлиш мүмкін?

Биринчи қоиданинг акси: Одат кўз илғамас бўлиши керак

114 |

- 1.5: Ёмон одатларга туртки берадиган сигналлар билан тўқ наш келишни камайтириш учун уларни атрофингиздаги муҳитдан олиб ташланг.

Иккинчи қоиданинг акси: Одат жозибасиз бўлиши керак

Учинчи қоиданинг акси: Одат қийин бўлиши керак

Тўртинчи қоиданинг акси: Одат қониқарсиз бўлиши керак

ИККИНЧИ ҚОИДА

ОДАТ ЖОЗИБАЛИ
БҮЛИШИ КЕРАК

8

ОДАТНИ ҚАНДАЙ ЖОЗИБАЛИ ҚИЛИШ МУМКИН?

1940-йилларда нидерландиялик олим Нико Тинберген ўтказган қатор тадқиқотлар бизни ҳаракатга келтирувчи омиллар ҳақидаги қарашларимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Кейинроқ Нобел мукофотига сазовор бўлган Тинберген кумушранг чағалайлар устида тажрибалар олиб борган. Ушбу кулранг ёки оқ рангдаги қушлар Шимолий Америка қирғоқларида кўп учрайди.

Вояга етган чағалайларнинг тумшуғида кичкина қизил доғи бўлади. Тинберген қорни очган митти полапонлар ушбу доғни чўқишиларига эътибор берди. Тажрибалар ўтказиш мақсадида у картон қоғоздан қуш тумшуқларининг макетини ясади. Макет фақат қушнинг бош қисмидан иборат бўлиб, тананинг қолган қисми йўқ эди.

Ота-она қушлар ўядан учиб кетгандан кейин тадқиқотчи бу макетларни полапонларга кўрсатар эди. Нусхаларнинг соxта экани шундоқ кўриниб турарди. Тинберген полапонлар уларга эътибор ҳам бермаса керак деб ўйлаганди.

Бироқ митти чағалайлар картондан ясалган тумшуқдаги қизил доғларга кўзи тушиши билан уни худди ўз онасини чўқигандай чўқий бошлади. Улар айнан шу қизил доғни нишонга олишарди. Уларнинг доғга бўлган ишти-

ёқи ирсий дастурланғандек эди гүё. Кейинроқ Тинберген доғ қанчалик катта бұлса, полапонлар уни шүнчалик күп-роқ іштиёқ билан чүқишларига эътибор бера бошлади. Шундан сүңг у учта катта доғи бор яна бир түмшүқ ясади. Тинберген уни чағалайлар уяси олдига олиб борганды полапонлар құвонганидан уяга сиғмай кетишиди. Улар ҳәётида күрган энг катта қизил доғға жон-жаҳди билан талпина бошлашди.

Тинберген ва унинг ҳамкаслари шүнга үхшаш хулқ-атворни бошқа ҳайвонларда ҳам күзатишиди. Мисол учун, күлранг ғоз ерга ин қурадиган қушлар гурухига мансуб. Баъзан тухумларни босиб ётган она ғоз ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа юрганда тухумлардан бири думалаб, уя яқинидаги майсалар устига кетиб қолиши мүмкин. Шунда она ғоз тухум олдига лапанглаб бориб түмшүғи билан тухумни инига думалатиб олиб бориб құяди.

Тинберген она ғозлар нафақат тухумларни, балки уяси яқинидаги биллиард шарчаси ёки шиша лампаси каби бошқа ҳар қандай думалоқ обьектларни ҳам үз уясига олиб кетишига гувоҳ бұлды. Юмалоқ обьект қанчалик катта бұлса, ғоз уни уясига олиб кетиш үчүн шүнчалик күп-роқ уринади. Ғозлардан бири ҳатто волейбол түпини катта қийинчилик билан уясига думалатиб бориб, унинг устига үтириб олган. Худди қизил доғларни беихтиёр чүқийдиган чағалай полапонлари сингари ғозлар ҳам инстинктив қоидага амал қилаётган эди: “Агар яқын атрофда думалоқ нарсаны күриб қолсам, уни уяга олиб кетишим керак. У қанчалик катта бұлса, шүнчалик күпроқ уринишим керак”.

Хар бир жонзотнинг мияси туғилмасдан аввал ҳам айрим хулқ-атвор қоидаларига дастурланған бўлади. Агар улар бу қоидаларнинг кучайтирилган кўринишига дуч келиб қолса, уларнинг мияси ялт этиб ёниб кетади. Олимлар бундай бўрттирилган сигналларга супернормал стимул деб ном берган. Супернормал стимул – бу реалликнинг кучайтирилган варианти бўлиб, организм

унга одатдагига нисбатан күчлироқ жавоб қайтаради. Учта доғи бор түмшүқ ёки волейбол түпичалик келадиган түхүм бунга мисол бўла олади.

Инсонлар ҳам реалликнинг бўрттирилган шаклига алданиб қолишга мойил. Мисол учун, носоғлом овқатлар мукофотлаш тизимини жуда кучли қўзғатиб юборади. Юз минг йиллар давомида овчилик ва озуқа излаш билан кун кечириш натижасида инсон мияси туз, шакар ва ёғга бой таомларни қадрлашга ўрганган. Бундай калорияга бой овқатлар саванна бўйлаб ов қилиб юрган аждодларимизда камдан-кам ҳоллардагина учраган. Кейин яна қачон овқатланиши номаълум бўлганда имкон борича кўпроқ овқат ейиш омон қолишнинг ажойиб үсули бўлган.

Бироқ биз ҳозирда калорияларга бой мұхитда яшаймиз. Овқат керагидан ҳам зиёд. Шундай бўлса ҳам миянгиз уни камёб деб ҳисоблаб, унга интилаверади. Туз, шакар ва ёғра бой бўлган овқатлар эндилиқда соғлиғингиз учун фойдали эмас. Шунга қарамасдан миянгиз сўнгти эллик минг йилдан бери ўзгармасдан келмоқда. Замонавий озиқ-овқат саноати тош давридан қолган инстинктларингиздан ўз фойдасини кўзлаб, уларнинг эволюцион вазифалари доирасидан четга чиқади.

Овқат тайёрлаш санъатининг асосий мақсади – бу мијозга янада манзур бўладиган таомларни тайёрлашдан иборат. Қадоқланган маҳсулотларнинг деярли барчаси у ёки бу даражада кучайтирилган. Уларга ҳеч бўлмагандан қўшимча таъм берувчи моддалар қўшилган. Компаниялар картошка чипсларининг энг қониқарли қарсилдоқлигини ёки газли ичимликлардаги газнинг идеал миқдорини аниқлаш учун йилига миллионлаб доллар сарфлайдилар. Бутун бошли компания бўлимлари маҳсулот оғзимизга тушгандан сўнг уйғотадиган ҳисларни оптималлаштириш билан шуғулланади. Маҳсулотнинг бу жиҳати оросенсация деб аталади. Мисол учун, қовурилган картошка ажойиб комбинациядир. Унинг усти тилларанг ёки қўнғир ранѓда ва қарсилдоқ. Ичи эса майин ва ёқимлидир.

Ишлов берилган бошқа озуқа маҳсулотлари ҳам динамик қарама-қаршиликни күчайтиради. Бу атама қарсылодоқлик ва майнинлик сингари қарама-қарши хусусиятларни үзида мужассамлаштирган маҳсулотларга айтилади. Яхшилаб пиширилган қайноқ пицца устидаги секинлик билан эриб турған ёпишқоқ пишлокни ёки “Oreo” печенъеларининг қарсильлаши билан үлар орасидаги майнин кремни тасаввур қилинг. Табийи, ишлов берилмаган овқатларни истеъмол қилганингизда бир хил сезги такрорланаверади. Қарам шұrvани үн еттинчи бор қошиқда олиб оғзингизга согланингизда нимани хис қиласиз? Бир неча такрорлашдан сұнг миямиз үз қизиқишини йүқтөтади ва түқлик ҳисси пайдо бұлади. Бироқ динамик қарама-қаршиликка бой овқатларни истеъмол қилганингизда сезги доимо янгиланиб туради ва үз жозибадорлигини сақлаб қолади. Бу эса сизни күпроқ ейишга үндайды.

Бундай стратегияни амалда құллаш, охир-оқибатда, озиқ-овқат мутахассисларига ҳар бир маҳсулот учун “баҳт нұқтаси”ни топишига имкон беради. Яъни туз, шакар ва ёғларнинг миянгиз лаззатланадиган идеал комбинацияси ишлаб чиқлади, сиз эса уни яна ейиш учун қайтиб келасиз. Табийики, бунинг натижасида керагидан ортиқ истеъмол қиласиз. Чунки үта хуштаым егуликлар инсон миясини үзига күпроқ жалб қилади. Иш фаолиятини овқатланиш хүлқ-атвори ва семизликни үрганишга бағышлаган нейробиолог олим Стефан Гайенет таъбири билан айтганда, “миямизнинг тұгмачаларини босишга жуда уста бұлып кетгәнмиз”.

Замонавий озиқ-овқат саноати ва үннинг оқибатида пайдо бұлған ортиқча овқатланиш одати хүлқ-атвор үзгаришининг иккинчи қоидасига яққол мисол бұла олади. Яъни одат жозибадор бұлиши керак. Маълум бир ҳодиса ёки имконият қанчалик жозибали бўлса, үннинг одат ҳосил қила олиш кучи шүнчалик юқори бўлади.

Атрофингизга назар солинг. Жамиятимиз борлиқнинг атайлаб кучайтирилган варианatlари билан тұла. Ҳозирги дүнё ажоддларимиз яшаган даврга нисбатан анча жозибалироқ. Дүкөнлар либосларни күз-күз қилиш учун күкраги ва бўксаси катталаштирилган манекенлардан фойдаланади. Ихтимоий тармоқлар уйда ёки ишда түплашни тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган даражада кўп мақтов ва "лайк"ларни таклиф этади. Интернетдаги порнографик сайtlар турли ишлов берилган лавҳалар билан чинакам ҳаётда учрамайдиган интенсивликни кўрсатади. Рекламалар мукаммал ёруғлик, профессионал пардоз ва компььютерда қўшимча ишлов бериш йўли билан яратилади. Photoshop'да ишлов берилган суратдаги моделлар ҳақиқий одамга ўхшамайди. Бу замонавий дунёning супернормал стимуллариdir. Улар биз учун табиатан жозибали бўлган сифатларни бўрттириб тақдим этади. Бу эса ўз навбатида инстинктларимизни жунбишга келтириб юборади. Натижада керак-нокерак маҳсулотларни сотиб олиш, ихтимоий тармоқларга берилиб кетиш, порнографик сайtlарга кириш ва носоғлом овқатланиш сингари заарли одатлар юзага келади.

Агар шундай давом этаверса, маҳсулот ва хизматлар келажакда бунданда жозибалироқ бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Мукофот кўпроқ диққат марказимизда, стимуллар эса тобора йўлдан оздирадиган бўлиб боради. Носоғлом овқатларда калориялар табиийларига қаранганды кўпроқ жамланган. Ароқда пивога нисбатан кўпроқ алкоголь бўлади. Видео ўйинлар эса ҳаётдаги ўйинларга нисбатан интенсивроқдир. Табиий стимулларга нисбатан бундай лаззатли ҳиссиётларга қаршилик қилиш анчагина мушкул вазифа. Ажоддларимизнинг мия тузилишини сақлаб қолган ҳолда улар тасаввур ҳам қила олмайдиган алдов ва чалғитишларга дуч келмоқдамиз.

Агар одатларга амал қилиш эҳтимолини оширишни истасангиз уларни жозибалироқ қилинг. Хулқ-атвор

Үзгаришининг иккинчи қоидасини чуқурроқ таҳлил қилар эканмиз, одатларни уларга қаршилик қилиб бўлмайдиган тарзда яратишни ўрганамиз. Гарчи ҳар қандай одатни супернормал сигналга айлантириб бўлмаса-да, уларни бу даражада ёқимлироқ қилиш мумкин. Буни амалга ошириш учун истак ўзи нима ва у қай тарзда таъсир қилишини тушуниб олишимиз зарур.

Бу ишни барча одатлар учун умумий бўлган дофамин миқдорининг кескин ортиши ҳодисасини кўриб чиқишдан бошлаймиз.

ДОФАМИНГА БОҒЛИҚ ҚАЙТА АЛОҚА ҲАЛҚАСИ

Олимлар дофамин деб аталадиган нейротрансмиттернинг миқдорини ўлчаш орқали истак қачон пайдо бўлганини аниқ кўрсата оладилар.¹ Дофаминнинг аҳамияти 1954 йилда нейробиологлар Жеймс Олдс ва Питер Милнер ўз тажрибаларида хоҳиш ва истаклар ортидаги нейрологик жараёнларни очишгандан кейин маълум бўлди.² Каламушлар миясига электродлар жойлаш йўли

¹ Дофамин хулқ-авторимизга таъсир қиладиган ягона кимёвий бирикма эмас. Ҳар қандай хулқ-автор юзага келишида миянинг кўплаб марказлари ва турли нейрокимёвий моддалар иштирок этади. Шунинг учун ҳам “Одатлар фақат дофамин билан боғлиқ”, деб фикрлайдиганлар миядә кечаяётган жараёнларнинг катта қисмини кўздан қочираётган бўлади. Дофамин одат шаклланишидаги муҳим иштирокчилардан бири холос. Аммо ушбу бобда мен эътиборимни фақат дофамин алмашинувига қаратаман. Чунки у ҳар қандай хатти-ҳаракат ортида ётувчи хоҳиш-истак ва мотивациянинг биологик асосларини ёритиб беради.

² Дофаминнинг аҳамияти тасодифан аниқланган. 1954 йилда МакГилл университетининг икки невролог олими Жеймс Олдс ва Питер Милнерлар каламуш миясининг марказига электрод ўрнатишга қарор қилишди. Ўша пайтларда миянинг тузилиши ҳанузгача сирлигича қолмоқда эди, шу сабабдан ҳам электроднинг аниқ жойлашган жойи тасодифий бўлар эди. Аммо Олдс ва Милнернинг омади келди. Улар киргизган игна миянинг лаззатланиш маркази бўлган “nucleus accumbens”га етиб борди. Ҳар сафар шоколадли кексни тишлиганимизда, ёқтирган қўшиғимизни эшитганимизда, севимли жамоамиз Жаҳон чемпионатида ғолиб бўлганда “nucleus accumbens” фооллашгани сабабли хурсандчиликни ҳис қиласиз. Аммо тез орада ортиқча лаззат умр

билин олимлар дофамин ажралышини блоклаб қўйишиди. Олимларни ҳайрон қолдириб каламушларда ҳаётга бўлган барча қизиқиш йўқолди. Улар овқатланмай, жинсий алоқа билан шуғулланмай ёки бошқа бир нарсага қизиқмай қўйишиди. Бир неча кун ичида ҳайвонлар чанқоқдан нобуд бўлишиди.

Кейинги тадқиқотларда ҳам каламушлар миясидаги дофамин ишлаб чиқарувчи қисмларни блоклаб қўйишиди. Аммо бу сафар дофаминсиз қолган ҳайвонлар оғзига бир неча томчи шакар эритмаси томизилди. Каламушлар кутилмаган бу ёқимли таъмдан қувониб кетишиди. Гарчи дофамин блокланган бўлса ҳам, улар шакарни ёқтиришда давом этар, шунчаки улар уни хоҳламаётган эди, холос. Лаззатланиш қобилияти сақланиб қолди. Дофаминсиз унга бўлган интилиш ҳам йўқолди. Интилиш бўлмагандан кейин барча ҳаракатлар ҳам тўхтади.

Олимлар жараённинг аксини амалга ошириб, каламушлар миясининг рағбат тизимини дофамин билан тўйинтириб юборганиларида эса ҳайвонлар одатларни ҳайрон қоларли тезлиқда бажара бошлади. Бир тажрибада каламушларга ҳар сафар тумшуғини қути ичига киргизган пайтида катта миқдорда дофамин берилди. Бир неча дақиқа ичида уларда шундай кучли истак пайдо бўлдики, каламушлар тумшуғини соатига саккиз юз марта қути ичига киритиб чиқара бошлади. (Одамлар ҳам улардан үнчалик катта фарқ қилмайди: ўйин машинасидан фойдаланувчи

заволи бўлиши мумкинлигига гувоҳ бўлишиди. Улар бир нечта каламуш миясига электродлар жойлаштириб игна орқали доимий равиша электр импульс юбориб туришди. Натижада каламушларнинг “nucleus accumbens” соҳаси доимий кўзғалган ҳолатда бўлди. Кемирувчилар ҳеч нарсага қизиқмай қўйишигани тадқиқотчиларнинг эътиборини тортди. Каламушлар ҳеч нарса ейишмас ва ичишмасди. Ўзга жинс вакилларининг эътиборини тортишга қаратилган хатти-ҳаракатлар ҳам тўхтади. Улар катақнинг бурчагида лаззатдан карахт ҳолда ётишарди. Бир неча кун ичида бирорта ҳам каламуш омон қолмади. Улар чанқоқдан нобуд бўлишиди. Қўшимча маълумот учун қаранг: Jonah Lehrer, *How We Decide* (Boston: Houghton Mifflin Harcourt, 2009).

Үртача одам аппарат ғилдирагини соатига олти юз марта айлантиради).

Одатлар – бу дофаминга боғлиқ қайта алоқа ҳал-қасидир. Гиёхванд модда қабул қилиш, носоғлом овқаттар ейиш, видео үйинлар үйнаш ёки ижтимоий сайтында кириш сингари тез одат ҳосил қылувчи ҳаракатларда катта миқдорда дофамин ажralади. Овқатланиш, сув ичиш, жинсий алоқа ва одамлар билан мулоқот сингари базавий эңтиёжларни қондирганимизда ҳам шундай ҳолат күзатилади.

Узоқ йиллар давомида олимлар дофамин лаззатла-ниш билан боғлиқ деб ҳисоблаб келишган. Аммо у мотивация, үрганиш, хотира, жазо, үзини олиб қочиш ва үз хоҳиши билан ҳаракатланиш сингари күплаб нейрологик жараёнларда ҳам мұхим рол үйнаши ҳозирда маълум.


Үтказилған тадқиқотлардан одатларга тегишли бүл-ған холосалардан бири шуки, дофамин нафақат лаззатни ҳис қылганимизда, балки унинг яқынлигини сезганимизда ҳам ажralиши мүмкін. Қиморга ружу қўйған одамларда дофамин үйинда ютгандан сўнг эмас, балки пулни тикишдан бироз олдин ажralади. Гиёхвандларда дофамин кокайнни қабул қылганда эмас, балки унинг куқунини кўрган заҳоти ажralади. Инсон мүкофот келтирадиган имкониятни сезиши билан яқин орада келадиган рағбатни кутиш пайтида қондаги дофамин миқдори энг юқори даражага кўтарилади. Ҳар сафар дофамин қонга ажralганда эса ҳаракат қилишга мотивация пайдо бўлади.³

³ Дофамин бизни қидиришга, кашф қилишга ва ҳаракатга ундаиди: “Дофаминдан қувват оловчи, вентрал тегментар соҳада жойлашган мезолимбик ҚИДИРИШ тизими: термачилик, кашфиёт, тадқиқот, кизиқувчанлик, қизиқиш ва умидга турткি беради. Каламуш (ёки одам) ҳар сафар атроф-мухитни кашф қылганда дофамин ажralади... Мен ҳайвоннинг атрофни тадқиқ қилаётгани ва истаётанига қараб туриб унинг ҚИДИРИШ тизимини қитиқлаётганимни айта оламан.” Қўшимча маълумот учун қаранг: Karin Badt, “Depressed? Your ‘SEEKING’ System

Мукофотни олиш ўрнига унинг яқинлигини сезиш бизни ҳаракатга келтиради.

Масаланинг қизиқ томони миямизнинг мукофотни олганимизда фаоллашадиган тизими мукофот яқинлигини сезганда фаоллашадиган тизим билан бирдир. Шу сабабдан ҳам маълум ҳиссиётнинг келаётганини ҳис қилиш уни чинакамига ҳис қилишдан ёқимлироқ бўлиши мумкин. Ёш бола учун Янги йил совғалари ҳақида ўйлаш олган совғаларини очишдан кўра ҳаяжонлироқдир. Катта одамлар учун эса келаётган таътил ҳақида хаёл суриш таътилнинг ўзидан кўра ёқимлироқ бўлиши мумкин. Олимлар ушбу ҳолатга “хоҳлаш” ва “ёқтириш” ўртасидаги фарқ деб таъриф беришади.

Дофамин микдорининг кескин ортиши



9-расм. Одат ҳосил бўлишидан аввал (A) дофамин биринчи марта мукофот олганда ажралади. Кейинги сафар (B) дофамин ҳаракатни амалга оширишдан олдин, сигнал қабул қилингандан кейин оқонга ажралади. Ушбу ҳодиса ҳар сафар сигнал аниқлангандан кейин ҳаракатга ундейдиган кучли истак пайдо бўлишига сабаб бўлади. Одат шакллангандан кейин дофамин мукофотга эришганимизда ажралмайди, чунки уни қўлга киритишимишни аввалдан биламиз. Аммо сигнални кўриб, мукофотни кутаётган пайтишимизда уни қўлга кирита олмасак, дофамин миқдори камайиб кетади ва ҳафсаламиз пир бўлади (C). Дофаминли жавоб реакциясининг нақадар сезувчан экани мукофот кечикиб берилганда (D) айниқса, яққол кўринади. Дастреб сигнал қабул қилиниб, дофамин оқонга ажралади ва одамда кучли истак пайдо бўлади. Шундан сўнг ҳаракат амалга оширилади, аммо мукофотдан дарак йўқ. Шу пайтда дофамин миқдори камая бошлайди. Ва ниҳоят, орзиқиб кутган мукофотимизни қўлга киритамиз ва дофамин миқдори яна оша бошлайди. Миямиз худди “Ана! Кўрдингми? Шундай бўлишини билар эдим. Кейинги сафар шу ишни қилиш эсдан чиқмасин!” дегандек бўлади.

Миямиз мукофотдан лаззатланишга нисбатан уни яна хоҳлашга кўпроқ нерв толаларини ажратган. Миянинг хоҳиш марказлари кўп бўлиб, мия ўзаги, “nucleus accumbens”, вентрал тегментал соҳа, “dorsal striatum”, бодомсимон танача ва яримшарлар пўстлоғи пешона қисмининг айрим қисмларини ўз ичига олади. Уларга нисбатан олганда, лаззатланиш марказлари анча кичик. Улар кўпинча “лаззат ўчоқлари” деб ҳам аталиб, бутун мия бўйлаб майда оролчалар сингари тарқалган. Мисол учун, олимлар истак пайтида “nucleus accumbens”нинг 100 фоизи, роҳатланиш пайтида эса унинг атиги 10 фоизи фаоллашишини аниқлашган.

Мия ўзининг чегараланган ресурсларининг бунчалик катта қисмини истак ва интилишларга ажратиши ушбу

жараёнларнинг нақадар мұхым эканини яна бир бор тасдиқлайди. Интилиш – хулқ-атворимизни ҳаракатга келтирүвчи күчдир. Ҳар қандай ҳаракат ортида келаётган мукофотни сезиш ётади. Айнан истак жавоб реакциясига турткى беради.

Ушбу маълумотлар хулқ-атвор үзгаришининг иккинчи қоидаси қанчалик аҳамиятли эканини күрсатади. Одатларимиз жозибалироқ бўлиши керак, чунки мукофотни олдиндан сезиш ҳаракат қилишимизга сабаб бўлади. Худди шу ерда қизиқишларни жуфтлаш стратегияси қўл келади.

ЖУФТЛАШ ОРҚАЛИ ОДАТЛАРНИ ЖОЗИБАДОРЛАШТИРИШ

Ирландия пойтахти Дублиндаги электр мұхандислиги талабаси Ронан Бирн “Netflix”ни томоша қилишни хуш кўрар эди. Бироқ у кўпроқ спорт билан шуғулланиши кераклигини ҳам тушунарди. Үзининг мұхандислик қобилятиларини ишга соглан Бирн велотренажёрини ноутбук ва телевизорга улади. Шундан сўнг у компьютерини велотренажёр маълум тезликка етгандагина “Netflix”ни кўрсатадиган қилиб қайта дастурлади. Агар у маълум вақт секинлашса, томоша қилаётган ҳар қандай шоу тұхтаб қолар ва педални айлантиргандан кейингина яна давом этарди. У ўз сўзлари билан айтганда “семизликни “Netflix” сериаллари билан енгаётган эди”.

У спорт машқларини ёқимлироқ қилиш учун қизиқишларни боғлаш усулидан фойдаланди. Ушбу усул қилишингиз керак бўлган ишни қилишни истаётган ҳаракат билан боғлайди. Бирн мисолида у “Netflix” сериалларини томоша қилишни (ўзи истаган иш) велотренажёрда машқ қилиш (керак бўлган иш) билан боғлади.

Тадбиркорлар қизиқишларни боғлаш бўйича устаси фаранг. Мисол учун, Америка телерадиокомпанияси (“American Broadcasting Company”, кўпроқ ABC номи билан машҳур), 2014-2015 йилларда пайшанба оқшоми

үчүн күрсатувлар дастуруни тузиб, қизиқышларни боғлаш үсулини улкан миңгеда қўллади.

Ҳар пайшанба оқшоми компания уч телесериал: “Грей анатомияси”, “Скандал”, “Қотилликнинг жазосидан қандай қутулиш мумкин?” шоуларини эфирга узатган. Уларнинг барчасининг сценарий мўаллифи Шонда Раймс эди. Улар үшбу дастурга “ABCда TGIT” (TGIT – Thank God It's Thursday — Худога шукур, бугун пайшанба) деб ном беришди. Шоуларни тарғиб қилиш билан бирга, ABC томошабинларни бодроқ ейиш, вино ичиш ва кечадан роҳатланишга ундади.

ABCнинг күрсатувларини режлаштиришга жавобгар шахс Эндрю Кубиц. үшбу кампания асосидаги ғоя ҳақида шундай дейди: “Биз пайшанба оқшомини томошабинлар учун имконият деб ҳисоблаймиз. Аёлларнинг ўзлари ёки жуфтлари билан кундалик ҳаётдан чалғиши, дам олиш, вино ичиш ва бодроқ ейиш учун имконият”. Ушбу стратегиянинг доҳиёналиги шундаки, ABC томошабинлардан талаб қилинаётган ҳаракатни (шоуни томоша қилиш) улар аллақачон истаётган ҳаракатлар (дам олиш, вино ичиш ва бодроқ ейиш) билан боғлади.

Вақт ўтиши билан одамлар тасаввурода ABCни томоша қилиш ва дам олиш ҳамда кўнгилочарлик ўртасида боғланиш ҳосил бўлди. Агар ҳар пайшанба кечки соат саккизда қизил вино ичиб, бодроқ ейдиган бўлсангиз, охир-оқибатда кечки соат саккиз дам олиш ва кўнгилочарликни англата бошлайди. Мукофот сигнал билан боғланади ва телевизорни ёқиш одатининг жозибадорлиги ортади.

Агар маълум одат билан бир вақтда ўзингиз ёқтирган ишни қиласиган бўлсангиз, үшбу одат анча ёқимлироқ бўлади. Балки, юлдузлар ҳаёти ҳақидаги энг сўнгги янгиликларни эшлишини истарсиз. Бироқ жисмоний тарбияни ҳам унугиб қўймаслик керак. Қизиқышларни жуфтлаш үсулини қўллаб, юлдузлар ҳақидаги мақолалар-

ни ва телекүрсатувларни фақат спорт залида күришни ташкил қилиш мумкин. Балки, тирноқларингизни педикюр қилдирмоқчиидирсиз. Аммо электрон почтангизда тұпланиб қолған хатларни кимдир сарапалаб қўйиши керак. Ечим фақатгина қолиб кетған электрон хатларни ўқиёттандыра педикюр хизматидан фойдаланиш.

Қизиқишлиарни жуфтлаш услуги Премак тамойили деб аталадиган психологияк назариянинг амалдаги күришларидан биридир. Профессор Дэвид Премак шарафига номланган ушбу тамойилга құра, “Бажарилиш эҳтимоли юқори хатти-харакатлар бундай эҳтимоллик кам бўлган харакатларни бажаришга ундейди”. Бошқача қилиб айтганды, ишхонадаги электрон хатларни сарапалаб чиқиши умуман истамасангиз ҳам, уни бирон-бир ёқимили иш билан бажарсангиз, тез орада кўнишиб қоласиз.

Ушбу үсулни 5-бобда кўриб чиқилган одатларни тахлаш билан уйғунлаштириб, хулқ-атворни бошқарувчи қоидалар тизимини яратишда фойдаланиш мумкин.

Одатларни тахлаш ва қизиқишлиарни жуфтлаш үсулларинининг биргаликдаги формуласи қўйидагича:

1. [ХОЗИРГИ ОДАТ] уни бажариб бўлгандан кейин [КЕРАКЛИ ОДАТ]га ўтаман.
2. [КЕРАКЛИ ОДАТ]ни қилиб бўлгач, [ЎЗИМ ИСТАГАН ОДАТ]ни бажараман.

Агар янгиликларни ўқиши истисангиз-у, шукроналикни кўпроқ изҳор қилиш зарур бўлса:

- Эрталабки қаҳвани қўйгач, кеча содир бўлган бирор нарса учун шукур қиласман (керак).
- Кечаги бирор нарса учун шукrona айтганимдан сўнг янгиликларни ўқийман (истак).

Агар спорт ўйинларини томоша қилишни ёқтирангиз, бироқ мижозларга қўнғироқ қилиб чиқиш керак бўлса:

- Тушлиқдаги танаффусдан кейин учта потенциал харидорга қўнғироқ қиласман (керак).

- Учта харидорга құнғироқ қылғандан сүңг бироз спорт дастурларини томоша қыламан (истак).

Агар “Facebook”даги саҳифанғизни үқишиңи хоҳласанғиз, аммо спорт билан күпроқ шүғулланишга әхтиёж бўлса:

- Телефонимни қўлга олгандан кейин 10 та берпи машқини бажараман (керак).
- Берпи машқини 10 марта қилиб бўлгач, “Facebook” саҳифамни очиб кўраман (истак).

Кейинроқ учта мижозга жон деб құнғироқ қылсанғиз ёки 10 та берпи машқини сидқидилдан бажарсанғиз ажаб эмас. Чунки улар спорт янгиликларини кўриш ёки “Facebook” саҳифасини текширишни англатади. Бажарилиши керак бўлган ишни бажариш ёқтирган ишни бажаришни англатади.

Биз ушбу бобни супернормал стимул ҳақида сухбатлашишдан бошлагандик. У реал борлиқнинг кучайтирилган шакли бўлиб, бизни ҳаракатга ундаиди. Қизиқишлиарни жуфтлаш бу одатларнинг кенгайтирилган шаклини яратиш үсулларидан биридир. Бунда янги одат биз аллақачон истаётган ҳаракат билан боғланади. Қаршилик қилиб бўлмайдиган одатларни яратиш мураккаб масала, бироқ юқоридаги содда үсулни қўллаш йўли билан деярли ҳар қандай одатнинг жозибадорлигини ошириш мумкин.

Бобнинг қисқача мазмуни

| 129

- Хулқ-атвор үзгаришининг иккинчи қоидасига кўра, одат жозибали бўлиши зарур.
- Вазият қанчалик ёқимли бўлса, унинг одат ҳосил қилиш хусусияти шунчалик кучли бўлади.
- Одатлар дофаминга боғлиқ қайта алоқа ҳалқасидир. Дофамин миқдори ошганда бизнинг ҳаракатга бўлган мотивациямиз шунчалик ортади.

- Мұкофотға әришиш әмас, балки үнинг яқинлигини сезиш бизни ҳаракатта үндайды. Олдиндан сезиш қанчалик күчли бўлса, дофамин миқдори шунчалик ортади.
- Қизиқишлиарни жуфтлаш одатларнинг жозибадорлигини ошириш үсулидир. Үнинг мазмуни бажарилиши керак бўлган ишни қилишни истаётган ҳаракат билан жуфтлашдан иборатdir.

9

ОДАТЛАР ШАКЛЛАНИШИДА ЯҚИН ИНСОНЛАР ҮРНИ

1965 йилда венгриялик Ласло Полгар исмли одам Клара исмли аёлга бир нечта антиқа хат ёзган.

Ласло құнтың билан ишлашга қаттық ишонарди. Ласлонинг дүнёда ишонған яккаю ягона нарсаси шу эди. У туғма истеъдод ҳақида әшиетишни ҳам хоҳламасди. Унинг фикрича, үз устида астойдил ишлаш ва яхши одатларни шакллантириш орқали бола ҳар қандай соҳанинг даҳосига айланиши мүмкин. Унинг ҳаётдаги шиори: “Даҳолар туғилмайды, балки таълим ва тарбия натижасида пайдо бўлади” эди.

Ласло үшбу ғояга шу қадар ишонар эдики, уларни үз фарзандларида синааб кўришга ҳам тайёр эди. Унинг Кларага хат ёзишдан мақсади ҳам тажриба учун кўнгилли турмуш ўртоқ қидириш эди. Клара ўқитувчи эди, гарчи унинг бу ғояга ишончи Ласлоникидек мустаҳкам бўлмаса ҳам, тўғри тарбия бериш билан ҳар қандай инсон үз кўнинмаларини кучайтириши мүмкин деб ҳисобларди.

Ласло шахмат ўйини тажриба учун мос тушади деган қарорга келиб, үз фарзандларини үшбу спортнинг чинакам усталарига айлантириш режасини ишлаб чиқди. У фарзандларига уйда таълим беришга қарор қилди. Бундай таълим Венгрияда жуда кам учрарди. Режага кўра, уларнинг уйи шахмат ҳақидағи китoblар ва буюк

шахматчиларнинг суратлари га тўла бўлар, болалар эса бир-бири билан шахмат ўйнаб, энг нуфузли мусобақаларда қатнашиши керак эди. Болалар дуч келган ҳар бир рақибнинг ўйини кузатилиб, маҳсус файлларда ипидан игнасиғача қайд этилиб бориларди. Уларнинг ҳаёти шахматга бағишланди.

Ласлонинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. У Клара билан турмуш қурди ва бир неча йил ичида Полгарлар оиласида уч қизалоқ Сюзан, София ва Юдит дунёга келди.

Тўнғич қизи Сюзан тўрт ёшлигига шахмат ўйнашни, олти ойдан сўнг эса катталарни ютишни бошлади.

Ўртанча қизи София янада юқори натижаларга эришди. Ўн тўрт ёшида у дунё чемпиони, бир неча йилдан сўнг эса гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

Кенжা қизи Юдит ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди. Беш ёшида у отасини енга оларди. Ўн икки ёшида у дунёдаги энг яхши шахмат ўйинчилари юзталигига кирган энг ёш ўйинчига айланди. У ўн беш ёшу тўрт ойлик бўлганда, аввалги рекордчи Бобби Фишерни ортда қолдириб, тарихдаги энг ёш гроссмейстерга айланди. Йигирма етти йил давомида у жаҳоннинг энг яхши аёл шахматиси унвонини сақлаб қолди.

Опа-сингил Полгарларнинг болалиги, юмшоқ қилиб айтганда ноодатий ўтган. Шунга қарамасдан улар болалик даврини ёқимли ва ҳатто лаззатли хотираларга тўла ҳолда эслайди. Интервьюларда улар ёшлик даврларини машақатли эмас, балки қизиқарли деб таърифлайди. Улар шахмат ўйнашни чиндан ҳам яхши кўради. Ўйинни қанча кўп ўйнаса, шунчалик оз туюларди. Кунларнинг бирида Ласло Софияни ярим кечаси ҳаммомда шахмат ўйнаётганини кўриб қолади. У қизини ухлашга олиб кетар экан, “Қизим, шахмат доначаларини ўз ҳолига қўй”, – дейди. Бунга София: “Дадажон, аммо улар мени ўз холимга қўймайди-да!” – дея жавоб қайтаради.

Опа-сингил Полгарлар шахматни ҳамма нарсадан устун қуядиган муҳитда вояга етган. Уларни шахмат

учун мақташар ва мұкофотлашарди. Улар үсіб-улғайған мұхитда шахматта мүккасидан кетиш нормал ҳолат бүлгән. Биз яшаёттан мұхит учун нормал бүлгән одатлар күпинча әңг ёқиммилардан бири бўлишига кейинги мисолларда ҳам яна гувоҳ бўламиз.

ИЖТИМОЙ МЕЪЁРЛАРНИНГ ЎЗИГА ЖАЛБ ҚИЛА ОЛИШ ХУСУСИЯТИ

Одамлар жамоа бўлиб яшайдиган жонзотдир. Биз бошқаларга қўшилишни, ўзгаларнинг ҳурмат-эътибори ва мақтовига эришишни истаймиз. Бундай мойиллик омон қолиш учун жуда мұхим. Ўтмишда одамлар узоқ вақт қабила бўлиб кун кечирган. Қабиладан ажралиб қолиш ёки бундан-да ёмони – ундан қувғин қилиниш ўлим билан баробар бүлгән. “Ёлғиз бўри ўлади, аммо тўда яшашда давом этади” (Бўлинганни бўри ер).

Бошқалар билан яхши чиқиша оладиганлар эса хавфсизроқ мұхитда яшаб, кўпроқ ресурслардан фойдалана олган. Уларнинг жуфт топиш имконияти ҳам ошган. Чарльз Дарвин айтганидек, “Инсониятнинг узоқ ўтмиши давомида биргаликда самарали меҳнат қилиш ва муаммоларни еча олишни ўрганган қабилалар устунликка эришган”. Натижада жамоага дахлдорлик ҳисси инсон табиатининг ич-ичига сингиб кетган. Ушбу қадимий мойиллик ҳозирги замонда ҳам хулқ-атворимизга кучли таъсир кўрсатади.

Биз дастлабки одатларимизни нафақат онгли равишда танламаймиз, балки тақлид йўли билан ўрганамиз. Биз ота-онамиз, яқинларимиз, дин ёки мактаб, маҳалла ва умуман жамият кўрсатган йўлдан борамиз. Юқоридаги гуруҳларнинг ҳар бири қачон турмуш қуриш керак, турмуш қуриш шартми, нечта фарзанд кўрган маъқул, қайси байрамларни нишонлаш керак, болаларнинг туғилган кунига қанча пул сарфлаш кераклиги сингари кўплаб масалалар бўйича ўзининг кутувлари ва стандартларига

эга. Ушбу ижтимоий меъёрлар кундалик хулқ-атвори-нгизни бошқарувчи ёзилмаган қонунлардир. Улар хаё-лингизнинг бир четини доим эгаллаб туради. Кўпинча маданиятингиз учун хос бўлган қоидаларга ўйламасдан, уларга танқидий ёндашмасдан ва ҳатто мавжудлигини англамасдан риоя қиласиз. Француз файласуфи Мишель де Монтень айтганидек, “Жамиятдаги анъана ва одатлар бизни ўз оқими билан олиб кетади”.

Кўпинча, оқим билан сузишнинг сизга оғирлиги тушмайди. Ҳамма бирон-бир гуруҳга мансуб бўлишини истайди. Агар шахмат ўйнаш кўнилмаларингизни муко-фотрайдиган оиласда улғайган бўлсангиз, шахмат ўйнаш жуда ҳам жозибали туюлади. Агар ҳамма қимматбаҳо костюм кийиб юрадиган жойда ишласангиз, сиз ҳам шундай кийим кийишга мойил бўласиз. Агар дўстларингиз фақат ўзлари тушунадиган латифа ёки иборани қўллаётган бўлса, сиз ҳам қатордан қолиб кетишни истамайсиз. Чунки улар сиз ҳам тушунаётганингизни билишини хоҳлай-сиз. Жамоага қўшилиш имконини берувчи хатти-ҳаракатлар доим жозибалироқ бўлади.

Биз, айниқса, уч гуруҳ инсонларнинг одатларига кўпроқ тақлид қиласиз:

- яқинлар;
- кўпчилик;
- нуфуз;

Ҳар бир гуруҳ хулқ-атвор ўзгаришининг иккинчи қоидасидан фойдаланиш ва одатларингиз жозибасини ошириш имконини беради.

Яқинларга тақлид

Яқинлик хулқ-атворимизга сезиларли таъсир кўрсатади. 6-бобда гувоҳ бўлганимиздек, атроф-муҳитга нисбатан олганда ушбу жумла тўғри айтилган. Бироқ ижтимоий муҳит ҳам ушбу қоидага мос келади.

Биз атрофимиздаги кишиларнинг одатларини ўзлаштириб оламиз. Ота-онамиз можароларда ўзини қандай

тутиши, тенгдошларимиз қызлар билан қандай гаплашиши ёки ҳамкасбларимиз натижаларга қандай эришаёттәнларини күчириб оламиз. Агар дүстларингиз чекса, сиз ҳам бундан чекиб күргингиз келади. Агар турмуш ўртоғингизнинг ётишдан олдин эшик қулфланганини текшириш одати бўлса, сизда ҳам бундай одат тез орада шаклланади.

Мен ҳам ўзим англамаган ҳолда атрофимдагиларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қиласман. Суҳбат пайтида ўзимни беихтиёр суҳбатдошимга ўхшаб тута бошлайман. Коллежда худди хонадошларимдек гапирадим. Бошқа мамлакатларда сафарда бўлган пайтимда қанчалик үринсам ҳам маҳаллий лаҳжада гапириб юборардим.

Умумий қоида сифатида айтиш мумкинки, бирор киши билан орамиз қанчалик яқин бўлса, уларнинг одатларига тақлид қилиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Аҳамиятга молик тадқиқотлардан бирида 12 минг киши 32 йил давомида кузатилган. Унинг натижаларига кўра, бирор кишининг семиз дўсти бўлса, унинг ҳам семириш эҳтимоли 57 фоизга етади. Шунингдек, бу қоида ижобий ҳолатда ҳам ишлайди. Бошқа бир тадқиқотда ўзаро яқин кишилардан бири озган бўлса, учдан бир ҳолатда унинг шериги ҳам ортиқча вазндан халос бўлган. Оила аъзоларимиз ва дўстларимиз кўзга кўринмас ижтимоий босим ўтказиб, бизни ўzlари томонга тортади.

Фақат ёмон одамлар таъсирига тушиб қолсангизгина бундай ижтимоий босим салбий оқибатларга олиб келади. Астронавт Майк Массимино Массачусетс Технология институтида ўқиб юрган кезларида робототехника фанидан дарс олади. Шу курсда ўқиган ўн талабанинг тўрттаси кейинчалик астронавт бўлган. Фазога учишни орзу қиласиган одам учун бунданда яхшироқ мұхитни топиш қийин бўлар эди. Бошқа бир тадқиқотга кўра, ўн бир ёки ўн икки ёшдаги боланинг энг яқин дўстининг IQ даражаси қанчалик баланд бўлса, ўн беш ёшда унинг

IQ кўрсаткичи ҳам шунчалик баланд бўлади. Туғма ақлзаковат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ҳам натижа шундайлигича қолган. Биз атрофимиздаги кишиларнинг сифатлари ва услубларини ўзимизга сингдириб оламиз.

Яхши одатларни шакллантиришнинг энг самарали усуllibаридан бири бу сиз истаган одат кундалик хулқатворига айланган жамоага қўшилишdir. Атрофингиздаги одамлар бир ишни ҳар куни бажараётганига гувоҳ бўлсангиз, ўша одатни шакллантириш осон кечади. Спорт билан мунтазам шуғулланадиган кишилар ичига тушиб қолсангиз, жисмоний машқ қилишни одатий ҳол деб ҳисоблай бошлайсиз. Агар жазз шинавандалари билан бирга вақт ўтказсан, ҳар куни жазз тинглаш яхши фикр деб ҳисоблайсиз. Сизни ўраб турган ижтимоий муҳит нималарни “нормал” деб ҳисоблашингизни белгилайди. Ўзингиз истаган одатга эга инсонлар билан дўстлашиш ва бир жамиятда яшаш шу одат шаклланиб, узоқ вақт давом этишига ёрдам беради.

Янги одатларнинг жозибадорлигини янада ошириш учун ушбу усулни янада такомиллаштириш мумкин.

Янги жамоа нафақат биз истаган хулқатворга эга бўлиши керак (1), балки улар билан қандайдир умумийлик ҳам бўлиши лозим (2). Нью-йорклик тадбиркор Стив Камб “Nerd Fitness” деб номланган компанияни бошқаради. У “компьютерга муккаасидан кетганлар, ғайриоддий кишилар ва мутантларга ортиқча вазндан қўтулиш, кучлироқ бўлиш ва саломатлигини мустаҳкамлашга” ёрдам беради. Унинг мижозлари видео ўйин шинавандалари, фильм ишқибозлари ва шунчаки спорт билан шуғулланишни истаган ўртамиёна одамларни ўз ичига олади. Кўпчилик спорт залига биринчи марта қатнаганда ёки янги парҳезни бошлаганда ўзини ёлғиз ҳис қиласди. Бироқ янги жамоага бирон-бир жиҳатдан яқин бўлсан, айтайлик, ҳаммамиз “Юлдузлар жангини” севиб томоша қиласак, ўзгаришлар у қадар ёқимсиз бўлмай

қолади. Чунки янги жамоа биз аллақачон қиласынан ишни мақұллайдындең түюлади.

Бошқа ҳеч нарса бир жамоага мансуб бўлишдек мотивацияни узоқ вақт сақтай олмайди. У бир кишилик саргузашты жамоавий саргузаштга айлантиради. Олдин ўз ҳолингизча яшар эдингиз. Ўзлигингиз факат ўзингизга тегишли эди. Сиз китобсевар, мусиқачи ёки спортчи эдингиз. Китобсеварлар тўғараги, мусиқа жамоаси ёки велопойгачилар гурӯҳига қўшилгандан кейин эса ўзлигингиз атрофдагиларники билан уйғуллашади. Ўсиш ва ўзгариш энди бир кишининг хоҳишига боғлиқ эмас. Энди биз китобхон, мусиқачи ёки спортчимиз. Умумийлик индивидуал ўзлигимизни кучайтиради. Шу сабабдан мақсадга эришгандан сўнг ҳам жамоа билан қолиш янги одатларнинг узоқ вақт сақланиб қолишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айнан дўстлик ва жамоавийлик биз яратган янги ўзлик ва одатларнинг кенг илдиз отиши ва ривожланишини таъминлайди.


Кўпчиликка тақлид

1950-йилларда психолог Соломон Аш қатор тажрибалар ўтказди. Эндилиқда биз ушбу тажрибаларни ҳар бир талабага ўргатамиз. Тажриба бошланишидан олдин иштирокчилар бир гурӯҳ нотаниш кишилар бўлган хонага киради. Аслида эса бу нотаниш кишилар тажриба ўтказувчи томонидан ёлланган актёрлар эди, улар саволларга аввалдан тайёрланган жавобларни бериш учун ёлланганди.

| 137

Гурӯҳга иккита карточка кўрсатилган. Уларнинг бирида битта чизик, иккинчисида эса бир нечта чизик бор эди. Гурӯҳдаги ҳар бир кишидан иккинчи карточка ичидан биринчи карточкадаги чизик үзунлигига teng чизиқни топиш сўралган. Вазифа жуда осон эди. Қуйида тажрибада фойдаланилган карточкалар жуфтлигига мисол келтирилган.

Ижтимоий меъёрларга бўйсуниш



10-расм. Соломон Аш ўзининг ижтимоий меъёрларга бўйсунишга бағишлиланган машҳур тажрибаларида фойдаланган иккита карточканинг сурати. Чап томондаги карточкада чизилган чизиқнинг узунлиги ўнг томондаги В чизиқ билан тенг экани шундоқ кўриниб турибди. Бироқ актёрлар гуруҳи бунинг аксини таъкидлагандан сўнг тадқиқот иштирокчилари фикрларини ўзгартирган ва ўз кўзларига ишониш ўрнига кўпчиликнинг фикрига қўшилишни маъқул кўрган.

Тажриба ҳар сафар бир хил тарзда бошланарди. Дастреб бир нечта осон карточкалар кўрсатилар, ҳамма тўғри жавобни танларди. Бир нечта карточкадан кейин иштирокчиларга худди аввалгиларига ўхшаш карточкалар берилди. Фақат энди хонадаги актёрлар атайлаб нотўғри жавобни танлашди. Мисол учун, улар расмда келтирилган "A" чизиқни танлашди. Гарчи чизиқлар бир-биридан аниқ ажralиб турса ҳам, ҳамма айнан шу жавобни танлади.

Ююстирилган жавобдан бехабар иштирокчida дарҳол тушунмовчилик пайдо бўлди. Улар расмга аланглаб қарап, уларда асабий кўлги пайдо бўларди. Улар шеригининг жавоб реакцияларига қайта-қайта эътибор беришар эди. Шериклари эса бирма-бир ўша битта нотўғри жавобни танлар экан, улардаги қўзғалиш ортиб борарди. Тез орада

иштирокчилар ўз кўзидан шубҳалана бошлади. Охироқибат, гарчи жавоб нотўғри эканини ич-ичидан сезиб турса-да, кўпчиликнинг фикрига қўшилди.

Аш ушбу тажрибани кўп маротаба, ҳар хил үсулларда ўтказиб кўрди. Унинг кузатувларига кўра, гуруҳдаги актёрлар сони ортгани сайин, иштирокчининг кўпчилик фикрига бўйсуниши кучайиб борди. Агар хонада иштирокчи билан фақат битта актёр бўлса, бу уларнинг қарор қабул қилишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Иштирокчи шунчаки ўзини унчалик ҳам ақлли бўлмаган киши билан тушиб қолган деб ҳисоблади. Хонада иккита актёрнинг бўлиши ҳам унчалик таъсир қилмади. Аммо актёрлар сони 3 кейинроқ 4 ва охирида саккизтага етганда, текширилувчи иккилана бошлади. Тажрибалар сўнгидаги шу нарса маълум бўлдики, 75 фоиз одам гарчи нотўғрилиги аниқ кўриниб турса ҳам, кўпчилик танлаган жавобга рози бўлган.¹

Ўзимизни қандай тутишимиз кераклигига ишончимиз комил бўлмаган пайтда йўл-йўриқ излаб кўпчиликка боқамиз. Биз доим атрофимиздагиларни кузатиб, уларнинг нима қилаётганига эътибор берамиз. Биз “Ama-

¹ Кейинги тадқиқотлар гуруҳ таркибида кўпчилик фикрига қарши бўлган битта актёрнинг бўлиши иштирокчиларнинг ҳам чизикларни ҳар хил эканлиги ҳақидаги ўз фикрини айтишига сабаб бўлишини аниқлади. Шахсий фикримиз жамоанини билан мос келмаган ҳолларда ёнимизда иттифоқчининг бўлиши бизга далда бўлади. Агар ижтимоий меъёлларга қарши курашиш учун куч зарур бўлса, ўзингизга шерик қидиринг. Қўшимча маълумот учун қаранг: Solomon E. Asch, “Opinions and Social Pressure,” *Scientific American* 193, no. 5 (1955), doi:10.1038/scientificamerican1155-31; and William N. Morris and Robert S. Miller, “The Effects of Consensus-Breaking and Consensus-Preempting Partners on Reduction of Conformity,” *Journal of Experimental Social Psychology* 11, no. 3 (1975), doi:10.1016/s0022-1031(75)80023-0.

Текширилувчиларнинг деярли етмиш беш фоизи ҳеч бўлмагандага бир марта хато қилган. Бироқ барча берилган жавоблар ҳисобга олинса, тўғри жавоблар улуши учдан икки қисмни ташкил қиласи. Қайси кўрсаткични ҳисоблашимиздан қатъи назар хуолоса шуки, гуруҳ таъсирида аниқ қарор қабул қилиш қобилиятимиз ўзгариши мумкин.

zon”, “Yelp” ёки “TripAdvisor”да бошқалар қолдирган фикрларни үқиймиз. Чунки “энг яхши” харидорлар, таом шинавандалари ва саёҳатчиларнинг одатларига тақлид қилишни истаймиз. Одатда бу усул ўзини оқлади. Кўпчиликнинг танлови етарлича исбот бўла олади.

Аммо масаланинг салбий жиҳати ҳам бор.

Жамоанинг меъёрий хулқ-атвори якка шахснинг яхшироқ хулқ-атворини четга сурис қўяди. Мисол тариқасида шимпанзелар ўстида ўтказилган бир тажрибани келтириш мумкин. Тажрибада бир шимпанзе бир грух вакили сифатида ёнғоқ чақишнинг самарали усулини ўрганади. Сўнг уни камроқ самара берадиган усулдан фойдаланадиган бошқа грухга ўтказишади. У шунчаки бошқалардан ажралиб қолмаслик учун ўзи биладиган самарали усулдан фойдаланмайди.

Инсонларда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Ҳар биримизда грух меъёрларига риоя қилишга мажбурловчи кучли босим мавжуд. Грух томонидан қабул қилиниш кўпинча баҳсада ғолиб бўлиш, ақллироқ кўриниш ёки ҳақиқатни билишдан кўра кўпроқ қадрланади. Кўп ҳолларда бир ўзимиз ҳақ бўлгандан кўра омма билан ноҳақ бўлишни афзал кўрамиз.

Инсон мияси бошқа одамлар билан муроса қилишни билади. У бошқалар билан иноқ бўлишни истайди. Бу унинг табиатидир. Грухга атайлаб эътибор бермаслик ёки бошқалар фикри билан ҳисоблашмасдан ушбу мойилликни енгиш мумкин, бироқ бунинг учун тер тўкиш керак. Жамиятингиздагиларга қарши чиқиш доимо қўшимча куч талаб қиласди.

Одатларимизни ўзгартириш жамоа фикрига қарши чиқишни англатса, у ёқимсиз бўлади. У жамоага қўшилишга хизмат қилганда эса, аксинча, жуда жозибали бўлади.

Нүфузлиларга тақлид

Одамлар барча замонларда ҳокимият, шон-шұхрат ва мартабага интилиб келган. Биз құксимиизни орден ва медалларға тұлдиришни истаймиз. Барчамиз номимизга президент ёки ҳамкор сұzlарини құшиб айтишларини хоҳлаймиз. Бизни тан олишлари, мақтовға құмишлари ва бошқалардан ажралиб туриш учун күп нарсаларға тайёрмиз. Бу, балки, шұхратпарастлиқидир, бироқ күп ҳолларда ақлли қарор ҳамдир. Тарихда катта ҳокимият ва юқори мартабага эга кишилар күпроқ ресурсларға эга бўлган, омон қолиш ҳақида камроқ қайғурган ва уларнинг жуфт топиши осонроқ бўлган.

Ўзгалар ҳұрматига ва ҳавасига сабаб бўладиган, бизни тан олишга мажбур қиладиган ва мартабамизни оширадиган хүлқ-атворни намоён қилишга катта мойиллигимиз мавжуд. Биз спорт залида мушакларини күз-күз қила оладиган спортчи ёки оркестрдаги энг қийин ноталарни ижро этадиган мусиқачи, ёки фарзандлари энг юқори натижаларга эришган ота-она бўлишни истаймиз. Чунки бу хусусиятлар бизни оммадан ажратиб туради. Жамоага қўшилдик дегунча, ўзимизни ундан юқори кўтаришга ҳаракат қиласиз.

Шу сабабдан ҳам муваффақиятли одамларнинг одатларига қизиқамиз. Ўзимиз ҳам муваффақиятта эришишни истаганимиз учун уларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қиласиз. Қундалик ҳаётимиздаги кўплаб одатларимиз биз ҳұрмат қиладиган кишилардан кўчирилган. Соҳамиздаги энг муваффақиятли компанияларнинг иш үслубларини такрорлаймиз. Ўзимиз ёқтирган ошпазнинг рецептлари асосида таомлар тайёрлаймиз. Севимли адібимизнинг ёзиш услугбини қўллаймиз. Раҳбаримизнинг сұзлашиш услугбини ўзлаштириб оламиз. Ўзимиз ҳасад қиладиган кишиларга тақлид қиласиз.

Юқори мартабали кишилар ўзгаларнинг ҳұрмати ва мақтовига сазовор бўлади. Шу сабабдан мартабамизни

оширишга хизмат қиласынан одатлар бизга жозибали бўлиб туюлади.

Аксинча, обрўмизга путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлардан тийиламиз. Маҳалламизда ёмонотлиқ бўлмаслик учун уйимиз олдини озода сақлаймиз. Уйимизга меҳмон келаётганда ёмон таассурот қолдирмаслик учун уйимизни саранжом-саришта қилиб қўямиз. Доимо ўзимизга “бошқалар билса нима деб ўйлади?” деган савол бериб, олган жавобимиз асосида ҳулқ-авторимизни ўзгартирамиз.

Мазкур бобнинг бошида келтириб ўтилган шахмат усталари бўлиш опа-сингил Полгарлар ижтимоий мұхит нақадар кучли ва узоқ муддат давом этадиган таъсир кўрсатиши мумкинлигига мисол бўла олади. Улар ҳар куни соатлаб шахмат ўйнаган ва бундай катта үриниш талаб қиласынан ҳаракатларни узоқ йиллар давом эттирган. Бироқ ушбу одат ва ҳаракатлар жозибасини йўқотмаган. Чунки атрофдагилар буни доим қадрлаган. Ота-онасининг мақтovидан тортиб гроссмейстер сингари юқори мартабага эришишгача бўлган рағбатлар уларнинг ўз йўлидан оғмай олға ҳаракатланишига сабаб бўлган.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Биз яшаётган ижтимоий мұхит қандай ҳулқ-автор жозибали эканини белгилайди.
- Биз яшаётган жамоа томонидан қабул қилинган ва қадрланадиган одатларни ўзлаштиришга мойилмиз. Чунки барчамиизда маълум жамоага дахлдор бўлиш эҳтиёжи жуда кучли.
- Уч гуруҳга мансуб кишиларнинг одатларига кўпроқ тақлид қиласынан: яқинларимиз (оила ва дўстлар), кўпчилик (жамоа), ва нуфузлилар (юқори мартаба ва обрў эгалари).
- Яхшироқ одатларни шакллантиришнинг энг самарали усувларидан бири бу ҳам биз истаган

хүлк-атвор нормага айланган (1), ҳам биз билан қандайдир үмумийликка эга (2) бүлгандын жамоага құшилишdir.

- Жамоанинг меъёрий хүлк-атвори якка шахснинг яхшироқ хүлк-атворини четта суреб құяды. Күп ҳолларда бир үзимиз ҳақ бүлгандан күра омма билан ноҳақ бўлишни афзал кўрамиз.
- Ўзгаларнинг ҳурмати ва мақтоворига сазовор бўлишга ёрдам берадиган одатлар жозибали туюлади.

10

ЁМОН ОДАТЛАР САБАНИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ЙҮҚОТИШ

2012 йил охирида мен Истанбулнинг энг машҳур Истиқлол кӯчасидан үнчалик узоқ бўлмаган эски бир уйда тунагандим. Бу Туркия бўйлаб 4 кунлик саёҳатимнинг бир қисми бўлиб, гид-ҳамроҳим Майк мендан бир неча қадам нарироқда эски курсида дам олар эди.

Майк аслида гид эмасди. Бу майнлик йигит Туркияда беш йилдан бери яшарди. Аммо Туркияга келганимда у мамлакатни кўрсатишни таклиф қилди ва мен рози бўлдим. Ўша кунларнинг бирида у мени бир нечта турк дўсти билан кечки овқатга таклиф қилди.

Етти киши бирга суҳбатлашиб ўтирадик. Улар орасида фақат мен кунига бир қутидан тамаки чекмаган эканман. Мен турк йигитларнинг биридан у чекишни қандай бошлагани ҳақида сўрадим. “Дўстлар туфайли, — дея жавоб берди у, — ҳар доим дўстлар туфайли бўлади. Агар улардан бирортаси чекса, сиз ҳам синаб кўрасиз”.

Энг қизиги, хонадагиларнинг ярми чекишни ташлашга муваффақ бўлганди. Майк бир неча йилдан бери чекмай қўйганди. У чекишни ташлашига Аллен Карнинг “Чекишни ташлашнинг осон йўли” китоби сабаб бўлгани ҳақида куюниб гапиради.

“Китоб сизни чекиш дардидан халос қиласди, — деди у. – Муаллиф: “Ўзингизни алдашдан тўхтанг. Чекишни ич-

иchinгиздан истамаслигингизни биласиз. Аслида чекиб роҳатланмайсиз”, дея уқтиради. Натижада ўзингизни жабрланувчикдек ҳис қилмай қўясиз. Чекишга бўлган эҳтиёж аслида йўқ эканини тушуна бошлайсиз”.

Мен бирор марта ҳам оғзимга тамаки олмаганман. Бироқ қизиқиш сабабли бу китобни ўқиб кўрдим. Муаллиф кашандаларнинг хуморини йўқотиш учун антиқа усулларни таклиф этади. У чекиш билан боғлиқ ҳар бир сигнални алоҳида таҳлил қиласди ва уларга янгича мазмун беради.

Қўйида китобдаги айрим ғоялар келтирилган:

- Ўзингизни бирор нарсадан воз кечяпман деб ҳисоблайсиз, аслида эса воз кечадиган нарсанинг ўзи йўқ, чунки тамаки сизга ҳеч нарса бермайди.
- Чекиш одамларга қўшилиш учун восита деб ҳисобласангиз адашасиз. Одамларга чекмасдан ҳам қўшилиш мүмкин.
- Тамаки стресс билан курашмайди. У асабларингизни тинчлантириш ўрнига асаб толаларини ўлдиради.

Муаллиф шу ва шунга ўхшаш ибораларни қайта ва қайта келтиради. “Буни миянгизга қўйиб олинг, — дейди у. — Чекиши ташлаб нафақат саломатлигингиз ва чўнтағингизга фойда келтирасиз ҳамда қувватингизни оширасиз, балки ўзингизга бўлган ишончни ҳам шакллантирасиз, ўзингизни ҳурмат қила бошлайсиз, чин эркинликка эришасиз ва энг муҳими, ҳаётингиз давомийлигини ва сифатини оширасиз”.

Китобни тугаттанингизда чекиш дунёдаги энг бемаъни ишдек туюла бошлайди. Агар чекиш ҳеч қандай фойда келтирмайдиган бўлса, уни давом эттиришнинг нима кераги бор. Бу хулқ-атвор ўзгариши 2-қоидасининг тескари кўринишидир. Яъни ёмон одат жозибасиз бўлиши керак. Бу ғоя ўта содда туюлиши мумкин. Фикрлаши-

нгизни ўзgartирасиз-да, чекишни осонгина ташлайсиз. Аммо ҳозир яна бироз мен билан қолишиңгизни илтимос қиласман.

ИСТАКЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БҮЛАДИ?

Хар қандай хүлк-атвор ортида юзаки истак ҳамда чүкүр яширган мотив ётади. Мен күпинча тако ейишни истаб қоламан. Агар кимдир мендан нима сабабдан тако ейишни хоҳлаётганимни сұраса, мен ҳеч қачон тирик қолиш учун ейишім керак, деб жавоб бермайман. Бироқ аслида, такони ейишни истаётганимнинг сабаби айнан тирик қолиш учун овқатланиш зарурлигига бориб тақалади. Гарчи айнан тако егім келаётган бұлса ҳам, озуқага бұлған талаб унинг яширин мотиви ҳисобланади.

Яширин мотивларнинг айримлари қуида келтирилген:

- құвватни тежаш;
- сұв ва егулик топиш;
- жуфтлашиш ва насл қолдириш;
- жамоага құшилиш;
- жамият томонидан қабул қилиниш ва мақтов олиш;
- ноаниқликті камайтириш;
- обрұ ва шұхратта эришиш.

Истак бу шүнчаки чүкүр мотивларнинг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир. Миянгиз тамаки чекиши, "Instagram" саҳифасини очиш ёки видео ўйинлар ўйнашни талаб қиладиган тарзда ривожланмаган. Ич-ичингизда фақат ноаниқликті камайтириш, қўрқувни йўқотиш, жамият томонидан қабул қилиниш ёки обрўга эришишни истайсиз.

Тезда одатланиб қоладиган ҳар қандай маҳсулот ёки хизматга назар ташласангиз, ular янги мотивация яратмаётгани, балки табиий эҳтиёжларингиздан фойдаланаётганига гувоҳ бўласиз.

- Жүфтлашиш ва насл қолдириш = танишув сайтларидан фойдаланиш
- Жамоага құшилиш = “Facebook”даги саҳифаны текшириш
- Жамият томонидан қабул қилиниш ва мақтов олиш = “Instagram”га пост қўйиш
- Ноаниқликни камайтириш = “Google”да қидирув ўтказиш
- Обрў ва шуҳратга эришиш = видео ўйинлар ўйнаш.

Кундалик одатларингиз бу қадимги эҳтиёжларни қондиришнинг замонавий ечимлариdir. Эски иллатларнинг янгича шакли. Инсон хатти-ҳаракатлари ортидаги мотивлар ўзгармасдан қолган. Аниқ бир одат эса қайси тарихий даврда яшаётганингизга қараб фарқланади.

Энди муҳим қисми билан танишинг: ягона мотивни қондиришнинг турли-туман йўллари бор. Кимdir стресс билан чекиш ёрдамида курашади. Бошқа бир одам эса ўзини югуриб тинчлантиради. Одатларингиз ҳар доим ҳам муаммонинг энг тўғри ечими бўлавермайди. Улар фақат сиз биладиган ечимлардир. Миянгизда маълум муаммо билан унинг ечими ўртасида боғлиқлик пайдо бўлгандан кейин сиз унга қайта-қайта мурожаат қилаверасиз.

Шу боғлиқлик одат деб номланади. Айнан уларга асосланган ҳолда одат такрорлашга арзиш ёки арзимаслиги ҳақида хulosा қиласиз. 1-қоидага тўхталиб ўтганимизда айтганимдек, миянгиз доимий равища атроф-муҳитдан сигналларни қабул қилиб, улар орасидан аҳамиятлilarини ажратиб туради. У ҳар сафар янги сигнал қабул қилганда бўлиши мумкин бўлган воқеаларни симуляциялаб, кейинги қадамингиз қандай бўлиши кераклигини башоратлашга уринади.

Сигнал: Ўчоқ қизиб турганини кўрдингиз.

Башорат: Агар унга қўлимни теккизсам, куйиб қоламан, шунинг учун бундай қилмаслигим керак.

Сигнал: Светофорнинг яшил чироғи ёниб турганини кўрдингиз.

Башорат: Агар газни босадиган бўлсам, чорраҳадан хавфсиз ўтиб оламан ва манзилимга тезроқ етаман. Шунинг учун газ педалини босишим керак.

Сиз сигнални қабул қиласиз, уни ўз тажрибангизга суюнган ҳолда таҳлил қиласиз ва мос жавоб усулини танлайсиз.

Буларнинг барчаси кўз очиб юмгунча содир бўлади. Шунга қарамасдан уларнинг одат юзага келишидаги ўрни ғоят үлкан. Чунки ҳар қандай ҳаракат башоратлашдан кейин содир бўлади. Ҳаётда таъсирга жавобан акс таъсир механизми бўйича яшаётганга ўхшаймиз. Аслида эса жавоб реакциямиз башоратлашга асосланган. Кун бўйи кўз олдимизда содир бўлган воқеалар ва ўтмишдаги тажрибамизга асосан кейин нима қилиш кераклигини тахмин қилиш билан шуғулланамиз. Биз тўхтовсиз равишда келгуси дақиқада нима бўлишини башоратлаймиз.

Қиладиган хатти-ҳаракатларимиз шу башоратлари мизга боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, хулқ-авторимиз борлиқнинг объектив ҳолатига эмас, балки воқеаларни биз қандай талқин қилганимизга боғлиқ. Икки одам сигарет донасига қараганда бирида чекишга бўлган истак, иккинчисида эса унинг ҳидига нисбатан ёқимсиз туйғу пайдо бўлиши мумкин. Башоратларимизга боғлиқ равища битта сигнал ёмон одатга ҳам, яхисига ҳам туртки бериши мумкин. Қиладиган башоратимиз одатларимизнинг сабабидир.

Башорат туйғулар пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу ҳис-туйғуларни хоҳиш-истак деб атаемиз. Ҳис-туйғулар биз қабул қилаётган сигналлар ва қилган башоратларимизни амалда қўллаш мумкин бўлган йўриқномаларга айлантиради. Улар ҳозирда нимани сезаётганимизни тушунтириб беради. Мисол учун, ўзингиз англаган ёки англамаган ҳолда ҳозирда ҳароратни сезиб турибсиз. Агар ҳарорат бир даражага пасайса, ҳеч нарса қилмайсиз. Бироқ ҳарорат 10 даражага пасаядиган бўлса, совқотиб,

қалинроқ кийиниб оласиз. Совқотиш сизни ҳаракат қилишга мажбур қилди. Ҳарорат бүйича сигналларни шусиз ҳам тұхтосыз қабул қилиб турғандингиз, бирок иссиқроқ кийим кийсанғыз ақволингиз яхшироқ бүлишини башорат қилғандан сұнгина ҳаракатта келдінгиз.

Хоҳишистак – бу нимадир етишмаётғанлик ҳиссидир. Уни ҳозирги ҳолатимизни үзгартыришга бүлган үриниш деса бұлади. Агар ҳарорат тушиб кетса танамиз сезаёттан совуқлик ва у сезишни истаган илиқлик үртасида номутаносиблик юзага келади. Ҳозирги ҳолат ва сиз истаган ҳолатлар үртасидаги бүшлиқ сизни ҳаракат қилишга үндайди.

Хоҳишистак ҳозирги қолажақда бүлишни истаган ҳолатларимиз үртасидаги фарқ бұлыб, бүтунлай ақамиятсиз түюлган ҳаракатлар замирида ҳам орзумизга бүлган интилиш ётади. Құп овқат еб қўйиш, сигаретта үт олдириш ёки ижтимоий тармоқларга киришимизнинг асл сабаби чипс, сигарет ёки лайкларга бүлган эҳтиёж әмас. Шунчаки ҳозирги ҳолатимиздан бошқача ҳис қилишга интилишдір.

Ҳис-туйғуларимиз қилаёттан ишларимизни давом эттириш ёки үзгартыриш кераклиги ҳақида маълумот беради. Улар бизга энг яхши йұлни танлашта ёрдам беради. Олимлар ҳис-туйғуларимиз заараланғанда қарор қабул қилиш қобилиятимиз ҳам йүқолишини аниқлаган. Бундай вазиятта нимага интилиш ва нималардан үзимизни нари тутишимиз кераклиги ҳақида ахборот ололмаймиз. Невролог олим Антонио Дамасио үшбу ҳолатни қүйидагича изохладайды: “Ҳис-туйғулар бизга нарсаларни яхши, ёмон ва ақамиятсизга ажратышта имкон беради”.

Хүлоса қилиб айтғанда, истак ва одат аслида фундаментал эҳтиёжларимизни қондиришга бүлган үринишдір. Агар одат эҳтиёжкимизни қондира олса, уни яна тақрорлаш истаги пайдо бұлади. Вақт үтиши билан ижтимоий тармоқлардан фойдалансак үзимизни суюкли

хис қилишимизни, “YouTube” томоша қылганда эса құр-құвларимизни әсдан чиқаришимиз мүмкінлигінің ба-шораттай бошлаймиз. Ёқимли ҳислар билан боғланған одатлар жозибали бўлади. Бу билимдан ўзимиз учун фойдаланиб, унинг салбий оқибатларидан нари тури-шимиз мүмкін.

Мияни қийин одатлардан роҳатланишга қандай ўргатиш мүмкін?

Қийин одатларни яхши хотиралар билан боғлаб, уларни жозибали қилиш мүмкін. Бунинг учун күпинча фикрлаш тарзимизга кичик ўзгартиришлар киритсак кифоя. Мисол тариқасида, деярли ҳар куни бажарилиши керак бўлган ишларимиз бўлади. Ишга бориш учун эрта туришимиз керак. Иш вақтида яна бир мижозга қўнғироқ қилиш керак. Оиламиз учун кечки овқат тайёрлаш керак.

Энди “керак” сўзини “мүмкін” сўзи билан алмаштириб кўрайлик.

Ишга бориш учун эртароқ туриш мүмкін. Иш пайтида мижозларга қўнғироқ қилиш мүмкін. Оиламиз учун овқат пиширишимиз мүмкін. Биргина сўзни ўзгартириш орқали ҳар бир ҳодисага бўлган муносабатимиз ўзгаради. Натижада уларни мажбурият эмас, балки имконият сифатида кўра бошлаймиз.

Энг муҳими, реалликнинг иккала варианти ҳам тұғри. Бу ишларни қилишингиз керак, аммо уларни қилишингиз ҳам мүмкін. Қандай тарзда фикрлашимиздан қатын назар уни исботлаш учун далиллар етарлича топилади.

Ногиронлар аравачасида юрадиган бир киши ҳақида эшитганман. Ундан факат аравачага боғланиб қолиш нақадар оғирлиги ҳақида сўрашганда у қўйидагича жавоб берган: “Мен аравачамга боғланиб қолмаганман, аксинча, у мени озод қилди. У бўлмаганда мен тўшакка михланиб қолиб, уйимдан ҳеч ҳам кўчага чиқа олмай қолардим”. Бу инсон дунёқарашибаги ўзгариш унинг ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартириб юборди.

Одатларимизнинг ижобий томонларини кўпроқ кўрсатиб, салбий жиҳатларини яшириш – миямизни қайта дастурлаш ҳамда одатлар жозибадорлигини оширишнинг энг тез ва осон усулидир.

Спорт. Кўпчилик спорт машғулотларини ҳолдан тойдирувчи мashaққатли иш деб ҳисоблади. Уни осонлик билан қувватимизни ошириш ва янги кўнникмалар ҳосил қилиш усули деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Ўзингизга эрталаб юргани чиқишим керак, дейиш ўрнига чидамлилик ва чаққонликни ошириш вақти келди, дейиш ҳам мумкин.

Молия. Пул жамғариш учун кўпинча нималарданdir воз кечишига тўғри келади. Аммо оддий бир ҳақиқатни тушуниб олсангиз, сармоя жамғаришни чеклов эмас, балки эркинлик сари қадам сифатида кўра бошлайсиз. Яъни ҳозирги имкониятингиз даражасидан пастроқда яшаш келажакда иқтисодий имкониятларингизни кенгайтиради. Бу ой тежаган пулингиз кейинги ойдаги харид қобилиятингизни оширади.

Медитация. Уч сониядан ортиқроқ медитация билан шуғулланган инсон бу ишнинг нақадар қийинлигини билади. Миянгизда ўз-ўзидан пайдо бўлган хаёллар сизни дарҳол chalғитиб юборади. Уларнинг ҳар бири яна эътиборни жамлашни машқ қилиш имконини беришини тушунганингизда, асабийлашиш ўрнига лаззатланиш пайдо бўлади. Чалғиш аслида яхши нарса, чунки медитация билан шуғулланиш учун сизга чалғитувчилар керак.

Ўйиндан олдинги қалтироқ. Кўпчилик мұҳим чиқиш ёки мусобақалардан олдин ҳаяжонланади. Уларнинг нафас олиши ва юрак уриши тезлашади, сезгилари кучаяди. Агар уларга салбий баҳо берадиган бўлсак хавотирларимиз кучайиб, асабийлаша бошлаймиз. Аксинча, ижобий баҳо берсак унга енгиллик ва нағислик билан жавоб қайтарамиз. “Кўрқяпман” ибораси ўрнига “Ҳаяжонланяпман, организмимда ажралган адреналин

эътиборимни жамлашга ёрдам беради” йўсинида фикрлашдан фойдаланиш мумкин.

Фикрлашдаги бундай кичик ўзгаришлар мўжизаларга сабаб бўлмайди, албатта. Бироқ улар маълум одат ёки вазиятга боғлиқ тарзда юзага келадиган ҳиссиётларни ўзгартиришга имкон беради.

Агар бу усулни яна ҳам такомиллаштирадиган бўлсак, мотивация маросимини яратиш ҳам мумкин. Бунинг учун одатларингизни ўзингиз роҳатланадиган бирор нарса билан боғлайсиз. Шундан сўнг ушбу боғлиқликдан мотивация керак бўлган ҳар қандай вазиятда фойдаланишингиз мумкин. Мисол учун, жинсий яқинликдан олдин доимо бир хил қўшиқ қўядиган бўлсангиз, улар орасида боғлиқлик пайдо бўлади. Кайфиятни яқинликка мослаш керак бўлганда шунчаки магнитофон тугмачасини босиб қўйиш кифоя бўлади.

Питтсбурглик боксчи ва ёзувчи Эд Латимор ўзи билмаган ҳолда шундай усуслдан фойдаланган. “Қизиқ бир ҳолатни кузатдим, — дея ёзади у. — Ёзиш пайтида шунчаки қулоқчинни тақиб олиш эътиборимни жамларди. Ҳеч қандай мусиқа эшитишга ҳожат ҳам қолмасди”. У ўзи билмаган ҳолда рефлекс шакллантирганди. Дастреб у қулоқчинларини тақсан, ўзи ёқтирган мусиқани эшитиб, диққатни жамлаган ҳолда ишлаган. Бу ишни 5, 10, 20 марта тақрорлагандан сўнг қулоқчинни тақиш ўз-ўзидан эътиборни жамлашга ундейдиган сигналга айланиб қолган. Табиий равишда истак ҳам унинг ортидан эргашиб келган.

Спортчилар ҳам мусобақалардан олдин мос руҳий ҳолатга келиш учун шунга ўхшаш усуслардан фойдаланади. Бейсбол билан шуғулланиб юрган кезларимда мен ҳар бир ўйиндан олдин керишиш ва тўп улоқтиришдан иборат маросим яратиб олгандим. Унга ўн дақиқача вақт кетарди ва ҳар бир ўйиндан аввал мен уни бажаардим. Маросим туфайли қизиб олардим, аммо ундан-да муҳи-

ми, у менда түғри рұхий ҳолат чақиради. Үйиндан олдинги маросимим ва рақобатта тайёрлик ҳамда әзтибор жамланғанлик ҳислари ўртасида боғланиш ҳосил бўлди. Гарчи маросимимдан олдин ўзимда мотивация ҳис қилмаётган бўлсам ҳам, ундан кейин ўзимнинг чинакам үйин режимимга ўтиб олардим.

Ушбу усулни деярли ҳар қандай шароитга мослаштириш мумкин. Умуман олганда ўзингизни баҳтироқ сезишни истаяпсиздейлик. Бунинг учун ўзингизни чиндан баҳтили ҳис қиладиган иш, мисол учун, кучукчани эркалатиш ёки илиқ сувли ванна қабул қилишни танлайсиз. Уни амалга оширишдан аввал кичикроқ одат яратасиз. Масалан, уч марта чуқур нафас олиш ва жилмайиш.

Уч марта нафас оласиз. Жилмаясиз. Кучукчани эркалатастиз. Жараённи такрорлайсиз.

Охир-оқибатда чуқур нафас олиш ва жилмайиш одати билан яхши кайфият ўртасида боғлиқлик пайдо бўлади. Унинг ўзи сигналга айланиб, баҳтни англата бошлайди. У шаклланиб бўлгач, уни истаган вақт такрорлаб, кайфиятингизни кутаришингиз мумкин. Ишда сиқилиб қолдингизми? Уч марта чуқур нафас олиб жилмайнинг. Ҳаётдан хафамисиз? Уч марта чуқур нафас олиб жилмайнинг. Одат шаклланғандан сўнг у дастлабки мазмунини йўқотган тақдирда ҳам сигнал истак пайдо бўлишига сабаб бўлаверади.

Одат билан боғлиқ ҳиссиётларни ўзгартириш ёмон одатларни аниқлаш ва бартараф этишнинг калитидир. Бу осон иш эмас, бироқ башоратларингизни қайта дастурлай олсангиз, қийин одатни жозибали одатга айлантириш мумкин.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Одатни жозибасиз қилиш хулқ-атвorum ўзгариши иккинчи қоидасининг тескари кўринишидир.

- Ҳар қандай хүлқ-атвор ортида юзаки истак ҳамда чуқур яширинган мотив ётади.
- Қундалик одатларингиз қадимги эҳтиёжларни қондиришнинг замонавий ечимлариридир.
- Одатлардан аввал юзага келадиган башоратларингиз уларнинг сабабидир. Башорат туйғулар пайдо бўлишига олиб келади.
- Ёмон одатни жозибасиз қилиш учун ундан тийилишнинг фойдали жиҳатларига урғу беринг.
- Одатлар ижобий туйғулар билан боғланган бўлса жозибали, салбийлари билан боғланганда эса жозибасиздир. Қийин одатдан аввал ўзингиз ёқтирадиган ишни бажариш йўли билан мотивация маросимини яратинг.

Яхши одатни қандай ҳосил қилиш мүмкін?

Биринчи қоида: Одат күринарлы бүлиши керак

- 1.1: Одатлар табелини тұлдириңг. Ҳозирғи одаттарингиздан огоҳ бүлиш учун үларнинг рүйхатини түзинг.
- 1.2: Татбиқ этиш ниятидан фойдаланынг: “Мен [ВАҚТ] ва [ЖОЙ]да [ИШ]ни бажараман”.
- 1.3: Одатларни таҳлаш үсулидан фойдаланынг: “[ХОЗИРГИ ОДАТ]ни бажариб бұлғанимдан сұнг [ЯНГИ ОДАТ]га ұтаман”.
- 1.4: Атрофингиздаги муҳитни үзингиз яратынг. Яхши одатларга тұртқи берадиган сигналлар ёрқын ва күзга осон ташланадиган бўлсин.

Иккинчи қоида: Одат жозибали бүлиши керак

- 2.1: Қизиқышларни боғлаш үсулидан фойдаланынг. Қилишингиз керак бўлган ишни қилишни истаётган ҳаракат билан боғланг.
- 2.2: Сиз үзлаштиromoқчи бўлган хулқ-атвор нормал ҳолат бўлган жамоага қўшилинг.
- 2.3: Мотивацияловчи маросим яратынг. Мураккаб одатни бажариб бўлишингиз билан үзингизга ёқадиган бирон-бир иш қилинг.

Учинчи қоида: Одат осон бүлиши керак

Тұртнчи қоида: Одат қониқарлы бүлиши керак

Ёмон одатлардан қандай халос бўлиш мумкин?

Биринчи қоиданинг акси: Одат кўз илғамас бўлиши керак

1.5: Ёмон одатларга турткি берадиган сигналлар билан тўқ-
наш келишни камайтириш учун уларни атрофингиздаги
муҳитдан олиб ташланг.

Иккинчи қоиданинг акси: Одат жозибасиз бўлиши керак

2.4: Фикрлаш тарзингизни ўзгартиринг. Ёмон одатни бажар-
маслик қанчалик фойда келтиришига урғу беринг.

Учинчи қоиданинг акси: Одат қийин бўлиши керак

Тўртинчи қоиданинг акси: Одат қониқарсиз бўлиши керак

УЧИНЧИ ҚОИДА

ОДАТ ОСОН БҮЛИШИ
КЕРАК

СЕКИН ЙОРСАНГИЗ ҲАМ, ЧЕКИНМАНГ

Үқув йилининг бошида Флорида университети профессори Жерри Ульсман фильм суратга олиш йўналиши талабаларини икки гурӯҳга бўлди.

Усинф хонасининг чап томонидаги талабалардан “сон” гурӯҳини ташкил қилди. Уларга фақат бажарган ишлари сонига қараб баҳо олишлари айтилди. Семестр охирида у ҳар бир талаба тақдим этган суратлар сонини ҳисоблаб чиқди. 100 та фотосурат топширган талабаларга “аъло”, 90 та топширганларга “яхши”, 80 та топширганларга “қониқарли” баҳо қўйди.

Хонанинг ўнг томонида ўтирган талабалардан эса “сифат” гурӯҳи ташкил этилди. Улар бажарган ишининг сифатига қараб баҳо олишарди. Улар семестр охирида фақат битта фотосурат топширишлари етарли эди. Бироқ “аъло” баҳо олиш учун сурат мукаммал бўлиши зарур эди.

Семестр охирида энг яхши фотолар “сон” гурӯҳидаги талабалар томонидан суратга олинганига гувоҳ бўлган профессор жуда ҳайрон қолди. Семестр давомида бу талабалар суратга олиш билан банд бўлди, турлича композиция ва экспозицияларни синааб кўрди, қоронги хонада тажрибалар ўтказди ва хатоларидан хулоса чиқарди. Юзлаб суратлар яратиш давомида улар кўникмаларини кучайтирди. “Сифат” гурӯҳидаги талабалар

эса мұкаммаллық ҳақида бош қотириб вақт үтказди. Охир-оқибатда, шунча саъй-харакатлардан кейин улар исботланмаган ғоялару, биттадан үртача сифатли сурат тақдим эта олди, холос.¹

Мұкаммал режа тузишга уриниб, масалан, энг тез озиш, мускул тез чиқариш, құшимча даромад топишнинг энг яхши йүлини қидириб жуда күп вақт йүқотиш мүмкін. Энг яхши усулни излашга шүнчалик берилиб кетамизки, ҳақиқий ишга құл ҳам үрмаймиз. Вольтер айтганидек “Зүр – бу яхшининг душманидир”.

Буни ҳаракатда бұлиш ва ишга киришиш үртасидаги фарқ сифатида тушунган маңызды. Улар бир-бирига жуда үхшаб кетса ҳам, алоҳида-алоҳида тушунчалардир. Ҳаракатда бұлған пайтингизда биз режалар тұзасиз, уларни

¹ Ушбу ҳикоя Дэвид Бейлс ва Тед Орланднинг “Санъат ва құрқұв” номли китобининг 29-бетида көлтирилған. 2016 йил 18 октябрда Орланд билан электрон хатлар орқали қылған сұхбатимизда у менга ҳикоянинг келиб чиқиш тарихини айтib берган. “Ха, бироз адабий үзгартыриш ва ҳикоя қилиш услугини ҳисобға олмаса “Санъат ва құрқұв”даги “Күолчилік ҳикоясы” бұлған воқеа. Унинг учун Флорида университети Фотографияга кириш курси талабаларини рухлантирмоқчи бұлған фотограф Жерри Ульсман қылған тавакқал асос қилиб олинған. “Санъат ва құрқұв”да Жерри айтib берган воқеа сақналари тұлалигича акс эттирилған. Мен фақаттана талабалар тадқиқ қылған соҳаны фотографиядан күолчилікка үзгартырганман, холос. Тұғрисини айтганда, таҳлил қилинаётган санъат тури фотографиялыгыча қолғанда яхшироқ бұлар зди. Аммо мен ҳам, ҳаммуаллифим Дэвид Бейлс ҳам фотосуратчи здик ва ұша пайтларда китобда имкон қадар күпроқ санъат турларини қамраб олмоқчи бұлдик. Энг қызығи шундаки, қайси санъат турини танлаш деярли аҳамияттаға зға әмас, ҳикоядан келиб чиқадиган хulosса санъатнинг исталған шаклида (ва ҳатто санъатга алоқаси йўқ соҳаларда ҳам) үзгартылған қолаверади”. Ҳудди шу электрон хатнинг кейинги қисмларида Орланд: “Ҷағынан китобингизда “Күолчилік ҳикоясы”нинг исталған қисмими ёки бутунлигына фойдаланишингизга рухсат берамиз”, деб ёзған. Охир-оқибат, күолчилік ҳикоясининг услугини Ульсманнинг фотография курси талабалари ҳақидаги реал фактларни үйғұнлаштириб ҳикояни чоп этишга қарор қылдым. David Bayles and Ted Orland, Art & Fear: Observations on the Perils (and Rewards) of Artmaking (Santa Cruz, CA: Image Continuum Press, 1993), 29.

мукаммаллаштирасиз ва ўрганасиз. Гарчи уларнинг барчasi ўз ҳолича фойдали бўлса ҳам, амалий натижалар бермайди.

Ишга киришиш эса, аксинча, амалий натижка берадиган ҳаракат туридир. Агар мен ёзмоқчи бўлган мақолалар учун йигирматача ғояни умумий кўриб чиқадиган бўлсам – бу ҳаракатда бўлиш. Агар ўтириб, битта бўлса ҳам мақола ёзсан, бу ишга киришиш саналади. Агар яхшироқ парҳезни қидириб, мавзуга оид китоблардан ўқисам – бу ҳаракатда бўлиш. Агар соғлом овқатланишни бошласам, бу ишга киришиш ҳисобланади.

Баъзан ҳаракатда бўлиш ҳам фойдали. Бироқ у ўз ҳолича натижка бермайди. Шахсий мураббийингиз билан неча марта гаплашишингиз аҳамиятга эга эмас. Чунки у танангизни умуман мустаҳкамламайди. Фақат спорт машғулотларига қатнаш йўли билангина сиз истаган натижага эришишингиз мумкин.

Агар ҳаракатда бўлиш бизга ҳеч нарса бермаса, биз нима сабабдан у билан шуғулланамиз?

Баъзида режа тузиш ва ўрганишга ҳам эҳтиёж бўлади. Бироқ кўпинча у бизга муваффақиятсизликка учраш хавфи йўқ бўлган ҳолда ўсиш ҳиссини бергани учун у билан шуғулланамиз. Кўпчилик танқиддан қочиш бўйича устаси фаранг бўлиб кетган. Омадсизликка учраш ва ҳамманинг олдида танқид қилишлари унчалик ҳам ёқимли ҳиссиёт эмас. Ҳаммамиз бизни шундай ҳолатга солиб қўйиши мумкин бўлган вазиятлардан қочамиз. Шу сабабдан ҳам ишга киришишдан кўра ҳаракатда бўлишни афзал кўрамиз. Яъни муваффақиятсизликни ортга сурамиз.

Ҳаракатда бўлиб ҳам ўсяпмиз, деб ўзимизни алдаш осон. Мисол учун, “Ҳозирда тўртта потенциал харидор билан музокаралар олиб боряпман. Бу яхши, чунки тўғри йўналишда ҳаракатланяпмиз” ёки бўлмаса, “Ёзмоқчи бўлган китобим учун ақлий ҳужум қилиб, ғояларни танлаб олдим. Анча иш бажарилди”, дея ўйлаймиз.

Харакатда бўлиш фойдали иш қилингандек таассурот пайдо қиласди. Аслида эса фойдали иш қилишга тайёргарлик кўрилаётган бўлади, холос. Агар тайёргарлик кўриш ишни орқага сурининг бир кўринишига айланниб қолса, бу ҳолатни ўзгартириш зарур. Фақатгина режалаштириш билан эмас, балки машқ қилиш билан банд бўлишингиз зарур.

Агар бирон-бир одатнинг устасига айланишни истасангиз, ишни мукаммалликка интилиш билан эмас, такрорлаш билан бошлаш зарур. Янги одатнинг ҳар бир жиҳатини икир-чикиригача режалаштириш керак эмас. Уни шунчаки амалда қўллаш зарур. Бу З-қоидадан ўрганишингиз керак бўлган биринчи дарсdir – сиз шунчаки такрорлашингиз керак.

ЯНГИ ОДАТ ШАКЛЛАНИШИ УЧУН ҚАНЧА ВАҚТ КЕРАК?

Одатнинг шаклланиши хатти-ҳаракатларни такрорлаш туфайли тобора автоматлашиб борадиган жараёндир. Маълум фаолият билан қанчалик кўп шуғуллансангиз, миянгизнинг тузилиши ҳам ушбу фаолиятни бажаришга шунчалик мослашиб, самарадорлиги ортиб боради. Олимлар бу ҳодисани узоқ “Муддатли потенциация” деб атайди.² Бу атама миядаги нейронлар ўртасидаги алоқаларнинг охирги вақтларда қилинган иш таъсирида мустаҳкамланишини англатади. Ҳар бир такрорлашдан сўнг ҳужайрадан ҳужайрага импульс узатилиши яхшиланиб, нерв боғланишлар кучаяди. Биринчи марта 1949 йилда нейропсихолог Дональд Хебб томонидан кашф этган ушбу ҳодиса Хебб қонуни деб аталади. Унга кўра, биргаликда ишлайдиган нейронлар ўртасида кўприк ҳосил бўлади.

| 161

² Узоқ муддатли потенциация 1966 йилда Терье Лёмо томонидан кашф қилинган. Аникроқ қилиб айтганда, у агар мия бирон-бир сигнални қайта-қайта ўтказадиган бўлса, келажакда бу сигналнинг ўтишини енгиллаштирадиган ўзгаришлар пайдо булиб, бир қанча вақт сақланиб түришини аниқлаган.

Одатни такрорлаш мияда кўзга кўринарли ўзгаришларга олиб келади. Мусиқачиларда гитара торини чертиш ёки скрипка ёйини тортиш сингари майда ҳаракатларни назорат қилувчи мияча бошқаларникига қараганда йирикроқ бўлади. Математикларда эса аксинча, ҳисоб-китоб маркази бўлган қўйи париетал соҳадаги кулранг модда миқдори кўпроқ бўлади. Унинг миқдори математика билан шуғулланган вақтга тўғри пропорционалдир. Математик қанчалик ёши катта ва тажрибали бўлса, кулранг модданинг миқдори шунчалик кўп бўлади.

Олимлар Лондондаги такси ҳайдовчиларининг миясини текширганда уларнинг гиппокамп соҳаси ҳайдовчи бўлмаганларга нисбатан сезиларли даражада йирик эканлиги аниқланган. Гиппокамп миянинг фазовий хотирага жавобгар қисмидир. Бундан-да қизиғи, ҳайдовчи нафақага чиққач, гиппокампнинг ҳажми кичрайган. Танамиздаги мушаклар доимий равишда тош кўтарганимизда ўзгарганидек, миянинг алоҳида қисмлари фойдаланилганда мослашиб, фойдаланилмаганда эса кичраяди.

Албатта, такрорлаш одатларнинг шаклланишида катта рол ўйнаши невролог олимларнинг тадқиқотларидан олдин ҳам маълум эди. 1860 йилда инглиз файласуфи Жорж Льюис қўйидагиларни ёзган: “Янги тилларни, чолғу асблобларини ёки ўзимиз кўникмаган ҳаракатларни ўрганаётганимизда катта қийинчилик ҳис қиласиз. Чунки ҳар бир сезги ўтадиган йўл ҳали шаклланмаган. Бироқ тез-тез такрорлаш улар учун янги йўл очгандан сўнг аввалги қийинчиликдан асар ҳам қолмайди. Ҳаракатлар бе-ихтиёр бўлиб қоладики, уларни бажараётган пайтимида мия бошқа нарсалар билан банд бўлиши ҳам мумкин”. Мантиқий фикрлаш ҳам, илмий далиллар ҳам такрорлаш ўзгаришнинг бир кўриниши эканини кўрсатади.


Ҳар сафар бирон-бир ҳаракатни такрорлаганимизда миямизнинг ушбу одатга жавобгар марказлари ва йўл-

лари фаоллашади. Бу құнт билан тақрорлаш янги одатни шакллантиришдаги әңг мүхим қадам эканини күрсатади. Шу сабабдан ҳам юзлаб сурат олган талабалар үз малакаларини оширган, мүккаммал сурат ҳақида шүнчаки назарий фикрлаш билан банд бўлган талабалар эса буни үддалай олмаган. Биринчи гуруҳ фаол машғулотлар билан банд бўлган бўлса, иккинчи гуруҳ пассив тарзда ўрганган, холос. Бири ишга киришган, иккинчиси ҳаракатда бўлган.

Барча одатлар катта меҳнат талаб қиласидиган машқлардан тортиб, автоматик ҳаракатларгача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу жараён автоматизм деб аталади. Автоматизм маълум хатти-ҳаракатнинг ҳар бир қадами ҳақида алоҳида фикрламаган ҳолда бажара олишни англатиб, жараённи миянинг онгости марказлари назорат қилганда кузатилади.

Буни қўйидагича тасаввур қилиш мүмкин:

Одат чизиги




| 163

11-расм. Бошланғич даврларда (A нуқта) одатни бажариш инсондан катта саъй-ҳаракатлар ва эътибор талаб қиласиди. Бир неча бор тақрорлашдан сўнг (B нуқта) одатни амалга ошириш осонлашса ҳам, барибир маълум миқдорда эътибор зарур бўлади. Етарлича тажриба йиғилгандан кейин (V нуқта) одат автоматик

бўлиб қолади. Ушбу одат чизигидан ўтгандан кейин ҳаракатни ўйламасдан бажариш мумкин бўлиб қолади. Бу янги одат шаклланганидан далолат беради.

Қўйида олимлар кунига ўн дақиқа юриш сингари ҳаёттий одатнинг автоматизм даражасини баҳолаш натижасини график тарзда ифодалаган ҳолати келтирилган. Ушбу иккала схеманинг шаклини олимлар “урганишнинг эгри чизиги” деб атайдилар. У бизга хулқ-атвор ўзгариши борасида мұхим ҳақиқатни ошкор қиласи: одатларнинг шаклланиши вақтга эмас, балки такрорланишга боғлиқ.

Кунига ўн дақиқа пиёда юриш



12-расм. Ушбу схемада ҳар куни нонуштадан кейин ўн дақиқа пиёда сайр қилиш одатини ҳосил қилаётган одамнинг күрсаткичлари келтирилган. Такрорланишлар сони ортиб борган сари автоматизм даражаси кучайиб боришига эътибор беринг. Ушбу жараён хулқ-атвор тўлиқ автоматлашгунгача давом этади.

“Янги одат шаклланиши учун қанча вақт керак бўлади?” деган саволни менга жуда кўп беришади. Бироқ “Янги одат шаклланиши учун уни неча марта такрорлаш керак?” деган савол қўйсан тўғрироқ бўлар эди. Чиндан ҳам одат автоматик бўлиб қолиши учун такрорлашлар сони нечта бўлиши керак?

Одат шаклланишида сөхрли вақт оралиғи йүқ. Орадан 21, 30 ёки 300 кун ўтганининг ҳеч қандай аҳамияти йүқ. Ҳаракатларни қанчалик тез-тез такрорлашингиз мұхим-роқ. Бирон-бир одатни бир ой ичидә иккى марта ёки иккى юз марта такрорлашингиз мүмкін. Натижада одатлар ўтган вақт билан әмас, балки такрорланиш частотаси билан фарқланади. Ҳозирги одатларингиз юзлаб ва ҳатто минглаб маротаба такрорлангани сабабли ич-ичингизга сингиб кетган. Янги одатлар ҳам шүнча эътиборни талаб қиласы. Маълум хулқ-атвортар одат чизиғидан ўтиб, онгингизда ўрин әгаллаши учун муваффақиятли бажарилған такрорлашлар сони етарлича бўлиши зарур.

Амалиётда одат автоматизм даражасига етиши учун қанча вақт кетиши мұхим әмас. Мұхими, ўсиш учун ҳаракат қилишингиздир. Ушбу ҳаракат тұлық автоматик бўлиши шарт әмас.

Одат шаклланиши учун сиз уни етарлича машқ қилишингиз зарур. Бу ишни амалга оширишнинг эң самарали йўли бу хулқ-атвортар ўзгаришининг З-қоидасига риоя қилишдир. Яъни одат бажаришга осон бўлиши керак. Китобнинг кейинги қисмларида буни қандай қилиш мүмкінлегини кўриб чиқамиз.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Хулқ-атвортар ўзгаришининг З-қоидаси: одат осон бўлиши керак.
- Ўрганишнинг эң самарали йўли режалаштириш әмас, балки машқ қилишдир.
- Ҳаракатда бўлишга әмас, ишга киришишга ўрининг.
- Одатнинг шаклланиши хатти-ҳаракатларни такрорлаш туфайли тобора автоматлашиб борадиган жараёндир.
- Одатга сарфланган вақт унинг неча марта такрорланишичалик мұхим әмас.

12

КУЧНИ ТЕЖАШ ҚОNUНИ

Күплаб мұкофотларға сазовор бұлған “Қурол, микроблар ва пұлат” деб номланған китобида антрополог ва биолог Жаред Даймонд оддий бир фактни айтиб үтганды. Турли қитъалар түрфа шаклга эга. Бир қараашда бу үз-үзидан тушунарлы ва аҳамиятсиз күрінади. Аммо кейинроқ у инсонлар хулқ-атворига жуда күчли таъсир этиши аен бўлади.

Америка қитъасининг ўқи шимолдан жанубга йўналған. Бошқача қилиб айтганда, Шимолий ва Жанубий Американинг шакли калта ва кенг эмас, аксинча, узун ва ингичкадир. Африка ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Европа, Осиё ва Яқин Шарқни ҳосил қилған қуруқлик массасида эса бунинг аксига гувоҳ бўламиз. Ушбу улкан ҳудуд шарқдан ғарбга томон ястаниб ётади. Даймонднинг фикрига кўра, асрлар давомида дәхқончиликнинг тарқалишида қитъаларнинг шакли мұхим рол ўйнаган.

Дәхқончилик дунё бўйлаб тарқалаётган пайтда шарқдан ғарбга саёҳат қилиш дәхқонлар учун шимолдан жанубга томон ҳаракатланишдан осонроқ бўлған. Чунки бир хил географик кенглиқда иқлим, ёғингарчилик ва қуёш нури миқдори, фасллар одатда үхшаш бўлади. Ушбу омиллар таъсирида Европа ва Осиёдаги фермерлар бир қанча экинларни янги шароитта мослаштириб, уларни

Франциядан Хитойгача чүзилган үлкан ҳудудда эка олиш имкони пайдо бўлган.

Инсон хулқ-атвори шакли



13-расм. Европа ва Осиёда асосий йўналишлар шарқдан ғарбга бўлади. Иккала Америка ва Африкада эса улар шимолдан жанубга йўналган. Шу сабабли Америка бўйлаб ҳаракатланганда иқлим Европа ёки Осиёга қарагандек кескин ўзгаради. Натижада дехқончилик Европа ва Осиёда дунёning бошқа жойларига нисбатан икки баробар тезроқ ёйилган. Юзлаб ва минглаб йиллар давомида дехқонларнинг хулқ-атвори атроф-муҳитдаги тўсиклар билан чегараланган.

Шимолдан жанубга томон иқлим кескин ўзгариб боради. Флорида ва Канададаги иқлим бир-биридан қанчалик фарқ қилишини тасаввур қилинг. Дунёдаги энг тажрибали фермер ҳам Флорида апельсинларини Канада қишида ўстира олмайди. Қор тупроқ ўрнини боса олмайди. Дехқончиликни шимолдан жанубга тарқатиш учун ҳар сафар иқлим ўзгарганда янги турдаги ўсимликларни янги шароитга мослаштириш зарур бўлади.

Натижада қишлоқ хұжалиғи Осиё ва Европа бүйлаб Америкага қараганда икки-уч баробар тезроқ тарқалған. Асрлар давомида бу кичик фарқ түпләніб улкан таъсир күчига айланған. Етиштирилаётган ҳосил миқдорининг күпайиши ахоли сонининг тез суръатлар билан үсішига хизмат қылған. Ахоли сони ошған сайн үшбу маданият үчоқлари каттароқ қүшин түзған ҳамда янги технологияларни яратиш үчүн асбоб-ускунага эга бўла бошлаган. Бу фарқлар дастлаб кўзга үнчалик ташланмаган. Экинлар бироз каттароқ майдонга экилған, ахоли сони бироз тезроқ үсған. Аммо вақт үтиши билан улар бир-бирини кучайтириб, улкан фарқقا сабаб бўлған.

Деҳқончиликнинг дунё бўйлаб тарқалиши хулқ-атвор ўзгаришининг З-қоидасининг глобал миқёсдаги мисолидир. Кўпчилик одатларни ўзгартиришнинг асоси мотивация деб ҳисоблайди. Балки, чиндан ҳам истасангиз, амалга ошира оларсиз. Бироқ амалда барчамиз хоҳлайдиган нарса бу танбаллик қилиш ва фақат осон ишлар билан шуғулланишдир. Самарадорликни ошириш бўйича охирги ўқиган китобимиизда нима деб ёзилганидан қатъи назар бу ақлли стратегиядир.

Қувват ниҳоятда қимматли. Шу сабабдан миямиз уни иложи борича кўпроқ тежашга мослашган. Кучни тежаш қонуни инсон табиатининг бир қисмидир.¹ Унга кўра, агар икки ишдан бирини танлаш керак бўлса, одамлар табиий равишида энг кам меҳнат талаб қиласидиган вариантни танлайди.² Мисол учун, фермангизни иқлими сизникидан

¹ Дипак Чопра кучни тежаш қонуни иборасини у томонидан тасвиrlаб берилған йоганинг етти қонунидан бири сифатида келтиради. Ушбу тушунчанинг мен бу ерда таҳлил қилаётган тамойилга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

² Бу физиканинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, фанда кучни тежаш тамойили деб аталади. Унга кўра, бир нуқтадан бошқа ҳар қандай нуқтага бориш йўли энг кам қувват талаб қиласидиган йўл бўлади. Ушбу оддий тамойил борлиқдаги бошқа қонунлар учун асос бўлиб хизмат қиласиди. Шу ғоя ёрдамида ҳаракат ва нисбийлик қонунларини тасвиrlаб бериш мумкин.

фарқ қиладиган шимолга кенгайтиргандан күра, худди үзингизнинг экинни экиш мумкин бўлган шарқ томон кенгайтириш маъқул. Қилишимиз мумкин бўлган барча варианtlар ичидан кўпинча энг кам қувват сарфлаб, энг кўп натижа берадиган ишни амалга оширамиз. Мотивациямиз осонроқ ишни қилишга қаратилган.

Ҳар бир ҳаракат маълум миқдорда қувват талаб қиласди. У қанчалик кўп қувват талаб қиласа, унинг амалга ошиш эҳтимоли шунчалик камайиб боради. Агар мақсадингиз кунига қўлингизга таянган ҳолда юзтубан юз марта ётиб-туриш (отжимания) бўлса, бунинг учун жуда кўп қувват зарур бўлади. Дастрлаб, қизиқиш ва мотивациянгиз кўп бўлади ва уни бошлаш учун етарлича ғайрат тўплай оласиз. Бироқ бир неча кундан сўнг бундай зўр бериш сизни ҳолдан тойдира бошлайди. Бу машқни кунига бир марта қилиш эса, аксинча, деярли ҳеч қанча қувват талаб қилмайди. Одат қанча кам қувват талаб қиласа унинг содир бўлиш эҳтимоли ҳам шунчалик ортади.

Кундалик ҳаётингиздаги одатларга эътибор беринг. Уларнинг кўпини кам миқдордаги мотивация билан бажариш мумкин. Айнан кам қувват сарфлангани сабабли телефонни титкилаш, электрон хатларни текшириш ва телевизор томоша қилишга кўп вақт сарфлайсиз. Улар ҳайратли даражада осон одатлардир.

Қайсиdir маънода ҳар бир одат бу мақсадингиз олдида турган тўсиқдир. Парҳез – соғлом бўлиш, медитация – тинчланиш, кундалик юритиш – аниқ фикрлаш олдида турган тўсиқдир. Сиз одатларнинг үзини эмас, балки улар берадиган натижаларни хоҳлайсиз. Тўсиқ қанчалик катта бўлса, яъни одат қанчалик мураккаб бўлса, ҳозирги ва орзингиздаги ҳолат ўртасидаги номутаносиблик шунчалик ортиб боради. Шу сабабдан ҳам одатларнингиз шу қадар осон бўлсинки, үнчалик хоҳламаганингизда ҳам уларни бажара олинг. Бу жуда муҳим. Яхши одатларнингиз қанчалик қулай бўлса, уларга шунчалик кўп амал қиласиз.

Айтилғанларнинг аксини күрсатадиган воқеалар-чи? Агар ҳаммамиз шу қадар дангаса бұлсақ, одамлар қандай қилиб болани тарбия қилиш, янги бизнесста асос солиши ёки Эверест чүккисига чиқышдек улкан ишларни бажара олади?

Албатта, ҳаммамиз улкан ишларни қилишга қодирмиз. Муаммо шундаки, айрим пайтлар қаттық ишлашга тай-ёрсиз, айрим күнлар эса бунга етарлича ғайрат топа олмайсиз. Оғир күнларда имкони борича күпроқ нарса сизнинг фойдангизга ишлаши керак. Фақат шундагина ҳаёт зарбаларига дوش берә оласыз. Йўлингизда тўсиқлар қанчалик кам бўлса, бундай зарбалардан кейин янада кучлироқ бўлишингиз эҳтимоли шунчалик ортади. Одатни осонлаштириш дегани фақат осон ишларни қилиш эмас. Балки келажакда сизга фойда келтирадиган ишларни имкони борича енгиллаштириш керак.

КАМ КУЧ САРФЛАБ, КҮПРОҚ НАТИЖАГА ЭРИШИШ

Тасаввур қилинг, қўлингизда ўртасидан букилган шлангни тутиб турибсиз. Унинг учидан сув оқяпти, аммо унчалик кўп эмас. Агар чиқаётган сув микдорини кўпайтиromoқчи бўлсангиз, олдингизда иккита йўл бор. Биринчиси, сув жўмрагини охиригача очиб, босимни ошириш. Иккинчиси, шлангнинг букилган жойини тўғрилаб, сувнинг ўз ҳолича оқишига қўйиб бериш.

Қийин одатни бажариш учун мотивацияни ошириш 170 | худди букилган шланг ичига кўпроқ сув ҳайдашга ўхшайди. Шундай қилса бўлади, бироқ бунинг учун жуда катта саъй-ҳаракат зарур бўлади ва бу асабларингизни таранглаштиради. Одатларингизни осонлаштиришни эса аксинча, шлангнинг букилган жойини тўғрилаб қўйишга қиёслаш мумкин. Кундалик ҳаётдаги тўсиқларни енгиб ўтиш ўрнига уларни камайтирасиз.

Одатларингиз билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф қилишнинг энг самарали үсулларидан бири бу

муҳитни дизайнлашдир. 6-бобда муҳитни сигналларни күзга яққолроқ ташланадиган қилиб дизайнлашни күриб чиққан әдик. Бироқ атрофингиздаги муҳитни, ҳаракатларни ҳам енгиллаштирадиган тарзда оптималлаштириш мүмкін. Мисол учун, янги одатни амалға оширадиган жойни танлаётганингизда күн давомида күп вақт үтказадиган жойни танлаш мақсадға мувофик бўлади. Агар одат ҳаёт оқимингизга мос түшса, уни ўзлаштириш енгилроқ кечади. Агар спорт зали ишдан уйга қайтадиган йўлингизда жойлашган бўлса, у ерда шуғулланишингиз эҳтимоли ошади. Чунки бу ҳаёт тарзингизни унчалик ўзгартирмайди. Бунинг акси ўлароқ, спорт зали ҳар куни үтадиган йўлингиздан үзоқда бўлса, ҳатто бир неча квартал нарида бўлганда ҳам, у ерга бориш сизни «йўлдан чиқариб юборади».

Үй ёки ишхонангиздаги тўсиқларни йўқотиш, менинг фикримча, яна ҳам самаралироқ бўлади. Жуда кўп ҳолларда янги одатни тўсиқларга тўла муҳитда бошламоқчи бўламиз. Дўстларимизникуга меҳмонга боргандা парҳезга қатъий риоя қилишга уринамиз. Тартибсиз уйимизда китоб ёзмоқчи бўламиз. Чалғитувчиларга тўла смартфонимиздан фойдаланаётган пайтимида эътиборимизни жамлашга ҳаракат қиласиз. Аслида, бундай бўлиши мүмкін эмас. Олға юришимизга халақит берадётган тўсиқларни бартараф этиш мүмкін. 1970-йилларда Япониянинг электр жиҳоз ишлаб чиқарувчилари айнан шу йўлни танлаган.

| 171

“New Yorker” журналида босиб чиқарилган “Доимо яхшиланиш томон” деб номланган мақоласида Жеймс Шуровьески шундай ёзади:

“Япон фирмалари ҳозирда “камчил ишлаб чиқариш” деб номланган машҳур тамойилга урғу беради. Улар доимий равишда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги исрофгарчиликни бартараф этиш йўлларини излашади. Улар ҳатто ишчилар иш қуролларини олиш учун бурилиб

ёки құлниң чүзіб вакт йүқтотмаслиги учун иш жойларини қайта дизайнлашған ҳам. Натижада япон заводлари АҚШ заводларидан самаралироқ, маҳсулотлари эса сифатлироқ бўлди. 1974 йилда АҚШда йигилган рангли телевизорни сотиб олган кишилар турли носозликлар туфайли япон телевизорларини сотиб олганларга нисбатан техник хизмат марказларига беш баробар кўпроқ қўнғироқ қилган. 1979 йилда битта телевизорни йиғиш учун америкалик ишчиларга уч баробар кўпроқ вақт зарур бўлган".

Мен бу стратегияни айриш йўли билан қўшиш деб атаган бўлар эдим. Япон компаниялари ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳар қандай тўсиқни аниқлаб, уни бартараф қилиш йўлни излашган. Улар бекорга сарфланаётган саъй-ҳаракатларни камайтиргани сари уларнинг мижозлари ва даромади ортиб борган. Шу сингари биз ҳам вақт ва қувватимизни сўриб олаётган тўсиқларни йўқотсак, камроқ куч сарфлаб кўпроқ натижага эришамиз. (Шу сабабли ҳам хонамиз ёки иш жойимизни тартибга келтирганимиздан сўнг ўзимизни жуда яхши ҳис қиласиз. Бир вақтнинг ўзида ҳам ишимизда олдинга силжиш бўлади, ҳам онгимизга атроф-муҳитдан келаётган сигналлар оқимини камайтирамиз.)

Агар биз тез одатланиб қоладиган маҳсулот ва хизматларга назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг хислатларидан бири ҳаётингиздаги айрим тўсиқларни бартараф қилишга қодир эканига гувоҳ бўласиз. Таом етказиб бериш хизмати озиқ-овқат харид қилиш тўсиғини йўқотади. Онлайн танишув сайtlари сизни бир-бирингизга таништиришларига эҳтиёж қолдирмайди. Машинада ҳамроҳлик қилиш хизматлари шаҳар бўйлаб ҳаракатланишни енгиллаштиради. SMS хабарлар хат ёзиб, уни почта орқали юбориш тўсиғини олиб ташлайди.

Япониянинг телевизор ишлаб чиқарувчилари ишчиларнинг ортиқча ҳаракат құлмаслиги учун иш жойларини қайта дизайнлагани сингари муваффақиятли компания-

лар маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги босқичларни камайтириш, соддалаштириш ва автоматлаштиришга имкон берадиган тарзда дизайнлаштиради. Улар ҳар бир шаклдаги майдонлар сонини камайтиришади, ҳисоб рақами очишни соддалаштиришади, маҳсулотларини тушунишга осон йүриқномалар билан етказишади ва мижозларга танлаш учун кам варианtlар тақдим этишади.

“Google Home”, “Amazon Echo” ва “Apple HomePod” сингари овоз орқали фаоллаштириладиган маҳсулотлар биринчи марта савдога чиққанда бир харидордан унга маҳсулотнинг қайси жиҳати ёққанини сўрадим. У менга “кантри услубидаги бирорта қўшиқни қўй” деб айтиш чўнтақдан телефонни олиш, мусиқа иловасини очиш ва қўшиқ танлашдан кўра осонроқ эканини айтган. Бир неча йил аввал дўконга бориб, диск сотиб олишдан кўра чўнтағингизда чекланмаган миқдорда мусиқа бўлиши тўсиқсиз хулқ-атвор ҳисобланган. Компаниялар бир хил натижага тобора осонроқ йўл билан эришиш йўлида тинмай ҳаракат қилмоқда.

Шунга ўхшаш усувларни ҳукуматлар ҳам қўллаган. Британия ҳукумати солиқ тушумини оширишни режалаштирганида, фуқароларга тўлдириладиган шаклни юклаб олиш учун сайтга кириб ўтирмасликлари учун тўғри шаклга олиб борадиган ҳаволани тақдим қилди. Жараёндаги биттагина босқични камайтириш йўли билан фуқаролар иштироки 19,2 фоиздан 23,4 фоизга ошди. | 173 Буюк Британия сингари мамлакат учун фоизлардаги үшбу ўсиш соликдан тушадиган миллионлаб қўшимча фунт стерлингларни англатади.

Асосий мақсад – бу тўғри ишни қилишни иложи борича осонлаштиришdir. Яхши одатларни ҳосил қилишга бўлган уринишларингиз ularни бажаришдаги тўсиқларни бартараф қилишга, ёмонларини йўқотиш эса улар олдида қўшимча тўсиқлар яратишга бориб тақалади.

Мұхитни келажақда фойдаланиш учун тайёрланг

Освальд Наколс Миссисипи штати Натчез шаҳрида яшовчи IT мұхандисидир. Бундан ташқари, у ташқи мұхитни кейинги ҳолатта тайёрлаш қандай күнгө әгалигини ҳам тушунади.

Наколс “хонани дастлабки ҳолатига келтириш” стратегиясини құллаб үзининг тозалаш одатларини созлаб олган. Мисол учун, телевизор күриб бұлғандан кейин у пультни телевизор олдига құяды, диваннынг чойшабини текислаб, ёстиқтарни түғрилаб құяды. Машинасидан тушаётганды түпланиб қолган ҳамма кераксиз нарсаларни ахлат қутисига ташлайди. Чүмилмоқчи бұлғанида эса сув исигунча ҳожатхонани тозалайди (Үз сүзи билан айтганды “Бу ҳожатхонани тозалаш учун эңг құлай вақт, чунки барабибер тез орада ювинаман”). Хонани дастлабки ҳолатта келтиришдан мақсад шүнчаки хонани озода сақлаш әмас, балки уни кейинги фойдаланишга тайёрлашдир.

“Хар сафар хонага кирганимда ҳамма нарса жойжойида турған бұлади”, – дея ёзади Наколс. – Бу ишни ҳар куни, ҳар бир хонада қылганим түфайли, нарсаларим доим тартибли күринади. Одамлар мени жуда ҳам меңнаткаш деб ҳисоблади. Аслида эса мен дангасаман. Шүнчаки фаол дангасаман. Бу күп вақтни тежайди”.

Маълум бир жойни унинг вазифасига мос тарзда тартибга келтирганингизда ундан келажақда фойдаланишни енгиллаштираётган бұласиз. Мисол учун, рафиқам табрик хатларини туғилған күн, түй, битирув ва бошқа гурухтарға ажратылған ҳолатда қутида сақтайди. Ҳар сафар үлар керак бұлғанда мос келадиган хатни танлайди-да, жұнатыб юборади. У хатларни жұнатишни ҳеч ҳам эсдан чиқариб қўймайди, чунки рафиқам бу ишни бажаришни осонлаштириб олған. Узоқ йиллар давомида бүнинг аксини қилиб келғанман. Кимдир фарзанди бўлса, табриклаб қўйишим керак деб ўйлардим. Аммо бу эсимга тушиб, бирорта табрик хати сотиб олгунимча одатда анча

кеч қолиб, имкониятни құлдан чиқарып юборардим. Одат мен учун қийин әди.

Мұхитни келажақда фойдаланиш учун тайёрлашнинг күп йүллари бор. Агар соғлом нонушта тайёрлашни истасанғиз, бир күн аввал, ётишдан олдин товани, ёғни ва керак бұладиган идиш-товоқтарни газ плитаси олдига тайёрлаб қўйинг. Уйғонганингизда нонушта тайёрлаш осонроқ бўлади.

- Кўпроқ расм чизмоқчимисиз? Қалам, қофоз ва расм чизиш учун керак бұладиган бошқа нарсаларни столингиз устига тайёрлаб қўйинг.
- Спорт билан кўпроқ шуғулланмоқчимисиз? Спорт кийимлари, сочиқ, керакли анжомлар ва сувни машғулотлардан аввал тайёрлаб қўйинг.
- Соғлом овқатланишни истайсизми? Бир дунё мева ва сабзавотларни дам олиш куни тўғраб, музлаткичга солиб қўйинг. Натижада ҳафта давомида соғлом овқатланиш учун уларга қўл чўзсанғиз бўлгани.

Юқоридагилар яхши одатларни энг кам қаршилик йўлига жойлашнинг осон усуllibаридан биридир.

Ушбу тамойилдан қарама-қарши мақсадда ҳам фойдаланиб, мұхитни ёмон одатларни бажариш қийинлаштириш учун ўзgartириш мүмкін. Агар ўзингизни жуда күп телевизор кўряпман деб ҳисобласанғиз, ҳар сафар уни кўриб бўлгандан сўнг симдан узиб қўйинг. Томоша қилмоқчи бўлган кўрсатувингиз номини айтгандан сўнгина телевизорни яна симга уланг. Бу тўсиқлар сизни мақсадсиз телевизор томоша қилишдан тийиб туриш учун етарлидир.

Агар бу иш бермаса, қўшимча чораларга юzlаниш мүмкін. Телевизорни симдан узишдан ташқари, пультнинг батарейкаларини ҳам чиқарып қўйинг. Натижада телевизорни ёқиш учун яна қўшимча ўн сония керак бўлади. Агар бу ҳам самара бермаса, телевизорни томоша

қилиб бүлгач уни хонадан олиб чиқиб, жавонга жойлаб қўйинг. Энди фақат жуда истаганингиздагина уни томоша қилишингиз аниқ. Тўсиқлар қанчалик кўп бўлса, одатни шунчалик кам бажарамиз.

Имкони бўлди дегунча, мен телефонимни бошқа хонага қўяман. Агар шундай қилмасам, бутун кунни телефонимни титкилаш билан ўтказиб юбораман. У бошқа хонада бўлганида эса телефоним ҳақида ўйламайман ҳам. Бу тўсиқ мени телефонни сабабсиз фойдаланишдан тийиб тура олади. Натижада кунига 3-4 соат ҳеч нарсага чалғимай ишлай оламан.

Агар телефонни бошқа хонага қўйиш етарли бўлмаса, дўстингиз ёки яқинларингиздан уни бир неча соатга яшириб қўйиши илтимос қилишингиз мумкин. Ёки ҳамкасбингизга эрталаб бериб, уни тушликда олишингизни айтинг.

Ёқимсиз хулқ-атворнинг олдини олиш учун нақадар оз сонли тўсиқлар етарли бўлиши ҳайратланарли. Агар сотиб олган пивони музлаткичдаги нарсаларнинг орқасига, кўзга кам ташланадиган жойга қўйсам уни камроқ ичишимга гувоҳ бўлганман. Ижтимоий тармоқ иловаларини телефонимдан ўчириб ташлаганимдан кейин уларни яна юклаб олгунимгача бир неча ҳафта ўтади. Бундай усуллар иллатларни таг-туги билан йўқота олмаса ҳам, кўпчиликнинг яхши одатларга амал қилиш ва ёмонларидан тийилиши учун етарлидир. Энди яхши одатларни бажаришни енгиллаштирадиган ва ёмонларни қийинлаштирадиган кўплаб майда ўзgartиришларнинг умумий таъсири қанчалик катта бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиб кўринг.

Одатларни якка шахс, ота-она, мураббий ёки йўлбошли сифатида ўзgartиришимиздан қатъи назар, ўзимизга қўйидаги саволни беришимиз керак: “Тўғри ишни қилиш осон бўлган дунёни қандай яратса бўлади?” Атрофингиздаги муҳитни шундай ташкил қилингки, энг

мұхим ишлар әнг осон ишлар бұлсın.

Бобнинг қисқача мазмұны

- Инсон хүлқ-атвори күчни тежаш қонунига бүй-сунади. Әнг кам меңнат талаб қиласындаған ишларни табиий равишида афзал күрамиз.
- Тұғри ишни амалға ошириш иложи борича осон бұлған мұхит яратинг.
- Яхши ишларни бажаришдаги түсіктерни камайтириңг. Түсік кам бұлса, одатни амалға ошириш осонлашади.
- Ёмон одаттарни амалға ошириш пайтидаги қийинчиликтерни күпайтириңг. Түсіктер күпайғанда одат қийинлашади.
- Келажақдаги ишларни енгиллаштириш учун мұхитни тайёрланг.

13

ИККИ ДАҚИҚА ҚОИДАСИ

Твайла Тарп замонамизнинг энг буюк раққос ва хореографларидан бири саналади. 1992 йилда у МакАртур мүкофотига сазовор бўлган. Бу мүкофот “Даҳолар гранти” деб ҳам аталади. У иш фаолиятининг катта қисми ни бутун дунё бўйлаб уюштирилган гастролларда ўзи яратган оригинал рақсларни ижро этиш билан ўтказган. Муваффақиятларининг катта қисмига эса кундалик одатлари сабаб бўлган деб ҳисоблайди.

“Ҳаётимнинг ҳар бир кунини маросим билан бошлиман, — дея ёзади у. — Эрталаб соат 5:30 да уйғонаман, машқ кийимларимни, оёқларимни иссиқ тутадиган тиззамгача чўзилган тагсиз маҳсус пайпоғимни (гетри), жемперимни ва қалпоғимни кияман. Манҳэттендаги уйим атрофида бироз айлангач такси тўхтатиб, 91-кўча ва биринчи авеню чорраҳасидаги “Pumping Iron” спорт залига элтиб қўйишни сўрайман. У ерда икки соатча машқ қиласман.

Маросим ҳар кунги қизишиб олишим ёки тош кўтаришим эмас, балки такси тўхтатиш кундалик маросимимга айланган. Таксига ўтириб қаерга боришимни айтишим билан маросим тугайди.

Бу оддий иш, бироқ ҳар куни бир хил ҳаракатни тақрорлаш натижасида унга одатланиб қоласан киши.

Натижада уни яна такрорлаш осонлашади, кейин бирор марта ҳам қолдирилмайди. Бу кундалик бажарадиган ишларимнинг бир қисми бўлиб, у ҳақда деярли бош қотириб ўтирумайман”.

Такси тұхтатиш аҳамиятсиз ишдек күрениши мумкин, бироқ у ҳулқ-атвор ўзгаришининг З-қоидасига ёрқин мисол бўла олади.

Тадқиқчиларнинг хulosаларига кўра, кундалик бажарадиган ишларимизнинг 40-50 фоизи одатлардан иборат. Шунинг үзи ҳам катта үлуш, аммо одатларнинг чинакам таъсири бундан ҳам катта. Одатлар автоматик танловлар бўлиб, улар ҳатто онгли қарорларингизга ҳам таъсир қила олади. Бирон-бир одатни бажариш учун бир неча сония етарли бўлса ҳам, у бир неча дақиқа, ҳатто соатдан сўнг бажарадиган ишларингизни белгилайди.


Одатларни худди катта трассанинг кириш қисмига қиёс қилиш мумкин. Маълум бир йўлдан юрасиз, кўз очиб-юмгунча кейинги ҳаракатни бажараётган бўласиз. Янги нарсани бошлагандан кўра ҳозир қилаётган ишнгизни давом эттириш осонроқ туюлади. Сифати унчалик яхши бўлмаган фильмни икки соат томоша қилиб ўтирасиз. Қорнингизни бир қараб қўйиш учун қўлга олгандан сўнг ярим соат унга тикилиб ўтирасиз. Шу йўсинда онгсиз бажарадиган одатларингиз онгли қарорларингизга таъсир қиласиди.

Ҳар куни қисқа бир вақт, одатда кечки соат 5:15, оқшом қандай ўтишини белгилаб беради. Шу пайт рафиқам ишдан келади. Биз ёки спорт кийимимизни кийиб спорт залига кетамиз, ёки диванга ялпайиб ётиб олиб, ҳиндча овқатга буюртма берамиз ва “Офис” сериалини томоша қиласиз. Твайла Тарп такси ёллагани каби спорт кийимларини кийиш бизнинг маросимимиздир. Агар уларни кийсам, спорт билан шуғулланишимни биламан. Ундан кейин содир бўладиган ҳамма воқеалар – спорт залга бориш, қайси машқни қилишни танлаш ва тош

күтариш сингарилар биринчи қадамни қўйганимдан сўнг жуда енгил кечади.

Ҳар бир кунимизда катта таъсирга эга бир нечта шундай пайтлар бўлади. Мен буни ҳал қилувчи онлар деб атайман. Овқат буюртма қилиш ёки ўзимиз уйда пиширишдан бирини танлайдиган он, машина ҳайдаш ёки велосипед ҳайдашдан бирини танлайдиган он, уй вазифасини қилиш ёки видео ўйин ўйнашдан бирини танлайдиган онлар бунга мисол бўлади. Улар катта трассанинг кичик йўлларга ажralадиган қисмидир.

Ҳал қилувчи лаҳзалар



14-расм. Яхши ва ёмон кун орасидаги фарқ кўпинча ҳал қилувчи онларда қабул қилинган бир нечта самарали ва тўғри қарорлар туфайли пайдо бўлади. Уларнинг ҳар бирини айри йўлга ўхшатиш мумкин. Улар кун давомида қўшилиб боради ва охир-оқибатда бутунлай ўзгача натижаларга олиб келиши мумкин.

Хал құлувчи онлар келажақда танлашингиз мүмкін бўлган танловлар сонини белгилайди. Мисол учун, ресторонга кириш ҳал құлувчи ондир, чунки у тушликка ейишингиз мүмкін бўлган овқатлар турини белгилайди.

Назарий жиҳатдан қайси овқатга буюртма беришини ҳали ҳам ӯзингиз танлайсиз, бироқ фақат таомномада мавжуд овқатларнигина танлай оласиз. Стейкхаусга борганингизда биқин гўшти ёки қовурғани танлашингиз мүмкін, бироқ сушига буюртма беролмайсиз. Танловингиз таклиф этилаётган нарсалар билан чегараланган. Улар эса дастлаб қылган қарорингизга боғлиқ.

Имкониятларингиз одатларингиз билан чегараланган. Шу сабабдан ҳам кун давомида ҳал құлувчи онни бошқара олиш катта аҳамиятга эга. Кун кўплаб шундай лаҳзалардан иборат, бироқ кам сонли ва сиз одатланган қарорларгина кунингиз қандай ўтишини белгилаб беради. Бу кичик қарорлар жамланади ва ўзидан қейинги вақт давомида қайси йўлдан боришингизни белгилаб беради.

Одатлар катта йўлнинг кириш қисмидир, манзил эмас. Улар такси кабидир, спорт зали эмас.

ИККИ ДАҚИҚА ҚОИДАСИ

Гарчи ўзгаришларни аста-секин бошлаш кераклигини билсангиз ҳам, катта ўзгаришларга осонгина алданиб қоласиз. Ҳаётингизга қандайдир ўзгартириш киритмоқчи бўласиз, юзага келган ҳаяжон сизни чулғаб олади ва натижада ўз вақтидан аввал кўп иш қилишга уринасиз. Бунга йўл қўймайдиган менга маълум үсуllар ичida энг самаралиси бу — икки дақиқа қоидасидир. Үнга кўра, йўлга қўймоқчи бўлган янги одатингиз икки дақиқадан ортиқ вақт талаб қилмаслиги керак.

Ҳар қандай одатни икки дақиқада бажариш мүмкін бўладиган даражада кичрайтириш мүмкинлигига гувоҳ бўласиз:

- Ҳар куни ётишдан олдин мутолаа қилиш үрнига бир бет китоб үқиши.
- 30 дақиқа йога билан шүгүлланиш үрнига йога гиламчасини солиш.
- Дарс тайёрлаш үрнига конспект дафтарни очиш.
- Кийимларни тахлаш үрнига бир жуфт пайпоқни тахлаш.
- Беш километр югуриш үрнига кроссовканинг ипини боғлаш.

Мақсад шуки, одатларингизни бошлаш иложи борича осон бўлсин. Бир дақиқа медитация қилиш, бир бет үқиши ёки битта кийимни тахлаб қўйиш ҳар кимнинг қўлидан келади. Юқорида таъкидлаб үтганимиздек, бу жуда ҳам самарали усул. Чунки тўғри ишни бошлагандан сўнг уни давом эттириш осонроқ бўлади. Янги одат мураккаб вазифадек кўринмагани маъқул. Ундан кейинги иш қийин бўлса ҳам майли, бироқ дастлабки икки дақиқа осон бўлиши керак. Сизга айнан шу “кириш йўли одати” керакки, у сизни табиий равишда маҳсулдор йўлга етаклаб борсин.

Сиз истаган натижаларга олиб борувчи кириш йўли одатини мақсадларингизни “жуда осон”дан то “жуда қийин”га қараб баҳолаб чиқсан шкалангизга асосланиб аниқлаш мумкин. Мисол учун, марафонда югуриш жуда қийин, 5 километр югуриш қийин, ўн минг қадам юриш – ўртacha қийинликда, ўн дақиқа юриш осон. Спорт оёқ кийимини кийиш эса жуда осон. Мақсадингиз марафонда қатнашиш бўлгани ҳолда “кириш йўли” одати кроссовкаларни кийиш бўлади. Шунда икки дақиқа қоидасига амал қилган бўласиз.

Жуда осон	Осон	Үртача	Қийин	Жуда қийин
Спорт оёқ кийимини кийиш	Үн дақиқа юриш	Үн минг қадам юриш	Беш километр югуриш	Марафонда қатнашиш
Битта гап ёзиш	Бир абзац ёзиш	Мингта сұз ёзиш	Беш минг сұзли мақола ёзиш	Китоб ёзиш
Конспектни очиш	Үн дақиқа үқишиш	Уч соат үқишиш	Фақат ағыл бахоларға үқишиш	Фалсафа доктори (PhD) бүлиш

Одамлар бир бет китоб үқишиш, бир дақиқа медитация қилиш ёки битта харидорға құнғироқ қилишга юқори бақо берішни ғалати деб ҳисобладайды. Бироқ уннинг асосий мазмұну биргина ишни қилиш эмас, балки одатни мұнтазам бажариш күникмасини ҳосил қилишдір. Одатни яхшилаш ва күчайтиришдан аввал одатнинг үзини ҳосил қилиб олиш керак. Шұнчаки бирор машғұлот билан мұнтазам равишда шуғулдана олмасанғиз, уннинг майда икір-чикирларига кириб бора олмайсиз. Аввалиншдан оқиға мұнтазам жағдайда оның әсерінен күйнекілдік қаралады. Аның әсерінен күйнекілдік қаралады. Аның әсерінен күйнекілдік қаралады.

Мұнтазам шуғулланиш санъатини әгаллаб борар экансиз, дастлабки иккі дақиқа каттароқ хатты-харапаттандырылады. Бу одаттарни осонлаштирадынан оддийгина түрткі эмас, балки мұраккаб күникмани шакллантиришнинг энг яхши йүйлідір. Жараённинг бошланғыч қисмінің қанчалик маросим шаклига келтира олсанғиз, эътиборингизни

жамлаш шунчалик енгиллашади. Бу эса чинданда буюк ишларни амалга ошириш учун биринчи қадамдир. Машқлардан аввал бир хил йүсінде қызыб олсанғиз, юқори натижаларға әришиш осонлашади. Бир хил ижодий маросимни бажарсанғиз, ижодий фаолиятингиз маҳсулдорлиги ортади. Ишларни ҳар сафар бир маромда тугатишни үддалай олсанғиз, ҳар куни үз вақтида уйқуга кетиш қийинчилік туғдирмайди. Бутун жараённи автоматлаштиришнинг иложи йүқ. Бироқ ҳеч бұлмаганда унинг бошланғич қисмини онгсиз равища бажарадиган қилиш мүмкін. Ишнинг бошланиши енгил бұлса, унинг қолган қисми үз-үзидан әргашади.

Икки дақиқа қоидаси күпчілікка күзбұямағасындағы қоидаси күрінади. Асл мақсад дастлабки икки дақиқа эмаслыгини сиз яхши түшүнасиз. Шүндай экан, бу қоидага амал қилиш йөли билан үзингизни үзингиз ахмоқ қилаётгандек туоласиз. Ҳеч ким шунчаки бир бет китоб үқиши, бир марта құлиға таяниб юзтубан ётиб-туриш ёки конспект дафтарини очишга интилмайди. Бу бор-йүғи ақлий фокус эканнин билсак унга ишонармакинсиз?

Агар икки дақиқа қоидасында мажбуран амал қилаётгандек бұлсанғиз, қуйидагиларни синааб күрінг: одатни икки дақиқа бажаринг ва тұхтанг. Югуринг, бироқ икки дақиқадан кейин тұхтанг. Медитация қилишни бошланг, аммо икки дақиқадан ошмасин. Араб тилини үрганнинг, аммо икки дақиқадан күп эмас. Уни бирор нарсанинг бошланиши эмас, алоқида иш деб ҳисобланг. Одатнинг фақат бир юз йигирма сония давом этсін, холос.

Үқувчиларимдан бири ушбу үсулни құллаб үттіз килограммдан күпроқ ортиқча вазндан халос бұлған. Дастилаб, у ҳар куни спорт залига борған, аммо у үзиге залда беш дақиқадан күп қолмасликка ваъда берған. У спорт залига кирап, беш дақиқа машқ қилар, вақт тугади дегунча у ердан чиқиб кетарди. Бир неча ҳафтадан кейин у “Шундоқ ҳам ҳар куни келар эканман, жиндак күпроқ

қолсам нима қиласы?” деб үйлаб қолади. Бир неча йил үтгач, ортиқча вазндан асар ҳам қолмади.

Кундалик тутиш бунга яна бир мисол бұла олади. Деярли ҳар қандай инсон хаёлларини қоғозға күчиришдан фойда күради. Аммо кундалик тутиш зерикарлы ишдек күрингани сабабли күпчилик бир неча кундан сүңг уни тұхтатиб құяды ёки ҳатто бошламайды ҳам. Мұваффақиятнинг сири – доимо иш қилаётган каби таассурот қолдирғандан камроқ ҳажмда бажаришdir. Лидерлик бүйіча маслағатчи британиялик Грег МакКеон кундалик тутиш одатини атайин истаганидан камроқ ёзиш йұли билан шакллантирган. У кундалика ёзишни малол келишдан олдин тұхтатарди. Эрнест Ҳемингуэй ҳам исталған ёзиш турида шундай маслағатта ишонған. У: “Яхши ёзиб турған пайтда тұхташ әнг яхши үсулдір”, – деб айтған эди.

Шу сингари үсуллар бошқа сабабға күра ҳам иш беради. Улар сиз хоҳлаётган үзлікні күчайтиради. Агар кетма-кет беш күн спорт залига қатнасанғыз, гарчи иккі дақықа машқ қылсанғыз ҳам, янги үзлік шакллана бошлайды. Энди үзінгизни соғломлаштириш ҳақида қайғурмайсиз. Бұтун әзтиборингиз спорт машғұлолтарини қолдирмайдыған инсонға айланишга қаратылади. Чунки сиз үзінгиз истаган инсонға айланаётганингизни исботловчи әнг майда ҳаракатларни амалға ошираётган бұласиз.

Үзгаришлар ҳақида фикрлаганимизда биз уларни камдан-кам ҳолда шу күринишда тасаввур қиламыз. Чүнки ҳамма сүнгги натижага эришиш билан овора. Бироқ бир марта машқ қилиш умуман машқ қилмагандан күра яхшироқ. Гитарани бир дақықа чалиш умуман қалмагандан, бир бет китоб үқиши эса уни очиб ҳам күрмагандан күра афзалроқдир. Умуман ҳаракат қилмагандан күра, үйлаганимиздан камроқ бўлса ҳам иш қилганимиз яхшироқ.

Бироз вақт ўтгач, яъни одатни ҳосил қилиб, у билан мунтазам шуғуллана бошлаганингиздан сўнг одатларингиизни асл мақсадларингиз даражасигача катталашириш мумкин. Бунинг учун икки дақиқа қоидасини одатларни шакллантириш деб аталадиган үсул билан ўйғуллашириш зарур. Ишни ўзингиз истаган хулқ-авторнинг энг кичик кўринишининг дастлабки икки дақиқасини мукаммал ўзлаширишдан бошланг. Шундан сўнг кейинги босқичга ўтинг ва жараённи такрорланг. Ушбу босқичнинг ҳам дастлабки икки дақиқасига эътиборингизни қаратинг. Уни тўлиқ ўзлашириб бўлгандан сўнггина кейинги босқичга ўтилади. Охир-оқибат, сиз истаган одатнинг тўлиқ кўринишига ҳам ўтиш мумкин. Шунда ҳам бутун эътиборингиз энг асосий қисм — дастлабки икки дақиқага қаратилган бўлади.

Одат	Эрта туриш	Веганга айланиш	Спорт билан шуғулланиш
1-босқич	Ҳар кун кеч соат 10.00 гача уйда бўлиш	Ҳар бир овқатга сабзавот қўшиш	Спорт кийимини кийиш
2-босқич	Ҳар кун кеч соат 10.00 гача барча қурилмаларни ўчириш (телефон, телефон ва ҳоказо)	Тўрт оёқли ҳайвон (мол, кўй, чўчқа ва ҳоказо) гўштини истеъмол қиласлик	Уйдан ташқарига чиқиш (сайр қилиш)

3-босқич	Хар күн кеч соат 10.00 гача тұшакқа ётиш (китоб үқиб ёки түрмуш үртоғингиз билан гаплашиб)	Икki оёқли ҳайвон (төвүк, курка ва ҳоказо) гүштини истеъмол қилмаслик	Спорт залига бориш, 5 дақиқа машқ қилиб қайтиш
4-босқич	Хар куни кечқүрүн соат 10.00 гача барча чирокларни үчириш	Оёғи йүқ ҳайвон (балиқ, устрицалар ва ҳоказо) гүштини истеъмол қилмаслик	Хафтасига ҳеч бүлмаганда бир марта 15 дақиқа машқ қилиш
5-босқич	Хар күн эрталаб соат 6.00 да үйғониш	Барча ҳайвон маҳусулотларини (тухум, сут, пишлоқ ва ҳоказо) истеъмол қилмаслик	Хафтасига уч марта спорт билан шүғулланиш

Хәётимиздаги ҳар қандай үлкан мақсадни икки дақиқалик фаолият даражасигача кичрайтириш мүмкін. Үзоқ ва соғлом ҳаёт кечирмоқчиман > саломатлигимни мұстақамлашим керак > спорт билан шүғулланишим зарур > спорт кийимларимни кийиб олишим керак. Тұрмушим баҳтли бўлишини истайман > үзим яхши тұрмуш үртоқ бўлишим керак > ҳар куни тұрмуш үртоғимнинг ҳәётини енгиллаштирадиган бирор нима қилишим зарур > кейинги ҳафтада пишириладиган овқатлар режасини тузаман.

Одатга риоя қилишда қийинчиликка дуч келганингиз-да икки дақиқа қоидасини қўллашингиз мумкин. Бу одатларни осонлаштиришнинг содда усулидир.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Одатни амалга ошириш учун бир неча сония етарли бўлиши мумкин, бироқ улар бир неча дақиқа ёки соатлардан кейин ҳам хулқ-атворга таъсир қилади.
- Кўпчилик одатлар ҳал қилувчи дақиқаларда содир бўлади. Улар худди йўлнинг иккига ажралишига ўхшаб сизни маҳсулдор ёки маҳсулдор бўлмаган йўналишга етаклайди.
- Икки дақиқа қоидаси: “Янги одатни бошланмоқчи бўлганингизда у икки дақиқадан ортиқ давом этмаслиги керак”.
- Жараённинг бошланғич қисмини маросим шаклига қанчалик кўпроқ келтира олсангиз, буюк ишларни қилиш учун эътиборингизни жамлаш шунчалик енгиллашади.
- Янада ишлов беришдан олдин одатларни бир йўсинга келтириб олишингиз зарур. Ҳали шаклланмаган одатни яхшилаб бўлмайди.

14

ЯХШИ ОДАТЛАРНИ МУҚАРРАР, ЁМОНЛАРИНИ ЭСА ИМКОНСИЗ ҚИЛИШ

1830 йилнинг ёзида Виктор Гюгонинг олдида бажариб бўлмайдиган вазифа турарди. Роппа-роса бир йил аввал у нашриётга янги китоб ёзишни ваъда қилган эди. Бироқ китоб ёзиш ўрнига у вақтини бошқа лойиҳалар ва меҳмонларининг кўнглини олиш билан ўтказиб юборди. Бундан хуноби ошган нашриёт Гюгога яна олти ой муддат берди. Китоб 1831 йилнинг февралида тайёр бўлиши керак эди.

Гюго ишларни ортга суриш одати билан курашиш учун антиқа режа ишлаб чиқди. У ҳамма кийимларини ёрдамчисига бериб, катта сандиқ ичига жойлашни ва уни қулфлаб қўйишни илтимос қилди. Унинг катта шинелдан ташқари бошқа киядиган нарсаси қолмаганди. Кўчага чиқишига ҳеч қандай кийими бўлмагани учун у | 189 ишхонасидан ташқарига чиқмасдан 1830 йилнинг кузи ва қиши давомида жон-жаҳди билан ёзди. “Нотр-Дам бўкриси” китоби муддатидан икки ҳафта олдин, 1831 йилнинг 14 январида босиб чиқарилди.

Баъзида яхши одатларни осонлаштириш эмас, балки ёмонларини бажаришни имконсиз ҳолга келтириш муваффақият қалити бўлади. Одатларни қийинлаштириш хулқ-автор ўзгаришининг З-қоидаси акси ҳисобланади.

Түзгән режаларингиздан доим четга оғиб кетаётган бўлсангиз, унда Виктор Гюгодан ўрнак олинг. Сиз ҳам руҳшунослар мажбурият қурилмаси деб атайдиган усулга асосланиб, ёмон одатларни қийинлаштиришингиз мумкин.

Мажбурият қурилмаси келажакдаги ҳаракатларингизни бошқарадиган ҳозирги вақтдаги қарорларингиздир. Бу келажакдаги хулқ-атворга ёпишиш, яхши одатларга яқинлашиш ва ёмонларидан узоқлашиш усулидир. Виктор Гюго бутун эътиборини ёзишга қаратиш учун кийимларини яшириб қўйганда у мажбурият қурилмаси ҳосил қилган эди.¹

Мажбурият қурилмаси ҳосил қилишнинг кўплаб усуллари бор. Масалан, кўп еб қўйишнинг олдини олиш учун озиқ-овқатларни үлгуржи харид қилиш ўрнига ularни алоҳида халталарда сотиб олиш мумкин. Келажакда яна қимор ўйнаб қўймаслик учун ўзингизни кўнгилли равишда казино ва онлайн покер сайatlарига кириши тақиқланган кишилар рўйхатига қўшиб қўйишингиз мумкин. Мусобақадан олдин вазнини камайтириш мақсадида ҳамёнини атайлаб уйда қолдириб кетадиган спортчилар ҳақида эшитганман. Натижада улар кўча-кўйда тез тайёр бўладиган таомларни сотиб олмайди.

Бунга яна бир мисол сифатида дўстим Нир Эялни келтиришим мумкин. Эяль ҳам одатлар бўйича эксперт бўлиб, у интернетроутери билан электр тармоғи ўртасига улаш мумкин бўлган таймер сотиб олган. Ҳар куни кечқурун соат 10 да таймерроутерни ўчиради. Интернет ўчгани ҳаммага ётиш вақти бўлганини билдиради.

¹ Бу усул “Одиссей битими” деб аталади. У “Одиссея” достони қаҳрамони шарафига номланган. Одиссей сиреналар овозини тинглаш учун ўзини кема устунига боғлаб қўйишини буюрган. Натижада у кемани сиреналар томонга буриб, коятошларга урилиб кетмаган ва уларнинг мафтункор овозидан баҳраманд бўлган. Одиссей шунчаки ҳоҳиш-истакларимиз бизни қаерга етаклашини кутиб тургандан кўра эс-хушимиз жойидалигига келажакдаги ишларни мўлжаллаб олиш қанчалик муҳимлигини тушунган.

Мажбурият қурилмасининг яхши жиҳати шундаки, улар бошқа нарсаларга чалғиб кетиш ўрнига яхши ниятларни амалга ошириш имконини беради. Қабул қилаётган калория миқдоримни камайтирмоқчи бўлганимда официантдан овқатни олиб келишдан олдин уни бўлиб, ярмини уйга олиб кетадиган қилиб солиб қўйишини илтимос қиласман. Овқат келишини кутиб, сўнг унинг ярмини ейиш режаси ҳеч қачон иш бермаган.

Бундай ўзгартиришнинг энг муҳим жиҳати шундаки, яхши одатни тўхтатиб, бошқа ишга ўтиш уни бошлишдан қийинроқ бўлсин. Агар саломатлигингизни мустаҳкамламоқчи бўлсангиз, йога курсига ёзилинг ва олдиндан пул тўлаб қўйинг. Агар қандайдир янги бизнес очишни кўзлаб юрган бўлсангиз, ўзингиз ҳурмат қиладиган бирорта тадбиркорни хабардор қилиб, ундан маслаҳат олиш мумкин бўлган вақтни белгилаб қўйинг. Энди орқага йўл қийинлашади, чунки ҳаммасини тўхтатишнинг ягона йўли учрашувни тўхтатиш бўлиб, у анча ҳаракат ва харажатни талаб қилиши мумкин.

Мажбурият қурилмаси ҳозирда ёмон одатларни бажаришни қийинлаштириш йўли билан яхши одатларни бажариш эҳтимолини оширади. Бироқ бунданда яхшироқ натижага эришиш ҳам мумкин. Яхши одатларни тўхтатиб бўлмайдиган, ёмонларини эса бажариб бўлмайдиган қила оласиз.

**ОДАТНИ ҚАНДАЙ АВТОМАТЛАШТИРИШ ВА У ҲАҚДА ОРТИҚ
ЎЙЛАМАСЛИК МУМКИН?**

Жон Ҳенри Паттерсон 1844 йил Оҳайо штати Дейтон шахрида таваллуд топган. У болалигини уйидаги ишларга кўмаклашиш ва отасининг ёғоч кесиш устахонасида ишлаб ўtkазган. Дартмут коллежини тугатгач, у Оҳайога қайтиб келган ва кўмир кончиларига хизмат кўrsатадиган кичик бир дўкон очган.

Бу яхши имкониятдек туюларди. Атрофда бошқа рақобатчи йўқ, мижозлар оқими эса бир меъерда эди.

Шұнға қарамасдан дүкөндөн келаётгандаромад кам зди. Кейинроқ Паттерсон ходимлари пул үмараётганини сезиб қолған.

1880 йил үрталариде ходимлар үртасида үғрилик оддий ҳолат зди. Чеклар очық жойда сақланар ва исталған одам уларни үзгартыриб ёки ташлаб юбора оларди. Ходимлар қаракатини назорат қыладиган камера ёки кирим-чиқымларни ҳисобловчы дастурлар йүқ зди. Қунбүйи ходимларнинг тепасида туриб құзатмаса ёки барча сотувларни хұжайиннинг үзи бажармаса үғриликларнинг олдини олиш қийин зди.

Паттерсон мұаммо ҳақида бош қотирар экан, у “Риттининг алдамайдыган кассаси” деган янги ихтиронинг рекламасига күзи тушиб қолди. У дейтонлик яна бир одам — Жеймс Ритти томонидан яратылған бириңчи касса аппарати зди. Аппарат ҳар бир олди-сотидан кейин автоматик тарзда құлфланиб қолар зди. Нақд пул ва чеклар унинг ичіда қоларди. Паттерсон бу аппаратларнинг иккитасини 50 доллардан харид қылди.

Дүкөндеги үғриліклар бир зұмда ғойиб бўлди. Кейинги олти ой ичіда Паттерсоннинг зарарға ишләётгандықони 5000 АҚШ доллар фойда келтирди. Бу ҳозирги 100000 АҚШ долларидан кўпроққа тўғри келади.

Аппарат Паттерсонда шунчалик кучли таассурот қолдирди, у бизнесини үзгартышишга қарор қылди. У Риттидан кашфиётга эгалик ҳуқуқини сотиб олди ва Миллий касса аппарати компаниясыга асос солди. Үн йил ичіда компания мингдан ортиқ одамларни ишга қабул қилиб, үз даврининг энг муваффақиятли компанияларидан бирига айланмоқда зди.

Ёмон одатдан халос бўлишнинг энг яхши йўли бу уни амалга ошириш иложсиз бўлған ишга айлантиришdir. Уни бажаришдаги тўсиқларни шу қадар кўпайтириб юборингки, уни бошлаш хаёлингизга ҳам келмасин. Касса аппаратининг дохиёна жиҳати шундаки, у үғирлашни

имконсиз қилиш йүли билан яхши хүлк-атворни автоматаштириди. Ходимларни қайта тарбиялашга ҳожат қолмади.

Айрим ҳаракатлар, масалан, касса аппаратини ўрнатиш, кишига қайта-қайта фойда келтираверади. Бу бир марталик қарорни қабул қилиш учун бироз ҳаракат талаб этилган, бироқ унинг аҳамияти вақт ўтиши билан ортиб боради. Битта ҳодиса қайта-қайта натижа бера олиши мени ҳар сафар лол қолдиради. Мен обуначиларим орасида узоқ мұддатлы одатлар шаклланишига олиб келган бир марталик хатти-ҳаракатлар ҳақида сўров ўтказғанман. Қўйидаги жадвалда энг кўп учраган жавоблар келтирилган.

Гаров бойлашим мумкинки, оддий одам жадвалда келтирилган бир марталик ҳаракатлардан ҳеч бўлмаса ярмини қилиб кўриб, кейин ёддан чиқариб юборса ҳам уларнинг ҳаёти бир йилдан кейин анчагина яхшироқ бўлган бўлар эди. Бир марталик ҳаракатлар хўлк-атвор ўзгаришининг З-қоидасини бевосита амалда қўллаш үсулидир. Улар яхшироқ ухлаш, соғлом овқатланиш, маҳсулдорликни ошириш, даромадни кўпайтириш ва умуман олганда яхшироқ яшашга ёрдам беради.

Яхши одатларни ҳосил қилувчи бир марталик ҳаракатлар

Овқатланиш	Бахт
Ичимлик сувини тозалайдиган фильтр сотиб олинг.	Кучук боқиб олинг.
Истеъмол қилинадиган овқат миқдорини камайтириш учун кичикроқ идишлар сотиб олинг.	Одамлари яхши маҳаллага кўчиб ўтинг.

Үйқу	Соғлиқ
Яхши матрасс сотиб олинг.	Эмланинг.
Ёруғликтин тұсадыған пардалар илинг.	Белингиз оғримаслиги учун яхши оёқ кийим харид қилинг.
Етоқхонадан телевизорни олиб чиқиб ташланг.	Суянчиқли ўриндиқ ёки туриб ишлайдыған иш столи сотиб олинг.
Маҳсулдорлик	Даромад
Түрли обуналарни тұхтатинг.	Автоматик омонатлар хизматига уланинг.
Гурухлы чатларнинг сигналларини ва бошқа хабарномаларни үчириб қўйинг.	Автоматик тұловларни ёқиб қўйинг.
Телефонни овозсиз режимга ўтказинг.	Кабел хизматини узиб қўйинг.
Телефондаги ўйин ва ижтимоий тармоқ иловаларини үчириб ташланг.	Таъминотчилар билан савдолашинг.

Албатта, яхши одатларни автоматлаштириб, ёмонларини йўқотишнинг бошқа кўп йўллари бор. Одатда улар технологияларни сизнинг фойдангизга ишлатишини назарда тутади. Технологиялар авваллари қийин, асабга тегадыған ва мураккаб бўлган вазифаларни осон, енгил ва содда кўринишга келтиради. Бу тўғри хўлқ-атворни таъминлайдыған энг ишончли ва самарали йўлдир.

Улар, айниқса, камдан-кам содир бўлиб, одат тусига кириши қийин бўлган ҳаракатлар учун мос келади. Ойда ёки йилда бир марта қилинадыған ишлар, масалан, қимматли қоғозларни таҳлил қилиш одат ҳосил бўлиши

учун етарлича тақрорланмайды. Натижада ularни ёдга солиб турадиган технологиялар жұда ҳам фойдалидір.

Қуида яна бошқа мисоллар келтирилған:

- **Дорилар:** Рецептни автоматик тақрорлаш мүмкін.
- **Шахсий даромад:** Ишчилар ойликларини бироз камайтириш йўли билан нафақа жамғармасыга автоматик пул ўтказиш имкониятига эга бўлади.
- **Овқат тайёрлаш:** Овқат элтиб берувчи хизматлар керакли маҳсулотларни харид қилиб бериши ҳам мүмкін.
- **Маҳсулдорлик:** Maxsus дастур ёрдамида ижтимоий тармоқларни блоклаб қўйса бўлади.

Ҳаёtingизнинг иложи борича кўпроқ жабхаларини автоматлаштирганингиздан сўнг куч-ғайратингизни қурилмалар қила олмайдиган ишларга қаратишингиз мүмкін бўлади. Технологияга ишониб топширилган ҳар бир одат ўсишингизнинг кейинги босқичларига сарфлайдиган қувватингизни кўпайтиришга имкон беради. Математик ва файласуф Альфред Норд Уайтхед ёзганидек: “Цивилизация биз онгли равишда фикрламасдан қила оладиган вазифалар сонини ошириш йўли билан ривожланади”.

Албатта, технология бизнинг зараримизга ҳам ишлashi мүмкін. Эрталабдан кечгача телевизор томоша қиласиз, чунки пультни топиб, уни ўчиришдан кўра томоша қилишда давом этиш камроқ қувват талаб қиласи. “Netflix” ёки “YouTube”да кейинги эпизодга ўтиш учун ҳеч қандай тұгмачаны босиш шарт эмас, улар кетма-кет биридан иккинчисига ўтиб кетаверади. Сиздан фақат кўзингизни узмаслик талаб қилинади, холос.

Технология ҳар бир хоҳиш-истагингизни қондира оладиган даража қулайлик яратади. Қорнингиз очди дегунча элтув хизматлари овқатни эшигингиз тагигача етказиб беради. Зерикишга үлгурмасингиздан ижтимоий тармоқлар улкан танлов тақдим этади. Истакларингизни қондириш учун деярли ҳеч қандай қувват керак бўлмай

қолганда оний хоҳишларингиз домига тушиб қоласиз. Автоматлаштиришнинг салбий жиҳати шундаки, бир осон ишдан бошқасига ўтиб юрамиз. Қийин, бироқ фойдалери ошарни эса четга суриб қўямиз.

Ўзим ҳам исталган бўш вақтимда ижтимоий тармоқларга кираман. Зерикиб қолдим дегунча телефонимга қўл чўзаман. Бундай кичик чалғишиларни “бироз дам олишга” йўйиш осон. Аммо улар қўшилиб сезиларли вақтимизни олиб қўяди. “Бир зумга қараб қўйиш” фикри мени тайинли бир иш билан давомли шуғулланишимга халақит беради. (Бу борада мен ёлғиз эмасман. Ўртacha ҳар бир одам ҳар куни икки соатдан ортиқ вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказади. Йилига қўшимча олти юз соат ҳеч кимга зарар қилмаса керак деб ўйлайман.)

Ушбу китобни ёзиш давомида мен вақтни тақсимлашнинг янгича үсулини қўллаб кўрдим. Ҳар душанба ёрдамчим барча ижтимоий тармоқларга кириш кодларимни ўзgartириб қўярди. Натижада мен уларга кира олмай қолардим ва ҳафта давомида чалғимасдан ишлар эдим. Жума куни эса у менга янги кодларни айтарди. Дам олиш кунлари ижтимоий тармоқлардан истаганимча фойдаланарадим. Душанба куни эса ҳаммаси яна бошидан бошланаради (Агар ёрдамчингиз бўлмаса, дўстингиз ёки яқинларингиз билан келишиб олиб, бир-бирингизнинг кодингизни алмаштиришингиз мумкин).

Мени энг ҳайрон қолдирган нарса бунга кўниши учун қанчалик кам вақт кетгани эди. Ўзимни ижтимоий тармоқлардан чеклаб қўйишмнинг биринчи ҳафтасидаёқ уни ўзим ўйлагачалик кўп текширишга эҳтиёж йўқлигига амин бўлдим. Ҳарқалай уни ҳар куни очиб кўришим шарт эмас экан. Ижтимоий тармоқларга кириш жуда осон бўлгани сабабли мен унга кўп киришга одатланиб қолган эканман. Эски одатимга қайтишнинг иложи бўлмай қолгандан сўнг маънили иш билан шуғулланиш учун мотивациям етарли эканини тушундим. Атрофимдаги мұхит-

дан “ақлий ширилниклар”ни олиб ташлаганимдан сүнг “соғлом овқатланиш” сезиларли даражада енгиллаши.

Автоматлаштириш жараёни сизнинг фойдангизга ишләётгандан яхши одатларни тұхтатиб бўлмайдиган, ёмонларини эса бажариб бўлмайдиган қилиш мумкин. Ҳар сафар иродангиздан фойдаланишга нисбатан ушбу усул келажакда сиз истаган хулқ-атворни таъминлашнинг энг ажойиб усулидир. Мажбурият қурилмаларидан, бир марталик стратегик қарор ва технологиядан фойдаланиб, қочиб қутулиб бўлмайдиган мұхит яратишиңгиз мумкин. Бу мұхитда яхши одатлар үмид натижаси әмас, балки бўлиши аниқ ҳодисаларга айланади.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Хулқ-атвор ўзгаришининг З-қоидасига тескари равища ёмон одатлар қийинроқ бўлиши керак.
- Мажбурият қурилмаси — ҳозирда қилинган, бироқ келажакда сиз истаган хулқ-атворни таъминлайдиган танловдир.
- Келажакда сиз истаган хулқ-атворга эришишнинг энг яхши йўли одатларни автоматлаштиришdir.
- Бир марталик қарорлар, масалан, яхшироқ матрасс сотиб олиш ёки автоматик пул жамғариш хизматига уланиш, келажакдаги одатларингизни автоматлаштиради ва вақт ўтиши билан тобора қимматлироқ натижалар беради.
- Одатларни автоматлаштиришда технологиялардан фойдаланиш яхши хулқ-атворни таъминлашнинг энг ишончли ва самарали усулидир.

Яхши одатни қандай ҳосил қилиш мүмкін?

Биринчи қоида: Одат күринарлы бўлиши керак

- 1.1: Одатлар табелини тўлдиринг. Ҳозирги одатларингиздан огоҳ бўлиш учун уларнинг рўйхатини тузинг.
- 1.2: Татбиқ этиш ниятидан фойдаланинг: “Мен [ВАҚТ] ва [ЖОЙ]да [ИШ]ни бажараман”.
- 1.3: Одатларни тахлаш ўсулидан фойдаланинг: “[ҲОЗИРГИ ОДАТ]ни бажариб бўлганимдан сўнг [ЯНГИ ОДАТ]га ўтаман”.
- 1.4: Атрофингиздаги мұхитни ўзингиз яратинг. Яхши одатларга туртки берадиган сигналлар ёрқин ва кўзга осон ташланадиган бўлсин.

Иккинчи қоида: Одат жозибали бўлиши керак

- 2.1: Қизиқишлиарни боғлаш ўсулидан фойдаланинг. Қилингиз керак бўлган ишни қилишни истаётган ҳаракат билан боғланг.
- 2.2: Сиз ўзлаштироқчи бўлган хулқ-автор нормал ҳолат бўлган жамоага қўшилинг.
- 2.3: Мотивацияловчи маросим яратинг. Мураккаб одатни бажариб бўлишингиз билан ўзингизга ёқадиган бирон-бир иш қилинг.

Учинчи қоида: Одат осон бўлиши керак

- 3.1: Тўсиқларни камайтиринг. Яхши одатни бажариш учун қилинадиган ишлар сонини камайтиринг.
- 3.2: Мұхитга ишлов беринг. Келажакда маълум ҳаракатни бажариш енгил кечиши учун мұхитни тайёрланг.
- 3.3: Ҳал құлувчи онни қўлдан бой берманг. Каттатаъсирга эга бўлган кичик қарорларни оптималлаштиринг

- 3.4: Икки дақықа қоидасидан фойдаланинг. Одатни бажарыш учун икки дақықа етарли бұлмагұнча уни соддалаштириңг.
- 3.5: Одатларингизни автоматлаштириңг. Келажақда хулқ-авторингизни енгиллаштирадиган технологиялар ва бир марталик харидларга сармоя кириting.

Түртінчи қоида: Одат қониқарлы бүлиши керак

Ёмон одатлардан қандай халос бўлиш мумкин?

Биринчи қоиданинг акси: Одат кўз илғамас бўлиши керак

1.5: Ёмон одатларга турткি берадиган сигналлар билан тўқ-
наш келишни камайтириш учун уларни атрофингиздаги
муҳитдан олиб ташланг.

Иккинчи қоиданинг акси: Одат жозибасиз бўлиши керак

2.4: Фикрлаш тарзингизни ўзгартиринг. Ёмон одатни бажар-
маслик қанчалик фойда келтиришига ўргу беринг.

Учинчи қоиданинг акси: Одат қийин бўлиши керак

3.6: Тўсиқларни кўпайтиринг. Ёмон одатни бажармаслик
учун қилинадиган ишлар сонини кўпайтиринг.

3.7: Мажбурият қурилмасидан фойдаланинг. Келажақда
танлаш мумкин бўлган ишлар фақат фойдали ҳара-
катлар билангина чеклансин.

Тўртинчи қоиданинг акси: Одат қониқарсиз бўлиши керак

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА

ОДАТ ҚОНИҚАРЛИ
БҮЛИШИ КЕРАК

15

ХУЛҚ-АТВОР ЎЗГАРИШИННИГ БОШ ҚОИДАСИ

1990-йиллар охирида омаҳалик санитар-эпидемиолог Стефан Луби она штати Небраскани тарқ этиб, Покистоннинг Караби шахрига учиб кетди.

Караби дунёда аҳолиси энг кўп бўлган шаҳарлардан бири эди. 1998 йилда у ерда 9 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиласади. У Покистоннинг нафақат иқтисодий, балки транспорт маркази ҳам бўлиб, минтақадаги энг фаол аэропортлар ва денгиз портлари шу ерда жойлашганди. Шаҳарнинг тижорат қисмидаги катта шаҳарларга хос барча қулайликлар ва гавжум кўчаларни топиш мумкин. Бироқ Караби ҳаёт учун энг хавфли шаҳарлардан бири ҳам эди.

Карабиликларнинг 60 фоизи ўзбошимчалик билан 202 | қурилган хароба үйларда яшарди. Үндаги маҳаллалар эски ёғочлар, шлакоблок ҳамда бошқа чиқиндилардан қурилган ва зич жойлашган кулбалардан иборат эди. У ерда на чиқиндини олиб кетиш тизими, на электр тармоғи ва на тоза сув таъминоти бор эди. Қуруқ пайтлар кўча чанг ва чиқинди билан қопланар, ёмғир мавсумида эса ифлос сувлардан иборат ботқоққа айланиб қоларди. Туриб қолган кўлмакларда чивинлар кўпаяр, болалар эса ахлатхонада ўйнашарди.

Антисанитар шароит туфайли касалланиш ва үлім күрсаткычлари юқори зди. Сув манбаларининг ифлосланиши туфайли ахоли орасида диарея, қайт қилиш ва қорин оғриғи тез-тез учраб турарди. Ҳудуддаги болаларнинг учдан бир қисми ёшига нисбатан кам вазнили зди. Кичик жойда күп сонли одамлар йиғилиб қолгани сабабли вирусли ва бактериал касалликлар тез тарқаларди. Айнан шу оғир ҳолат туфайли Луби Покистонга йўл олганди.

Луби ва үнинг жамоаси бундай оғир санитар шароитда қўлни ювиш сингари оддий үсул ҳам ахоли соғлиғини сезиларли даражада яхшилайди, деган қарорга келди. Аммо тез орада улар маҳаллий аҳолининг кўпчилиги қўлни ювиш қанчалик мұхимлигидан хабардор эканига гувоҳ бўлди.

Бироқ шунга қарамасдан ахоли қўлни бетартиб юварди. Айримлар фақат қўлни сувга теккизиб қўярди, бошқалар эса фақат битта қўлни юварди. Кўпчилик эса овқат тайёрлашдан аввал қўлни ювишни эсдан чиқариб қўярди. Ҳамма қўл ювишнинг аҳамияти ҳақида гапирав, фақат озчиликдагина бу одат шаклланганди. Муаммо билим етишмаслигига эмас, балки мунтазамлик етишмаслигига зди.

Шу ҳолатда Луби ва үнинг жамоаси аҳолини “Safe-guard” совуни билан таъминлаш учун “Procter & Gamble” билан шерикчилик туздилар. Бошқа совунларга қараганда “Safeguard”дан фойдаланиш анча ёқимлироқ зди.

“Покистонда “Safeguard” олий навли совун ҳисобланарди”, — дейди Луби. — Тадқиқот иштирокчилари кўпинча үндан фойдаланиш манзур бўлганини айтишарди”. Совун осон кўпирарди ва одамлар кўпик билан қўлларини яхшилаб тозалашарди. Ҳиди ҳам жуда хушбўй зди. Тез орада қўл ювиш қўлайроқ ишга айланди.

“Мен қўл ювишни тарғиб қилишни одамлар хулқатворини ўзgartиришдан кўра кўпроқ одатларни ўзлаш-

тириш деб ҳисоблайман, — дейди Луби. — Одамлар ялпизли тиш пастаси сингари күчли ижобий ҳиссиёт үйғотадиган одатларни тишни ип билан тозалаш каби ёқимли сезги пайдо қилмайдиган одатларга қараганда осонроқ үзлаштиради. “Procter & Gamble”нинг маркетинг жамоаси ҳам ёқимли қўл ювиш жараёнини яратишга уринар эди”.

Бир неча ой ичида тадқиқотчилар ҳудуддаги болаларнинг саломатлиги яхши томонга силжиёттанини қайд этди. Ич кетишлар сони 52 фоизга, зотилжам 48 фоизга, терининг бактериал инфекцияси бўлган импетиго эса 35 фоизга камайди.

Узоқ муддатли таъсир бундан-да яхшироқ эди. “Олти йилдан кейин Карабидаги хонадонларга қайта ташриф буюрдик, — дейди Луби. — Қўлни совунлаб ювишни оммалаштириш учун совун одамларга текинга тарқатилганди. Жамоамиз ушбу хонадонларга қайта борганида уларнинг 95 фоизида совун ва тоза сув мавжуд бўлган қўл ювиш жойи борлигини аниқлади. Биз сўнгги беш йил ичида уларга совун бермай қўйгандик, лекин улар қўлни совунлаб ювишда давом этишган”. Бу хулқ-атвор ўзгаришининг тўртинчи ва сўнгги қоидасига ёрқин мисол бўла олади. Яъни одат қониқарли бўлиши керак.

Биринчи марта бажариб, бизда қониқиш ҳисси үйғота олган хатти-ҳаракатларни кўпроқ такрорлаймиз. Бу мантиққа тўла тўғри келади. Роҳатланиш, ҳатто хушбўй ва яхши кўпикланадиган совун билан ювгандаги кичик ёқимли ҳиссиётлар ҳам, миянгизга сигнал юборади. “Жуда яхши бўлди. Кейинги сафар ҳам шундай қилиш керак”, дейди сигнал. Ёқимли ҳиссиёт буни эслаб қолиш ва такрорлашга арзишини билдиради.

Сақични олайлик. У тижорат мақсадларида XIX аср бошидан бери сотиб келинади. Бироқ “Wrigley” компанияси 1891 йилда ўз маҳсулотини бозорга чиқармагунча у дунё

бүйлаб оммалашмаган эди. Аввалги сақичлар нисбатан оддий смоладан тайёрланарди. Уларни чайнаш мүмкин, аммо ҳеч қандай таъм бермасди. “Wrigley” сақичга ялпиз ва мева шираси сингари қўшимчаларни қўшиб, соҳада инқилоб ясади. Натижада маҳсулот ранг-баранг ва қизиқарли бўлиб қолди. Улар савдони янада кучайтириш мақсадида сақични оғиз бўшлиғини тозалаш воситаси сифатида тарғиб қила бошладилар. Рекламаларда: “Таъм сезгингизни янгиланг”, дея бонг урилди.

Мазали таъм ва оғиздаги софлик ҳисси маҳсулотга ёқимлилик бера бошлади ва ундан фойдаланиш қониқарли бўлиб қолди. Сақич истеъмоли тез суръатлар билан ўсди ва тез орада “Wrigley” дунёнинг энг катта сақич ишлаб чиқарувчи компаниясига айланди.

Тиш пастаси ҳам шунга ўхшаш йўлни босиб ўтган. Ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига жимжима баргли ялпиз, қалампир ялпиз ва долчин сингари таъмларни қўшиш йўли билан катта муваффақиятга эришди. Ушбу қўшимчалар тиш пастасининг самарадорлигини оширмайди. Улар шунчаки оғиз бўшлиғида “софлик” ҳиссини ўйғотиб, тиш ювиш жараёнининг ёқимлилигини таъминлайди. Рафиқам ювишдан кейин қоладиган ёқимсиз таъми сабабли “Sensodyne”дан воз кечди ва бошқа қониқарлироқ ва ялпизга бойроқ маҳсулотга ўтиб олди.

Аксинча, таассурот қониқарсиз бўлса, маълум ҳаракатни такрорлашдан маъно йўқ. Изланишларим давомида бир аёлга дуч келдим. Унинг худбин қариндоши аёлни ақлдан оздиради. Бу ёқимсиз шахс билан иложи борича камроқ вақт ўtkазиш учун аёл ўзини зерикарли одам қилиб кўрсата бошлади. Бир неча учрашувлардан кейин энди худбин қариндош “зерикарли” аёлдан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди.

Шу сингари ҳикоялар хулқ-атвор ўзгаришининг асосий қоидасини исботлайди: мукофотланадиган ҳаракатлар такрорланади, жазолайдиган ишлардан эса одам-

лар ўзини олиб қочади. Келажақда қилмоқчи бўлган ишларингизни қайси ҳаракат учун мукофот ёки жазо олганингизга асосланган ҳолда белгилайсиз. Ижобий тўйғулар одатларни кучайтиради, салбийлари эса үларни барбод қиласди.

Хулқ-атвор ўзгаришининг дастлабки уч қоидаси: одатни кўзга ташланадиган, жозибали ва осон қилиш, унинг ҳозирда бажарилишини таъминлайди. Одатларнинг қониқарли бўлишини талаб қиласдиган 4-қоида эса ҳаракатнинг келажақда такрорланиш ёки такрорланмаслигини белгилайди. У одат ҳалқасини тугаллади.

Аммо эътибор беринг! Бизга ҳар қандай қониқиш эмас, балки дарҳол юзага келадиган қониқиш ҳисси зарур.

ДАРҲОЛ ВА КЕЧИКИБ ЭРИШИЛАДИГАН МУКОФОТЛАР ЎРТАСИДАГИ НОМУТАНОСИБЛИК

Тасаввур қилинг, сиз Африка саванналарида яшаётган жирафа, фил, шер ёки бошқа ҳайвонсиз. Исталган пайтдаги қарорларингиз дарров ўз мевасини беради. Доимий равишда нима ейиш, қаерда ухлаш ёки йиртқичлардан қандай ҳимояланиш ҳақида ўйлаб юрасиз. Бутун эътиборингиз ҳозирги пайтга ёки яқин келажакка қаратилган. Сиз олимлар “дарҳол мукофотловчи мұхит” деб атовчи шароитда яшаётган бўласиз. Чунки ҳар бир ҳаракатнинг аниқ ва тезкор натижаларга олиб келади.

Энди яна инсон қиёғангизга қайтинг. Замонавий жамиятда қабул қиласдиган қарорларингизнинг кўпи сизга бевосита фойда келтирмайди. Агар ишхонада қаттиқ ишласангиз, маошни ой охирида оласиз. Агар бугун машқ қилсангиз, балки бир йилдан кейин ортиқча вазндан қутуларсиз. Агар ҳозирдан пулни жамғариб борсангиз, қариганингизда етарли нафақангиз бўлади. Сиз олимлар “кечроқ мукофотловчи мұхит” деб атовчи шароитда яшайсиз. Чунки ҳар бир хатти-ҳаракатларингиз натижа бериши учун баъзида йиллар керак бўлади.

Инсон мияси кечиккан мукофотловчи мұхитда ишлаш-га ўрганмаган. Замонавий одам — “*Homo sapiens*”нинг энг қадимги қолдиқлари икки юз минг йилга бориб тақалади. Биринчи бўлиб үларда бизнинг миямизга ўхашаш мия пайдо бўлган. Айниқса, нутқ сингари миянинг олий функцияларига жавобгар бўлган энг янги қисми – неокортекс икки юз минг йилдан бери ўзгармасдан келмоқда.¹ Сиз Палеолит давридаги аждодларингиздан қолган мия билан яшаб юрибсиз.

Тарихий жиҳатдан қисқа вақт олдингина, сўнгги беш юз йил ичида, жамият кечроқ мукофотловчи мұхитга ўтган.² Миянинг ёшига нисбатан, замонавий жамият яп-янгири. Сўнгги юз йил ичида автомобиль, самолёт, телевизор, шахсий компьютер, интернет, смартфон ва “Beuопсе”-лар пайдо бўлганига гувоҳ бўлдик. Сўнгги йилларда дунё ўзгариб кетди, инсон табиати эса ўзгармасдан қолмоқда.³

Африка саванналаридаги ҳайвонлар сингари аждодларимиз ҳам хавфдан қочиб, навбатдаги егуликни

¹ Айрим тадқиқотлар инсон мияси ўзининг ҳозирги кўринишига бундан уч юз минг йил аввал келганини кўрсатади. Эволюция ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, албатта, одамлар мияси шакл ва тузилиш жиҳатдан сезиларли эврилиб, бундан юз минг ва ўттиз беш минг йил илгари замонавий шакл ва ҳажмга етган. Simon Neubauer, Jean-Jacques Hublin, and Philipp Gunz, “The Evolution of Modern Human Brain Shape,” *Science Advances* 4, no. 1 (2018): eaao5961.

² Кечроқ мукофотловчи мұхитга ўтиш бундан үн минг йилча аввал, дехқончилик юзага келгандан кейин бошланган деб таҳмин қилинади. Ўша пайтларда дастлабки дехқонлар ҳосил йигим-терим ойларини кўзлаб ерга экин экишган. Бироқ сўнгги бир неча асрлар давомидагина ҳәётимиз карьерани режалаштириш, нафақа ҳақида қайғуриш ёки деярли барча кундалик ташвишларимиз сингари кечроқ мукофотловчи қарорлар билан тўла бошлаган.

³ Биз яшаётган мұхитдаги тезкор ўзаришлар бизнинг биологик мослашувчанлик ҳусусиятимиздан анча илдамлаб кетган. Инсон по-пуляциясида сезиларли ирсий ўзаришлар юзага келиши учун ўрта хисобда йигирма беш минг йил керак бўлади. Қўшимча маълумот учун қаранг: Edward O. Wilson, *Sociobiology* (Cambridge, MA: Belknap Press, 1980), 151.

қидириб, бүрөндан яшириниб юрган. Талабларни дарров қондиришга уриниш асосли бүлган. Узоқ келажак ҳеч кимни қизиқтиргемаган. Минглаб авлодлар шундай шароитда яшаб үтгани сабабли миямиз үзоқ мұддатли натижалардан күра ҳозироқ оладиган мукофотларни устун күрадиган бўлиб ривожланган.

Бихевиорист иқтисодчилар бу мойилликни вақт билан боғлиқ номутаносиблик деб аташади. Яъни миянгиз турли мұддатли мукофотларни бир хил баҳоламайди. Сиз ҳозирги вақтни келажакдан кўпроқ қадрлайсиз. Одатда бу бизга фойда келтиради. Кўз олдимизда турган мукофот келажақда бўлиши мумкин бўлган фойдадан қимматлироқдир. Аммо баъзида бевосита мукофотга интилиш муаммоларга сабаб бўлади.

Чекиш ўпка саратони ривожланиш хавфини оширишини билган ҳолда одамлар нега тамаки истеъмол қиласди? Семириб кетишини билатуриб нима сабабдан одам кўп овқат еб қўяди? Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар хавфини билган ҳолда қандай қилиб ҳимояланмаган жинсий алоқа билан шуғулланиш мумкин? Мия мукофотларни қандай баҳолашини билиб олганингиздан кейин юқоридаги саволларга жавоб топиш осон бўлади. Ёмон одатларнинг салбий оқибатлари кечроқ, мукофоти эса дарҳол олинади. Чекиш ўн йиллардан кейин ўлимга олиб келиши мумкинdir, бироқ у ҳозирги пайтдаги стрессни камайтириб, хуморни боса олади. Ортиқча овқат кейинроқ семиришга олиб келади, аммо у шунаقا мазалики, ўзимизни тийиб тура олмаймиз. Жинсий алоқа ҳимояланганми ёки йўқ, дарҳол лаззат олиб келади. Касаллик ва инфекция эса бир неча кун, ҳафта ёки йиллардан кейин намоён бўлади.⁴

⁴ Норационал ҳулқ-автор ва когнитив тарафкашлик мавзулари сўнгги йилларда анча оммалашшиб кетди. Аммо кўплаб ҳаракатлар норационал кўринса ҳам уларнинг бевосита натижасини ҳисобга олсак, рационал асосга эга экани билинади.

Хар бир ҳаракат вақт үтиши билан турли натижаларға олиб келиши мүмкін. Ағасыки үлар бизга ноқулай тарзда намоён бұлади. Ёмон одатлар бизга дархол ҳузур бағышлайды, охир-оқибатда эса яхшилик билан туғамайды. Яхши одатларда эса бунинг акси, дархол эришилгандың мүкофот үнчалик ёқимли әмас, аммо кейинроқ у ижобий натижаларға сабаб бұлади. Француз іқтисодчесі Фредерик Бастиа: “Дархол эришилдиган мүкофот ёқимли, кейинги оқибатлари эса аянчли бұлған ҳаракатларни деярли ҳар доим амалға оширамиз да аксина. Одатнинг биринчи меваси қанчалик ширин бұлса, уннинг кейинги мевалари шунчалик ачциқ бұлади”, — деде ёзганида муаммони аниқ ёритиб берган.

Бошқача қилиб айтганда, яхши одатларнинг қанчага түшиши ҳозирдан маълум, ёмонлариники эса кейинроқ аён бұлади.

Миянинг айни дамни үстүн күриши яхши ниятларға ишониб бўлмаслигини билдиради. Режа тузаетганингизда, у вазнингизни камайтириш, китоб ёзиш ёки тил ўрганиш бўлсин, келажақдаги ўзингиз учун режа қилаётган бўласиз.⁵ Келажақдаги ҳаётингизни тасаввур қилаолсангиз, узоқ муддатда фойда келтирадиган ҳаракатларни қадрлашингиз осонроқ бұлади. Ҳаммамиз келажақда яхшироқ яшашни истаймиз. Аммо қарор қабул қилиш вақти келганда дархол эришилдиган мүкофотлар

⁵ Бихевиорист іқтисодчи Даниэль Голдштейнга миннэтдорчилік билдираман. У “Хозирги ва келажақдаги ўзлигимиз ўртасидаги кураш адолатсиз кечади. Тан олайлик, ҳозирги ўзлигимиз шу ерда, у ҳамма нарсани назорат қилиб туради. Барча қокимият уннинг құлида. У ўзининг қаҳрамонона құли билан ширин күлчаларни оғзимизга солиб құя олади. Келажақдаги ўзлигимиз эса ҳозир йўқ, у қаёқлардадир олдинда. У күчсиз, уннинг номидан иш қўрадиган адвокати ҳам йўқ. Ҳеч ким келажақдаги ўзлигимиз тарафини олмайди. Шунинг учун ҳозирги ўзлигимиз истаган орзузи ортидан қувиб юра олади”, — деб ёзган. Құшимча маълумот учун қаранг: Daniel Goldstein, “The Battle between Your Present and Future Self,” TEDSalon NY2011, November 2011, video, https://www.ted.com/talks/daniel_goldstein_the_battle_between_your_present_and_future_self.

яна ютиб чиқаверади. Қарорни келажақда соғломроқ, бойроқ ёки баҳтлироқ бўлишни орзу қиласиган ўзингизни ўйлаб қабул қилмаяпсиз. Сиз ҳозирда қорни тўқ бўлишни, талтайишни ва қўнгил очишни хоҳлаётган ўзингизни танлайapsиз. Умумий қоидани ёдда тутиш керак: бирор нарсани бажаришда дарҳол келадиган мукофот миқдори қанчалик кўп бўлса, у сизнинг узоқ муддатли мақсадларингизга қанчалик мос келишини шунчалик синчиклаб таҳлил қилишингиз керак.⁶

Миямиз қайси ҳаракатларни такрорлаб, бошқаларидан қочишига нима сабаб бўлишини яхшироқ тушуниб олгандан кейин, келинг, хулқ-автор ўзгаришининг асосий қоидасига ўзгартириш киритамиз: дарҳол мукофотланадиган ҳаракатлар такрорланади, дарҳол жазоланадиган ишлардан эса одамлар ўзини олиб қочади.

Дарҳол эришиладиган мукофотларни афзал кўришимиз мұваффақият сирларидан бирини очади: Миямизнинг тузилиши туфайли кўпчилик оний ҳиссиётлар ортидан қувиб юради. Кечиккан мукофотлар томон эса камдан-кам одам ҳаракатланади. Агар мукофотни сабр билан кута олсак камроқ рақобатга тўқнаш келиб, каттароқ натижаларга эришамиз. “Маррага оз қолганда одамлар ҳам камаяди”, деган ибора ҳам бежиз эмас.

Тадқиқотлар ҳам айнан шуни кўрсатади. Мукофотни кута оладиган инсонларнинг имтиҳонларда тўплаган

⁶ Ушбу ҳолат қарор қабул қилиш жараёнимизни ҳам издан чиқариши мүмкін. Миямиз юзага келиш эҳтимоли кам бўлса ҳам ҳозирда содир бўлиши мүмкін бўлган хавфларга ортиқча баҳо бериб юборади. Масалан, самолёт бироз тебранганда унинг қулаб тушишидан, уйда ёлғиз ўтирганимизда ўғрилар кириб қолишидан ёки биз кетаётган автобусни террорчилар портлатиб юборишидан қўрқиш кабилар. Аммо шу билан бирга миямиз носоғлом овқатланиш туфайли астасекин танада ёғ тўпланиши, ҳадеб иш столида ўтираверганимиздан мушакларимиз ўз кучини йўқотиши, доимий тозалаб турмаганимиз учун хона ахлатга тўлиб кетиши сингари эҳтимоли юқори, бироқ кейинроқ пайдо бўладиган хавфларга эътибор бермайди.

баллари юқорироқ, гиёхванд моддаларга ружу қүйиш ва семириш әхтимоли пастроқ, стрессга чидамлилиги ва ижтимоий күнікмалари яхшироқдир. Ҳар биримиз бұнға ҳаёт давомида күп марта гувоқ бўлганмиз. Телевизор кўришни ортга суриб, дарсингизни қилсангиз кўпроқ нарса ўрганиб, яхшироқ баҳолар оласиз. Дўкондан ширинлик ва чипс сотиб олмасангиз, уйга борганда соғлом овқатланасиз. Деярли ҳар қандай соҳада муваффақият дарҳол эришиладиган мукофотлардан воз кечиб, кечроқ кўринадиган натижаларни афзал кўришни тақозо этади.

Муаммо шундаки, кўпчилик кечроқ келадиган мукофот оқилона қарор эканини билади. Улар яхши одатлар саломатлик, маҳсулдорлик ва тинчлик олиб келиши мумкинлигидан ҳам хабардор. Аммо бу фикрлар ҳал қилувчи вазиятларда камдан-кам ҳолларда ёдингизга тушади. Яхшиямки, мукофотни ортга суришни машқ қилса бўлади. Аммо бунинг учун инсон табиатига қарши ҳаракатланишингизга тўғри келади. Бунинг энг маъқул йўли келажакда ижобий натижаларга сабаб бўладиган ҳаракатларга дарҳол эришиладиган мукофот, аксинча бўлганларга эса дарҳол юз берадиган қийноқ қўшишдан иборатдир.

ДАРҲОЛ ЭРИШИЛАДИГАН МУКОФОТНИ ЎЗ ФОЙДАНГИЗГА ҚАНДАЙ ИШЛАТИШ МУМКИН?

Кичик бўлса ҳам муваффақиятга эришиш одатга содик қолишда мұхим ҳисобланади. Муваффақиятни ҳис қилиш одат самара беришини ва у саъй-ҳаракатларингизга арзишини билдиради.

Мукаммал дунёда яхши одатнинг ўзи мукофот бўлган бўлар эди. Реал ҳаётда эса яхши одатлар сизга бирор нарса тақдим этгандагина ўзини оқладигандек ҳис қиласиз. Бошида фақат қурбонлик бўлади. Спорт залига бир неча марта борганингиздан кейин дарҳол кучли, соғлом ёки чаққон бўлиб қолмайсиз. Орадан бир неча ой

Үтгандан сүнгина бир неча килограммга озганингиз ёки қўлингиздаги мушаклар бироз шаклга кириб қолганидан кейин машқларни давом эттириш енгиллашади. Дастреб йўлдан оғмасдан ҳаракатланингиз учун бирон-бир сабаб керак. Шунинг учун дарҳол эришиладиган мукофот жуда ҳам мұхим. Улар кечроқ кўринадиган мукофотлар тўпланиб боргунча сизни ҳаяжонлантириб туради.

Биз бу ерда, дарҳол эришиладиган мукофотни мұхомама қилаётганимизда, хатти-ҳаракатнинг якуни ҳақида гапирияпмиз. Ҳар қандай воқеанинг охири жуда мұхим. Чунки айнан шу босқични бошқаларига қараганда кўпроқ эслаб қоламиз. Одатимизнинг сүнгги қисми қониқарли бўлишини истаймиз. Бунда энг мақбул ёндашув – мустаҳкамлашдир. У маълум хулқ-атворнинг такрорланиш даражасини оширишда дарҳол эришиладиган мукофот усулидан фойдаланиш жараёнини кўзда тутади. 5-бобда келтирилган одатларни тахлаш усули одатларимизни маълум бир сигнал билан боғлайди. Натижада уни бошлаш енгиллашади. Мустаҳкамлаш эса маълум одатни дарҳол эришиладиган мукофот билан боғлайди. Натижада уни бажариб бўлганимизда қониқиш ҳисси пайдо бўлади.

Дарҳол мустаҳкамлаш усули бирон-бир ҳаракатдан ўзимизни тийишни, бирор одатдан воз кечишини истаганимизда, айниқса, асқатади. “Ўйламай харидлар қилмаслик” ёки “бу ой умуман спиртли ичимлик ичмаслик” сингари одатларга амал қилиш жуда ҳам қийин. Чунки ўзингиз истаган оёқ кийимни сотиб олмаганингизда ёки севимли ичимлигинги зни ичмаганингизда ҳеч қандай ёқимли ҳиссиёт пайдо бўлмайди. Сиз шунчаки нафсингизни тияётган бўласиз, холос. Табиийки, бунда қониқиш ҳиссини ололмайсиз.

Бунинг ечимларидан бири вазиятни бошини осмондан қилиб қўйишдир. Бирор нарсадан тийилиш кўзга кўринарли натижа бериши керак. Алоҳида ҳисоб рақами

очиб үнга үзингиз истаган нарса, масалан, “чарм куртка” деб ёрлиқ ёпиширасиз. Ҳар сафар кераксиз нарса сотиб олишдан үзингизни тийганингизда ҳисоб рақамига шұнча миқдорда пул үтказасиз. Эрталаб йүлдан қаҳва сотиб олмадингизми? Беш доллар үтказинг. “Netflix”га тұлов қылмадингизми? Баракалла, яна үн долларни үтказасиз. Бу худди үзингизни содиқ мижозға айлантираётгандек гүё. Үша чарм куртка учун пул тұплаётганингизни күриш дархол эришиладиган мүкофотни ҳосил қиласы да бу бир нарсадан қуруқ қолаётганга қараганда яхшироқдир. Бирор нарсаны қымаслик зәнді қониқиши ҳиссини бера олади.

Обуначиларимдан бири ва унинг рафиқаси шу усулни татбиқ қилиб құрган. Улар күчадан ҳадеб тайёр овқат сотиб олишни тұхтатиб, унинг үрнига үзлари үйда овқат пиширмоқчи бўлган. Улар ҳисоб рақами очиб, үнга “Европага саёҳат” деб ном берган. Ҳар сафар күчада овқатланишни истаб, бундан тийилганда ҳисоб рақамига 50 доллар үтказган. Йил охирига келиб саёҳат учун етарли маблағ тұплаган.

Шуни айтиб үтиш керакки, танлайдиган мүкофот-ларингиз шахсиятингизга қарши чиқмайдиган, аксинача үни кучайтирадиган бўлиши керак. Ортиқча вазндан құтулмоқчи ёки кўпроқ китоб ўқимоқчи бўлсангиз, куртка сотиб олиш үнчалик ҳам ёмон ғоя эмас. Бироқ у пулни тежаш ва жамғарыш режасига мос келмайди. Бунинг үрнига бўш вақтингизда илиқ ванна қабул қилиш ёки сайр қилиш мумкин. Бу ҳам мүкофот үрнига үтади, ҳам молиявий эркин бўлиш режасига мос келади. Агар озмоқчи бўлсангиз-у, ҳар бир машғулотдан кейин үзингизни муз-қаймоқ билан сийласангиз, бу иккиси бир-бирига мос келмайди. Бунинг үрнига массаж қабул қилиш мумкин. У ҳам камёб лаззат, ҳам танангиз учун фойдалидир. Мана шунда дархол эришиладиган мүкофот соғлом инсон бўлишдек узоқ муддатли натижага мос келади.

Аста-секин яхшироқ кайфият, күпроқ құвват ва стресс-нинг камайиши намоён бұла бошлар экан, иккиламчи рағбатлар ортидан құвмай құясыз. Шахсиятингизнинг үзи мұстақкамловчи омилга айланади. Одат ҳаётингизнинг бир бұлагига айланиб борар экан, унға амал қилиш учун ёрдамчи воситаларга эхтиёж қолмайды. Рағбат одатни бошлаб олиш учун, шахсият эса үни давом эттириш учун зарур.

Бироқ янги үзлигингиз шаклланиши учун вақт керак бўлади. Узоқ муддатли натижаларни кутиш пайтида дарҳол мұстақкамлаб түриш мотивацияни сақлаб туради.

Хўлоса қилиб айтганда одат давомли бўлиши учун у қониқарли бўлиши зарур. Хушбўй ҳидли совун, ялпиз таъмли тиш пастаси ёки ҳисоб рақамингизга тушган навбатдаги 50 доллар одатни қониқарли қила олади. Ҳамда ҳар қандай ёқимли ўзгариш осон кечади.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Хўлқ-атвор ўзгаришининг 4-қоидасига кўра одат қониқарли бўлиши керак.
- Қониқиши ҳиссини ўйғотган ҳаракатларни тақрорлаш эҳтимолимиз каттароқ.
- Инсон мияси дарҳол эришиладиган мукофотларни кечиккан натижалардан афзал кўришга мослашган.
- Хўлқ-атвор ўзгаришининг энг асосий қоидаси: дарҳол мукофотланадиган ҳаракатлар тақрорланади, дарҳол жазоланадиган ишлардан эса одамлар ўзини олиб қочади.
- Одатларга риоя қилишдан оғишимаслигингиз учун кичик бўлса ҳам дарҳол муваффақиятни ҳис қилишингиз керак.
- Хўлқ-атвор ўзгаришининг дастлабки уч қоидаси: одатни кўзга ташланадиган, жозибали ва осон қилиш, унинг ҳозирда бажарилишини

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: ОДАТ ҚОНИҚАРЛИ БҮЛИШИ КЕРАК

таъминлайди. Одатларнинг қониқарли бўлишини талаб қиласиган 4-қоида эса ҳаракатнинг келажакда тақрорланиш ёки тақрорланмаслигини белгилайди.

16

ЯХШИ ОДАТЛАРНИ ҚАНДАЙ КАНДА ҚИЛМАСЛИК МУМКИН?

1993 йилда Канаданинг Абботсфорд шаҳридаги банк 23 ёшли биржа маклери Трент Дирсмидни ишга қабул қилиди. Абботсфорд кичкинагина шаҳарча бўлиб, у яқинидаги Ванкувернинг соясида қолиб кетарди. Катта бизнез шартномалари ҳам кўпинча Ванкуверда имзоланаарди. Банкнинг жойлашган жойи ва Дирсмиднинг эндигина ишга кирганини ҳисобга олган ҳолда ҳеч ким үндан айтарли натижа кутмас эди. Аммо у биттагина кундалик одати туфайли тез ўса бошлади.

Дирсмид кунни иш столидаги иккита банка билан бошларди. Уларнинг бирига 120 та қоғоз қистиргич солинган, иккинчиси эса бўш эди. Иш столига ўтириши билан у харидорга қўнғироқ қиласарди. Суҳбатдан сўнг қоғоз қистиргични банкадан олиб бўш банкага солиб қўярди. Сўнг ишни яна такрорларди. У менга: “Кунни битта 120 та қоғоз қистиргич солинган банка билан бошлардим ва уларнинг ҳаммасини иккинчи банкага ўтказмагунимча телефон гўшагини қўлимдан қўймасдим”, — деб айтган.

Бир ярим йил ичida у фирмага 5 миллион долларлик фойда келтирди. Йигирма тўрт ёшида у йилига 75 минг доллар (ҳозирги кунда 125 минг долларга тўғри келади) маош олаётганди. Кўп вақт ўтмасдан у 100 минг доллар-

дан ортиқ маош ваъда қилган бошқа компанияга ўтиб кетди.

Мен бу усулни “Қоғоз қистиргич стратегияси” деб аташни ёқтираман. Йиллар давомида ундан турлича кўринишларда фойдаланган обуначиларим билан гаплашганман. Бир аёл китобининг бир бетини ёзиб бўлгандан кейин бир қутидаги соч тўғноғични бошқасига ўтказарди. Бошқа бир одам эса маълум миқдорда жисмоний машқ қилиб бўлгандан кейин мармар шарчаларни бир идишдан бошқасига солиб қўярди.

Ўсишни ҳис қилиш ёқимли бўлади. Қоғоз қистиргич, соч тўғноғич ёки мармар шарчаларни бир жойдан бошқасига ўтказиш сингари визуал усуллар ўсиш кўзга яқол ташланишига ёрдам беради. Натижада улар хатти-ҳаракатларингизни мустаҳкамлайди ва оз бўлса ҳам дарҳол қониқиши ҳиссини беради. Олдинга силжишни кўрсатувчи кўплаб визуал воситалар бор: еган овқатларни ёки бажарилган машқуларни журналга ёзиб бориш, содиклик картаси, интернетдан нарса юклаб олаётган пайтингиздаги прогресс гистограммаси, ҳатто китоб саҳифалари ҳам бунга мисол бўлди. Аммо ўсишни ўлчашнинг энг яхши усули бу одатларни қайд этиб боришdir.

ОДАТЛАРНИ ҚАНДАЙ КУЗАТИБ БОРИШ МУМКИН?

Одатларни қайд этиб бориш маълум одатни қилган ёки қилмаганингизни белгилашнинг осон йўлидир. Унинг энг содда шакли календар сотиб олиб, маълум хатти-ҳаракатни бажарган кунларингизни белгилаб қўйишидир. Мисол учун, душанба, чоршанба ва жума кунлари мединатия билан шуғуллансангиз, календарнинг шу кунларини белгилаб қўйинг. Вақт ўтиши билан календар одатни бажарган пайтларингизни кўрсатувчи ҳужжатга айланади.

Жуда кўп одамлар одатлар таблосини юритишган. Аммо улар ичida энг машҳури Бенжамин Франклин бўлса керак. 20 ёшидан бошлаб у ёнида кичкина дафтарча

олиб юрган ва ўзининг ўн учта шахсий фазилатларини кўзатиб борган. Бу фазилатлар қаторига вақтни бекорга кеткизмаслик, бирон-бир фойдали иш билан шуғулланиш, маънисиз сұхбатлардан қочиш сингарилар кирган. Ҳар бир кун сўнгида у китобчасини очиб, натижаларни белгилаб борган.

Айтишларича, Жерри Сайнфелд латифалар ёзиш одатига содик қолиш учун одатлар таблосидан фойдалана-ди. “Комедиячи” ҳужжатли филмида у ўзининг асосий мақсади ҳар куни латифа ёзиш “занжирини барбод қилмаслик” эканини айтган. Бошқача қилиб айтганда, у латифаларнинг қанчалик күлгили ёки күлгили эмаслиги, илҳоми келган-келмаганига эътибор бермайди. У ҳар куни шу иш билан шуғулланиш ва календардаги белгилар чизигини узмасликка ҳаракат қиласди.

“Занжирни узмаслик” жуда ҳам яхши шиор. Харидорларга қўнғироқ қилиш занжирини узмасангиз, бизнесда муваффақиятга эришасиз. Жисмоний машғулотлар занжирини узмасангиз натижаларни ўйлаганингиздан кўра тезроқ кўрасиз. Ҳар куни янги нарса яратиш занжирини узмасангиз ажойиб портфолио яратасиз. Одат таблоси жуда ҳам самарали, чунки у бир вақтнинг ўзида хулқ-атвор ўзгаришларининг бир нечта қоидаларидан фойдаланади. Унинг шарофати билан одат кўзга ташланадиган, жозибадор ва қониқарли бўлиб қолади.

Шуларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

1-ижобий томон. Одатларни қайд этиб бориш кўзга осон ташланади.

Охирги бажарган ҳаракатингизни ёзib бориш кейингилари учун туртки бўлади. У табиий равища визуал сигналларни ҳосил қиласди. Мисол учун, календардаги белгилар ёки таомномадаги таомлар рўйхати. Календарга ҳар сафар қараб, одатни амалга оширган кунлар занжирини кўрар экансиз, ҳаракатни давом эттириш кераклиги ёдингизга тушади. Тадқиқотларга кўра, одатларини қайд

этіб борадиган инсонлар ортиқча вазндан құтулиш, чекишиң ташлаш ёки қон босимини назорат қилиш каби мақсадларни олдига құйғанида одатларни қайд құлмайдиганларга қараганда яхши натижага эришган. 1600 кишидан ортиқ одам орасыда үтказилған яна бир текширув натижасыға күра, еган овқатларини журналга ёзіб борадиган одамлар буни амалға оширмайдиганларға қараганда иккі баробар күпроқ вазн камайтиришга эришган. Хұлқ-атворни шүнчаки қайд қилиб бориш уни үзгартиришга үндайды.

Одатларни қайд этиб бориш үзингизни алда-маслигингизга ҳам хизмат қиласы. Құпчилик үз хатти-харапатларига холис баҳо бера олмайды. Биз аслига қараганда үзимизни яхшироқ тутдик деб ҳисоблаймиз. Одатларни аниқ күзатиб бориш ушбу субъективликни бартараф этиб, ақвол аслида қандай эканини билишга күмаклашады. Банкадаги қоғоз қистиргичларға күз ташлашнинг үзиёқ қанча иш қилингани (ёки қилиниши кераклиги) ҳақида маълумот беради. Далиллар шундоққина олдингизда турған пайтда үзингизга камроқ ёлғон гапирасыз.

2-ижобий томон. Одатларни қайд этиб бориш жозибали.

Үсишни ҳис қилиш энг яхши мотивациядир. Олдинга қараб ҳарапатланаётганимизни билдирувчи сигнал қабул қылганимизда шу йүлни давом эттиришга бүлгән ишти-ёқимиз ошади. Шу жиҳатдан одатларни қайд этиб бориш мотивациямизга құшимча таъсир күрсатади. Ҳар бир ки-чик ғалаба күчимизга күч құшади.

Бу оғир күнларда, айниқса, асқатиши мүмкін. Түш-күнликка тушган пайтингизда эришган натижаларингизни осонгина үнүтиб құясыз. Қайдларингиз эса ҳозирги күнга этиб келиш учун қанча тер түкканингизни күрсатиб, олға ҳарапатланишга үндайды. Бундан ташқари, ҳар куни әрталаб бүш катакчани күриш сизни ҳарапатта өткізу мүмкін.

Чунки занжирии үзүб қўйиб, ўсишингизга тўғаноқ бўлишни истамайсиз.

З-ижобий томон. Одатларни қайд қилиб бориш қониқарли.

Бу энг мухим ижобий жиҳат. Қайд этиб боришнинг ўзи рағбатлантиришнинг бир турига айланади. Қилиниши керак бўлган ишлар рўйхатидан бирор ишни ўчириб ташлаш, спорт машғулотлари журналига қайдлар ёзиш, календардаги кунни белгилаш одамда қониқиши ҳиссини ҳосил қиласди. Қилаётган ишингизнинг натижаси ўсиб бораётганини кўриш ёқимлидир. Сармояларингиз ҳажмининг ортиб бориши, китоб қўлёзмасининг варажлари кўпайиб бориши сизни қувонтиради ва ҳаракатни давом эттиришга чорлади.

Бундан ташқари, одатларни қайд этиб бориш эътиборингизни керакли томонга йўналтиради. Натижаларга дикқатингизни қаратиш ўрнига жараённинг ўзига кўпроқ эътибор берасиз. Қорин мушакларингиз қачон таранг бўлишини кутмасдан спорт машғулотларини бир кун ҳам қолдирмайдиган одамга айланишга уринасиз.

Хулоса қилиб айтганда, одатларни қайд этиб бориш (1) сизни ҳаракат қилишга ундейдиган визуал сигнал ҳосил қиласди, (2) табиий мотивациялаш хусусиятига эга, чунки ўсишни яққол кўриш мумкин ва уларни йўқотишни истамайсиз, ва ниҳоят (3) одатни муваффақиятли якунлаганингизни қайд қилиш қониқиши ҳиссини беради. Бундан ташқари, у ўзингиз истаган шахсга айланиб бораётганингизнинг исботи бўлиб, бу дарҳол эришиладиган мукофотнинг ёқимли кўринишидир.

Одатларни қайд этиб бориш шунчалик мухим бўлса, у ҳақда нима учун энди оғиз очганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз балки.

Барча ижобий жиҳатларга қарамасдан бу мавзуни китобнинг сўнгги қисмларига қолдирганимнинг оддий

бір сабаби бор. У ҳам бұлса, күпчилик одамлар қайд қилиб бориш ва үлчашни ёқтиришмайды. Бу худди ортиқча юкка үшшайды. У бир вақтнинг үзіда иккита ишни – биз шакллантиришни истаган одат ва уни қайд этиб бориш – бажаришга мажбурлайдигандек гүё. Пархезга амал қилишга қийналаёттан пайтимизда истеъмол қилған таомларнинг калориясини ёзіб бориш ортиқчадек күринади. Иш ошибб-тошиб турған пайтда ҳар бир мижозға қилингандың белгилаб бориш малол келади. Шунчаки “Камроқ ейман”, “Қаттиқроқ ҳаракат қиласынан”, “Буни бажариш эсимдә туради” дейиш осонроқ туюлади. “Қабул қилған қарорларимни ёзіб борадиган журналим бор, аммо уни истаганимдан күра камроқ ишлатаман” ёки “Спорт машқларимни бир ҳафта қайд қилиб борғанман, кейин бу ишни ташлаб қўйдим”, деган гапларни кўп эшитаман. Үзим ҳам шундай воқеаларни бошимдан ўтказғанман. Мен ҳам еган овқатларимдаги калорияларни ёзіб боришига аҳд қилгандим. Бироқ биринчи таомдан кейин қайта ёзолмаганман.

Қайдларни юритиб бориш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайды. Бутун ҳаётингизни кузатиб боришига эҳтиёж ҳам йўқ. Аммо ушбу усул ҳаммага фойда келтириши мумкин, ҳатто вақтинчалик синааб кўрилганда ҳам.

Одатларни қайд қилиб боришиңи қандай қилиб осонлаштириш мумкин?

Биринчидан, имкони бўлди дегунча уни автоматлаштириш керак. Ўзингиз англамаган ҳолда қанча ишларни қайд қилаётганингизни билиб ҳайрон қолишингиз мумкин. Пластик картангиз кўчада неча марта овқатлаганингизни қайд қиласи. “Fitbit” иловаси эса неча қадам юриб, неча соат үхлаганингизни белгилаб боради. Календарингиз бир йил ичидә қаерларга борганингизни кўрсатади. Маълумотларни қаердан олишни билиб олганингиздан кейин ҳафта ёки ойнинг маълум кунини

уларни таҳлил қилишга ажратишиңгиз мүмкін бўлади. Бу одатларни ҳар куни қайд этиб боришга нисбатан анча осонроқдир.

Иккинчидан, ўз қўлингиз билан фақат энг мұхим одатларни қайд этиб боришиңгиз керак. Ўнта одатни унда-бунда қайд этиб боргандан, биттасини доимий кузатиб борган маъқулроқ.

Ва ниҳоят, ҳар бир қайдни одатни бажариб бўлибоқ киритиш керак. Ишнинг тугалланиши уни ёзиб қўйиш учун сигнал бўлиб хизмат қиласи. Бу 5-бобда кўриб чиқкан одатларни тахлаш үсулини одатларни қайд қилиб бориш үсули билан уйғунлаштириш имконини беради.

Одатларни тахлаш ва уларни қайд этиб боришининг биргаликдаги формуласи:

**[ХОЗИРГИ ОДАТ]ни тугатгандан кейин мен [УШБУ
ОДАТНИ ҚАЙД] қиласман.**

- Битта мижозга қўнғироқ қилиб бўлганимдан кейин битта қоғоз қистиргични бир банкадан бошқасига ўтказиб қўяман.
- Спорт залида маълум машқни бажариб бўлганимдан сўнг уни машғулотлар журналига ёзиб қўяман.
- Идишларимни идиш ювиш машинасига солиб қўйганимдан кейин бугун еган овқатимни журналга киритаман.

222 | Ушбу үсуллар одатларни қайд этиб бориши осонлаштиради. Хатти-ҳаракатларингизни қайд этишни ёқтири-майдиган инсон бўлсангиз ҳам, уларни бир неча ҳафта кузатиб бориш сизга ажойиб маълумотлар бериши мүмкін. Вақтингизни аслида қандай сарфлаётганингизни билиш доимо қизиқ бўлади.

Шундай бўлса ҳам одатлар занжири қачондир узилади. Айнан шу вақтда нима қилиш кераклигини олдиндан режалаштириш ҳар қандай қайдномадан яхшидир.

ОДАТЛАРДА УЗИЛИШ БҮЛГАНДА ҮЗИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ҮНГЛАБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН?

Одатларингизни мунтазам давом эттиришга қанчалик уринманг, ҳаётда у ёки бу сабабга кўра узилиш бўлиши мумкин. Муқаммалликка эришишнинг имкони йўқ. Ундан-бунда кутилмаган воқеа рўй бериши мумкин. Касал бўлиб қолишингиз, хизмат сафарига кетишингиз ёки оиласнгизга кўпроқ вақт ажратишингиз керак бўлиб қолиши мумкин.

Шунга ўхшаш ҳодиса рўй бергандан мен оддий қоидани эслайман: ҳеч қачон одатни икки марта ўтказиб юборма!

Агар бир марта одатни бажармай қолсам, унга иложи борича тезроқ қайтишга ҳаракат қиласман. Спорт машғулотларига бир марта қатнаша олмасам, яна биттасини ўтказиб юборишга йўл қўймайман. Баъзан пица еб қўйишим мумкин, аммо унинг ортидан ҳеч қачон иккинчи носоғлом овқат истеъмол қилмайман. Мен муқаммал эмасман, бироқ хатоларимни такрорламасликка ҳаракат қиласман. Битта занжир узилди дегунча, янгисини тузишга ҳаракат қиласман.

Биринчи хато унчалик ҳам катта зарар келтирмайди.¹ Бирин-кетин келадиган хатолар занжири эса хавфлидир. Бир марта одатни ўтказиб юбориш бу кутилмаган ҳодиса, икки марта ўтказиб юбориш эса бу янги одатнинг бошланишидир.²

¹ Ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, бир марта одатни ўтказиб юбориш узоқ муддат давомида одат шаклланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бу хато қачон юз берганига ҳам боғлиқ эмас. Яна одатга қайта олсак бўлгани, ҳаммаси жойида. Қаранг: Phillipa Lally et al., "How Are Habits Formed: Modelling Habit Formation in the Real World," European Journal of Social Psychology 40, no. 6 (2009), doi:10.1002/ejsp.674.

² "Бир марта одатни ўтказиб юбориш бу кутилмаган ҳодиса, икки марта ўтказиб юбориш эса бу янги одатнинг бошланишидир". Онт ичиб айтаманки, бу ёки шунга ўхшаш сўзларни қаердадир ўқиганман. Аммо манбани қидиришига бўлган барча уринишларим бесамар кетди. Балки, буни ўзим яратгандирман. Аммо тахминимча, бу сўзлар бирон-бир даҳонинг қаламига мансуб.

Айнан шу жиҳат мұваффақиятли кишиларни мұваффақиятсизлардан ажратиб туради. Ҳар қандай инсон ҳаёти давомида үнчалик яхши иш бажара олмаслиги, машғулотларда үзини күрсата олмаслиги ёки ишда қийинчиликларга дуч келиши мүмкін. Аммо мұваффақиятли одамлар бундай воқеалардан кейин үзини дарров үнглаб олади. Агар тез үзингизга келадиган бұлсақ, одат занжиридаги үзилиш үнчалик аҳамиятли әмас.

Бу тамойил шу қадар мұхимки, одатни үзим истаган даражада сифатли ёки тұлалигича бажара олmasам ҳам, уни қилишда давом этавераман. Қўпинча одатларга “ҳамма нарса ёки ҳеч нарса” деган фикр билан ёндошамиз. Хато қилиш мұаммо әмас. Агар бирор нарсаны мұкаммал қила олмасак, унга құл үрмаган маъқул деб фикрлаш эса аксинча, мұаммодир.

Хатто оғир ёки банд күнларингизда ҳам бирон одатни қилишда давом этиш нақадар мұхим эканини тушунтириб бериш қийин. Үтказиб юборган күнларингиздан келадиган зарар мұваффақиятли күнларнинг фойдасидан кўпроқдир. Агар 100 доллар билан тижорат бошласангиз, 50 фоиз фойда олганингизда 150 долларга эга бўласиз. Бироқ 33 фоизли йўқотиш натижасидаёқ дастлабки ҳолатта қайтиб қоласиз. Бошқача қилиб айтганда, 33 фоизли йўқотишнинг кучи 50 фоизли фойда билан teng. Чарли Мунгер айтганидек: “Кўпайиб борадиган фоизларнинг биринчи қоидаси шундаки, ҳеч қачон уни бехудага тўхтатманг”.

Шу сабабдан ҳам “ёмон” спорт машғулотлари бошқа күнлардан ҳам мұхимроқ бўлиши мүмкін. Ланж күнлар ва кутилгандан ёмонроқ бўлган машғулотлар пайтида сиз аввалги күнлар давомида тўплаган ютуқларингизни сақлаб турасиз. Ҳеч бўлмагандан бирор нарса қилинг, ўн марта ўтириб туринг, қисқа масофага югуринг, қўлларингизга таяниб юзтубан ётиб туринг. Ҳеч нарса қилмасликка асло йўл қўя кўрманг. Йўқотишлар даромадингизни камайтириб юборишига имкон берманг.

Бундан ташқари, машғулотлар давомида айнан ни ма қилишингиз асосий масала эмас. Асосийси – машғулотларни қолдирмайдиган одамга айланишdir. Машқулар пайтида ўзингизни яхши ҳис қилаётган бўлсангиз, бу жуда ҳам ажойиб, чунки спорт билан шуғулланиш осонроқ бўлади. Аммо бу иш ёқмаган тақдирда ҳам, ўйлаган натижаларингизга эриша олмаган тақдирингизда ҳам машғулотларга доимий равишда қатнаш ўта мухимdir. Спорт залига беш дақиқагагина бориш, балки, кучингизни оширмас, лекин у янги шахсиятингизни кучайтиради.

“Ҳамма нарса ёки ҳеч нарса” қабилида фикрлаш одатларингизни издан чиқариб юборадиган хатоликлардан биридир. Яна бир бошқа ҳавф шундаки, айниқса, одатларни қайд қилиш усулидан фойдаланганингизда нотўғри нарсаларни ўлчаётган бўлишингиз мүмкин.

ҚАЧОН ОДАТЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ (ЁКИ ЭТМАСЛИК) КЕРАК?
Айтайлик, сиз ресторон эгасисиз ҳамда бош ошпазингиз қай дараражада ишлаётганини баҳоламоқчисиз. Унинг муваффақиятини билишнинг бир йўли нечта мижоз таом буюртма қилаётганини ҳисоблашдир. Агар кўп мижозлар келса, бу овқат мазали эканини билдиради. Агар камроқ одам келаётган бўлса, демак, қандайдир бир камчилик бор.

Бироқ ушбу биргина кўрсаткич, яъни кунлик тушум миқдори, юз берадиган воқеаларни тўлалигича ёритиб бера олмайди. Кимдир овқат сотиб олган бўлса, бу ҳали улар овқатдан лаззатланганини билдирамайди. Ҳатто таомдан кўнгли тўлмаган мижоз ҳам пул тўламай қочиб кетиши қийин. Агар фақат кунлик даромадни ҳисоблайдиган бўлсак, овқат сифати ёмонлашса ҳам, реклама, чегирмалар ёки бошқа усувлар билан мижозларни жалб қилишда давом этаётган бўлишингиз мүмкин. Бунинг ўрнига овқатини охиригача еб қўйган ёки яхшигина чойчақа ташлаб кетган мижозлар сонини аниqlаш самаралироқ бўлади.

Одатларни қайд қилиб боришнинг салбий жиҳати шундаки, биз баъзан рақамларга алданиб одатнинг асл мазмунини ёддан чиқариб қўйишимиз мумкин. Агар муваффақият квартал даромадлари билан ўлчанса, савдо, пул айланмаси ва бухгалтерия ҳисоб-китобларини шунга мувофиқ ўзгаририша бошлайсиз. Агар тарозидаги вазнингиз мақсадга эришган ёки эришмаганингизни белгиласа, унда вазнни камайтиришнинг барча усуллари: экстремал парҳез, тозаловчи шарбатлар, ёғларни эритувчи дориларни синааб кўришга тайёр бўласиз. Инсон онги ўзи иштирок этаётган ҳар қандай ўйинда ғолиб бўлишни истайди.

Фикрлашдаги бундай хатоларни ҳаётнинг кўп жабҳалирида кўриш мумкин. Мазмунли иш ўрнига неча соат ишлаганимизга эътибор берамиз. Соғлом бўлишдан кўра ўн минг қадам юриш биз учун мухимроқ. Ўқувчиларда фанга бўлган қизиқиш, тўғри ўрганиш усуллари ва танқидий фикрлашни шакллантириш ўрнига уларни стандартлаштирилган тестларга тайёrlаймиз. Қисқача қилиб айтганда биз ниманини ўлчай олсак шу нарсани оптималлаштиришга интиламиз. Агар нотўғри нарсаларни ўлчайдиган бўлсак, унда нотўғри хулқ-атворни шакллантирамиз.

Бу ҳодиса фанда Гудхарт қонуни деб аталади. У иқтисодчи Чарльз Гудхарт томонидан яратилган бўлиб, унга кўра, ўлчов бирлиги мақсадга айланганда у яхши ўлчов бирлиги бўлмай қолади. Ўлчовлар бутун эътиборимизни ўзига қаратганда эмас, балки бизга тўғри йўлни кўрсатиб, масалани яхшироқ тушунишга ёрдам берганда фойдалидир. Ҳар бир рақам умумий тизимда шунчаки битта қайта алоқадир.

Хозирги ахборот орқали бошқариладиган дунёда биз рақамларга ортиқча баҳо бериб, ўзгарувчан, юмшоқ ҳамда ҳисоблаш қийин бўлган нарсаларни етарлича қадрламаймиз. Биз ўлчанадиган омиллардан бошқа

ҳеч нарса йўқ деган хато фикрга борамиз. Бироқ бирор нарсани ўлчаш мумкинлиги ҳали унинг энг мұхим эканини күрсатмайди. Ва аксинча, бирор нарсани ўлчашнинг иложи йўқлиги унинг аҳамиятсизлигини билдирмайди.

Айтмоқчиманки, одатларни қайд қилиб боришни ўз меъёрида бажариш мұхим. Одатни қайд этиб, ўсишни кузатиш қониқиши ҳиссини ҳосил қиласы, албатта. Бироқ ўлчов аҳамиятга эга ягона нарса бўлиб қолмаслиги лозим. Бундан ташқари, ўсишни турли усувлар билан ўлчаш мумкин. Вақти-вақти билан эътиборимизни бутунлай бошқа жиҳатларга қаратиб туриш ниҳоятда фойдалидир.

Шунинг учун ҳам тарозига боғлиқ бўлмаган ғалабалар ҳам вазнни камайтиришга ёрдам бериши мумкин. Тарозидаги рақам узоқ вақт ўзгармай туриб қолиши мумкин. Агар фақат унга қараб иш юритадиган бўлсангиз, мотивациянгизни йўқотиб қўйишингиз мумкин. Аммо сиз терингиз чирой очиб бораётганини, эртароқ уйфонаётганингизни ёки жинсий майлингиз ортганини сезишимиз мумкин. Буларнинг барчаси олдинга силжиётганингизни кузатишнинг синашта йўлидир. Агар тарозидаги рақам сизни етарлича рағбатлантира олмаётган бўлса, балки ўсишни кузатиш учун бошқа жиҳатларга эътибор бериш вақти келгандир?

Ўзгаришларни ўлчашда нимадан фойдаланаётганингиздан қатъи назар, улар одатларни қониқарлироқ қилишнинг осон усулидир. Ҳар бир ўлчов тўғри йўлдан кетаётганингизга ишонч ҳосил қилишга ва кичик бўлса ҳам муваффақиятни ҳис қилишга кўмаклашади.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Ўсишни ҳис қилиш энг ёқимли ҳислардан биридир.
- Одатларни қайд қилиб бориш уларни қилган ёки қилмаганингизни кўрсатувчи оддий усулдир. Масалан, календардаги белги.

- Одатларни қайд қилиб бориш ва ўлчовнинг бошқа визуал шакллари ўсишни кўрсатиб бериш йўли билан одатни бажаришдаги қониқишиссини кучайтиради.
- Занжирни узманг. Одатларни узилишларсиз бажаришга ҳаракат қилинг.
- Ҳеч қачон одатни икки марта қолдирманг. Бир марта ўтказиб юборишингиз билан одатларни давом эттиришга ҳаракат қилинг.
- Агар бирор нарсани ўлчашнинг иложи бўлса, бу ҳали унинг энг муҳим жиҳат эканини билдирамайди.

17

ОДАТ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДҮСТЛАР ЁРДАМИ

Иккинчи жағон үрушида учувчи бўлиб хизмат қилган Рожер Фишер үрушдан кейин Ҳарвард ҳуқуқ мактабида ўқиди ва 34 йил давомида музокаралар ва муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланади. У Ҳарвард музокаралар лойиҳасига асос солган ва кўплаб давлатлар ва давлат раҳбарлари билан биргаликда тинчлик битимлари, гараводагиларни озод қилиш ва дипломатик келишувларга эришишда қатнашган. Аммо фақат ўтган асрнинг 70-80-йилларидағина, ядро үруши хавфи ошганида у ўзининг энг антиқа ғоясини яратган.

Ўша вақтларда Фишер ядро үруши олдини олишга қаратилган стратегиялар устида ишлаётганди. Шунда у хавотирли жиҳатга эътибор берди. Ҳар қандай амалдаги президент ядрорий ракеталарни учирис кодларига эга ва миллионлаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин эди. Бироқ уларнинг ҳеч бири бу одамларнинг ўлишини кўрмасди, чўнки улар воқеа жойидан минглаб километр узоқда ўтиришарди.

“Менинг таклифим жуда оддий эди, – дея ёзади у 1981 йилда. – Ўша [ядровий] кодни кичкина капсулага солиб уни бирон-бир кўнгиллининг юраги яқинига имплант қилиб жойлаштирилади. Ушбу кўнгилли президент ёнида бўлар экан, ўзи билан худди қассобларникideк катта пичоқ олиб

юради. Агар қачондир президент ядрөвий қуролларни ишга солишины истаса, буни амалга оширишнің ягона йүли аввал үз құллари билан бир инсонни үлдириш бўларди. Президент унга Жорж, мени кечир, аммо ўн миллионлаб одам ўлиши керак, дейди. У бошқа бир одамнинг кўзига тик қараб ўлим, айниқса, бегуноҳ кишининг ўлими нима эканини тушуниши керак бўлади. Оқ уй гиламларида қон оқиши керак эди. Бундай вазият ҳамманинг ҳушёргилигини оширади.

Мен буни Пентагондаги дўстларимга айтганимда, улар менга: “Ё худойим, бу қўрқинчли-ку! Кимнидир үлдириш президентнинг тўғри фикрлашига тўқинлик қиласди. У ҳеч қачон тугмачани босмаслиги мумкин”, — дейишган”.

Хулқ-атвор ўзгаришининг 4-қоидаси ҳақида гаплашганимизда яхши одатни бажариш дарҳол қониқиш ҳисси ҳосил қилиши нақадар муҳим эканини айтиб ўтгандик. Фишернинг таклифи эса бунинг айнан акси, яъни ишҳаракат дарҳол қониқарсизлик ҳиссини пайдо қилиши керак.

Охири қониқарли бўлган ҳаракатни кўпроқ тақрорлаганимиз сингари охири оғрикли бўлган ҳаракатлардан ўзимизни нари тутамиз. Оғриқ бу жуда ҳам яхши тарбиячидир. Агар муваффақиятсизлик оғрикли бўлса, унинг сабаби бартараф этилади. Агар у оғриксиз бўлса, унга эътибор ҳам бермаймиз. Хатоликни кўнглишимизга қанчалик яқин олсак ва у бизга қанчалик қимматга тушса, биз ундан шунчалик тез ўрганамиз. Одамларда ёмон таассурот қолдирмаслик учун пайвандчи яхши ишлашга ҳаракат қиласди. Мижозлар келмай қолишидан қўрқсан ресторон яхши таом тайёрлашга уринади. Нотўғри қон томирни кесиб қўйиш нақадар қимматга тушишини биладиган жарроҳ одам анатомиясини сидқидилдан ўрганади ва эҳтиёткорлик билан операция қиласди. Оқибатлар оғир бўлганда одамлар жуда тез ўрганади.

Оғриқ қанчалик тез пайдо бўлса, биз маълум ҳаракатни шунчалик кам бажарамиз. Агар ёмон одатларнинг олдини олиб, носоғлом ҳаракатлардан қутулмоқчи бўлсак, уларни бажариш пайтида қурбон талаб қилиш катта самара беради.

Ёмон одатлар ҳам у ёки бу тарзда бизга хизмат қилади. Шу сабабдан ҳам улардан тўлалигича воз кечиш қийин кечади ва уларни такрорлашда давом этамиш. Бунга қарши кураш усуллари ичида мен энг яхшиси деб ҳисоблайдиганим маълум хатти-ҳаракатни жазолашни тезлаштиришдир. Ҳаракат ва үнинг оқибатлари орасида ҳеч қандай узилиш бўлмаслиги керак.

Ҳар бир ҳаракатнинг оқибатларини дарҳол ҳис қиласидиган бўлсак, хулқ-авторимиз ўзгара бошлайди. Кечиккан тўлов учун жарима белгиланса, мижозлар тўловларни вақтида амалга ошира бошлайди. Талабаларнинг давомати уларнинг баҳосига таъсир кўрсата бошласа, улар машғулотларга мунтазам қатнаша бошлайди. Дарҳол юзага келадиган озгинагина оғриқдан қочиш учун кўп нарсаларга тайёрмиз.

Албатта, бу усулнинг ҳам чегараси бор. Агар хулқ-авторни ўзgartиришда жазодан фойдаланмоқчи бўлсак, жазонинг кучи тўғирламоқчи бўлган одатингизнинг кучи билан мутаносиб бўлиши керак. Маҳсулдорлик ошиши учун ишни ортга суриш уни бажаришдан қимматга тушиши керак. Саломат бўлишни мақсад қилсангиз, танбаллик жисмоний машқлардан кўра оғирроқ бўлиши зарур. Ресторанда чекиш ёки чиқиндишларни қайта ишламаганлик учун жарима белгилаш уларнинг оқибатларини оғирлаштиради. Жазо етарли даражада кучли бўлиб, доимий қўллангандагина хулқ-автор ўзгара бошлайди.

Умуман олганда оқибат қанчалик йўналган, сезиларли, аниқ ва тезкор бўлса, үнинг алоҳида хулқ-авторни ўзгартира олиш эҳтимоли шунчалик ортади. Оқибат умумий, унчалик сезилмайдиган, ноаниқ ва кечиккан бўлса, үнинг таъсири шунчалик камаяди.

Бахтимизга ҳар қандай ёмон одатни оғирлаштиришнинг оддий усули бор. У ҳам бўлса одат шартномасини яратишдир.

ОДАТ ШАРТНОМАСИ

Хавфсизлик камарини тақиши бўйича биринчи қонун 1984 йил 1 декабрда Нью-Йоркда кучга кирган. Ўша вақтларда АҚШдаги одамларнинг 14 фоизигина хавфсизлик камарларидан доимий равишда фойдаланишган. Бироқ бу ҳолат тез орада ўзгариб кетди.

Беш йил ичida мамлакатнинг ярмидан кўпида хавфсизлик камари бўйича қонунлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда элликта штатнинг қирқ тўққизтасида хавфсизлик камарларини тақиши мажбурийдир. Нафакат қонунчилик, балки хавфсизлик камаридан фойдаланадиган одамлар сони ҳам сезиларли ортди. 2016 йилда автомобилга ўтириши биланоқ камарни тақиб оладиган одамлар сони 88 фоизни ташкил қилган. Ўттиз йил ичida миллионлаб одамларнинг одатлари бутунлай ўзгариб кетди.

Қонун-қоидалар ҳукумат ижтимоий келишув яратиш йўли билан фуқароларнинг одатларини ўзгартира олишига мисол бўла олади. Жамият сифатида биз маълум қоидаларга амал қилишга келишиб оламиз ва буни жамоа сифатида назорат қиласиз. Ҳар сафар хавфсизлик камарини тақиши, ресторонларда чекишини тақиқлаш, чиқиндиларни мажбурий равишда қайта ишлаш сингари янги қонун кучга кирганда ижтимоий келишув одатларимизни ўзгартиради. Гуруҳ маълум бир тарзда ўзини тутишга келишади. Кимки бунга амал қиласа жазоланади.

Ҳукумат фуқароларнинг жавобгарлигини оширишда қонунлардан фойдалангани каби сиз ҳам ўз жавобгарлигингизни ошириш учун одат шартномасидан фойдаланишингиз мумкин. Одат шартномаси бу ўзингизни

маълум йүсінде тутиш ва бүнга амал құлмаганингизда қандай жазо чоралари күрилишини белгиловчи ёзма ёки оғзаки келишувдир. Сүңг бир-иккі кишини топиб, улар билан бир-бириңгиз олдида жавоб берадиган шерикларга айланасиз ва шартнома имзолайсиз.

Теннеси штаты Нэшвилл шаҳридан бүлган тадбиркор Брайан Харрис мен билган одамлар ичиде бириңчи бўлиб ушбу стратегияни амалга татбиқ қилган. Ўғли дунёга келгандан кейин Харрис бир неча килограммга озиши кераклигини тушунди. У ўзи, рафиқаси ва шахсий мураббийи билан одат шартномаси имзолади. Шартноманинг бириңчи нусхасида шундай ёзилган: “Брайяннинг 2017 йил бириңчи чорақдаги асосий мақсади яна соғлом овқатланишга қайтиш, ўзини яхши ҳис қилиш ва яхши кўринишдир. Унинг узоқ муддатли режаси эса 90 килограмм вазн ва 10 фоизлик танадаги ёғ ҳажмига эришишдир”.

Юқоридаги қарордан кейин Харрис ўзининг мақсадига қандай эришиш режасини келтирган:

- 1-босқич: бириңчи чорақда қатъий “кам углеводли” парҳезга қайтиш.
- 2-босқич: иккинчи чорақда макроэлементларнинг қийматини ҳисоблаб бориш дастурини бошлаш.
- 3-босқич: учинчи чорақда парҳез ва жисмоний машқулар тартибини давом эттириш ва такомиллаштириш.

Хужжатнинг кейинги қисмларида у мақсадга эришишга ёрдам берадиган кундалик одатларни бирма-бир келтирган. Мисол учун, ҳар куни истеъмол қилган овқат маҳсулотларини ёзib бориш ҳамда вазнни ўлчаш.

Шундан сүңг у мажбуриятларини бажара олмаса қандай жазо қўлланиши белгилаган: “Агар Брайан юқоридаги иккита мажбуриятни бажармаса, қуйидаги чоралар кўрилиши мумкин: У чорак охиригача ҳар куни эрталабдан расмий кийимда юради. Яъни жинси шимлар,

футболка, капюшонли кийим ёки шортилар кийиши мүмкін эмас. Бундан ташқари, у бир күн еган овқатларини ёзіб боришни қолдирса Жоейга (шахсий тренерига) үзи билганича ишлатиш үчүн 200 доллар беради”.

Хұжжат сүнгіда Харриснинг үзи, рафиқаси ва тренери шартномага имзо чеккан.

Буны бириңчи марта күрганимда у менга ортиқча, расмий, кераксиздектүүлди. Бироқ Харриснингайтишича, шартномани имзолаш жиbddийлик рухини беради. “Агар шу жойини қолдиреб кетсам, — дейди у, — үзимни дархол бүш қүйе бошлайман”.

Уч ойдан сүнг у бириңчи чорак үчүн қүйған мүлжалларига эриша бошлади ва үз олдига каттароқ мақсадлар қүйиб, жазо чораларини ҳам кучайтируди. Агар углеводлар ва оқсиллар бүйича мажбуриятларини бажара олмаса, тренерига 100 доллар тұлаши керак эди. Агар вазнини үлчаш эсидан чиқыб қолса, у рафиқасига үзи истаганча фойдаланиш үчүн 500 доллар бериши керак эди. Энг ёқимсиз жазо югуриш машқларини бажариш эсдан чиқыб қолғанда бүларди. У ишга ҳар куни расмий кийимда бориши ва севимли Оберн жамоасининг ашаддий рақиби бүлган Алабама жамоасининг бөш кийимини кийиб юриши керак эди.

Усул самара берди. Шартномада нима қилиш кепреклиги аниқ ёзіб қүйилгани ва рафиқаси ҳамда тренери олдида жавобгар бүлгани сабабли у вазнини камайтиришга эришди.

Ёмон одатни қониқарсиз қилишнинг энг яхши йўли бу уни дархол жазолашдир. Одат шартномасини тузиш айнан шу ишни амалга оширишга мүлжалланган.

Тұлық одат шартномаси имзоламасанғиз ҳам, шунчаки олдида жавоб берадиган бирон-бир кишиңгиз бўлиши етарли бўлади. Ҳажвиячи Маргарет Чо ҳар куни бирор латифа ёки қўшиқ ёзади. У дўстлари билан “ҳар

күни битта қүшиқ” мусобақасини үйнайды ва натижада жавобгарлик ортади. Кимдир кузатиб турганини билиш бу күчли стимулловчи воситадир. Бирон-бир ишни ортга суриш ёки үндан воз кечишнинг оқибатларини дарҳол ҳис қилганингиз учун бундай бўлиш эҳтимоли камаяди. Агар ишни охирига етказмасангиз одамлар кўзига сўяниб бўлмайдиган ёки дангаса инсондек кўринасиз. Сиз нафақат ўзингизга берган ваъдангизни, балки бошқаларга берган ваъдангизни ҳам бажармаётган бўласиз.

Бу жараённи автоматлаштириш ҳам мумкин. Колорадо штати Боулдер шахрилик тадбиркор Томас Франк ҳар күни эрталаб 5:55 да үйғонади. Агар у шундай қилмаса автоматлаштирилган хабар жўнатиласди. Унда “Соат 6:10 бўлди. Дангасалигим туфайли ҳали ҳам турганим йўқ! Кимки PayPal орқали 5 доллар ўtkазиб беришимни истаса жавоб ёёсин (5 тагача жавоб ёзишингиз мумкин). Агар соатим бузилиб қолмаган бўлса”.

Биз доим бошқаларга ўзимизни яхши қилиб кўрсатишига ҳаракат қиласми. Ҳар күни сочимизни тараб, тишилизни ювамиз ва яхши кийимлар кийиб кўчага чиқамиз. Чунки бу одатлар одамларда яхши таассурот қолдиришини биламиз. Бўлажак иш берувчилар, яқинларимиз ва дўстларимизга кўрсата олиш учун юқори баҳолар олиб, нуфузли мактабларда таълим олишга интиламиз. Биз атрофимиздагиларнинг фикри билан ҳисоблашамиз, чунки уларга бу ёкиши биз учун фойдалидир. Шу сабабдан ҳам олдида жавоб берадиган одамнинг бўлиши ёки одат шартномасини имзолаш самарали ҳисобланади.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Хўлқ-атвор ўзгаришининг 4-қоидасига тескари равишда ёмон одатлар қониқарсиз бўлиши керак.
- Агар маълум хатти-ҳаракат оғриқли ёки қониқарсиз бўлса биз уни камроқ такрорлаймиз.

- Олдида жавоб берадиган инсоннинг бўлиши натижасида ҳаракатсизликнинг оқибатларини дарҳол ҳис қиласиз. Бошқалар биз ҳақимизда нима деб ўйлашаётгани билан доим ҳисоблашамиз. Улар биз ҳақимизда ёмон фикрга эга бўлишларини истамаймиз.
- Ҳар қандай иш-ҳаракатнинг ижтимоий оқибатларини оғирлаштириш учун одат шартномасидан фойдаланиш мумкин. Натижада ваъдамизнинг устидан чиқа олмасак, бошқалар олдида шарманда бўласиз.
- Кимдир кузатиб турганини билиш кучли стимулловчи воситадир.

Яхши одатни қандай ҳосил қилиш мүмкин?

Биринчи қоида: Одат кўринарли бўлиши керак

- 1.1: Одатлар табелини тўлдиринг. Ҳозирги одатларнгиздан огоҳ бўлиш учун уларнинг рўйхатини тузинг.
- 1.2: Татбиқ этиш ниятидан фойдаланинг: “Мен [ВАҚТ] ва [ЖОЙ]да [ИШ]ни бажараман”.
- 1.3: Одатларни тахлаш усулидан фойдаланинг: “[ХОЗИРГИ ОДАТ]ни бажариб бўлганимдан сўнг [ЯНГИ ОДАТ]га ўтаман”.
- 1.4: Атрофингиздаги муҳитни ўзингиз яратинг. Яхши одатларга туртки берадиган сигналлар ёрқин ва кўзга осон ташланадиган бўлсин.

Иккинчи қоида: Одат жозибали бўлиши керак

- 2.1: Қизиқишлиарни боғлаш усулидан фойдаланинг. Қилингиз керак бўлган ишни қилишни истаётган ҳаракат билан боғланг.

- 2.2: Сиз үзлаштиromoқчи бўлган хулқ-атвор нормал ҳолат бўлган жамоага қўшилинг.
- 2.3: Мотивацияловчи маросим яратинг. Мураккаб одатни бажариб бўлишингиз билан ўзингизга ёқадиган бирон-бир иш қилинг.

Учинчи қоида: Одат осон бўлиши керак

- 3.1: Тусикларни камайтиринг. Яхши одатни бажариш учун қилинадиган ишлар сонини камайтиринг.
- 3.2: Мұхитга ишлов беринг. Келажақда мәтлум ҳаракатни бажариш енгил кечиши учун мұхитни тайёрланг.
- 3.3: Ҳал қылувчи онни қўлдан бой берманг. Катта таъсирга эга бўлган кичик қарорларни оптималлаштиринг.
- 3.4: Икки дақиқа қоидасидан фойдаланинг. Одатни бажариш учун икки дақиқа етарли бўлмагунча уни соддалаштиринг.
- 3.5: Одатларингизни автоматлаштиринг. Келажақда хулқ-атворингизни енгиллаштирадиган технологиялар ва бир марталик харидларга сармоя киритинг.

Тўртинчи қоида: Одат қониқарли бўлиши керак

- 4.1: Мустаҳкамлашдан фойдаланинг. Одатни бажариб бўлгандан сўнг ўзингизни дарҳол мукофот билан сийланг.
- 4.2: “Ҳеч нарса қилмаслик”дан роҳатланишингиз керак. Ёмон одатларни бажармаганингизда бундан наф кўриш йўлларини яратинг.
- 4.3: Одатлар таблосини юритинг. Одат занжирини яратинг ва уни зинҳор уза қўрманг.
- 4.4: Ҳеч қачон одатни икки марта ўтказиб юборманг. Бирон-бир одатни бажариш ёддан чиқиб қолса, дарҳол тартибни тиклашга ҳаракат қилинг.

Ёмон одатлардан қандай халос бўлиш мумкин?

Биринчи қоиданинг акси: Одат кўз илғамас бўлиши керак

1.5: Ёмон одатларга турткি берадиган сигналлар билан тўк-
наш келишни камайтириш учун уларни атрофингиздаги
мұхитдан олиб ташланг.

Иккинчи қоиданинг акси: Одат жозибасиз бўлиши керак

2.4: Фикрлаш тарзингизни ўзгартиринг. Ёмон одатни бажар-
маслик қанчалик фойда келтиришига урғу беринг.

Учинчи қоиданинг акси: Одат қийин бўлиши керак

3.6: Тўсикларни кўпайтиринг. Ёмон одатни бажариш учун
қилинадиган ишлар сонини кўпайтиринг.

3.7: Мажбурият қурилмасидан фойдаланинг. Келажакда
танлаш мумкин бўлган ишлар фақат фойдали ҳара-
катлар билангина чеклансин.

Туртинчи қоиданинг акси: Одат қониқарсиз бўлиши керак

4.5: Олдида жавоб берадиган шерик топинг. Бирон-бир
кишидан хулқ-авторингизни назорат қилиб боришини
сўранг.

4.6: Одат шартномасини тузинг. Ёмон одат учун
тўланадиган ҳақ ҳаммага кўриниб турадиган ва
оғриқли бўлсин.

ИЛФОР ҰСУЛЛАР

ЯХШИДАН ЧИНАКАМ
БҮҮКҚА ҚАНДАЙ
АЙЛАНИШ МУМКИН?

18

ИСТЕЙДОД ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ (ИРСИЯТ ҚАЧОН АҲАМИЯТЛИ БҮЛДИ?)

Күпчилик тарихдаги энг буюк спортчилардан бири ҳисобланувчи Майл Фелпсни яхши таниса керак. Фелпс нафақат сузиш бўйича, балки барча спорт турлари бўйича ҳисобланганда ҳам энг кўп Олимпия медалига сазовор бўлган.

Ҳишом ал-Герруж ҳақида эса камроқ одам билса керак. Аммо у ҳам ўз соҳасининг буюк спортчиларидан бўлган. Ҳишом марокашлик енгил атлетикачи бўлиб, икки марта Олимпия медалини қўлга киритган. У тарихдаги энг яхши ўрта масофага югурувчи спортчидир. Узоқ йиллар давомида у бир миль, 1500 метр ва 2000 метрлик югуриш мусобақаларида жаҳон рекордини ушлаб турган. 2004 йил Грециянинг Афина шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида у 1500 ва 5000 метрлик югуриш мусобақаларида олтин медалга сазовор бўлган.

Бу икки спортчи бир-биридан кўп жиҳатдан фарқ қиласди. Мисол учун, бири қуруқликда, иккинчиси сув спорти билан шуғулланади. Улар бўй узунлиги бўйича бир-биридан, айниқса, кўп фарқ қиласди. Ҳишомнинг бўйи 175 сантиметр, Фелпс эса 193 сантиметр. Бироқ улар орасидаги деярли йигирма сантиметрлик фарққа қарамасдан иkkala спортчи ҳам бир хил ўлчамли шим кияди.

Қандай қилиб? Фелпснинг оёқлари бўйига нисбатан калта, гавдаси эса узунроқ. Бу сузиш учун жуда қўл келади. Ҳишомнинг гавдаси калта, оёқлари эса жуда узун. Бундай тана тузилиши югуриш учун жуда қулай.

Бу икки жаҳон миқёсидаги спортчи бир-бирлари билан ўрин алмashiшди, деб тасаввур қилайлик. Юқори тоифали спортчи эканини ҳисобга олган ҳолда Майкл Фелпс етарлича тайёргарликдан сўнг югуриш бўйича Олимпиадағолиби бўла олармиди? Бундай бўлиши қийин. Фелпснинг энг юқори тайёргарлик пайтидаги вазни 88 килограмм эди. Бу Ҳишомнинг ўта енгил 62,5 кг вазнидан 40 фоизга кўпроқ. Бўйи баланд спортчиларнинг вазни ҳар доим оғирроқ бўлади. Ҳар бир ортиқча килограмм оғирлик эса узоқ масофада югуришда халал беради. Энг сара рақибларга қарши югурадиган бўлса, үнинг мағлубиятга учраши аввалдан маълум.

Шу сингари Ҳишом спорт тарихидаги энг яхши енгил атлетикачи бўлиши мумкин, бироқ үнинг Олимпия ўйинларига сузувчи сифатида қатнашиш эҳтимоли жуда паст. 1976 йилдан бери Олимпия ўйинларида эркаклар орасида 1500 метрга югуриш бўйича олтин медалга сазовор бўлганларнинг ўртача бўй узунлиги 178 сантиметрни ташкил қиласди. Солиштириш учун, эркаклар орасида 100 метрга эркин усуlda сузиш бўйича Олимпия олтин медали совриндорларининг ўртача бўйи 193 сантиметр бўлган. Яхши сузувчиларнинг бўйи баланд, қўллари ва орқаси узун бўлади. Бу сувда ҳаракатланишда жуда қўл келади. Ҳишом ҳали сувга тушмасидан аввал үнинг рақибларидан ортда қолиши билиниб туради.

Муваффақият қозониш эҳтимолини оширишнинг сири – беллашув турини тўғри танлашдадир. Бу фикрни спорт ва бизнес билан бир қаторда одатларга ҳам ишлатиш мумкин. Одатлар тўғма қобилияtlарингиз ва қизиқишиларингизга мос келганда уларни бажариш осонлашади ва қониқарлироқ бўлади. Сув ҳавзасидаги Майкл Фелпс ёки югуриш йўлакчасидаги Ҳишом ал-Герруж

сингари сиз ҳам устунлик сиз томонда бүлган үйинларда иштирок этишни истайсиз.

Бу стратегияни құллаш одамлар түрлича қобилият билан туғилади деган оддий ҳақиқатни тушунишни талаб этади. Құпчилик бу мавзуда сұхбатлашишни ёқтирмайды. Юзаки қараганда, генингизни үзгартыришнинг иложи йўқ, шундай экан бошқарувингизда бүлмаган нарсалар ҳақида гаплашиш қизиқ эмас. Қолаверса, биологик детерминизм сингари атамалар худди айримларнинг муваффақиятга эришиши бошқаларнинг эса муваффақиятсизлиги олдиндан белгиланган деган маънони билдиради. Аммо бу геннинг хулқ-атворга таъсирини тұлық түшүнмаслик билан боғлиқ.

Ирсиятнинг күчи бир вақтнинг үзида үларнинг энг нозик томони ҳамдир. Генлар осонликча үзгармайды. Натижада үлар қулай шароитларда жуда катта устунлик яратади, ноқулай вазиятларда эса халақит беради. Баскетбол тұпини отишни истасанғиз 2 метрдан баланд бүй жуда ҳам фойдалы. Гимнастик машқларни бажариш пайтида эса бундай баланд бүй фақат халақит беради. Биз яшаёттан мұхит генимизнинг мувофиқлигини ва тұғма истеъдодимизнинг нафини белгилаб беради. Мұхит үзгарғанда муваффақиятни таъминловчи сифатлар ҳам үзгаради.

Бу фикр нафақат жисмоний, балки ақлий қобилияттарға ҳам тегишли. Агар мендан одатлар ва инсон хулқ-атвори ҳақида сұрашса, мен ақллыман. Тұқиши, ракета двигатели ёки гитара чалиш бүйічә эса нұноқман. Малака мавзу билан чамбарчас боғлиқ.

Хар қандай рақобатта бой соқанынг энг чүқкисига эришган кишилар нафақат яхши тайёр гарлик күрган, балки шу соқага мос тушган ҳам. Шу сабабдан ҳам чинданда буюк бүлишни истасанғиз, үзингизга мос келадиган соқани танлаш жуда ҳам мұхим.

Қисқача қилиб айтганда, ген тақдирингизни белгилаб бермайды. Улар қайси соқаларда катта имкони-

ятга эга эканингизни белгилайди. Шифокор Габор Мейт айтганидек, “Ген аввалдан белгиламайды, балки мойилликни оширады”. Генетик жиҳатдан мұваффақиятта эришишга мойиллигингиз бор бүлган соҳалардаги одатлар қониқарлироқ туюлади. Буюкликка эришишнинг әнг мұхим жиҳати ҳам сизни қызықтириб, ҳам табиий күникмаларингизга мос келадиган соҳани танлаш, орзу-умидларни қобилиятларингиз билан үйғуналаشتаришдадир.

Үз-үзидан савол туғилади: мен үстүнликка эга эканимни қандай билиш мүмкін? Менга мос келадиган имконияттар ва одатларни қандай билиб олсам бүлади? Бұ саволларға жавоб топишни қандай одам эканингизни тушунишдан бошлаймиз.

ШАХСИЯТ ОДАТЛАРГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?

Ҳар бир одат, ҳар бир хатти-ҳаракат замирида генингиз фаолият күрсатаётган бүлади. Ген кунига неча соат телевизор томоша қилишингиз, түрмуш қуриш ёки ажрашиш эхтимоли, гиёхванд моддалар, спиртли ичимликлар ёки тамакига ружу қўйишга мойиллигингиз, қисқаси, ҳаётингизнинг барча жабҳаларига таъсир кўрсатиши аниқланган.¹ Бошлиқларга қанчалик итоат қи-

¹ Барча белгилар ирсийланади десек, балки бўрттириб юборган бўлармиз, аммо бу унчалик ҳам катта хато бўлмайди. Қайси тилда гапириш, қайси динга эътиқод қилиш ёки қайси партияни қўллаб-қувватлаш сингари хўлқ-атворнинг яққол оила ёки маданият таъсирида пайдо бўлган жиҳатлари ирсийланмайди, албатта. Бироқ тилни қанчалик мукаммал эгаллай олишимиз, динга қанчалик берилиш, либерал ёки консерватив бўлишимиш сингари истеъдод ва темпераментни белгиловчи хусусиятлар ирсийланади. Турли инсонларда турли даражада намоён бўладиган шахсиятнинг беш жиҳати бўлмиш янги таассуротларга очиқлик, виждонийлик, экстравертлик, муросага келиш лаёқати ва невротизм, шунингдек, умумий интеллект ҳам авлоддан-авлодга ўтади. Никотин ёки алкоголга ружу қўйиш, неча соат телевизор қуриш ёки никоҳдан ажралиш сингари ўта специфик белгилар ҳам ирсийланishi мүмкін. Thomas J. Bouchard, “Genetic Influence on Human Psychological Traits,” Current Directions in Psychological Science 13, no. 4 (2004), doi:10.1111/j.0963-7214.2004.00295.x; Robert Plomin, Nature and Nur-

лишингиз ёки қарши чиқишингиз, стрессга қанчалик чидамли эканингиз, фаол ёки фақат таъсирга жавобан ҳаракат қилишингиз, концерт сингари тадбирларда қатнашганда қанчалик ҳаяжонланингиз ёки зерикаб қолишингизда генлар катта рол үйнайди. Лондондаги Кингс коллежида ирсий хулқ-атворт билан шуғулланувчи олим Роберт Пломин билан суҳбатлашганимда у менга шундай деган: “Маълум бир хусусиятларга ирсият таъсир қилиш ёки қилмаслигини текширмай қўйдик. Чунки ҳали бирор марта ҳам ирсият таъсир қилмайдиган жиҳатга дуч келмадик”.

Ирсий белгиларингиз биргаликда сизни у ёки бу турдаги шахс бўлишга мойил қилади. Шахсият турли вазиятларда ўзгаришсиз қоладиган белгиларингиз йиғиндисидир. Шахсиятнинг хусусиятларини текширишнинг илмий жиҳатдан энг асосланган усули “Катта бешлик” деб аталади. У шахсиятнинг бешта энг муҳим жиҳатини фарқлади.

- Янги таассуротларга очиқлик: қизиқувчанлик ва уддабуронликдан тортиб эҳтиёткорлик ҳамда қатъийликкача.
- Вижданлилик: тартиблилик ва самаралиликдан тортиб, бепарволик ва ўзгарувчанликкача.
- Экстравертлик: киришимлилик ва ғайратлидан тортиб то ёлғизликни хуш кўрувчи ва ҳиссиётларини кўрсатмайдигангача (биз уларни кўпроқ экстраверт ва интроверт сифатида биламиз).
- Муросага келиш лаёқати: дўстоналик ва ҳамдардликдан то жizzакилик ва совуқконликкача.
- Невротизм: хавотирланадиган ва ўтатаъсирчанликдан ўзига ишонган, хотиржам ва оғир-босиқкача.

Ҳар бешта жиҳатнинг биологик асоси бор. Экстравертлик даражасини бола туғилганданоқ кузатиш мумкин. Агар олимлар чақалоқлар ётган залда кучли овоз

ture: An Introduction to Human Behavioral Genetics (Stamford, CT: Wadsworth, 1996); Robert Plomin, “Why We’re Different,” Edge, June 29, 2016, <https://soundcloud.com/edgefoundationinc/edge2016-robert-plomin>.

чиқаришса, чақалоқларнинг айримлари баланд товуш томонга қарайди, бошқалари эса тескари томонга бурилади. Кейинроқ ушбу чақалоқлар умр давомида кузатилганда, товуш томонга қараган болаларнинг кўпич экстраверт, товушдан ўзини олиб қочганлар эса интровергта айлангани аниқланган.

Бошқалар билан муросага кела оладиган одамлар меҳрибон бўлади, ўзгалар фикрини ҳурмат қиласади ва инсонларга илиқ муносабатда бўлади. Уларда окситоцин гормонининг табиий миқдори бошқаларга нисбатан баландроқдир. Бу гормон ижтимоий алоқаларнинг ҳосил бўлишида, ишончнинг ошишида муҳим рол ўйнаб, табиий антидепрессант вазифасини ўтайди. Қондаги окситоцин миқдори юқори бўлган кишиларнинг миннатдорлик хатларини кўпроқ ёзиши ёки турли тадбирларни ташкил қилиш одати кучлироқ ривожланганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Яна бир мисол сифатида невротизм даражасини олайлик. Ушбу хусусият барча одамларда у ёки бу даражада мавжуд. Юқори даражада невротизмга эга бўлганлар тез асабийлашади ва бошқаларга қараганда кўпроқ хавотирланади. Бу жиҳат миянинг хавфни пайқайдиган қисми бўлмиш бодомсимон безнинг юқори сезувчанлигига боғланган. Бошқача қилиб айтганда, ташқи муҳитдаги салбий сигналларни қабул қиласиган кишиларда невротизм даражаси юқори бўлади.

Одатларимиз тўлалигича генимизга боғлиқ эмас. Аммо | 245 генларимиз маълум бир йўналишни танлашимизга туртки бериши шубҳасиздир. Ич-ичимиздаги мойилликлар туфайли айрим хатти-ҳаракатлар биз учун бошқаларига қараганда осонроқ бўлади.² Бу фарқлар учун кимдандир

² “Мисол учун, барча одамларнинг миясида мукофотга жавоб қайтарувчи тизимлар мавжуд. Аммо турли одамларда маълум бир мукофотга жавоб ҳар хил бўлади. Тизимнинг ўртacha жавоби шахсиятнинг бирон-бир хусусияти билан боғлиқ бўлиши мумкин”. Қўшимча маълумот учун қаранг: Colin G. DeYoung, “Personality Neuroscience and the Bio-

үзр сўрашимиз ёки ўзимизни айбдор ҳис қилишимиз керак эмас. Аммо улар билан ишлаш керак. Виждонлилик даражаси паст бўлган одам одатда бетартиб бўлади. Натижада у яхши одатларга амал қилиши учун ташқи мұхитни ўзгартиришга кўпроқ сяниши керак. (Виждонлилик даражаси энг паст бўлган китобхонларимиз дикқатига! Ташқи мұхитни дизайнлаш үсулини 6- ва 12-бобларда кўриб чиқсанмиз.)

Қиссадан ҳисса шуки, шахсиятингизга тўғри келадиган одатларни шакллантиришингиз керак. Айрим одамлар тош кўтариш билан шуғулланиб мушакларини жуда ҳам кучайтириши мүмкін. Аммо сиз қояга тирмашиш, велосипед ҳайдаш ёки эшкак эшишни хуш кўрсангиз, одатларингизни шўнга мос равишда ҳосил қилинг. Агар дўстларингиз углеводи кам овқатларни истеъмол қиласа-ю, сизга ёғи кам овқатлар фойдали бўлса, ўзингизга маъқул бўлганини танланг.³ Агар кўпроқ китоб ўқишини истасангиз, илмий-оммабоп китоблардан кўра ўзингиз ёқтирадиган эҳтиросга бой романларни ўқишдан уялманг. Қайси китоб қизиқ кўринса, ўқийверинг. Кўпчилик айтгани учунгина ўзингизга ёқмаган ишларни қилишингиз шарт эмас. Энг оммабоп одатларни эмас, ўзингизга мос келадиганларини танланг.

Ҳар бир одатнинг сизга ёқадиган ва сизни қониқтирадиган кўриниши бўлади. Уларни топинг. Бирон-бир одатни үзокроқ давом эттиришни истасангиз, улардан роҳатланишингиз керак. Бу 4-қоида асосида ётган энг мұхим ғоядир.

gy of Traits,” Social and Personality Psychology Compass 4, no. 12 (2010), doi:10.1111/j.1751-9004.2010.00327.x.

³ Ўтказилган йирик клиник текширувларда вазнни камайтиришда кам углеводли ва кам ёғли парҳезларнинг самарадорлиги бир-биридан фарқ қилмаган. Қўшимча маълумот учун қаранг: Christopher D. Gardner et al., “Effect of Low-Fat vs Low-Carbohydrate Diet on 12-Month Weight Loss in Overweight Adults and the Association with Genotype Pattern or Insulin Secretion,” Journal of the American Medical Association 319, no. 7 (2018), doi:10.1001/jama.2018.0245.

Одатларни шахсиятингизга мослаш яхши иш, аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Келинг, табиий устунлигингиздан фойдаланишингиз мумкин бўлган вазиятни яратишга уриниб кўрайлик.

Устунлик сиз томонда бўлган ўйинни қаердан топиш мумкин?

Устунлик сиз томонда бўлган ўйинни ўйнашга одатланиш иштиёқни сақлаб қолиш ва муваффақиятни ҳис қилиш учун ўта мухимдир. Назарий жиҳатдан ҳар қандай ишдан роҳатланиш мумкин. Амалда эса ўзингизга осон туюлган ишлардан кўпроқ лаззатланасиз. Маълум соҳада истеъоди бўлган кишилар вазифаларни бошқаларга қараганда яхшироқ үддалай олади ва бунинг учун эътирофга сазовор бўлади. Бошқалар эпломаган ишни бажара олгани, кўпроқ маош берилиши ва имкониятларнинг кенглиги үларнинг кучига кўшади. Улар ўзларини нафақат баҳтироқ сезади, балки бу янада юқорироқ натижаларга эришишга ўндайди. Бу жараён ўзини кучайтиради.

Тўғри одатни танласангиз, ўсиш енгиллашади. Нотўғри одатни танласангиз, бошингиз қийинчиликлардан чиқмай қолади.

Тўғри одатни қандай танлаш мумкин? Биринчи қадамни З-қоnda ҳақида гаплашганимиздаёқ кўриб чиққанмиз. Яъни одат осон бўлиши керак. Кўп ҳолларда одамларнинг нотўғри одатни танлаши ўта қийин одатни танланганини англатади. Одат осон бўлса, муваффақиятга эришиш ҳам енгиллашади. Муваффақиятга эришиш эса сизда қониқиши ҳиссини ҳосил қиласди. Аммо яна бир жиҳат ёддан чиқмаслиги керак. Узоқ муддат давомида ўсиб борадиган бўлсан, ҳар қандай соҳа ҳам қийинлашиб боради. Маълум вазиятлар келадики, кўникумларим қийинчиликларни енгигб ўтишга етадими деган саволни қўйишга мажбур бўласиз. Буни қандай аниқлаш мумкин?

Энг күп тарқалган үсул үриниб күриш ва хатолардан сабоқ чиқаришдир. Албатта, бу үсулнинг битта камчилиги бор: умр чегараланган. Ҳар бир касбни синаб күриш, күёвликка талабгор ҳар бир йигит билан учрашиш ёки ҳар бир мусиқа асбобини чалиб күриш учун вақт топишнинг иложи йўқ. Яхшиям, бу муаммони ҳал қилиш үсули бор. У кашф этиш/фойдаланиш дилеммаси деб аталади.

Янги ишни бошлаганимизда кашф этиш даври бўлиши керак. Муносабатларда бу давр учрашув, коллежда эркин санъат, бизнесда эса сплит-тест деб аталади. Бундан мақсад кўплаб имкониятларни синаб күриш, кўплаб ғояларни татбиқ қилиш ва арқонни үзун ташлаб қўйишдир.

Дастлабки кашф этиш босқичидан кейин энг яхши ечимга эътиборингизни қаратасиз, аммо унда-бунда тажрибалар ўтказишда ҳам давом этасиз. Улар орасидаги мувозанат ғолиб ёки мағлуб бўлаётганингизга боғлиқ. Агар олдинда бораётган бўлсангиз, фақат фойдаланиш билан шуғулланасиз. Агар ўйинни бой бераётган бўлсангиз, янгидан-янги үсулларни синаб кўрасиз.

Узоқ муддатда эса 80-90 фоиз қувватингизни энг яхши натижа берадиган үсулга қаратиб, қолган 10-20 фоизини тажрибалар ўтказишга сарфлаш самара беради. “Google” ўз ходимларидан 80 фоиз вақтларини асосий ишга, қолганини эса ўzlари қизиқтирган лойиҳаларга ажратишини талаб қилиши ҳаммага маълум. Бу эса “Ad-Words” ёки “Gmail” сингари ҳайратомуз маҳсулотлар яратилишига олиб келган.

Энг мақбул ёндашувни танлаш қанча вақтингиз борлигига ҳам боғлиқ. Агар иш фаолиятини эндиғина бошлаган ходим сингари вақтингиз кўп бўлса, эътиборингизни кашфиётларга қаратиш ўзини оқлади. Чунки энг тўғри йўлни топган тақдирингизда ҳам турли тажрибалар ўтказиш учун вақтингиз етарли бўлади. Аксинча, вақттиғиз бўлган пайтларда, масалан, лойиҳанинг сўнгги муддатига

Яқынлашиб қолганингизда ҳеч бўлмагандан қандайдир натижага эришиш учун аниқлаган энг яхши үсулга бор кучингизни сарфлашингиз керак бўлади.

Турли варианtlарни кўриб чиқар эканмиз, энг қониқарли одатни топиш учун саволлар кетма-кетлиги ёрдамида қидирув доирасини кичрайтириш мумкин:

Бошқаларга иш, мен учун эса ўйиндек туюладиган нарса борми? Сизнинг бирон-бир вазифани бажаришга мослашган ёки мослашмаганингиз унга қай даражада қизиқишишингиз билан белгиланмайди. Аксинча, у маълум ишни бажариш сиз учун бошқаларга нисбатан қай даражада енгилроқ эканига боғлиқ. Бошқалар шикоят қиласидан қайси ишни сиз роҳатланиб бажарасиз? Бошқалардан кўра сизни камроқ қийнайдиган вазифалар айнан сиз учун яратилган.

Қайси ишни бажарганимда вақт ҳақида унугиб қўяман? Ақлий оқим шундай ҳолатки, бунда қилаётган ишингизга шўнғиб кетасиз, бутун борлиқни эса четга суриб қўясиз. Яхши кайфият ва юқори ишчанликнинг ушбу қоришмасини “зона”даги спортчилар ва бошқа кишилар ҳис қиласи. Бир вақтнинг ўзида ақлий оқим ҳолатида бўлиш ва ишдан қониқмасликнинг иложи йўқ.

Қаерда бошқаларга қараганда кўпроқ фойда оламан? Биз доимий равишда ўзимизни атрофимиздагиларга солиштирамиз. Агар бошқаларга нисбатан яхшироқ эканимизни ҳис қилсан, бажараётган ишимиз бизга ҳузур бағишлийди. Мен “jamesclear.com”га мақолалар ёза бошлаганимда электрон почтамга аъзо бўлганлар сони тез ўса бошлади. Бу қанчалар яхши эканини аниқ билмасам ҳам, айрим ҳамкасларимни кига қараганда яхшироқ эди ва у мени ёзишда давом этишга унади.

Қайси ишларни ўз-ўзидан бажараман? Бир муддат барча ўргангандар нарсаларингизни унугинг. Жамият йиллар давомида ўқтириб келган ғояларни ҳам ёддан чиқаринг. Бошқалар сиздан нимани кутаётганига эътибор берманг.

Ич-ичингизга назар ташлаб ўзингизга савол беринг: “Қандай нарсалар мен үчүн табиий туюлади? Қачон ўзимни чинакам яшәтгандек ҳис қиласман? Қачон ўз табиатимга мос ишлар қилаётгандек сезаман?” Ўзингизга баҳо берманг, бошқаларга ялтоқланманг ҳам. Иккиланиш ҳам, ўз-ўзини танқид қилиш ҳам бўлмасин. Фақат қизиқиш ва роҳатланиш ҳисси ортидан юриб кўринг. Агар ўзингизни эркин ва шу жойга тегишли деб ҳис қилаётган бўлсангиз, демак тўғри йўлдасиз.

Очиғини айтганда, бу жараённинг бир қисми омадга боғлиқ. Майл Фелпс ва Ҳишом ал-Кирруж жамиятда юқори қадрланадиган камёб хусусиятлар билан дунёга келиш ва уларни қўллаш мумкин бўлган мукаммал муҳитда вояга етиш баҳтига мұяссар бўлишган. Бу дунёдаги умримиз чегараланган, чинакамига буюк инсонлар бу даражага нафақат машаққатли меҳнат орқали эришишган, балки уларга устунлик берадиган шароитларга ҳам эга бўлишган.

Агар ҳаммасини омадга ташлаб қўйишни истамасангиз-чи?

Агар устунлик сиз томонда бўлган ўйинни топа олмасангиз, уни ўзингиз яратинг. Дилберт комиксларини яратган рассом Скотт Адамснинг айтишича, “Ҳар қандай инсон, бироз тайёргарликдан кейин, ҳеч бўлмаганда бирон-бир соҳадаги юқори 25 фоизга кира олади. Мисол учун, мен яхши расм чиза оламан. Аммо ўзимни рассом деб атамаган бўлардим. Бундан ташқари, одамларни яхшироқ кулдира оламан. Аммо катта сўз усталари даражасида эмас. Бу икки хусусиятнинг бирлашиши мени камёб инсонга айлантириди. Бундан ташқари, бизнес билан шуғулланганимни ҳисобга оладиган бўлсак, кўпчилик комикс ёзувчилари тушуна олмайдиган мавзулар ўстида ишлай оламан”.

Яхшироқ бўлиб ғолиб бўлишнинг иложи бўлмаганда бошқача бўлиб ғалабага эришиш мумкин. Қобилиятларни

үйғуллаштириш рақобатни камайтиради, бошқалардан ажралиб туришни эса енгиллаштиради. Үйин қоидала-рини қайта ёзиш мұваффақият сари қысқа йүл яратади, ге-нетик устунликка ёки йиллар давомида машаққатли меҳ-нат қилишга әхтиёж қолдирмайды. Яхши үйинчі ҳамма иштирок этадиган үйинде ғолиб бўлиш учун қаттиқ меҳнат қиласди. Буюк үйинчилар эса устунлигини кучайтириб, камчиликларини яширадиган янги үйин яратади.

Коллежда ўқиб юрган кезларимда мутахассислигимни үзим яратганман. У биомеханика деб аталади ва физика, кимё, биология ва анатомияни бирлаштиради. Биология ёки физика мутахассисликлари бўйича энг илғор талабага айлана олмасдим. Шу сабабдан ўз үйинимни яратишга қарор қилдим. Бундан ташқари, мутахассислигим үзимга мос келгани сабабли – мен үзим ёқтирган фанларнигина танлаганман – ўқиши жараёни оғир туюлмаган. Үзимни бошқалар билан солиширишдек хатога ҳам ўрин қолмаган. Агар ҳеч ким мен қатнаётган курсларнинг барчасида ўқимаётган бўлса, бирордан яхшироқ ёки ёмонроқ эканимни қаердан биламан?

Ихтисослашиш бу нобоп ирсиятга эга бўлишдек “хатоликни” енгиб ўтишнинг жуда самарали йўлидир. Маълум бир кўникмани қанчалик яхши шакллантирсангиз, бошқаларнинг сиз билан рақобатлаша олиш эҳтимоли шунчалик кам бўлади. Тош кўтарувчиларнинг мушаклари ўртacha одамга нисбатан анча яхши ривожланган. Аммо кучли тош кўтарувчи ҳам армрестлингда ютқазиб қўйиши мүмкин, чунки ушбу спорт тури иштирокчилардан алоҳида кўникмаларни талаб қиласди. Ҳатто туғма истеъоддога эга бўлмасангиз ҳам, тор соҳанинг үстасига айланишингиз мүмкин.

Қайнаб турган сув картошкани юмшатади, тухумни эса қотиради. Сиз картошка ёки тухумни ўзгартира олмаганингиз сингари ўз табиатингизни ҳам ўзгартира олмайсиз. Аммо қаттиқлик ёки юмшоқлик талаб эти-

ладиган үйинни танлай оласиз. Құлайроқ мұхит топтаганингизда үстүнликни үзингиз томонға оғдириб олишингиз мүмкін.

ГЕНДАН ҚАНДАЙ ТҮЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН?

Генимиз машаққатлы меңнатта бўлган талабни йўқотмайди. У саъй-ҳаракатларимизга йўналиш бериб, қайси вазифалар устида қаттиқ ишлаш кераклигини кўрсатади. Кучимизни тўғри баҳолаб олгандан кейин вақтимизни ва қувватимизни қаерга сарфлаш кераклигини тушунамиз. Қандай имкониятларни қидириш, қайси муаммолардан қочиш кераклиги маълум бўлиб қолади. Ўз табиатимизни қанчалик яхши тушунсак, ҳаракат режамизни шунчалик яхши тузса оламиз.

Биологик фарқлар билан ҳисоблашиш зарур. Аммо шундай бўлса ҳам үзингизни бошқалар билан солишибтиришдан кўра потенциалингизни юзага чиқариш самаралироқ бўлади. Маълум соҳада табиатан чекланганингиз ҳали қобилиятларингизнинг чегарасига етиб келганингизни аглатмайди. Кўпчилик одамлар эришиши мүмкін бўлган натижаларининг чегараланган эканига шу қадар кўп эътибор беришадики, улар шу чегараларга яқинлашишга етарлича уриниб ҳам кўришмайди.

Бундан ташқари, геннинг ўзи тер тўкишсиз муваффақият гарови бўла олмайди. Шубҳасиз, спорт залидаги мушаклари бақувват мураббийнинг гени тош кўтаришга мослашган. Аммо сиз мураббий тер тўкканчалик меңнат қилмасангиз, генингиз бу борада қандай эканини ҳеч қачон била олмайсиз. Үзингиз ҳавас қиласиган инсончалик мешақатлардан ўтмасдан туриб, уларнинг ҳамма ютуқларини омадга йўйишга шошилманг.

Хулоса қилиб айтганда, одатларингиз сизни узоқ вақт давомида қониқтира олишини таъминлашнинг энг яхши усули табиатингиз ва истеъододингизга мос келадиган хулқ-атворни танлашдир. Сиз учун осон бўлган соҳаларда қаттиқ меңнат қилиш керак.

ЯХШИДАН ЧИНАКАМ БҮОККА ҚАНДАЙ АЙЛАНИШ МУМКИН?

Бобнинг қисқача мазмуни

- Муваффақиятга эришиш эҳтимолини ошириш сири рақобатлашиш учун тўғри соҳани танлашдадир.
- Тўғри одатни танлай олсангиз, ўсиш енгиллашади. Нотўғри одатни танласангиз бошингиз қийинчиликлардан чиқмай қолади.
- Генлар осонликча ўзгармайди. Натижада улар қулай шароитларда жуда катта үстунлик яратади, ноқулай вазиятларда эса халақит қилади.
- Табиатингизга мос келадиган одатларга амал қилиш осонроқ бўлади. Ўзингизга тўғри келадиган одатларни танланг.
- Үстунлик сиз томонда бўлган ўйинларни ўйнанг. Агар бундай ўйинни топа олмасангиз, уни ўзингиз яратинг.
- Ген машаққатли меҳнатга бўлган талабни йўқотмайди. У саъй-ҳаракатларингизга йўналиш бериб, қайси вазифалар устида ишлаш кераклигини кўрсатади.

ОЛТИН МЕЬЁР ҚОИДАСИ: ИШ ВА ҲАЁТДА МОТИВАЦИЯНИ ҚАНДАЙ САҚЛАШ МУМКИН?

1955 йилда Анаҳаймда (Калифорния штати) Диснейленд очилди. У ерга ўн ёшли бола иш излаб келди. Ўша пайтларда меҳнат қонунчилигига кўп нарса қатъий белгиланмаган эди. Натижада болакай Диснейленд хариталарини 50 центдан сотадиган бўлди.

Бир йил ичидаги уни Диснейнинг сеҳрли дўконига ўтказишиди. У ерда болакай ёши катта ходимлардан бир неча фокусларни ўрганиб олди. У турли латифалар айтиб кўрди, мижозлар билан гаплашиш кетма-кетлигини синааб кўрди. Тез орада у фокуслар кўрсатиш эмас, умуман олганда одамлар олдида чиқиш қилишни ёқтиришига эътибор бера бошлади. Шундан сўнг сўз устаси бўлишга қарор қилди.

254 | Ўсмирилик пайтларидан у Лос-Анжелесдаги кичкина клубларда чиқишлар қила бошлади. Томошабинлар сони кам, унинг чиқишлари эса қисқа эди. У саҳнада беш дақиқадан ортиқ бўлмасди. Томошабинларнинг кўпчилиги ичиш ёки дўстлари билан суҳбатлашиш билан банд бўлиб, унга унчалик эътибор беришмасди. Бир куни у том маънода бўм-бўш клубда чиқиш қилди.

У мақтовга сазовор иш қилмаётган бўлса ҳам, тажрибаси ортиб бораётгани аниқ эди. Унинг дастлабки

уринишлари бир ёки икки дақиқа давом этди. Юқори синфларда эса бу вақт беш дақиқагача үзайды. Бир неча йилдан сўнг унинг шоуси ўн минутга ета бошлади. 19 ёшида у ҳар ҳафта йигирма дақиқалик чиқишлиар қиласади. Баъзан чиқиш узоқроқ давом этиши учун икки-учта шеър ҳам ўқирди, аммо кўнилмалари ўсиб бораётган эди.

Яна ўн йил давомида у тажриба орттиришни, турли ўзгаришлар киритишни ва машқ қилишни давом эттирди. У телерадиокомпанияга ёзувчи бўлиб ишга кирди ва аста-секин турли ток-шоуларда ўзини кўрсатишга муваффақ бўлди. 1970-йилларга келиб у "The Tonight Show" ва "Saturday Night Live" шоуларининг доимий меҳмонига айланышга улгурди.

Ниҳоят, 15 йиллик машаққатли меҳнатдан кейин йигитча машҳурликка эришди. У 63 кун давомида 60 та шаҳарда гастролда бўлди. Кейин саксон кун ичидаги етмиш икки шаҳарда бўлди. Унинг Оҳайодаги шоусига 18695 нафар томошабин қатнашди. Нью-Йоркдаги уч кунлик шоуси билетларини 45 минг киши сотиб олди. У ўз соҳасининг энг юқори шоҳсупаларигача кўтарилди ва ўз даврининг энг буюк сўз усталаридан бирига айланди.

Унинг исми Стив Мартин эди.

Мартиннинг ҳаёти одатларга узоқ вақт содик қолиш нақадар мاشаққатли эканини кўрсатади. Комедия кўнгли бўшлар учун эмас. Кўпчиликнинг олдида чиқиш қилиб уларнинг бирортасини ҳам кулдира олмасликни тасаввур қилиш қўрқинчли. Бироқ Стив Мартин бундай қўрқув билан ўн саккиз йил давомида тўқнаш келган. Унинг сўзлари билан айтганда: "10 йил ўрганишга, 4 йил мослашишга кетди, яна 4 йил эса катта ғалабалар билан ўтди".

Нима сабабдан Мартин сингари одамлар одатлари-га содик қолишади, кўпчилик эса латифа айтиш, мультфильмлар яратиш ёки гитара чалиш сингари одатларни

доимий бажаришга мотивация топа олмай қолади? Қандай қилиб одатларни аста-секин ёддан чиқиб кетиш үрнига доимо үзига жалб қиладиган қилиб яратса бўлади? Олимлар бу саволларга узоқ йиллардан бери жавоб қидириб келмоқда. Ҳали кўп нарса ноаниклигича қолаётган бўлса ҳам, аксар ҳолатларда ўхшаш жиҳатлар ҳам аниқланмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, “енгиб ўтиш мумкин бўлган қийинчиликлар” билан ишлаш мотивацияни сақлаш ва иштиёқнинг энг юқори чўққиларига эришишни таъминлайди.

Инсон мияси топишмоқларни ечишни ёқтиради. Фақатгина ular оптималь даражада мураккаб бўлиши керак. Агар сиз теннисни ёқтирангиз ва тўрт ёшли бола билан чинакамига беллашиб кўрсангиз, тез орада зерикиб қоласиз. Чунки бу жуда осон. Рақибингизни ҳар сафар мағлуб қиласиз. Агар Рожер Federer ёки Серена Уильямс сингари профессионал теннисчиларга қарши kortга чиқсангиз, мотивациянгизни тезда йўқотиб қўясиз. Чунки ўйин жуда қийин бўлади.

Энди эса сиз билан бир хил даражадаги ўйинчига қарши ўйнаб кўринг. Ўйин давом этар экан, бир гал ютасиз, бошқа сафар эса ютқазасиз. Ғалаба қилишингиз мумкин, бироқ сиздан бор эътиборни ўйинга қаратиш талаб қилинади. Диққатингиз бир нуқтага тўпланади, атрофдаги нарсаларга чалғимайсиз, бутун кучингизни ўйинга сарфлайсиз. Бу енгиб ўтса бўладиган тўсиқнинг бир кўриниши бўлиб, олтин меъёр қоидасига яқол мисол бўла олади.

Ушбу қоидага кўра, инсон ўз имкониятлари чегарасидаги вазифаларни бажараётганда унинг мотивацияси энг юқори чўққига чиқади. Жуда осон ҳам, жуда қийин ҳам эмас.

Олтин меъёр қоидаси



ҚИЙИНЛИК ДАРАЖАСИ →

15-расм. Мотивация имконият чегарасига етгандагы максимал даражага чиқади. Психологияда бу ходиса Йеркс–Додсон қонуну деб аталади. Үнга кўра, қўзғалишнинг оптимал даражаси зерикиш ва хавотир оралиғида бўлади.

Мартиннинг комедия соҳасидаги карьераси Олтин меъёр қоидасига ҳёттий мисолдир. Ҳар йили у чиқишилари давомийлигини оширган, аммо атиги бир-икки дақиқага, холос. У ҳар сафар янги материалдан фойдаланган, бироқ ҳар эҳтимолга қарши одамларни кулдириши аниқ бўлган бир-иккита эски латифаларини ҳам захирада сақлаб турган. Иштиёқини сўндирмаслик учун етарли ғалабалар ва қаттиқ меҳнат қилишдан тўхтамаслиги учун етарлича мағлубият бўлган.

Янги одатни ҳосил қилаётганингизда вазият қийин бўлганда ҳам давом эттира олиш учун у имкон қадар осон бўлиши керак. Бу ғояни хулқ-атвор ўзгаришининг 3-қоидасини таҳлил қилганимизда кўриб чиқсандик.

Одат шаклланиб бўлгандан кейин эса кичик қадамлар билан олға ҳаракатланиш жуда муҳим. Бу кичик ўзгаришлар ва янги қийинчиликлар қизиқишингизни сўндиrmай туради. Олтин меъёрни топа олсангиз, фикрий оқим ҳолатига ўтишингиз мумкин.¹

Фикрий оқим – бу одамнинг бирон-бир ишга тўлиқ шүнғиб кетиш ҳолатидир. Олимлар ушбу ҳолатни миқдорий ўлчашга уринмоқда. Уларнинг аниқлашича, фикрий оқим ҳолатига ўтишингиз учун вазифа ҳозирги имкониятларингиз даражасидан 4 фоиз қийинроқ бўлиши керак. Реал ҳаётда вазифанинг мураккаблик даражасини бу қадар аниқлик билан ўлчашнинг иложи йўқ. Аммо олтин меъёр қоидасининг асосий мазмуни ўзгармасдан қолади. Енгиб ўтиш мумкин бўлган муаммолар билан шуғулланиш, имкониятларингиз чегарасида юриш иштиёқни сақлаб қолиш учун жуда катта аҳамиятга эга.

Ўзгаришлар нозик мувозанатни талаб этади. Иштиёқингизни сўндиrmайдиган даражада ютуқларга эришиш билан биргаликда имкониятларингиз чегарасидан

¹ Фикрий оқим ҳолатига қандай ўтиш мумкинлиги ҳақида севимли назариям бор. У илмий исботланмаган, шунчаки менинг тахминим, холос. Рӯҳшунослар миямиз икки хил режимда фаолият юритади деб ҳисоблашади: биринчи ва иккинчи тизим. Биринчи тизим тез ва инстинктив ишлайди. Умуман олганда биз жуда ҳам тез бажара оладиган жараёнлар биринчи тизим орқали бошқарилади. Иккинчи тизим эса фикрлаш жараёнини назорат қилиб, анча куч талаб қиласи ва секин ишлайди. Мураккаб математик масаланинг жавобини топишга уринаётганингизни тасаввур қилинг. Мен биринчи ва иккинчи тизимларни бир-бирига қарама-қарши эмас, балки ягона спектрнинг икки уни деб ўйлайман. Ақлий жараён қанчалик автоматик бўлса, у спектрнинг биринчи тизим учига яқинроқ бўлади. Ҳаракат қанчалик қўп қувват талаб қиласа, у иккинчи тизим томонга шунчалик яқин бўлади. Менинг фикримга кўра, фикрий оқим ҳолати ушбу спектрнинг қоқ марказида жойлашган. Бир вақтнинг ўзида ҳам вазифа билан боғлиқ барча автоматик ва яширин билимларимиздан фойдаланамиз, ҳам ўз имкониятимиз доирасидан ташқаридаги муаммони ҳал қилиш учун қаттиқ уринамиз. Миянинг иkkala iш режими ҳам фаол ҳолатда. Унинг онгли ва онгсиз қисмлари мукаммал ўйғуныликда бўлади.

ташқаридаги янгидан-янги муаммоларни қидиришда давом этишингиз керак. Хатти-ҳаракатлардан жозибали ва қониқарлы давом этиши учун үлар хилма-хилликни йүқтотмаслиги керак. Бир хиллиикдан сиз зерика бошлайсиз. Зерикиш эса үз үстингизда ишлашда энг катта муаммодир.

МАҚСАД ТОМОН БОРАЁТГАНДА ЗЕРИКСАНГИЗ НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Бейсболдаги карьерам якун топғандан кейин янги спорт турини қидира бошладим. Мен тош күтартувчилар жамоасига құшилишга қарор қилдім. Бир куни нұфузли мұраббий спорт залимызға келди. У үзоқ фаолияти давомида минглаб оғир атлетикачилар, шу жумладан бир нечта Олимпиада иштирокчилари билан ишлаган. Мен үнга үзимни таништирдім ва яхшиланиш жараёни ҳақида сұхбатлаша бошладик.

“Энг яхши оғир атлетикачиларни бошқа одамлардан нима ажратиб туради? – деб сүрадым мен. – Чиндан-да мұваффақиятли одамлар бошқалар құлмаган қайси ишларни қилишади?”

У ирсият, омад, истеъдод сингари күпчилик күтган омилларни айтиб үтди. Бироқ у күтилмаганда “Лекин охир-оқибат масала күндалик машқлардаги зерикишга, битта тошни қайта ва қайта күтаришга кимнинг бардоши етишига бориб тақалади”, деди.

Жавоб мени ҳайрон қолдирди, чүнки у меңнат ахлоқи ҳақидағы үзгача қараш эди. Одамлар мақсадларига эришиш йўлидаги ҳаяжон ва қизиқиши ҳақида гапиради. Бизнес, спорт ёки санъат бўлсин, “Ҳаммаси иштиёққа бориб тақалади” ёки “Буни жуда истасанг бўлгани”, деган қарашлар кенг тарқалган. Натижада эътиборимиз сусайиб, мотивациямиз камайганда тушкунликка тушиб қоламиз. Чүнки мұваффақиятли одамлар битмас-туганмас иштиёққа эга бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. Аммо бу

мұраббий менға муваффақияттағы әришган кишилар ҳамма қатори мотивация камайиши билан түқнап келишини айтаётганди. Зерикешіңе қарамасдан машғұлолтарға қатнашиш уларни бошқалардан ажратып туради.

Юксак маҳораттағы әришиш тажриба ва меңнат талаб этади. Аммо бирор нарса үстида қанча күп ишланса, у шунчалик бир хил ва зерикарлы бўлиб боради. Дастлабки қийинчиликлар енгиб ўтилиб, қўлимиздан нима келишини олдиндан айта оладиган бўлганимиздан кейин ишга бўлган қизиқиш сўна бошлайди. Баъзан эса у бундан-да тезроқ содир бўлади. Масалан, спорт залига бир неча кун кетма-кет бориш ёки блогимизга бир неча пост қўйсак бўлгани. Энди бир-икки мартани осонгина ўтказиб юборамиз. Ишларимиз яхши кетяпти. Аҳволимиз унчалик ёмон бўлмагани сабабли бир неча кун дам олсак ҳеч нарса қилмайди деган хаёлга осонгина борамиз.

Муваффақият йўлидаги энг катта тўсиқ муваффақиятсизлик эмас, балки зерикешидир. Одатлар бизни ҳайрон қолдирмай қўйгани учун улардан зерика бошлаймиз. Натижалар қандай бўлишини олдиндан биламиш. Одатларимиз кундалик ҳодисага айланиб қолгандан кейин, янгилик қидириб ўз йўлимиздан оға бошлаймиз. Шунинг учун ҳам бир турдаги машқлардан бошқасига, бир бизнес ғоядан иккинчисига ўтиб, тугамайдиган ҳалқа бўйлаб айланиб юрармиз, балки. Мотивациямиз озми-кўпми камайди дегунча янги усулни қидира бошлаймиз, ваҳоланки, эски усул ҳали ҳам иш беряпти. Макиавелли айтганидек, “Одамлар янгиликка шу қадар интилишадики, иши юришмаётгандар түгүл, ҳатто ишлари яхши кетаётган кишилар ҳам ўзгаришларни истайди”.

Балки, шунинг учун ҳам биз тез одатланиб қоладиган нарсалар доимий равишда ўзгариш тақдим этар. Видео ўйинлар визуал янгилик, порнографик сайтлар шаҳсоний янгилик, носоғлом овқатлар эса овқатланишимизда янги-

лик тақдим этади. Уларнинг ҳар бири тұхтосиз равишда күтилмаган совғалар тақдим этади.

Психологияда бу ҳодиса ўзгарувчан мұкофот деб аталағы.² Үйин машиналари бунга яққол мисол бұла олади. Уни үйнайдиганлар үнда-бунда жекпот ғолиби бўлади. Аммо вақт оралиғи аниқ белгиланған эмас. Мұкофотлар частотаси ўзгариб туради. Ушбу ўзгарувчанлик дофамин миқдорини кескин ошириб юборади, эслаб қолишни кучайтириб, одат шаклланишини тезлаштиради.

Ўзгарувчан мұкофотлар инсонларда истак ҳосил қила олмайды. Яъни одамлар қизиқмайдиган нарсаларни ўзгарувчан интервалларда бериб, уларнинг фикрини ўзгартира олмаймиз. Аммо бу мавжуд хоҳиш-истакларни кучайтиришнинг жуда самарали усулидир, чунки улар зерикишни камайтиради.

Хоҳиш-истак даражаси мұваффақият ва омадсизлик ўртасидаги нисбат 50/50 бўлганда айниқса юқори бўлади. Эллик фоиз ҳолатларда сиз ўзингиз истаган нарсага эришасиз. Эллик фоиз ҳолларда эса йўқ. Қониқиши ҳосил қилиш учун етарлича ғолаба қозонасиз ва қизиқишишингиз сўниб қолмаслиги учун етарлича интилишга эга бўласиз. Олтин меъёр қоидасига амал қилганингизда кузатиладиган ижобий натижалардан бири ҳам шудир. Ўзингиз қизиқадиган одат билан шуғулланганингизда, енгиг ўтса бўладиган қийинчиликлар билан ишлаш қизиқишишингиз сўнмаслигини таъминлайди.

Табиийки, барча одатлар ҳам ўзгарувчан мұкофотлаш тизимиға эга эмас. Бундай бўлишини истамайсиз ҳам. Агар

² Ўзгарувчан мұкофотлар тасодифан кашф қилинганды. Бир куни Ҳарвардинг машҳур психологи Б.Ф. Скиннер тажрибалар ўтказаётган пайтда овқат шарчалари тугаб қолади. Янгиларини тайёрлаш кўп вақт талаб қиласди, чунки уларни қурилмада кўл билан эзиб чиқиш керак эди. Шу пайт у “Нима сабабдан ричагнинг ҳар бир эзилиши мұкофотланиши керак?” деб ўйланиб қолди. У каламушларга овқатни оралатиб беришга карор қилди. Ушбу ҳолат каламушлар хатти-ҳаракатини камайтириш ўрнига кучайтириб юборганини кўрган олим ҳайрон қолди.

“Google” баъзи-баъзидагина яхши қидирув натижаларини берганда мен үнинг рақибларига тезда ўтиб олган бўлар эдим. Агар “Uber”ни чақирганингизда бир келиб, бир келмаса, ундан узоқ вақт фойдаланмаган бўлар эдим. Агар тишларимни тозалашга уринсам-у, у фақат баъзан натижа берса, кейинги сафар бунга ҳаракат ҳам қилмаган бўлар эдим.

Ўзгарувчан мұкофотлардан фойдаланамизми-йўқми, ҳеч бир одат абадий қизиқарли бўлмайди. Қачондир ўз устида ишлаётган ҳар қандай одамнинг олдида қийин бир вазифа пайдо бўлади: зерикиш билан бирга яшай олиш.

Барчамизнинг етишмоқчи бўлган орзу-истакларимиз бор. Қайси соҳада муваффақиятга эришишга уринаётганингиздан қатъи назар, агар иш билан фақат қулай бўлганда ёки қизиқкан пайтингизда шуғулланадиган бўлсангиз ҳеч қачон муваффақиятга эриша олмайсиз. Чунки иш устида мунтазам равишда ишлай олмайсиз.

Гаров бойлашим мумкинки, бирон-бир одатни йўлга қўйиб, унга амал қилаётган пайтингизда бир кунмас-бир кун уни давом эттиргингиз келмай қолади. Агар янги бизнес бошлаган бўлсангиз, ишга боргингиз келмаган пайлар, спорт билан шуғулланиш пайтида эса айрим машқларни охиригача етказгингиз келмаган кезлар, ёзиш керак бўлганда қўлингиз бормайдиган пайлар бўлиб туради. Аммо асабга тегувчи, оғриқли ёки ҳолдан тойдирувчи қийинчилклар пайдо бўлганда орқага қайтмасдан унга қарши чиқиш профессионални ҳаваскордан ажратиб туради.

Профессионаллар режа бўйича ҳаракат қиласди, ҳаваскорлар эса турли сабаблар асосий мақсаддан чалғитишига қўйиб беради. Профессионаллар ўzlари учун муҳим мақсадларни белгилаб, улар томон оғмай ҳаракатланади, ҳаваскорлар эса ҳаётнинг турли синовлари таъсирида йўлини йўқотиб қўяди.

Ёзувчи ва медитация мураббийи Дэвид Кейн ўз ўқувчиларидан “об-ҳаво яхшилигида медитация қилувчилар”га айланиб қолмасликни илтимос қиласди. Шу сингари сиз ҳам об-ҳаво яхшилигида шуғулланадиган спортчи, ёзувчи ёки ҳар қандай бошқа инсонга айланиб қолмаслигингиз керак. Агар одатлар сиз учун шунчалик мұхим бўлса, кайфиятингиз қандайлигидан қатъи назар ularга амал қилишда давом этишингиз керак. Профессионаллар тоби тортмай турганда ҳам ўз ишини давом эттиради. Улар бундан лаззатланмаслиги мүмкун, бироқ машқларни охирига етказиш йўлини топади.

Охиригача етказишни истамаган спорт машқларим кўп бўлган, аммо машғулотларга қатнашганимдан ҳеч қачон афсусланмаганман. Ёзишни истамаган мақолаларим кўп бўлган, аммо ularни ўз вақтида ёзиб топширганимга ҳеч ҳам ачинмайман. Оёғимни чўзиб, ўзимга дам беришни истаган вақтларим кўп бўлган, аммо шундай бўлса ҳам ишга бориб, ўзим учун керакли вазифалар устида ишлаганимдан фахрланаман.

Бирон-бир соҳада мукаммалликка эришишнинг як-ягона үсули бир ишни қайта-қайта қилишдан роҳатланишдир. Сиз зерикишни севишингиз керак.

Бобнинг қисқача мазмуни

- Олтин меъёр қоидасига кўра, инсон ўз имкониятлари чегарасидаги вазифаларни бажараётганда унинг мотивацияси энг юқори чўққига | 263 чиқади.
- Муваффақият йўлидаги энг катта тўсиқ муваффақиятсизлик эмас, балки зерикишdir.
- Одатга кўникиб борар эканмиз, қизиқиш ва қониқишимиз сусайиб боради. Биз зерика бошлаймиз.
- Иштиёқи баланд бўлган пайтда ҳар қандай инсон қаттиқ меҳнат қила олади. Вазифа зери-

карли бүлганды ҳам ишлашда давом этиш бизни бошқалардан ажратиб туриши мүмкін.

- Профессионаллар режа бүйича ҳаракат қилауди, ҳаваскорлар эса түрли сабаблар асосий маңсаддан чалғитишига қўйиб беради.

20

ЯХШИ ОДАТЛАРНИНГ САЛБИЙ ЖИҲАТИ

Одатлар юксак маҳорат учун замин тайёрлайди. Шахмат ўйинида ўйинчи доналарнинг энг оддий ҳаракатларини ўзлаштириб олганидагина юқорироқ босқичда фикрлай олади. Хотирадан жой олган ҳар бир маълумот янада теранроқ фикрлай олиш учун ақлий салоҳиятни оширади. Бу ҳар қандай соҳага тегишли. Оддий ҳаракатларни онгсиз равишда ҳам бажара олсангиз эътиборингизни мураккаброқ деталларга қаратса оласиз. Шутарзда одатлар ҳар қандай моҳирликнинг асосини ташкил қиласди.

Бироқ одатларнинг ижобий таъсирини ҳис қилиш курбонлик талаб қиласди. Дастрраб ҳар бир тақрорлаш тезлик ва кўнгима ҳосил қиласди, ҳаракатларингизни сайқаллайди. Бироқ кейинроқ одат автоматлашади ва қайта алоқа сигналларини сезмай қўясиз. Ҳаракатларни онгсиз равишда тақрорлай бошлайсиз. Натижада хатоларни осонлик билан кўздан қочирасиз. Автоматик тарзда ишни “етарлича яхши” бажара олсан, уни қандай қилиб янада яхшилаш мүмкинлиги ҳақида ўйламай қўясиз.

Одатларнинг афзаллиги шундаки, маълум ҳаракатларни ўйламасдан қила оласиз. Уларнинг камчилиги шундаки, ҳаракатни фақат бир усулда бажарасиз ва майдагачоларни сезмай қоласиз. Тажрибангиз ортиб бораётгани сабабли ўзингизни ўсяпсиз деб ҳисоблайсиз. Аслида эса мавжуд

одатларингизни яхшилаш ўрнига уларни кучайтираётган бўласиз, холос. Айрим тадқиқот натижаларига кўра, маълум кўникумга ҳосил бўлгандан кейин вақт ўтиши билан уни бажара олиш даражаси бироз пасаяди.

Одатда бундай кичик пасайишга эътибор бермаса ҳам бўлади. Тиш ювиш, оёқ кийим ипини боғлаш, эрталаб қаҳва дамлаш сингари одатларни давомий яхшилаб боруви тизимга эҳтиёж йўқ. Бундай одатларни қила олсак етарли, юксак маҳорат шарт эмас. Оддий вазифаларга қанчалик кам қувват сарфласангиз, тежалган қувват муҳимроқ ишларга сарфланади.

Бироқ ўз потенциалингизни тўлиқ намоён қилиб, юксак мэрраларга эришишни истасангиз, бироз бошқача ёндашув талаб этилади. Битта нарсани ўйламасдан такрорлаш йўли билан бошқалардан ажралиб туриш қийин. Одатлар юксак маҳорат учун зарур, бироқ етарли эмас. Сизга керак бўладиган нарса – бу автоматик одатлар ва онгли машғулотлар комбинациясидир.

Одат + Онгли Машғулот = Юксак маҳорат

Буюкликка эришиш учун айрим кўникумларни автоматлаштириш шарт. Баскетболчи доминант бўлмаган қўли билан тўпни улоқтиришни мукаммаллаштиришдан олдин уни автоматик тарзда сапчитиб тура олиши керак. Операция давомидаги кутилмаган ҳолатларга тайёр бўлиш учун жарроҳ дастлабки кесмани кўзини юмиб ҳам қила оладиган даражада кўп такрорлаган бўлиши керак. Аммо маълум одатни ўзлаштириб бўлгандан сўнг яна онгли равишда ишнинг кўп меҳнат талаб қиласидан қисмiga қайтиб, янги одат устида ишлашингиз керак.

Юксак маҳорат дегани эътиборни муваффақиятнинг миттигина қисмларига жамлаш, бу ишни бажаришни ичинингизга сингиб кетгунча такрорлаш ва ҳосил бўлган янги одатдан кейинги ҳаракатни ўзлаштиришда фойдаланиш жараёнидир. Эски вазифаларни бажариш енгиллашади, аммо умумий иш осонлашмайди, чунки бутун кўч-кув-


ЯХШИДАН ЧИНАКАМ БҮОККА ҚАНДАЙ АЙЛANIШ МУМКИН?

ватингизни навбатдаги масалага сарфлаётган бўласиз. Ҳар бир одат кейингисини ўрганиш учун имконият яратади. Бу охири йўқ ҳалқа деса ҳам бўлади.

Битта одатни мукаммал эгаллаш



Соҳани мукаммал эгаллаш



| 267

16-расм. Мукаммалликка эришиш сиздан бир нарса кетидан бошқасини яхшилашни, бир одат кетидан янгисини шакллантиришни талаб этади. Бу жараён янги даражага етиб, уни мустаҳкамлагунча давом этади.

Одатлар жуда ҳам күп нарсага қодир бўлса ҳам, қилаётган ишларингизни онгли равишда кузатиб боришингиз, унга ўзгартиришлар киритиб, сайқаллаб туришингиз керак. Маълум ҳаракатни эндиғина ўзлаштириб бўлгандан кейин, яъни уни автоматик тарзда бажариб, ўзиннгизни эркин ҳис қила бошлаганимизда мамнунликка берилиб кетмаслигингиз керак.

Буни қандай амалга ошириш мумкин? Мулоҳаза ва таҳлил билан.

ОДАТЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ МУМКИН?

1986 йилда Лос-Анджелеснинг Лейкерс баскетбол жамоаси энг истеъодли ўйинчиларни ўзида жамлаган эди. Аммо жамоа воқеаларини бу тарзда эслашмайди. Жамоа 1985-1986 йилги NBA мавсумини 5 та мағлубият ва ҳайратланарли 29 та ғалаба билан бошлади. “Экспертлар бизни тарихдаги энг яхши баскетбол жамоаси деб ҳисоблай бошлаганди”, – дейди бош мураббий Пэт Райли мавсумдан кейин. Лейкерс 1986 йилги плей-оф ўйинларида ўзини яхши кўрсата олмай ҳаммани ҳайрон қолдирди ва ғарбий Конференция финалида ўйинни бой берип мавсумни ташлаб чиқиб кетди. “Тарихдаги энг яхши баскетбол жамоаси” ҳатто NBA чемпионлиги учун кураша олмади.

Ушбу зарбадан кейин ўйинчилари нақадар истеъоддли экани ва унинг жамоасидан қанча нарса кутилгани ҳақида эшитиш Райлининг жонига тегди. У маҳорат учқунларининг бир порлаб, кейин яна сўниб қолишини кўришни ҳам истамасди. У Лейкерс жамоаси ҳар куни барча имкониятларни тўлиқ ишга солишини истарди. 1986 йил ёзида шу мақсадга эришиш режасини тузиб, унга Энг яхши уриниш каръераси (ЭЯУК) дастурини ишга туширди.

“Ўйинчилар Лейкерс жамоасига биринчи марта қабул қилинганда, – дея изоҳлайди Райли, – биз уларнинг юқори синфлардан бери баскетболни қандай ўйнаб келганини

Үрганиб чиқардик. Мен бу жараённи үйинчиларни рақамлаштириш деб атайман. Биз үйинчи нималарга қодир эканини аниқ сонларда ифода қилишга ҳаракат қиласмыз. Сүнг шу күрсаткичларни сақлаб қолиб, кейинроқ янада яхшилаш шарти билан уни жамоа таркибиға оламыз”.

Үйинчининг базавий имкониятларини аниқлаб олгандан сүнг Райли бир мұхым жиҳатни құшди. У ҳар бир үйинчидан күрсаткичларини мавсум давомида ҳеч бұлмаганда бир фоизға оширишни талаб қилди. Агар улар бұны үддалай олишса, бу чиндан ҳам Эңг яхши уриниш карьераси бұлар зди. 1-бобда танишиб чиққан Британия велосипедчилари жамоаси сингари Лейкерс ҳам үйинчиларининг энг юксак натижаларига ҳар куни оздан яхши бўлиш йўли билан эришмоқчи зди.

Райли Эңг яхши уриниш карьераси дастури шүнчаки баллар ёки статистик күрсаткич әмаслигига, бу “жисмоний, ақлий, ва руҳий жиҳатдан барча имкониятларини ишга солиш” эканига алоҳида үрғу беріб ўтди. Үйинчилар рақиби жарима олиши учун ўзлари билан түқнашиб кетишига йўл қўйиши, дайди тўплар ортидан сакраш, кўлидан келиш келмаслигидан қатын назар рикошетдан қайтган тўпни тутиб олишга ҳаракат қилиш, шериги тўсиб турган рақиб ундан ўтиб кетганда ёрдамга шошилиш ва бошқа кўп “айтилмаган қаҳрамонлик” ишлар учун ҳам мақтов ола бошлашди.

Мисол учун, Лейкерс жамоаси юлдузи Мэжик Жонсон үйин давомида 11 очко тўплади, 8 та рикошет қайтган тўпни тутиб қолди, 12 марта шеригига ёрдам берди, 2 марта тўпни рақибдан олиб қўйди ва 5 марта тўпни олдириб қўйди. Бундан ташқари, у бир марта дайди тўп ортидан сакраб “айтилмаган қаҳрамонлиги” учун қўшимча бир балл олди. Ва ниҳоят, у үшбу назарий үйин давомида 33 дақиқа үйнади.

Позитив рақамлар йиғиндиси ($11 + 8 + 12 + 2 + 1$) 34 га teng бўлди. Ундан 5 марта тўпни олдириб қўйганини

айирамиз (34-5) ва 29 қолади. Ниҳоят олинган сонни үйинда қатнашган вақтига бўламиз.

$$29/33 = 0.879$$

Шунда Мэжикнинг ЭЯУК рақами 879 га тенг бўлади. Ҳар бир үйинда барча үйинчиларнинг ЭЯУКи шу йўсинда ҳисоблаб чиқиларди. Ҳар бир үйинчи мавсум давомида ўзи тўплаган балларининг ўртача кўрсаткичини 1 фоизга яхшилаши керак эди. Райли ҳар бир үйинчининг ЭЯУКини нафақат аввалги кўрсаткичлари билан, балки бошқа үйинчиларники билан солишириб кўрарди. “Биз үйинчиларимизни лигадаги ўхшаш вазифани бажарувчи рақиб үйинчилар билан ёнма-ён қўйиб, баҳолаб чиқар эдик”, — дейди Райли.

Спорт журналисти Жеки Макмаллан бу ҳақда шундай ёзади: “Райли лигадаги энг сара үйинчиларнинг кўрсаткичларини ҳар ҳафта ҳаммага кўз-кўз қилиб доскага катта ҳарфлар билан ёзиб қўйрди ва ўзининг мос үйинчиларини улар билан солишириб кўрарди. Яхши, ишонса бўладиган үйинчилар одатда 600 атрофида балл тўпларди, энг сара үйинчиларнинг балли эса ҳеч бўлмаганда 800 дан юқори бўларди. Спорт карьераси давомида бирданига З кўрсаткич бўйича 138 марта 10 дан юқори балл тўплай олган Мэжик Жонсоннинг кўрсаткичи эса одатдан мингдан юқори бўларди”.

Лейкерс жамоаси йиллик ўсишга ҳам алоҳида эътибор берар эди. Бунинг учун ЭЯУК архивидан фойдаланиларди. “Биз 1986 йил ноябрдаги кўрсаткичларни 1985 йил ноябрдаги кўрсаткичлар билан солиширардик ва үйинчиларга ўтган мавсумга нисбатан яхшироқ ёки ёмонроқ ўйнаётганларини кўрсатардик. Кейин эса уларнинг шу ойдаги натижалари ўтган ойницидан қандай фарқ қилишини кўрсатиб берардик”, — дейди Райли.

Лейкерс ЭЯУКни 1986 йилнинг октябрида йўлга қўйди. Саккиз ойдан кейин улар NBA чемпионига айланди. Келаси йили Пэт Райли жамоаси билан яна бир ғалабага

эришди. Натижада улар сүнгги йигирма йил ичидә кетмәкет иккى марта NBA чемпиони бўлган биринчи жамоага айланди. Кейинроқ Райли: “Саъй-ҳаракатларни бир хил даражада тутиб турис ҳар қандай ишда ўта мухим. Муваффақият сари йўл ишни қандай қилишни ўрганиб олиш ва ҳар сафар шунга амал қилишдан иборат”, — деб айтган.

ЭЯУК дастури мулоҳаза ва таҳлил нақадар самарали эканига ажойиб мисол бўла олади. Лейкерс ўйинчилари аллақачон иқтидорли эди. ЭЯУК улар эришиши мумкин бўлган натижаларга етиш ва одатларини янада ривожлантириб, кўникмаларини йўқотмасликка ёрдам берди.

Мулоҳаза ва таҳлил ҳар қандай одатни узок муддат давомида яхшиланишига имкон беради. Чунки у қилаётган хатоларингизни ва уларни тўғрилаш йўлларини кўрсатиб беради. Ўз ҳаракатларингиз устида ишламасангиз, турли баҳоналар ўйлаб топиш ва ўз-ўзингизни алдаш учун йўл очилади. Чунки усиз олдинги сафарга нисбатан ўзингизни вазифани яхшироқ ёки ёмонроқ уддалаётганингизни билолмай қоласиз.

Ҳар қандай соҳанинг моҳир усталари у ёки бу турдаги мулоҳаза ва таҳлил усусларидан фойдаланади. Жараён мураккаб бўлиши ҳам шарт эмас. Кениялик енгил атлетикачи Элиуд Кипчоге тарихдаги энг буюк марафон югурувчилардан бири бўлиб, Олимпия олтин медалига сазовор бўлган. У ҳанузгача ҳар бир машғулотдан кейин кунлик бажарган машқларини ёзиб боради ва уларни янада яхшилаш йўлларини излайди. Шу сингари яна бир олтин медал соҳиби, сузувлчи Кэти Ледеки ўзини қандай ҳис қилаётганини 1 дан 10 гача бўлган шкалада ҳар куни баҳолайди, қандай овқатлангани ва ухлаганини ёзиб боради. Бундан ташқари, у бошқа сузувлчилар қандай натижаларга эришганини яқиндан кузатиб боради. Ҳар ҳафта охирида Кэтининг мураббийи унинг ёзганларини ўқиб чиқади ва ўз фикрларини қўшиб қўяди.

Бу ишни фақатгина спортчилар қилмайди. Сүз үстаси Крис Рок янги материалларни тайёрлаётган пайтида дастлаб кичик түнги клубларда чиқышлар қилиб, юзлаб янги латифаларини синаб күради. У саңнага үзи билан дафтарини олиб чиқади ҳамда латифаларининг қайсилари яхши қабул қилингани, бошқалари устида эса ишлаш кераклигини белгилаб қўяди. Синовдан ўтган энг яхши материал унинг кейинги шоуси учун хизмат қиласди.

Мен “қарорлар журнали”ни юритадиган корпорация раҳбарлари ва инвесторларни биламан. Улар журналда ҳафта давомида қилган катта қарорлари, уларнинг сабаблари ва қандай натижалар кутилаётганини ёзиб боради. Улар ой ёки йил охирида ёзувларни кўриб чиқади ва қайсилари тӯғри ёки нотӯғри бўлганини таҳлил қиласди.

Яхшиланиш бу нафақат янги одатларни ўрганиш, балки мавжудларини сайқаллашни ҳам тақозо этади. Мулоҳаза ва таҳлил вақтингизни мұхим нарсаларга сарфлашингизни ва керак бўлганда ҳаракат йўналишингизни ўзgartира олишингизни таъминлайди. Худди Пэт Райли ўйинчиларнинг уринишларини ҳар кеча кўриб чиққани каби. Самарасиз бўлиб қолган одатни такрорлашда давом этишга ҳожат йўқ.

Шахсан мен мулоҳаза ва таҳлилнинг икки кўринишидан фойдаланаман. Ҳар йили декабрь ойида мен ийллик таҳлилни амалга ошириб, йил давомида қилган ишларимни кўриб чиқаман. Нечта мақола ёзганим, неча соат спорт билан шуғулланганим, нечта янги жойга борганим ва ҳоказоларга асосланиб одатларимга баҳо бераман. Шундан сўнг үсиш бўлган-бўлмаганини билиш учун қўйидаги учта саволга жавоб бераман:

1. Бу йил қайси ишларим ўнгидан келди?
2. Қайси ишларим бу йил унчалик ўхшамади?
3. Бу йил нималарни ўргандим?

Олти ой ўтиб, ёз бошланганида мен яхлит ҳисобот тузаман. Ҳамма қатори мен ҳам кўплаб хатолар қиласман.

Яхлит ҳисоботим қаерларда хатога йўл қўйганимни аниқлаш ва уларни тўғрилаш учун мотивация топишимда ёрдам беради. Таҳлил давомида мен энг асосий қадриятларимни, уларга мос равища яшаётган ёки яшамаётганимни кўриб чиқаман. Ким эканлигим ва ўзим истаган инсон бўлиш учун нималар қилишим мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўраман.

Йиллик яхлит ҳисоботим қўйидаги учта саволга жавоб беради:

1. Ишимда ва шахсий ҳаётимда йўл кўрсатувчи асосий қадриятларим нималардан иборат?
2. Ишим ва шахсий ҳаётим қадриятларим билан қанчалик мос тушади?
3. Келажакда янада юқори стандартларга қандай эришишим мумкин?

Иккала ҳисобот ҳам унчалик кўп вақт талаб қилмайди – – иилига атиги бир неча соат. Аммо улар мұхим такомиллаштириш даврларидир. Улар етарли эътибор берилмаган пайтда одатлар сифатининг аста-секин пасайиб боришининг олдини олади. Улар мен ким бўлишни истаётганимни эслатиб туради ва одатларим шундай инсон бўлишга қай даражада хизмат қиласётганини кўрсатишига ёрдам беради. Бундан ташқари, улар қачон одатларимни кейинги босқичга чиқариб янги муаммолар устида бош қотиришим ёки бир қадам орқага юриб эътиборимни базавий кўникумаларга қаратишими кераклигини ҳам кўрсатади.

Ўзингиз ҳақингизда ўйлаш ҳаётга бошқа назар билан қараш имконини ҳам беради. Биргалиқда жамланиб, бир-бирини кучайтира оладиган кундалик одатларингиз жуда ҳам аҳамиятли. Бироқ кундалик қарорлар ҳақида ортиқча бош қотириш кўзгуга бурнингизни қадаб қарашга ўхшайди. Натижада умумий ҳолатни кўрмаган ҳолда кўзингизга фақат камчиликлар ташланади. Бу қайта алоқа кўпайиб кетгани белгисидир. Одатларни умуман қайта кўриб

чиқмаслик эса кўзгуга бирор марта ҳам қарамасликка ўхшайди. Кўйлакдаги доғ ёки тишдаги овқат қолдиги сингари осонгина кўзга ташланадиган камчиликларни ҳам бартараф этолмайсиз. Бу ҳолатда қайта алоқа етарлича эмас. Даврий равишда одатларингиз ҳақида ўйлаш ва уларни қайта кўриб чиқиш эса кўзгуга одатдаги масофадан қарашга ўхшайди. Асосий манзарани кўздан қочирмаган ҳолда қилиниши керак бўлган мұхим ўзгаришларни кўра оласиз. Якка дарахтларни эмас, бутун бошли ўрмонни кўришга ҳаракат қилиш керак.

Ва ниҳоят, мұлоҳаза ватажлилхулқ-атвор ўзгаришининг энг мұхим жиҳати бўлмиш ўзлик ҳақида фикр юритиш имконини беради.

ЎСИШГА ХАЛАҚИТ БЕРАДИГАН ҚАРАШЛАРДАН ҚАНДАЙ ХАЛОС БўЛИШ МУМКИН?

Аввалига одатларни такрорлаш сиз истаган шахсиятни тасдиқловчи далилларни тўплаш учун ниҳоятда зарур. Бироқ янги шахсият шаклланиб бўлгандан сўнг ундаги қарашлар ривожланишнинг кейинги пофонасига чиқишига халақит беради. Шахсиятингиз сизга қарши ишлаётган пайтда у сизда “кибр” туйғусини ҳосил қиласди. Кибр камчиликларингизга кўз юмишга ундейди ва чинакамига ўсишга халақит беради. Бу одатларнинг энг мұхим салбий жиҳатларидандир.

Маълум бир ғоя сиз учун қанчалик қадрли бўлиб,
274 | шахсиятингизга яқин бўлса, унга қаратилган танқидлардан шунчалик шижоат билан ҳимояланасиз. Бундай ҳодисани ҳар қандай жабҳада кузатиш мумкин. Ўқитишнинг янги усулларинитан олмасдан, ўзининг синалган дарс режасига суюнадиган ўқитувчи, ишларни ўз усулида қилишга ўрганиб қолган тажрибали менежер, ёш ҳамкасларининг фикрларини инобатга олмайдиган жарроҳ, тез машҳур бўлиб кетган биринчи альбомни яратиб, кейин бир қолипга тушиб қолган мусиқий груп бўнга мисол бўла

олади. Шахсиятга қанча ёпишиб олсангиз, юксакроққа үсиш шүнчалик қийинлашади.

Ушбу муаммонаң олдини олишнинг бир йўли – бу ҳеч бир шахсият сизнинг энг катта бўлагингизга айланишига йўл қўймасликдир. Инвестор Пол Грэм таъбири билан айтганда ўзлигинги зни кичикилигича сақланг. Маълум бир қараш ҳаётингизнинг асосий қисмига айланиб борар экан, умр давомида турли тўсиқларга дуч келганингизда уларга мослашиш шүнчалик қийинроқ бўлиб боради. Агар баскетбол жамоаси ҳужумчиси, фирма эгаларидан бири ёки исталган бошқа вазифа ҳаётингизнинг мазмунига айланиб қоладиган бўлса, уни йўқотиш ҳаётингизни вайрон қилиб юбориши мумкин. Агар веган бўлсангиз-у, бирон-бир касаллик овқатланиш тартибинги зни ўзгартиришга мажбур қилса шахсият инқирози ривожланади. Сиз ўзликка қанчалик кўп яқинлашганингиз сари мўртлашиб борасиз. Ўша нарсани йўқотганингизда ўзлигинги зни ҳам йўқотасиз.

Ёшлигимда спортчи бўлиш шахсиятимнинг энг катта қисми эди. Бейсболдаги карьеरам ниҳоясига етгандан кейин ҳаётдан мақсадимни йўқотиб қўйдим. Агар бутун умрингиз давомида ўзингизни бирор нарса билан боғлаб келган бўлсангиз-у, ўша нарса йўқ бўлиб қолса, энди сиз кимсиз?

Ҳарбий ветеранлар ва собиқ тадбиркорлар ўзларида шундай ҳолатни ҳис қилишган. Агар инсон ўзини яхши аскар деб ҳисоблаб келган бўлса, унинг хизмат муддати | 275 тугагандан кейин нима бўлади? Кўпгина бизнесменлар учун ўзлик компания раҳбари ёки асосчиси бўлишидир. Агар инсон эрталабдан кечгача ўз бизнеси ҳақида ўйлаб яшаган бўлса, уни сотиб юборгандан кейин ўзини қандай ҳис қилиши мумкин?

Ўзликнинг бундай йўқотишлари олдини олиш учун ким эканингизнинг таърифини шундай ўзгартириш керакки, мұайян ролингиз ўзгарганида ҳам ўзлигинги ўзгармай қолсин.

- “Мен спортчиман” ўрнига “Мен рүхий жиҳатдан бақувват ва жисмоний қийинчиликларни ёқтирадиган одамман”.
- “Мен яхши аскарман” ўрнига “Мен тартибли, ишончли ва жамоа билан яхши ишлайдиган одамман”.
- “Мен компания раҳбариман” ўрнига “Мен янги нарсаларни яратадиган инсонман”.

Тұғри танланган үзлик мұрт әмас, балки үта қайишқоқ бұлиб қолади. Түсік атрофидан айланиб оқувчи сув сингари үзлигингиз ҳам вазият үзгарғанда шароитта осон мослашади.

Дәо Дә Цзиндан олинган қүйидаги парча мазкур фикрни мұкаммал тарзда ифодалайды:

Инсонлар юмшоқ өз әгилувчан бұлиб туғилади;

Үлганды эса әгилмас ва қаттиқ.

Үсимликлар майин ва қайишқоқ яралади;

Үлганды эса мұрт өз қуруқ.

Шундай экан, кимки әгилиб, букила олмаса,

У үлімнинг издошидір.

Кимки майин ва әгилувчан бұлса,

у ҳаёт фарзанди.

Қаттиқ ва букилмас нарсалар синади.

Юмшоқлық ва әгилувчанлик ғолиб бўлади.

Одатлар инсонга кўп фойда келтиради. Аммо бошқа тарафдан үлар бизни қотириб қўяди. Атрофимиздаги дунё үзгарғанда ҳам, эскича фикрлаш ва ҳаракат тарзи билан қолиб кетамиз. Бу дунёда ҳамма нарса омонат. Ҳаёт тез үзгаради. Шу сабабдан ҳам одат ва қарашларингиз ҳали ҳам сизга фойда келтираётганига доимо ишонч ҳосил қилиб туриш керак.

Ўзини англамаслик – заҳар, мулоҳаза ва таҳлил эса зидди заҳардир.

Бобнинг қисқача мазмұни

- Одатларнинг яхши томони шундаки, маълум ҳаракатларни ўйламасдан қила оламиз. Уларнинг камчилиги – майда хатоларни сезмай қоламиз.
- Одат + Онгли машғулот = Юксак маҳорат.
- Мулоҳаза ва таҳлил хатти-ҳаракатларингизни узоқ муддат давомида онгли равишда кузатиб бориши имконини берувчи жараёндир.
- Ўзликка қанчалик ёпишиб олсак, юксакроқ ўсиш шунчалик қийинлашади.

ХОТИМА

ДАВОМЛИ НАТИЖАЛАР СИРИ

Үюм парадокси (Сорит парадокси) номли қадимги юнон масали бор. Унда кичик ҳаракатни етарлича тақрорлаш қандай натижаларга олиб келиши мүмкінлігі ҳақида сұз боради. Уннинг күплаб варианларидан бири қүйидаги: бир танға одамни бой қила оладими? Агар бир кишиига бир үюм танға берсак ҳам үни бой деб ҳисобламаган бўлар эдим. Бироқ үюмга яна битта танға қўшсак-чи? Яна битта? Яна битта? Маълум бир вақт келадики, агар битта танға инсонни бой қила олмаса, у ҳеч қачон бой бўла олмайди, деган хуносага келинади.

Атом одатлар ҳақида ҳам шундай дейиш мүмкин. Миттигина ўзгариш ҳаётингизни бутунлай бошқача қилиб юбора оладими? Бундай бўлиш эҳтимоли жуда ҳам кам. Яна бир кичикроқ ўзгартириш киритсангиз-чи? Яна ва яна тақрорласангиз-чи? Охир-оқибат ҳаётингиз биттагина кичик ўзгариш туфайли бутунлай бошқача бўлиб қолганини тан олишга мажбур бўласиз.

Хўлқ-автор ўзгаришининг асл мазмуни 1 фоизли яхшиланишга эришиш эмас, балки минглаб шундай ўзгаришларни таъминлашдир. У күплаб атом одатларининг умумлашган таъсири бўлиб, ҳар бир одат умумий тизимнинг таркибий қисми бўлади.

Дастлаб, кичик ўзгартиришлар аҳамиятсиздек күринади. Чүнки улар улкан тизим уммони олдида кичик бир заррага ўхшайди. Битта танга сизни бой қила олмаганидек, күнинга бир дақиқа медитация қилиш ёки бир бет китоб ўқиш сингари битта яхши одат айтарли ўзгаришларга олиб келмайди.

Бироқ аста-секин яхши одатлар түплана борар экан, ҳаёт тарозисининг паллалари ҳаракатга кела бошлайди. Ҳар бир янги одат сиз томондаги паллага қум заррачини қўйғандек тарозининг мувозанатини ўзгартира бошлайди. Ва ниҳоят, бу ишни давом эттирангиз, тарози бошқа томонга оғиб кетади. Яхши одатларга амал қилиш тўсатдан енгил туюла бошлайди. Энди тизимнинг салмоғи сизнинг фойдангизга ишлай бошлайди.

Китобни мутолаа қилиш давомида ўзишининг усталари ҳақидаги кўплаб ҳикояларга дуч келдингиз. Ўз ишини пухта эгаллаш ва ўз соҳаларининг юксак чўққиларига эришишда кичик одатлар санъатидан фойдаланган Олимпия олтин медали совриндорлари, юксак унвонларга эга бўлган санъаткорлар, бизнес лидерлар, инсонлар ҳаётини сақлаб қолувчи шифокорлар ва машҳур сўз усталари билан танишдик. Китобда келтирилган одамлар, жамоалар ва компаниялар турли тўсиқларга дуч келган, аммо деярли бир йўсинда муваффақиятга эришган. Яъни кичик, барқарор ва давомли яхшиланишлар орқали.

Муваффақият эришиладиган мақсад ёки марра чизиги эмас. Бу доимий равишда такомиллаштириш ва сайқаллаш жараёнидир. 1-бобда “Агар одатларни ўзгартиришда қийинчиликларга дуч келсақ, муаммо бизда эмас, балки тизимда яширинган. Ёмон одатларни улардан халос бўлишни истамаганимиз учун эмас, балки буни амалга оширишда нотуғри тизим танлаганимиз учун ҳам такрорлайверамиз”, деб ёзган эдим.

Китоб ниҳоясига етиб борар экан, бунинг акси бўлишига умид қилиб қоламан. Хулқ-атвор ўзгаришининг тўрт

қоидаси ёрдамида яхшироқ тизимлар яратиш ва яхшироқ одатларни шакллантириш учун барча имкониятларга эга бўласиз. Агар одатни эслаб қолиш қийин бўлса, уни кўзга яққолроқ ташланадиган қилишингиз мумкин. Агар уни бошлишни унчалик истамаётган бўлсангиз, одатнинг жозибадорлигини ошириш мумкин. Кўпинча эса одатни бажариш қийин кечади. Бу ҳолатда одатни осонлаштириш мумкин. Баъзан эса одатга узоқ вақт содиқ қола олмайсиз. Бунда одатни қониқарлироқ қилишга тўғри келади.

Осон**Қийин**

Яққол	Кўринмас
Жозибали	Жозибасиз
Енгил	Оғир
Қониқарли	Қониқарсиз

Яхши одатларингизни кўзга осон ташланадиган, жозибали, осон ва қониқарли қилиш йўли билан имкон қадар спектрнинг чап тарафига келтиришингиз керак. Аксинча, ёмон одатларингизни кўз илғамас, жозибасиз, қийин ва қониқарсиз ҳолга келтириб спектрнинг ўнг тарафига суриб қўйишишингиз зарур.

Бу давомли жараёндир. Унда марра чизиги йўқ. Абадий ечимлар ҳам йўқ. Қайси жабҳада такомиллаштиришга уринишишингиздан қатъи назар, ҳар сафар муаммога дуч келганингизда хулқ-атвор ўзгаришининг тўрт қоидасининг биридан иккинчисига ўтиб юраверасиз. Одатни кўзга осонроқ ташланадиган қиласиз, жозибадорлигини оширасиз, осонлаштирасиз ва қониқарлироқ бўлиши таъминлайсиз. Яна ва яна. Доимо яна бир фоиз яхшиланишларни излаш билан банд бўласиз.

Давомли натижалар сири яхшилашда сира ҳам тўхтамасликдир. Агар ҳаракатда давом этадиган бўлсангиз, нақадар катта натижаларга эришишингиз, тер тўкишда давом этсангиз, бизнесингиз қанчалик ривожланиши,

машқ қилишдан тұхтамасанғиз, тананғиз қанчалик ажо-
йиб бўлиши, ўрганишдан ҷарчамасанғиз, нақадар улкан
билимга эга бўлишингиз, пулни тежаб бораверсанғиз қан-
чалик катта сармояга эга бўлишингиз, эътиборингизни
аямасанғиз дўстлигингиз нақадар мустаҳкам бўлиши мум-
кинлиги ҳайратланарлидир. Кичик одатлар бир-бирига
шунчаки қўшилмайди, улар бир-бирини кучайтиради.

Айнан шу нарса атом одатларининг кучидир. Кичик
ўзгаришлар, катта натижалар.

ИЛОВА

ЭНДИ НИМАНИ ЎҚИШ КЕРАК?

Вақтингизни аямай, ушбу китобни ўқиб чиққанингиз учун сизга ташаккур. Билганларимни сиз билан баҳам кўрганимдан мамнунман. Агар шу мавзуда янги бирор нарса ўқимоқчи бўлсангиз, ўз фикрларимни таклиф этишга ижозат беринг.

Агар “Атом одатлар” китоби сизга манзур бўлган бўлса, менинг бошқа ишларим ҳам қизиқиш уйғотади, деган умиддаман. Янги мақолаларим бепул хафталик ахборот бюллетенимда омма эътиборига ҳавола қилиб борилади. Обуначилар бундан ташқари менинг янги китоб ва лойиҳаларим ҳақида биринчи бўлиб хабардор бўлишади. Ўз ишларимга қўшимча равишда ҳар йили менга ёққан турли муаллифларнинг ранг-баранг мавзуларда ёзган китоблари рўйхатини тарқатаман.

Энди “jamesclear.com/newsletter” сайтига ташриф бу-юриб ахборот бюллетенига аъзо бўлишингиз мумкин.

ТҮРТ ҚОИДАНИНГ КИЧИК ХУЛОСАЛАРИ

Китобда инсон хулқ-атворининг түрт босқичли (сигнал, истак, жавоб ва мукофот) моделини кўриб чиқдик. Ушбу тизим нафақат янги одатлар ҳосил қилишига ёрдам беради, балки инсон хулқ-атворининг қизиқарли жиҳатларини тушуниш имконини ҳам беради.

Муаммо фазаси		Ечим фазаси	
Сигнал	Истак	Жавоб	Мукофот

Ушбу бўлимда ушбу модел томонидан тасдиқланган хулосалар ва ўз-ўзидан тушунарли бўлган айrim фикрларни жамлаб келтирганман. Бу мисолларни келтиришдан мақсад биз кўриб чиқсан тизим инсон хулқ-атворининг турли жиҳатларини тасвиrlашда нақадар фойдали эканини кўрсатишдир. Моделни тўлиқ тушуниб етгандан сўнг унга мисолларни ҳар қадамда учратасиз.

Огоҳлик истақдан аввал келади. Истак сигнални талқин қилганимиздан кейин юзага келади. Миямиз ҳозирги ҳолатимизни тасвиrlаб бериш учун ҳис-туйғуларни яратади. Шундай экан истак фақат имконият мавжудлигини сезганимиздан кейингина пайдо бўлади.

Бахт – истакларнинг йўқлигидир. Агар сигнални қабул қилгандан сўнг ҳозирги ҳолатимизни ўзgartиришни истамасак, бу бизнинг мавжуд вазиятдан қониқаётганимизни билдиради. Бахт лаззатга (хурсандчилик ёки қониқиши) эришиш эмас, балки ҳоҳиш-истакнинг йўқлигидир. У ҳисларимизни ўзgartириш талаби бўлмаганда юзага келади. Бахт ҳолатимизни ўзgartиришни истамайдиган вазиятдир.

Бироқ бахт ўткинчи, чунки янги ҳоҳиш-истаклар юзага келишдан тўхтамайди. Каед Будрис айтганидек “Бахт – бу бир истак қондирилиши билан иккинчи истак ҳосил бўлиш орасидаги вақтдир”. Аксинча, азоб эса ўзгаришга талаб пайдо бўлгандан уни амалга оширишгacha бўлган вақтдир.

Биз лаззат ғояси ортидан қувамиз. Биз хаёлимизда ҳосил бўлган лаззат образини излаймиз. Ҳаракат қилаётган пайтимизда ўша образга эришиш қандай бўлишини, у бизни қониқтира олиш-олмаслигини билмаймиз. Қониқиши ҳисси образга ҳаётда етишганимизда пайдо бўлади. Австриялик невролог Виктор Франкл бахт ортидан қувилмайди, унинг ўзи келади, деганда айнан шуни назарда тутган.¹ Истак ортидан қувилади. Лаззат эса ҳаракат ортидан келади.

Ички сокинлик кузатувларимизни мұаммога айлантирганимизда базага келади. Атроф-муҳитни кузатиш ҳар қандай хатти-ҳаракат учун биринчи қадам. Сигнал, кичик бир маълумотни қабул қиласиз ёки воқеага гувоҳ бўласиз. Агар кўрган-эшитганларингиз таъсирида бирор иш қилиш истаги пайдо бўлмаса, демак, биз ички сокинлик ҳолатидамиз.

¹ Франклнинг тўлиқ сўzlари қўйидагиcha: “Муваффақиятни мўлжалга олиб, унга интилманг. Уни нишонга олишга қанчалик уринсангиз, хато қилиш эҳтимоли шунчалик ортади. Бахт сингари муваффақиятнинг ҳам ортидан қувиб бўлмайди, унинг ўзи келади. Бу ҳолат кўпинча улкан мақсад сари жон-жаҳди билан курашганда ёки бошқа бир инсонга тўлиқ итоат этганда қўшимча эффект сифатида юзага келади”. Қўшимча маълумот учун қаранг: Viktor E. Frankl, *Man's Search for Meaning: An Introduction to Logotherapy* (Boston: Beacon Press, 1962).

Истак бирор нарсаны түғрилашга бўлган талабдир. Кузатув натижасида истак пайдо бўлмаса, бу ҳеч нарсани түғрилаш керак эмаслигини билдиради. Талабларимиз қуюшқондан чиқиб кетмаяпти. Вазиятни ўзартириш истаги йўқ. Миямиз ҳал қилиниши керак бўлган мұаммо яратмаяпти. Биз шунчаки шу ерда мавжудмиз ва атрофни кузатяпмиз.

“Нима учун?” саволига жавобимиз бўлса, “қандай қилиб?” деган исталган мұаммоми ҳал қила оламиз. Немис файласуфи ва шоири Фридрих Ницшенинг “Ҳаётда яшашдан мақсади бўлган одам ҳар қандай қийинчиликка бардош бера олади”, деган машҳур ибораси бор. Ушбу жумла инсон табиати ҳақида мұхим бир ҳикматни ифодалади. Агар мотивация ва интилишларимиз етарли даражада катта бўлса (яъни нима учун ҳаракат қилаётганимиз), қийин бўлган ишларни ҳам бажара оламиз. Кучли истак улкан ишларга қанот беради, ҳатто тўсиқлар кўп бўлганда ҳам.

Қизиқувчан бўлиш ақлли бўлишдан яхшироқ. Иштиёқманд ва қизиқувчанлик ақлли бўлишдан мұхимроқ, чунки улар ҳаракатга ундайди. Ақлли бўлишни ҳаракатга сабаб бўлмагани учун үнинг ўзи билан натижага эришиб бўлмайди. Ҳулқ-атворга турткি берувчи куч ақлидрок эмас, балки истақдир. Навал Равикант айтганидек: “Ҳар қандай ишни бажара олиш сири бу дастлаб үнга интилишни шакллантиришдир”.

Ҳулқ-атворни ҳис-туйғулар ҳаракатга келтиради. Ҳар қандай қарор – у ёки бу босқичдаги эмоционал қарордир. Маълум ҳаракатни бажаришга қанчалик кўп мантиқий сабаб бўлишидан қатъи назар, туйғулар аралашгани учунгина уни бажаришга эҳтиёж сезамиз. Миянинг ҳис-туйғу марказлари заараланган одамлар бирон-бир ишни амалга ошириш учун бир нечта сабаб келтириши мүмкін, аммо ҳаракатга келтирувчи эмоциялар бўлмагани сабабли улар барибир бу ишга қўл уришмайди. Шунинг учун ҳам

истак жавобдан олдин келади. Аввал ҳис-түйғу, сүнг хатти-харакат.

Эмоционал бўлганимиздан кейингина рационал фикрлашимиз мумкин. Миянинг бирламчи иш режими – бу ҳис қилишдир. Иккиласми режими эса фикрлаш. Биринчи жавоб реакциямиз, яъни миянинг тезкор, тенгсиз ҳис-түйғуларни сезиш ва олдиндан сезишга мослашган. Иккинчи жавоб реакциясига жавобгар миянинг секин ва онгли қисми эса фикрлаш билан шуғулланади.

Психологлар уларни биринчи тизим (түйғулар ва тезкор қарор қабул қилиш) ва иккинчи тизим (рационал анализ)га ажратишади. Ҳис-түйғулар (биринчи тизим) эрта-роқ фаоллашади; рационал фикрлаш эса (иккинчи тизим) кейинроқ аралашади. Улар бир-бири билан уйғунликда ишлаганда жуда самарали, бундай бўлмагандан эса нора-ционал ва эмоционал фикрлаш устунликка эришиб олади.

Жавоб реакциямиз ҳис-түйғуларимиз ортидан боради. Фикр ва хатти-харакатларимиз қизиқишларимиздан келиб чиқади ва доим ҳам мантиқий бўлавермайди. Иккита одам бир хил фактлар йиғиндисини сезиб турлича жавоб қайтариши мумкин. Чунки олинган ахборот ҳар бир инсоннинг такрорланмас эмоционал фильтридан ўтади. Шу сабабдан ҳам ҳис-түйғуларга юзланиш одатда мантиққа мурожаат қилишдан кучлироқдир. Агар мавзуу кимнингдир ҳисларини үйғотиб юборса, улар мавзуда келтирилган ахборотлар билан пачакилашиб ўтирумайди. Айнан шу сабабга кўра, ҳиссиётлар қарор қабул қилиш йўлида катта тўсиққа айланиши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда одамлар ўзларига фойда келтирадиган, яъни ўз эҳтиёжларини қондирадиган ҳаракатларни энг яхши жавоб реакцияси деб ҳисоблашади. Вазиятга нейтрал эмоционал нуқтаи назардан ёндашиш қарорларни түйғуларга эмас, балки маълумотларга асосланишиб қабул қилишга ёрдам беради.

Азобланиш – тараққиёт гаровидир. Ҳар қандай азобнинг сабаби вазиятни ўзартириш истагидир. Бу эса ўз навбатида тараққиётни таъминлайди. Ҳолатимизни ўзгартиришга бўлган талаб бизни ҳаракатга ундейди. Янада кўпроқقا интилиш инсониятни дунёни такомиллаштиришга, янги технологияларни яратишга ва янги марраларни забт этишга чорлади. Истак бўлганда қониқиши ҳисси йўқолади, аммо ғайратимиз ошади. У бўлмаганда эса қониқиши ҳис қиласиз, аммо иштиёқимизни йўқотиб қўяшимиз.

Ҳаракатларимиз бирор нарсани қанчалик кучли истаётганимизни кўрсатади.

Агар маълум бир ишни қилиш нақадар мұхимлиги ҳақида тўхтамасдан гапирсак, тайнинли бирон-бир иш қилмайдиган бўлсак, бу уни үнчалик ҳам хоҳла-маётганимизни кўрсатади. Ўз-ўзимиз билан самимий сұхбатлашиш вақти келди. Хатти-ҳаракатларимиз асл мақсадларимизни ошкор қилиб қўяди.

Мукофот қурбонлик талаб қиласи. Жавоб реакцияси (энергия сарфлаш) доимо мукофотдан (ресурсларни йигиф олиш) олдин келади. Югурувчилар ҳис қиладиган лаззат узоқ вақт югуришдан кейин кузатилади. Мукофотни фақат қувват сарфлагандан кейин олиш мумкин.

Ўз-ўзини назорат қилиш қийин, чунки у қониқарли эмас. Мукофот – бу истакларимизнинг қондирилиш натижасидир. Истакларимизни жиловлаш бу масалани ҳал қилмайди. Натижада ўз-ўзини назорат қилиш жуда самарасиз бўлади. Алдовларга учмаслик хоҳишлирамизни қондирмайди, балки уларга эътибор бермайди холос. У истаклар ўтиб кетиши учун йўл очади. Ўз-ўзини назорат қилиш биздан хоҳиш-истакларимизни қониқтириш ўрнига уни чиқариб ташлашни талаб қиласи.

Мўлжалларимиз қониқиши даражамизни белгилайди. Истак ва мукофот ўртасидаги фарқ ўз ҳаракатимиздан қай даражада қониқишимизни белгилаб беради.

Агар мүлжаллаган ва эришилган натижа ўртасидаги фарқ ижобий бўлса, (ажабланиш ва қувонч) ушбу ҳаракатни келажакда тақрорлаш эҳтимоллиги ортади. Номутаносиблик салбий бўлганда эса (ҳафсала пир бўлиши ва умидсизлик) аксинча, хатти-ҳаракатни кейинчалик камроқ бажарамиз.

Мисол учун, ўн доллар олишни кутаётган пайтимиизда юз доллар оладиган бўлсан, ўзимизни жуда ҳам ажойиб ҳис қиласиз. Аксинча, юз доллар олишни режалаштириб, атиги ўн доллар қўлга киритадиган бўлсан тезда ҳафсаламиз пир бўлади. Умидларимиз қониқиш даражасини ўзгариради. Катта умидлардан кейин олинган ўртача натижа кўнглимиз қолишига сабаб бўлади. Кўп нарса кутмаган пайдада қониқарли натижа олиш эса қувончга сабаб бўлади. Ёқтириш ва исташ даражаси бирбирига тенг бўлганда қониқиш пайдо бўлади.

Қониқиш = Ёқтириш – Исташ

Сенеканинг қашшоқлик бойлик камлиги эмас, балки кўпроқ бойликни хоҳлашдир, деган машҳур иборасида яширган донолик ҳам шунда. Агар истакларимиз ёқтириш даражамиздан олдинга ўтиб кетса – ҳеч ҳам қониқмай юрамиз. Ечимлардан кўра доимо муаммоларга кўпроқ урғу берамиз.

Бахт – нисбий тушунча. Мақолаларимни омма эътиборига ҳавола қилишни бошлаганимда биринчи мингта обуначини йиғиши учун уч ой кетди. Бунга эришганимда қувончимни ота-онам ва севган қизим билан баҳам кўрганман. Биз буни алоҳида нишонлаганмиз. Ҳаяжон ва иштиёқقا тўлиб-тошиб кетганман. Бир неча йилдан кейин эса интернетдаги сайтимга кунинга мингтадан одам аъзо бўлаётганига эътибор бердим. Бироқ, бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим дейиш хаёлимга ҳам келмади. Бу ҳудди одатдагидек туюлди. Мен аввалигига нисбатан тўқсон баробар тезроқ обуначи йиғаётган бўлсан ҳам, жуда кам лаззатландим. Фақат бир неча кундан кейингида даст-

лаб ушалмас орзу бўлиб кўринган бундай натижаларни нишонламаётганим ғалати туюла бошлади.

Мағлубият алами мўлжалларимиз қанчалик баландлигига тўғри пропорционалдир. Истак кучли бўлганда натижадан қониқмаслик оғрикли бўлади. Ўзимиз истаган мақсадга эриша олмаслигимиз эса ўзимиз үнчалик қадрламайдиган натижага эришмаслиқдан азоблироқ. Шунинг учун ҳам айримлар катта умид қилмаяпман, деб гапиради.

Туйғулар хатти-ҳаракатдан олдин ҳам, кейин ҳам юзага келади. Ҳаракат қилишдан олдин унга мотивация берувчи туйғу-истак пайдо бўлади. Ҳаракатни амалга ошириб бўлганимиздан кейин эса уни келажақда такрорлашимизни таъминловчи бошқа ҳиссиёт – мұкофот кузатилади.

Сигнал > Истак (ҳис-туйғу) > Жавоб > Мұкофот (ҳис-туйғу)

Ҳис-туйғуларимиз хатти-ҳаракатларимизга, улар эса яна ҳис-туйғуларимизга таъсир кўрсатади.

Истак бошлаб беради, лаззат эса давом эттиради. Хоҳлаш ва ёқтириш хулқ-атворни ҳаракатга келтирувчи кучлардир. Хоҳиш бўлмаса, ҳаракатни бошлашга сабаб йўқ. Хоҳиш-истак хулқ-атворга туртки бўлади. Аммо ҳаракат ёқимли бўлмаса, уни такрорлашдан маъно ҳам бўлмайди. Лаззат ва қониқиш хулқ-атворнинг давомли бўлишини таъминлайди. Иштиёқ бўлганда ишни бажарамиз, муваффақиятга эришганимизда эса уни такрорлаймиз.

Тажриба ортиб бориши билан мўлжал камаяди ва қабул қилиш билан алмашади. Биринчи марта имконият пайдо бўлганда у натижа беришига умид қиласмиш. Мўлжалларимиз фақатгина ўша имкониятга асосланган бўлади. Иккинчи мартада эса кутаётган натижаларимиз реалликка асосланади. Содир бўлаётган жараёнларни тушуна борамиз ва аста-секинлик билан умидларимизни

аниқроқ башорат қилиш қобиляти ва натижаларни борича қабул қилишга алмаштирамиз.

Шу сабабга күра ҳам энг янги “тезда бойлик орттириш” ва тез озиш үсулларига учиб қоламиз. Янги режалар бизга умид бағишилайды, чунки үндан нималар кутиш мүмкінлігини билишга ёрдам берувчи тажрибамиз йўқ. Умидларимиз ҳеч нарса билан чегараланмагани сабабли янгича ёндашувлар эскиларидан жозибалироқ кўринади. Аристотел айтганидек, “Ёшлар умид қилишга мойиллиги учун тез алданиб қолади”. Балки, бу жумлани “Ёшлар фақат умид қилгани учун тез алданиб қолади”, деб айтсак яна ҳам тўғрироқ бўлар. Чунки уларда суюниш мүмкин бўлган тажрибанинг ўзи йўқ. Бошланишида фақат умид бўлади, холос.

БУ ҒОЯЛАРНИ БИЗНЕСГА ҚАНДАЙ ТАТБИҚ ҚИЛИШ МУМКИН?

Йиллар давомида мен “Fortune 500” компаниялари ва ёш стартапларда кичик одатлар санъатини бизнесни самаралироқ юритиш ва яхшироқ маңсулотлар яратиша фойдаланиш мүмкінлеги борасида нұтқлар сүзлаганман. Улар ичида энг амалий үсулларни кичик құшимчы бобга жамлаганман. Умид қиласанки, ушбу боб “Атом одатлар” китобига келтирилған асосий ғояларга ўта қимматли құшимчы бўлади.

Ушбу бобни [“atomichabits.com/business”](http://atomichabits.com/business)дан юклаб олишингиз мүмкин

УШБУ ҒОЯЛАРНИ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ҚАНДАЙ ТАТБИҚ ҚИЛИШ МУМКИН?

Обуначиларимдан энг күп тушадиган саволлар “Болаларимни буни қилишга қандай мажбурлай оламан?” сингарилардир. “Атом одатлар” китобидаги ғоялар инсон хулқ-атворининг барча кўринишларини қамраб олишга уринган (болалар ва ўсмирлар ҳам одам). Шу сабабли ҳам китобнинг ўзида етарлича фойдали усусларни топиш мумкин. Аммо фарзанд тарбияси ўзига хос муаммоларга эга эканини ҳам тан олмасликнинг иложи йўқ. Қўшимча боб сифатида китобда келтирилган ғояларни фарзандлар тарбиясида қандай фойдаланиш мумкинлиги бўйича қисқача кўрсатма берганман.

Ушбу бобни “atomichabits.com/parenting”дан юклаб олишингиз мумкин.

ТАШАККУРНОМА

Китобни яратишда бошқалар ёрдамига суюнганман. Ҳаммадан ҳам олдин китоб ёзиш жараёнининг бошидан охиригача мен билан бўлган рафиқам Кристига ўз миннатдорчилигимни билдиromoқчиман. У менга кўмаклашиши мумкин бўлган барча ролларни, турмуш ўртоқ, яқин дўст, мухлис, танқидчи, муҳаррир, изланувчи, психотерапевт ролларини ўйнади. Китоб усиз бошқача бўлар эди дейиш муболағабўлмайди. Китоб умуман ёзилмаслиги ҳам мумкин эди. Ҳаётимиздаги ҳамма нарсалар сингари бу ишни ҳам биргаликда амалга оширганимиз.

Иккинчи ўринда оиласам олдида қарздорман. Улар нафақат ушбу китобни ёзиш пайтида мени қўллаб-қувватлаб, далда бериб туришди, балки қайси ишга қўл урсам ҳам мена ишониб келишган. Мен йиллар давомида ота-онам, бўвим ва бобом, ука ва сингилларим кўмагидан фойдаланиб келганман. Айниқса, онам ва отам уларни яхши кўришимни билишларини истайман. Ота-онамиз энг ашаддий мухлисларимиз эканини билиш жуда ҳам ажойиб ҳиссиётдир.

Учинчидан, ёрдамчим Линдси Наклсга раҳмат айтмоқчиман. У бажарадиган вазифаларни бир сўз билан тасвиirlаб беришнинг имкони йўқ. Унга кичик корхонада юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай муаммони

ҳал қилиш топширилган. Бахтимга унинг кўнижмалари ва истеъоди менинг мақтовга нолойиқ менежмент услубимдан яхшироқ чиқди. Китобнинг айрим қисмлари иккаламизга бирдек тегишли. Мен унинг кўмагидан бағоят миннатдорман.

Китобнинг мазмунига келадиган бўлсак, миннатдорчилик билдиришим керак бўлган инсонлар рўйхати узундан узоқ. Авваламбор улар орасида менга кўп нарса ўргатганлар борки, ularни эслаб ўтмаслик жиноят бўлади. Лео Бабуата, Чарльз Даҳигг, Нир Эял ва Б.Ж. Фогларнинг ҳар бири одатлар ҳақидаги тасаввурларимни сезиларли даражада ўзгартириб юборишган. Уларнинг ишлари ва ғоялари бутун китоб бўйлаб сочилиб кетганини кўриш мумкин. Агар китобим сизга манзур бўлган бўлса, уларнинг асалари билан танишиб чиқишингизни тавсия қиласман.

Китобни яратишнинг турли даврларида кўплаб ажо-иб муҳаррирларнинг йўл-йўриқларига таяниб ишлаганман. Китобни ёзишга энди қўл урган пайтларимда менга кўмак бериб, керак бўлганда яхшилаб адабимни бергани учун Питер Гуццардига раҳмат. Илк уринишларимда ёзган бесўнақай ва ўта узун қораламаларимни лўнда, ўқиш мумкин бўлган қўлёзмага айлантиришда берган ёрдами учун Блейк Атвуд ва Робин Деллаболар олдида қарздорман. Анна Барнгровердан китобга ўз услуби ва шоироналиқ қўша олгани учун миннатдорман.

294 | Илк қўлёзмаларимни ўқигани учун кўплаб одамлар қатори Брюс Аммонс, Дарси Анселл, Тим Баллард, Вишал Бхардваж, Шарлотта Бланк, Жером Берт, Сим Кэмпбелл, Аль Карлос, Ники Кейс, Жули Чанг, Жейсон Коллинз, Дебра Крой, Рожер Дули, Тьяго Форте, Мэтт Гартленд, Эндрю Гирер, Рэнди Гиффен, Жон Гиганти, Адам Гилберт, Стефан Гайенет, Жереми Хендон, Жейн Хорват, Йоаким Янссон, Жош Кауфман, Энн Кавана, Крис Клаус, Зик Лопес, Кэди Мейкон, Сид Мэдсен, Кира МакГрат, Эми Митчелл, Анна Моис, Тараси Моррис, Николл Нельсон, Тейлор

Пирсон, Макс Шэнк, Трей Шелтон, Жейсон Шен, Жейкоб Зангелидис ва Ари Зельмановга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Китоб сиз берган таклифлар билан янада сайқалланди.

Китоб дунё юзини кўришига қўшган ҳиссаси учун “Avenger” ва “Penguin Random House” жамоаларига раҳмат айтаман. Қўлёzmани топшириш муддатини бир неча бор ўтказиб юборишимга қарамасдан туганмас тоқати учун ношир Меган Ньюманга алоҳида ташаккур билдираман. У мен ҳозирда фахрланаётган китобни яратиш учун шароит яратиб берди ва менинг ғояларимни ҳар қадамда тиштироғи билан ҳимоя қилди. Менинг фикрларимни сақлаб қолган ҳолда матнни ўзгартира олгани учун Нинанинг, китобдаги ғояларни мен ҳеч қачон қила олмайдиган даражада кўп одамларга тарқатгани учун эса Линдсей, Фарин, Кейси ва “Penguin Random House” жамоасининг бошқа вакиллари, китобнинг муқовасини дизайнлагани учун Пит Гарсу олдида миннатдорман.

Агентим Лиза ДиМонага нашр қилиш жараёнининг ҳар бир босқичини тушунтириб, йўл-йўриқ кўрсатгани учун раҳмат айтаман.

Китобни ёзиш қандай кечаётганини сўраб, доимо “жудасекин” деган жавобимни олгач, илиқ сўзларини аямаган барча дўстларим ва танишларим ҳам ёдимда. Ҳар қандай ёзувчининг ҳаётида оғир кунлар бўлиб туради. Шундай пайтларда битти яхши сўз ҳам ишни давом эттиришга янги куч бериши мумкин.

Қанчалик қаттиқ уринишимга қарамасдан яна бошқа одамлар ёдимдан кўтарилган бўлиши мумкин. Аммо фикрлашимга таъсир кўрсатган одамлар ёдимга тушди дегунча “jamesclear.com/thanks”га киритиб, рўйхатни янгилашиб қўяман.

Ва ниҳоят китобхонга ҳам ташаккур айтаман. Умр қисқа, сиз эса қимматли вақтингизнинг бир қисмини шу китобни ўқишига сарфладингиз. Катта раҳмат.

Жеймс КЛИР

АТОМ ОДАТЛАР

Кичик ўзгаришлар, катта натижалар

Таржимон
Сарвиноз Қосимова

Муҳаррир	З. Гуломова
Мусаҳҳилар	Й. Маҳмудов
	У. Абдусаломова
Дизайнер	А. Умарова
Саҳифаловчи	Х. Йўлдошев

Ушбу китобнинг ўзбек тилига таржимаси учун муаллифлик
хуқуки “Asaxiy books” лойиҳасига тегишли бўлиб, “Asaxiy books”
руҳсатисиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа хар
қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон
Республикаси қонунларига биноан такикланади.



Тасдиқнома №5295, санаси: 23.01.2021

Босишига 20.12.2021 да рұхсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Офсет
коғози. Офсет босма. Calibri гарнитураси. Шартли босма табоги
15.74. Босма табоги 9.37. Адади 3000 нұсха. Буюртма № Д177.

“Offset print” МЧЖ босмахонасида босилди.

Босмахона ва нашриёт манзили:

Тошкент вилояти, Зангигита тумани, Ўнқўрғон кўчаси, 4-үй.